

1988

4

ЁШЛАМЖ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ  
МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ЁЗУВЧИЛАР  
СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

(52)  
АПРЕЛЬ

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Баходир ЖАЛОЛОВ,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Улуғбек МУСАЕВ,  
Фарҳод МУСАЖОНОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул секретарь),  
Урие ЭДЕМОВА,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Ғаффор ҲОТАМОВ

ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти







— Билмайдигандай сўрайсиз. Совхоздаги ҳалигидақа даромадлар ҳаммага маълум-ку?

— Маълум бўлмаса-чи?

— Унда қизиқиб кўринг. Мен бир нима дея олмайман,— Мавлуданинг дардли овозида қатъият пайдо бўлди.

«Асабийлаша бошлади. Демак, ҳақиқатга яқин бор-япман. Муносабат... Даромад... Иккита яраси бор. Ҳозир индамайди. Азобга чидамоқчи. Яра мадда олгунча чидар. Иситма ошкор қилгунча тишини-тишига қўяр. Унгача мен қоронғи кўчаларда гарангсиб, тентирайманми? Йўқ, хоним, дардингизни вақтлироқ айтишингиз керак... Совхозда қандай мўмай даромад бўлиши мумкин? Кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар эвазига келадиган маблағ. Аммо буни аниқлаш, кейин исботлаш лозим — гап-сўз билан эмас, ашёвий далиллар билан. Балки «даромад»ни бўлишда келишмовчилик юз бергандир?» Нозима дафтарчасига «даромад» деб ёзди-да, қаршисига сўроқ аломатини қўйди.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, албатта қизиқиб кўраман,— деди у дафтарчасини ёпар экан.— Энди яна бир савол: чархпалак ҳақида эшитмаганларида совхозга келмас эдилар, дедингиз. Шунинг институтда синаб кўрса, бўлмасмиди?

— Бўларди. Лекин кўп вақт кетарди. Рухсат ол, ҳужжатларни тўғрила, расмийлаштир, деб оворайи сарсон қилишарди. Совхозда-чи, келиши билан ўн еттита жойга чархпалак ўрнатиб беришди. Эрта баҳордан кеч кузгача муттасил ҳаракатда. Институтда уч-тўрт ойда эмас, бир-икки йилда ҳам бунақа шароит яратилиши амримаҳол.

— Йигирма иккинчи август куни эрталаб Омонтурдиев эрингизни қаерда кўрган бўлиши мумкин эди?

— Уша куними?... Мавлуда қўлидаги ғижим рўмолчага тикилиб, ўйланди. Сўнг, Нозимага тик қаради.— Ҳеч қаерда.

— Нега?

— Директор Тошкентда бўлган. Қандайдир мажлисга кетган экан. Кириовди куни келиб, ота-онасидан кўнгил сўради.

— Қизиқ, ўзининг айтишича, ўша куни эрталаб у Садировни кўрган. Садиров маст бўлган.

— Ёлғон!— Мавлуда ўрнидан туриб кетди, у Нозимага ҳайрат билан боқди.— Шу гапни ўзи айтдимиз, ўз оғзи билан айтдимиз?

— Айтди, ёзиб ҳам берган.

— Ғаламис, ғаламис...— Мавлуда муштини қаттиқ қисди, қуйи лабини тишлади. Кўзлари чақнади. Шу тобда бор гапни — бир пайтлар Омонтурдиев ўзига ошиқу шайдо бўлганлигию унинг кейинги найранглари, Комилни ҳаромга тортишга уринганлари — ҳамма-ҳаммасини айтишга чоғланди. Бир зум, у бир зум шу қарорида турди. Кейин, айтгани эрининг шаънига ҳам тегиши мумкинлигини ўйлаб, фикридан қайтди. Эрининг ҳаромдан ҳазар қилишини қандай исбот этади? Омонтурдиев без бўлиб, тенг шерик эдик, деб туриб олса, додини кимга айтади? Йўқ, йўқ, бу гапларни ичига ютади. Айтмайди, айтолмайди...

— Нима учун ёлғон гувоҳлик берган, сабабини билмайсизми?

— Сабабини... ўзидан сўранг.

— Баъзи гапларни очиб айтмаяпсиз, сезиб турибман. Айтгингиз келиб қолса, мана, менинг телефоним, адресим. Истасангиз, кўнғироқ қилинг, йўлингиз тушса, кириб ўтинг.— Нозима шундай деб, адреси ва телефон номери ёзилган қоғозни унга узатди.— Савол-жавобимизни бир мулоҳаза қилиб кўринг. Нималарга қизиқа-

ётганимни билиб олдингиз. Кейин...— Шу ерга келганда Нозима таваккал қилди,— институтда ўқиб юрган пайтлари Омонтурдиев билан Садиров ўртасида бўлиб ўтган хафагарчиликни ҳам батафсилроқ эшлашга ҳаракат қилинг!

Нозима, аслида, ҳар қалай, шунча йил бирга ўқишган, гап талашган пайтлари бўлгандир, ахир, деб гумон қилган эди. Кўзини юмиб отган ўқи фавқулудда нишонга теги. Мавлуда шоша-пиша:

— Биласизми, ахир, унда Комил акамнинг заррача айби бўлмаган, — деди.— Ноҳақликка чидаёлмай, ҳақ гапни айтганлар. Муҳокамада бир у эмас, бошқалар ҳам гапирган. Бу кишининг айблари шуки, ҳайдәлсин, деб таклиф киритганлар.

— Кейин-чи?

— Кейин... қарор қабул қилинди. Лекин негадир Омонтурдиевни ҳайдашмади.

— Уша мажлис қайси йили бўлганди?

Мавлуда ялт этиб унга қаради: «Билмас экан-ку!»  
— Тўртинчи курсда, пахтада. Демак, 1971 йилнинг ноябрида, айни байрам кунлари эди.

— Майли, бунинг аҳамияти йўқ. Энди охириги саволим — буни сўрамай девдим, чунки сизга оғир ботишини биламан, лекин иложим йўқ — фарзанд масаласида. Гувоҳлар, Садиров фарзандсизлигидан сиқиларди, дейишган?

Мавлуда чуқур хўрсинди, сўнг рўмолчаси билан оғзини тўсди-да, бошини эгиб олди. Анчадан кейин:

— Ким сиқилмайди?— деди бошини кўтармай.— Лекин ҳар қанча сиқилсалар ҳам бировга арз-дод қилмаганлар.

— Айб у кишида бўлганми?

Мавлуда шарт бошини кўтарди.

— Йўқ, йўқ,— деди у шошиб,— айб менда эди. Қизлигимда қаттиқ шамоллаганман. Шунинг асорати...

— Керак бўлсангиз, сизни шу ердан топанми?

— Йўқ, «қирқ»ларини ўтказиб, шаҳарга, онамникига қайтаман. Бу ерда ортиқ турулмайман.— Мавлуда ўзини тутолмай йиғлаб юборди.— Кетаман. Кетаман, дейман-у, кетсам, раҳматли орқамдан чирқиллаб қолаётганга ўхшайдилар. Кетмасам, қайнонам кун бермайди. «Сени деб боламдан зурриёд қолмади», деб қарғайди. Менга қолса... Менга қолса, этакларини болага тўлдириб ташламасмидим...

Мавлуда йиғлай-йиғлай чиқиб кетди.

Нозима шу икки кун бадалида бениҳоя толиқди. Бетиним оғир юк кўтаравериб суяклари зирқираган, шу меҳнати эвазига лаънат эшитиб, руҳи чилпарчин бўлган одам аҳволига тушди. Чаккалари оғриб, қовоқларига бир нима қадалаётгандай туюлди. Участка инспекторидан бош оғриқ дори сўраган эди, у елкасини қисиб, кулди.

«Елкасини қисгани-ку, тушунарли, аммо нимага ишшайди,— деб ўйлади Нозима у билан хайрлашгач,— бошоғриқ ишининг кетидан юриб, бошингизни оғритиб нима қиласиз, демоқчимиз? Е, эплаган одам ишлайди бу соҳада, деб тиржайдимиз? Ҳали бу «Иш»ни тугатгунча волидолга ўтиб олмасам эди. Намунча! Бош оғриғига шунча гапми? Сал чарчадим. Утиб кетади. Утиб кетади. Утиб кетади... Ана, зирқираши қолди. Иссиқ чой бўлса... Кечгача уйга етиб олиш керак...— Машинага чиқиб ўтириб, соатига қаради.— Улгураман. Дилшод, аям қани, деявериб, ҳаммани безор қилгандир? Икки кунда икки вагон гап йиғилиб қолгандир уйда. Икки кунлик юришим учун икки ҳафта қош-қовоққа чидайман энди. Ё, тавба!...»

Нозима буларни ўйлаган сайин бош оғриғи зўрайди.

Хаёлни чалғитиш учун атрофга қаради: дарахт кам. Уйлар тартибсиз сочилиб ётган қутиларга ўхшайди. Йўл четларида ернинг шўри чиқиб ётибди. Атрофда эътиборни тортадиган нарса ҳам йўқ. Участка инспекторининг «Запорожец»и кўкйўтал касалга ўхшаб йўталиб-йўталиб, силкиниб-силкиниб кўяди. Инспекторнинг хотиржамлигига қараганда, машина «ўладиган» аҳволда эмас, автостанцияга етиб олишади.

Бахтига, шаҳарга борадиган автобус энди ўрнидан кўзгалаётган экан, чиқиб олди. Уртадаги бўш ўриндикка ўтирди. Оғриги зўрайиб, автобусдагиларга тузукроқ разм солмай, бошини ойнакка қўйди-да, кўзларини юмди.

Олдинги қатордан боланинг йиғиси эшитилди. Шу сабаб бўлиб, Мавлуданинг куйиб айтган бояги гапларини эслади: «Менга қолса, этакларини болага тўлдириб ташламасмидим...» Кўнгли дардга тўлиб, ўксиб-ўксиб айтди бунини. «Менга қолса...» Нимага шундай деди? «Мен туғишни хоҳлардим, лекин эримдан бола бўлмади», дегани эмасми бу? Ёки «туғмас хотин бўлиб қолмаганимда...» деганими? Унақасига ҳам тушунса бўлади, бунақасига ҳам. Ҳарҳолда, текшириб кўриш керак. Одамнинг юз-кўзига қараб, билиш қийин. Гап оҳангию кўз қарашлари ҳам алдаши мумкин...» Шу ўтиришда кўзи илинибди. Шаҳарга етай деганда уйғонди. Автобусдан туша солиб, такси тўхтатди-да, уйига шошилди...

Уғли кучоқлаб олганича анчагача қўйиб юбормади. Қайнонаси ошхонада экан, бир кўлида қошиқ кўтарганича чиқиб, саломга алик олгач:

— Бугун ҳам қолармикинсиз, дебмиз?— деди.

«Пичинглар бошланди...»

— Вақтлироқ қайтмоқчи эдим-у, икки кишини сўроқ қилишга тўғри келди.

— Болангизнинг юраги узилиб кетди.

Нозима ҳам меҳри жўшиб, ҳам дили пораланиб ўғлининг юзига-юзини қўйди.

— Адаси кўринмайдиларми?

— Ошхўрлиги бор экан. Узимизга мастава солиб қўйдим.

Мухтор ширакайф ҳолда қайтди. Нозима билан, ҳарҳолда, нохушгина сўрашди. Нозима, эрим кечикканим учун хафа, деб ўйлади. Мухтор ётар маҳалида тундлийнинг боисини айтди:

— Бугунча бирга ётмайлик,— деди у. Урин солаётган Нозима ёстиқни ушлаганча донг қотди.— Кўнглингга келмасин. Лекин икки кундан бери кўз юмсам, сени мурданинг устида кўраман. Баданим музлаб кетади. Ирганаётганим йўқ, хафа бўлма. Асли, бошида айтмасанг бўлар экан. Бир-икки кун ўтсин, одатимни биласанку...

Билади. Мухтор ҳатто кўнгли тортмаган одамнинг пиёласида чой ичмайди, мабодо шунақалар билан кўришгудай бўлса, қўлини қайта-қайта совунлаб ювиб, атирда артади. Қайси бир йили машина унинг кўз олдига мушукни мажжақлаб ўтган экан, тўрт-беш ой гўшт емади... Нозимага бу одати маълум. Шунинг учун индамади.

Уринни бошқа солди.

Кўзи ёриб, чилласи чиққандан бери бўлак ўринда ётмаган эди. Хўрлиги келди. Дардини ичига ютди.

Эрталаб чой тайёрлаётганда овсини кириб келди.

— Жиянбоевга учрашдик. Гапимизни эшитмади,— деди ҳол-аҳвол сўрашгач.— «Агар атрофимда шунақа ўралашавериб, ўртага одам қўяверсангиз, «153» билан «154»ни нақ пешонангизга ёпиштираман», дейди. «Бу нима деганингиз?» десак, «Уша қариндошингиздан сўранг, тушунтириб беради», дейди.

Нозима қайнонасига чой узатгач, ўйга толгандай бўлиб, бир оз жим ўтирди. У терговчининг мақсадини дарҳол англаган, лекин буни овсинига, қайнонасига қандай тушунтиришни билмай гаранг эди. Қайнонаси — баҳорда шамолласа, кузда акса урадиган тоифадан — бу ишга аралашмайди, майда-чуйда гап билан иши йўқ. Лекин дастурхон атрофида ўтирганлар... Нозима уларга бир нима дейишга мажбур.

— «153» билан «154» дегани, жиноят кодексининг моддалари. «153» — сизга, «154» — менга тегишли. Пора берган одам уч йилдан саккиз йилгача, ўртада турган эса етти йилдан ўн беш йилгача...

— А?! — Мухтор ўрнидан туриб кетаёзди.— Ўн беш йилгача?

— Ҳа, бунинг ичида мансабни суиистеъмол қилиш ҳам бор.

— Сен аралашма бу ишларга, эшитдингми, аралашма!— Мухтор шундай деди-да, пиёлани хонтахтага тўқ эткизиб қўйди.— Бир камии турмага овқат ташишим қолувди.

— Биров хотинингни қаматаётгани йўқ-ку, мунча ҳовлиқасан, ўзингни бос!— деди онаси.

— Вой, биз фақат маслаҳатга келяпмиз-ку,— деди янгаси.

— Маслаҳатга келсангиз, эшигимиз очиқ. Лекин бунинг,— Мухтор Нозимага имлади,— бошини қотирманг. Бўпти, мен кетдим.

Нозима эрини қузатишни ҳам, жойида ўтираверишни ҳам билмади. Қайнонасининг тумтайганини кўриб, ўрнидан жилмади.

— Терговчига, қуруқ қўймаймиз, деб яна шаъма қилганга ўхшайсизлар?— деди Нозима дастурхон учини беихтиёр қайириб.

— Йў-ўқ, барака топинг, болаларингизнинг роҳатини кўринг, тўйларингизда хизмат қилайлик, дедик...

— Шу гаплар шартмиди? Қодирларни гумонсираб эмас, балки жиноят устида қўлга олишган. Одамлар яраланган. Энди дуо билан жазодан қутқариб қоллолмайсиз. Жиянбоевнинг айтишича, укангиз ўзига-ўзи қиялпти. Ўғрибоши мен эдим, деб турган эмиш.

— Вой, шўрим, нимага ўғрибоши бўларкан?

— Қодир ҳали балоғатга етмаган. Шериклари эса ўн саккиздан ошган, оғирроқ жазо олишади. Агар, шулардан бири ўғрибоши бўлиб чиқса, унинг жазоси яна ҳам оғирлашади. Укангиз мардлик қилиб, ўзича, ўғрибошининг жазосини енгиллатмоқчи. Энди терговни чалғитгани учун бўйнига қўшимча айб қўйилади. Қодирга буни тушунтириш керак.

— Барака топгур, ўзингиз тушунтиринг.

— Бу ишга аралашолмайман, ҳаққим йўқ. Мабодо, терговни менга топширишганда ҳам, рад этмай иложим йўқ эди. Чунки қариндошлигимиз бор. Майли, Жиянбоев билан яна бир гаплашиб кўрай. Балки Қодир билан суҳбатлашишга рухсат этар. Агар, укангиз тўғри маълумот берса, тергов енгиллашади.

— Бўйнига олса, неччи йил беради?— деди қайнонаси.

— Ҳозирча бир нима дейиш қийин.

Овсини, ойисига қийин бўлгани, дадасининг ранги сарғайиб кетганини айтиб, кўзларига ёш олди. Қайнонаю келинининг ўзаро гапи бошлангач, Нозима узр сўраб, ўрнидан турди. Қайнонасига чой дамлаб берди-да, ишга отланди.

Хонасига кирган ҳамано стол устида ётган газетага кўзи тушди. Одатда, у столи устида ҳеч нарса қолдирмас эди. Ҳайрон бўлиб, газетани қўлига олди. Биринчи саҳифада «Қимматли ташаббус» деган йирик сарлавҳа кўзга ташланиб турар, сарлавҳа остида — сурат. Су-

ратда... Тўхтамиш Омонтурдиев. Бир қўлида буклоғлиқ газета. Иккинчи қўли билан пахтазорни кўрсатиб гапиряптию атрофидагилар гўё жон-қулоғи билан тинглапти... Нозима тик оёқда мақолани ўқиб чиқди. Маълум бўлишича, ўн учинчи совхоз пахтакорлари ҳосилни 43 кучлари билан териб олишга, шаҳардан ҳашарчи чакирмасликка қарор қилишибди. Ташаббус областда қизғин маъқулланибди...

Нозима ажабланди: газетани ким қўйган? Мақсади нима? Омонтурдиев билан ўйнашма, демоқчими? Бу — ташаббуслар, шов-шувларнинг «Иш»га нима дахли бор? Омонтурдиев жиноятчи бўлиб чиқса, ташаббуси эвазига жазодан олиб қолинмайди-ку? Ёки бу «кўрққан олдин мушт кўтарар»нинг бир кўринишими?

Шу ўйлар билан банд бўлиб турганида эшик қия очилди-да, Бўтаев кўринди.

— Ҳа, келдингизми? — деди у остона ҳатлаб, — газетани кеча мен қўювдим. Уқигандирсиз?

— Ҳа, ўқидим. Лекин нима мақсадда қўйганингизни тушунмадим.

— Нимасига тушунмайсиз? — Бўтаевнинг қошлари чимирилди. — Эҳтиёт бўлинг, Омонтурдиев катталарнинг назарига тушган одам, демоқчи эдим.

— Катталарнинг назарига тушган бўлса, «Иш»ни енгил-елпи ёпиш керакми?

— Синглим, аввало сиздан ёшим катта, қолаверса, мансабим ҳам юқори. Ҳадеб бетга чопманг-да. Аёл киши, ҳатто бизнинг соҳада ҳам мулойимлигини йўқотмаслиги керак. Бунақада сиз билан узоқ ишлай олмаймиз. Хў-ўш... эксгумация натижаси қандай?

— Гувоҳларнинг даъвоси тасдиқланмади. Марҳум ичмаган экан. Ундан ташқари, орқа миясига ўтмас нарса билан урилган.

— А? — Бўтаев эшикни ёпди. — Ичмаган бўлса... Қизиқ, қизиқ... Энди нима қилмоқчисиз?

— Эртага марҳум чўккан, мурда чиқариб олинган жойларни аниқлайман. Яна баъзи бир ойдинлаштирадиган масалалар бор. Умуман, жиноий иш кўзгаш керакка ўхшайди. Полковникка айтгандим...

— Хўш?

— У киши ҳали эртасмасикин, дедилар.

— Эрта... Ҳа, ҳали эрта. Бу — биринчи мустақил ишингиз. Ҳар қадамингизни ўйлаб босинг. Очиғини айтмай, бунчалик астойдил киришарсиз, деб ўйламовдим. Лекин «Иш»ни яхши якунлашингизгаям тўла ишонч ҳосил қилмадим.

— Очиқ айтганингиз учун раҳмат, ўртоқ майор. Менга нима учун ишонмаслигингизни биламан.

— Нима учун?

— Аёлман-да.

— Тўғри, шерлок холмслик — эркакларнинг иши. Фикримга қўшилмайсиз, шундайми? Ҳеч бўлмаса, учинчи курсдалигингизда учратсам ҳам сизни бу йўлдан қайтарар эдим. Энди кеч. Ҳозир бошқа бўлимда ишлаганингиздаям балки бунақа муомала қилмасдим.

— Мен ҳам гапни очиқ айтсам майлими, ўртоқ майор?

— Айтинг.

— Сизда озгина феодаллик бор.

— Феодаллик? — Бўтаев унга қараб, бош чайқади. — Йўқ, бу феодаллик эмас. Хотин-қизлар масаласида бир нима десангиз, бас, феодаллик тўнини кийдириб қўйишади. Аёлларнинг ишлаши масаласида менинг ўз қаршим бор. Кўпчиликка бу ёқмаса-да, барибир, ўз фикримда қоламан. Жамиятимиз аёлларга озодлик бердими? Берди. Тенг ҳуқуқ бердими? Берди. Аёлларнинг жамиятни тебратишдаги хизматидан кўз юммайман, лекин баъзи ҳолларда уларнинг ишини оғирлашти-

риб қўймадикмикин? Биласизми, мен асфальт тўшаётган, бетон қораётган хотинларни кўрсам, бўғилиб кетаман. Расталарда сийнабанд сотиб ўтирган, ошхоналардаги биққа семирган йигитларни гиппа бўғиб, судраб обборсаму ўша — асфальтчи, бетончи хотинлар ўрнида ишлатсам, дейман. Ҳорижда аёллар бокс тушаркан, футбол ўйнаркан. Бизда-ку, бунга йўл қўйилмайди. Лекин жазирамада асфальт тўшашу бели букилиб, тоғдай пахта пайкалдан кўтариб чиқиш... Бу ёқда тоғни терса талқон қиладиган йигитларнинг, «Назираҳон унча урди», «Зиёдахон бунча терди», деб чўт қоқиб туриши... Феодал деб мана шунақаларни айбласангиз, ярашади. Ўртоқ Қосимова, иш юзасидан саволингиз борми?

— Йўқ.

— Керак бўлсам, кирарсиз...

Бўтаев чиқиб кетди. Нозима ишга кирганидан буён рўйхуш бермаётган бошлиғи билан, мана, бугун сал очилиб гаплашди. У Бўтаевнинг нега «очиқ-социлган»ини билмаса-да, бирдан кўнгли илиди. Бўтаев ҳақ гапни айтди. Нозиманинг ўзиям, бир эмас, бир неча дўконга кириб, неча бор ичкўйлак сўрашга уялган, қуруқ чиққан. Лекин мана бу иш аёллар боп, мана буниси уларга тўғри келмайди, дейиш ҳам нотўғри. У Бўтаевнинг шу фикрига қўшила олмади.

Нозима Жиянбоевга телефон қилиб, мақсадини айтган эди, терговчи, ярим соатдан сўнг Қодир сўроққа олиб келинади, марҳамат, қатнашинг, деди.

Қодирнинг юзи шишинқираган, кўзлари бежо эди. Нозима, аввал унга уй ичидагилар нотинчлигини, айниқса, ота-онаси қаттиқ ташвиш чекаётганини айтди, унинг насиҳат қилган бўлди. Жўрттага бўйнига олаётган айби оғир жиноят эканлигини ҳам тушунтирди. Қодир унинг гапларини миқ этмай эшитди. Аҳён-аҳёнда терговчига ўғринча қараб қўйди. Жиянбоев эса бир лаҳза бўлсин, ундан кўз узмади.

— Опангнинг гапларини эшитдингми, чуқурроқ ўйлаб кўр, — деди у ниҳоят.

Қодир унга қараб, истеҳзо билан тиржайди.

— Опачамизни бекор овора қилибсиз, гражданд терговчи. Уша гапим гап!

Буни эшитиб, Нозима сапчиб туриб кетди. Аралашганига минг пушаймон еди.

Жиянбоев ҳорғин одимлаганча Қодирнинг тепасига келди. Нозима, унинг безрайиб турганини кўриб, ўзи истамаган ҳолда:

— Қодир, аҳволингга бир қарасанг-чи, ахир сен шунақа курсида ўтирадиган боламисан! — деб юборди. Бироқ, Қодир ўзига бошидан-оёқ разм солганини кўриб, ҳам тутақди, ҳам энсаси қотди. «Илгари бунчалар безбет эмасди, ё мен сезмаган эканманми?»

— Бунақа курсида ўтирадиган бола қанақа бўлиши керак? Нега ҳадеб ақл ўргатасиз? Шунақа ҳаёт менга ёқса-чи? Сизга нима ўзи?


— Ахир, ота-онанг...

— Э-э! — Қодир қўл силтади.

— Боравер, бугунги сўроқ тугади, — деди Жиянбоев. Қодир туриб, қўлини орқасига қилганича эшикка томон юрди.

— Шундай бўлишини билардим, — деди Жиянбоев, милиционер Қодирни олиб чиқиб кетгач. — Бу аҳволда қамалиб чиққандаям тузалмайди, яна ҳамтовоқлари билан топишади. Уй ёниб битди, сув селишга на ҳожат. Панд-насиҳатларни вақтида қилиш керак эди. Шунақа, ўртоқ лейтенант. Бугун ишим сал зикроқ, хафа бўлмайсиз.

Нозима хонасига келгач, қўли сира ишга бормади.



Иягини кафтига тираб ўтирганча, «нимага аралашдим, а, деб ўзини койий бошлади, менга нима? Инсофли бола бўлса, шу йўлга кирармиди. Феъли — маълум-ку. Борингки, эс-ҳушини йеғиб олиб, бор гапни очиқ айтди, дейлик. Барибир, чекига тушганини олади. «Ўтириб» чиқади. Қолган шериклари ҳам бир-икки йил оралаб озод бўлишади. Сўнг топишишмайдим? Шунга имонинг комил эдимиз ўзи? Йўқ. Эси бутунининг кўзи очилади, тўғри йўлга тушиб кетади. Лекин бу Қодир... Банкка ҳужум қилишдан тап тортмаган бола кўчада сайр қилиб юрган кўғирчоқдек қизга ғираширада дуч келиб қолса, унинг ўзига — Нозимага ҳужум қилишдан қайтармикин? Қимматбаҳо теллак ёки жинси шим учун беғуноҳ бир кимсани ўлдириб кетиши ҳеч гап эмас. Шунақа ноқобилнинг жазосини енгиллатиш учун ўртага тушиб юрибман-а! Қандай калтабинлик! Шундайларнинг жазосини бериш учун бу касбни танлаган бўлсам-у, яна иродамга қарши юрсам?! Нималар бўляпти ўзи? Ишим, мақсадим бўлак, уйим, туриш-турмушим бўлак. Иккови — икки олам. Бу ерда қонун юзасидан талаб қиламан. У ерда эса мутеман. «Бола жиноят қилган, шунга яраша жазо олиши шарт», десам, бўлар эди-ку?! Нега айтолмадим? Тили қисқлик жойим йўғ-у?... Фиди-бидилар, юз кўрмас бўлиб кетиш... Бир ярамас бола ҳаммани ташвишга қўйиб ўтирибди. Ярамас... Дўппи тор келганда шундай деймиз. Лекин у безори бўлиб туғилмаган эди-ку? Жиноятга ўзимиз имкон берамиз, кейин... Қодирнинг бевақт юришини уйдагилар билишмасмиди? Она сути оғзидан кетмаёқ ича бошлаган. Ҳозир сўрасанг, «Йўқ, билмапмиз», дейишади. Билмай бўпти! Эси кириб қолар, деб эркига қўйиб беришган. Мана, оқибати! Мен бўлсам... «Менга шунақа ҳаёт ёқади», дейди-я. Еқмай-чи? Ота-онаси зир югуриб юрганини билади. Барибир, қутқариб олишади, дейди. Шунинг учун осмонда. Ҳозир қутқариб олмаган тақдирда ҳам, қамоқдан чиқиб келса, кучоқ

очиқ кутиб олишларини билади. Бу қилмиши учун ҳамма юз ўгириб кетса, ўзиям шунга билса, бунча талтаймас эди. Ҳа, майли, ҳассамни бир йўқотдим-да, қайтиб бунақа ишга аралашмайман. Бусиз ҳам... эртага ўн учинчи совхозга бориш керак. Ҳамидованинг тўйи ўтгандир? У билан гаплашсам... Ҳозир Садиров ўқиган институтга кириб, ўша мажлисининг протоколини бир кўрай-чи...»

Нозима шу қарорга келиб, ўрнидан турди. Майор Бўтаевга йўлиқиб, институтга отланганини айтди-да, кўчага чиқди.

У бориб, тўппа-тўғри факультет деканига учрашди. Декан бўйдор, бақбақалари осилган киши экан. У бидирлаб, сўзларни ямлаб-юмлаб гапирар экан, шунданми, дастлаб Нозима ҳеч вақони англамади. «Студентлар лекциясини қандай тушунаркин?» деб ўйлади.

Декан Омонтурдиевни дарров эслади.

— У, чаптаст йигит эди, — деди у, — бунақалар кесакдан олов чиқаради.

— Яхши ўқирмиди? — деб сўради Нозима.

— Йўқ. Аслида ҳам, билишимча, илм-пилим билан бунақаларнинг миясини ачитмаслик керак. Гап шундаки, тупроқнинг таркибида неча процент калий борлигини билмаса ҳам, бир кун келиб, улар албатта ишбоши бўлишади. Мана, Омонтурдиев — совхоз директори. Эшитгандирсиз, совхозни у йўқдан бор қилди. Агар, районни топширишса, униям гуллатади. Кечаги газетани кўргандирсиз? Қаранг! Қани энди бошқалар ҳам шундай уddaбурон бўлишса! Хўжаликлар ҳосилни ўз кучлари билан териб олишса борми, студентлар, мактаб ўқувчилари ҳам овора бўлишмасди, бунинг ўрнига ўқишарди. Шу маънода шогирдимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Агар, у институтда таҳсил





олмаган бўлганда ҳам шундай катта ишларни қилаве-  
рарди. Бунақаларни туғма талант дейишади.

— Садиров-чи? Комил Садиров, Омонтурдиев билан  
бирга ўқиган.

— Комилми? Эсимда, ўқишни битиргач, ўзимизда  
ишлади.

— Ишлади?

— Ҳа. Узи илмий-текшириш институтида ишлардию  
бизда махсус курс ўтарди. Йигирма йилдан бери декан  
бўлиб, бундай ақлли йигитни кам кўрганман. Зуваласи  
бошқача эди. У Омонтурдиевнинг бутунлай акси.  
Аслида, шунақаларни ўқитиш керак. Яхши илм берсанг,  
эвазига фанни бойитади. Студентлигидаёқ мен билан  
тиккама-тикка олишарди. Ҳа, ҳа, фан кандидати  
бўлганимиз билан, янгиликлардан вақтида хабар то-  
полмаймиз. Билишимча, у бошқаларга ўхшаб, кино-  
пино қилиб юрмас экан. Умуман, кутубхонага уя курган  
студентдан кўрқиб керак! — Декан шундай деб кул-  
ди. — Сен кутмаган саволни берадию «дабдала» қила-  
ди. Дарс ўтаётиб, бир кўзим Комилда бўларди. Домла  
сифатида ҳам пухта эди. Студентларни ўзига жалб  
қилиб оларди.

— Нега уни бутунлай шу ерга ишга чақирма-  
гансиз?

— Бир янгилик устида ишлаётган эди. Комилга  
ўхшаган каллани йигитлар икки йилга қолмай диссерта-  
ция ёклашади. Лекин у кўламдор ишга киришди. Фанда  
шунақа фидойилар бўлади. Айтишларича, ҳозир у ҳам  
Омонтурдиев билан бирга. Қишда бир кўринувди.  
Омонтурдиевнинг кимидир ўқир экан. Шунинг орқаси-  
дан келипти. Бунақа одати йўқ эди, ҳайрон бўлдим.

— Ким экан у?

— Билмадим, хушрўйгина қиз.

— Фамилияси... Ҳамидова эмасми?

— Эслаёлмайман. Адашмасам, ўша совхоздан атиги  
битта студент ўқийди. Зарур бўлса, аниқлаймиз.

— Агар, малол келмаса...

Декан котибани чақириб, айтдики, аниқланг: ким —  
ўша студент? Исми-шарифи...

— Сиз ўн бир йил аввалги бир воқеани эслаёлмай-  
сизми? Байрам кунлари, пахта терими пайтида бўлиб  
ўтган?..

— Омонтурдиев масаласидами? — Декан Нозимага  
қараб кулимсиради. — Билмаган нарсаларинг йўқ.  
Ахир, у жинойи иш эмас-ку? Маънавий бузуқликка  
қарши курашиш учун... муҳокама қилганмиз.

— Сир бўлмаса, батафсилроқ гапириб берсангиз...

— Марҳамат, марҳамат. Қургур Омонтурдиев қиз-  
лар масаласидаям чапдаштроқ эди-да... Бир қизимиз  
билан... нима десам экан, шу — жуда хунук аҳволда  
қўлга тушишганми-ей. Қиз, айб ўзимда, деб туриб  
олди. Омонтурдиев, бир-биримизга кўнглимиз бор,  
уйланадиган бўлганимдан кейин... деди. Хуллас...

— Уйландими?

Декан ўйланиб туриб, бош чайқади.

— Ҳеч қизиқмабман.

— Садировнинг бу ишга қандай алоқаси бор эди?

— Комилми? Бунақа ишларни у хуш кўрмасди.

Мажлисда...

— Гапирганмиди?

— Гапирган эди-да. Гапиргандаям, жуда тузлаган.  
Икковиниям ҳайдашни таклиф қилган.

Шу чоғ котиба кириб келди, у, ўн учинчи совхоздан  
биргина Ҳамидова ўқир экан, деди.

— Раҳмат, — деди Нозима, кейин яна деканга юз-  
ланди.

— Уша мажлис протоколи билан танишишнинг  
иложи борми?

— Ҳў-ўш, янглишмасам комсомолларнинг йиғилиши

эди. Протокол ҳам комсомол ташкилотида бўлади.  
Юринг, котиба қизимиз билан таништириб қўяман,  
у сизга ёрдамлашади.

Архивдан протоколни топишгунча анча вақт ўтди.  
Терим палласидаги шароит сабаб бўлганми, мажлис  
котиби дангасароқ эканми, ишқилиб, протокол ғоят  
сиқик, қисқа ёзилган эди. Садировнинг гапи ҳам бир  
неча жумладангина иборат экан: «Инсон ҳайвондан  
нимаси билан фарқ қилади? Аввало, ҳирсини жиловлай  
олиши билан. Шарм-ҳаёни йиғиштириб, бутазордами...  
пасткашлик қиладиган одамнинг итдан ё бошқа ҳай-  
вондан нима фарқи бор? Одамни одам қилиб тургувчи  
энг юксак туйғуларни оёқости қилган бундай шарм-  
ҳаёсизлар ҳар қандай тубанликдан қайтмайди. Бошқа-  
ларни билмайман-у, мен шундай деб ўйлайман. Бундай  
ахлоқсизларга орамизда ўрин йўқ. Маънан бузуқ  
одамлар диплом олишга, бориб деҳқонларга ақл  
ўргатишга нолойиқ. Ҳа, бу юксак ишончга лойиқ эмас  
булар! Таклифим — комсомолдан ўчириб, институтдан  
ҳайдаш керак. Ҳайдаганда ҳам давлатнинг сарф-  
харажатларини тўлатадиган қилиб ҳайдаш керак...»

Нозиманинг боши қотди. Кўчага чиққач, ишхонага  
борсамми, бормасамми, деб иккиланди. Борай, деса,  
ишхонага етмаёқ қоронғи тушади. Ундан кўра ўғлини  
боғчадан олиб, уйга боргани, вақтлироқ овқатга  
уннагани маъқул. Кейин, ўтириб «Иш»га дахлдор  
бугунги тафсилотларни ҳам бир ипга тизади, «тил-  
сим»ни очишга уриниб кўради. Шу ҳаёл билан бекатга  
ўтаётиб, кўрдики, дуппа-дуруст бир қиз, бир йигит,  
йўлак четидаги ўриндиқда ўтириб, бир-бирига... Қўллар  
чирмашиб кетган. Атрофдагиларга мутлақо эътибор-  
сиз. Гўё бу ёруғ оламда танҳо ўзлари. «Садировнинг  
бояги гапларида ҳам жон бор, деб ўйлади Нозима,  
ахир, шу даражага бориш мумкинми? Куппа-кундузи,  
тагин серқатнов бир жойда...»

Муштоғига интилишу хилватдаги бўсалар Нозимага  
ҳам бегона эмас. Сокин хиёбондаги, кўздан пана  
мажнунтол остидаги шивир-шивирларни ҳали унутгани  
йўқ. Қариб, қартайиб қолганда ҳам энтикиб эсласа  
керак ўша дамларни. Мухтор акасининг шивирлаш-  
лари... юзига урилган илиқ нафаси... Лекин мана  
буларга ўхшаб, одамларнинг кўз олдида... Нозима  
ҳозир, яъни болали бўлганидан кейин ҳам қайнонаю  
қайнотаси олдида эрига термилиб қарай олмайди —  
уялади. Анави ёш-яланглар эса... лоп этиб, хаёлига  
Қодир келдию ортиқ ҳеч нарсани ўйлашни истамай  
бошини сарак-сарак қилди...

Нозима эрталаб сураткаш билан ўн учинчи совхозга  
ўтмоқчи эди. Бахтга қарши, сураткашнинг тоби қочиб  
қолибди. Бўтаев, сиз бораверинг, мен капитан Одиловга  
телефон қиламан, ўзи ёрдам беради, дегач, у йўлга  
тушди.

Уни младший лейтенант Нусратов кутиб олди.

— Одилов райкомга кетди. Сураткаш керак, депсиз.  
Ўзим эплайман, — деди у.

— Қаерда чўккан, қаерда чиқариб олишган — аниқ-  
ладингизми?

Нусратов елка қисди. «Терговчининг аҳволи бу», деб  
ўйлади Нозима.

— Мурдани ким сувдан чиқариб олган экан?

— Ўтган сафар ҳам ғашингизга теккан эдим, а? Ахир,  
бу «Иш»ни ўрганмаганман-ку. Қўлимга қоғоз беришган,  
шу бўйича расмийлаштирганман. Бор гап — шу. Лойқа-  
си чиқишини қаёқдан билай.

— Ҳамма «Иш»ни шу тарзда расмийлаштирасизми?

— Унақа деманг-да. Мен бир кичкина одам бўлсам.

— Дуруст. Энди катта одам бўлгунигизча, лойқаси

чиқмайдиган «Иш»ларни расмийлаштиришга ҳаракат қилинг.

— Сиз мени... мenden бекорга аччиқланыпсиз. Ўзим ҳам тушундим айбимни. Келиб-кетганингиздан бери ўзимдан ўзим бўғилиб юрибман.

— Бу гапларни нимага менга айтаяпсиз?

— Ўзимни оқламайман. Аслида бу ишни сиз эмас, мен, бугун эмас, ўз вақтида қилишим керак эди. Энди, нима қилай? Сизга ёрдамлашсам, дейман-у, ишни нимадан бошлашни билмай — гарангман. Тажрибам йўқ-да.

— Омадингиз йўқ экан, мен ҳам тажрибасизман. Бу — биринчи мустақил ишим. Сиздан иккита илтимосим бор: аввало Омонтурдиевнинг оилавий аҳволини аниқласангиз — хотини ким, неча марта уйланган, болалари... Кейин, бир йўлини топиб, Ҳамидова билан учрашишимиз зарур. Тўйи ўтгандир? А?

— Чақириб, сўроқ қилаверамиз-да...

— Йўқ, — Нозима бош чайқади, — келинчакнинг шаънини ҳам ўйлаш керак. Одамлар гап-сўз қилишмасин, ҳарҳолда, у айбдор эмас, гувоҳ. Ҳозир бешинчи бўлимга борамиз. Мурдани ўша ердан чиқариб олишган.

Бешинчи бўлимга келишганда кун қизиган эди. Биологатория биноси соясида уч киши дам олиб ўтирган экан. Нусратов улар билан саломлашиб, Нозимани таништиради.

— Бош агрономларинг каналга чўккан экан. Шу масалада юрибмиз, — деди Нозима.

— Ҳа, бечора ёш кетди, — деди чопони устида чордана қурган мўйловли киши.

— Ўша кун сиз уни кўрганмидингиз?

— Кўрувдим. Жуда пўрим кийиниб олган экан. Бориб, отамни кўриб келмоқчиман, деб эди.

— Қаерда учратдингиз?

Мўйловли киши тиззалаб, бўйини чўзди.

— Ҳов, ана у — ёлғиз тутни кўряпсизми, ўша ерда — бурилишда.

— У маст эдимиз?

— Каллаи саҳардан-а! Йўқ. Мен сезмадим. Назаримда, йўқ, кайфи йўқ эди.

— Кейин у қаёққа кетди?

— Бу ёққа бурилди.

— Нега энди?.. Сабабини билмасиз, а?

— Ҳов у ерда чархпалаги бор, — деди мўйловли киши канал томонга ишора қилиб. — Ушандан хабар олмоқчи бўлгандир-да. Эки мана бу уйда иши бўлса...

— Бу ёқда ҳеч ким кўринмадимми?

— Бу томонга қарамовдим. Сал юргангидан кейин Субхонни кўрдим. Шу ёққа келаётган экан. Агрономни сўради. Шу боланинг кайфи бор эди. Бир қадам наридан ҳам ҳиди келиб турувди. «Тўйда бўкиб ичипсан-да», деб кўйдим.

— Мурдани ўша сувдан чиқарганми?

— Ҳа, шу. Каналга тушганини узоқдан кўрибди, чамамда.

— Субхонни қаердан топса бўлади?

— Улгурсангиз, уйдан топасиз. Бугун кўчмоқчи эди.

— Уйини кўрсатолмайсизми?

Мўйловли киши эринибгина ўрнидан турди, тўнини ердан олиб қоқди-да, кетмон дастасига илди.

Субхон кўчларини эшик оғзига йиғиб, машина пойлаётган экан. Мўйловли киши унга, сени излаб келишибди, дедию изига қайтди. Субхон милиция кийимидаги Нусратовни кўриб, бир оз саросимага тушди.

— Ҳа, йўл бўлсин? — деди Нусратов унга қўл узатиб.

— Туз-насибамиз кўтарилди, энди ўзимиз униб-ўсган қишлоққа қайтаямиз, — деди Субхон айбдор одамнинг овозида.

У узун бўйли, озғин; юзлари офтобда қорайиб кетган эди. Чақирилмаган меҳмонларни қаерга таклиф қилишини билмай роса гарангсиди.

— Кўчаётганингизни билиб, тўғри келавердик, — деди Нозима. Сўнг, орадаги ноқулайликни кўтариш учун муддаога ўта қолди: — Эшитишимизча, агрономнинг чўкканини кўрган экансиз?

— Ҳа, кўрганман, уни каналдан ўзим судраб чиққанман.

— Батафсилроқ айтиб беролмайсизми шуни?

Субхон катта тугунни очиб, кўрпача олди-да, деворнинг соясига тўшади.

— Утиринглар...

Меҳмонлар ўтиришмади. Субхон тик турганича гап бошлади:

— Эрталаб, узоқдан кўрдим. Биологатория ёнида бир қизнинг қўлидан ушлаб турган экан. Халақит бермай, деб яқин бормадим.

— Қизни танидингизми?

— Йўқ... биттасига ўхшатдим-у...

— Кимга?

— Латофатга. Лекин шуми, бошқами — аниқ билмайман. Бир пайт қарасам, қиз канал томонга югуряпти. Комил ака уни қува кетди. Ҳайрон бўлдим. Шу орада кўздан йўқолишдию ҳадеганда қайтишавермади. Бошим қотиб, канал бўйига бордим. Қиз ҳам йўқ, Комил ака ҳам. У киши-ку, қишлоғига бормоқчи экан, катта йўл бу ёқда қолиб, канал ошиб ўтиб кетмас, деб ўйладим.

— Садиров отасиникига бормоқчи эканлигини қаёқдан билдингиз?

— Эшқўзи ака, боя сизларни бошлаб келди-ку, ўша киши айтди. Хуллас, кўнглимга ғулғула тушди. Бир бало бўлди-ёв, дедим. Бориб қарасам, излар бор, каналга тушган-у, нарёғида йўқ. Бир оз қараб турдим, овоз бериб кўрдим. Йўқ-да, йўқ. Ахийри, ечиниб сувга тушдим. Э-э, узоқ қидирдим. Чўкканига имоним комил бўлиб қолди. Чиқиб, тўғонга югурдим. Икки соатлардан кейин топилди.

— Ёнингизда одамлар бормиди?

— Ҳа, тўғондагилар бирга қидиришди. Шу орада «урилган» дўхтир ҳам келиб қолди. Энсамизни қотириб, ақл ўргатиб турди. Комил акани-ку, топдик, лекин қиз чиқмади.

— «Урилган» дўхтир деганингиз ким?

— Қамалиб чиққан бир одам бор.

— Нима иш қилади?

— Тайини йўқ. Дўхтир дейишади, ўзи дўхтиргаям ўхшамайди. Бир турқи совуқ-эй...

— Исми нима?

— Шоназир.

— Фамилияси?

— Билмайман.

— Мурданинг кийими қанақа эди?

— Ёнги калта оқ кўйлак, жинси шим. Битта туфлиси тушиб қолган экан, тўрт кундан кейин канал бўйидан топдим. Ҳозир биологаторияда тургандир.

— Нега бу гапларни ҳеч кимга айтмадингиз?

— Қизиқ гап қилдингиз-ку. Биров сўраса, айтаман-да. Мана, сиз суриштирдигиз, бошдан-оёқ гапириб бердим. Хотингаям айтганман.

— Қиз билан турганини ҳамми?

— Ҳа.

— Эшқўзи аканинг айтишларича, эрталаб агрономни сўраган экансиз?

— Ҳа, сўровдим. Билсангиз, тўйда ошиб кетган экан.

Эрталаб турсам, бошим тарс ёрилай дейди. Комил акамда зўр пиво бўлар эди. Вақт-бемаҳал сийлаб турардилар. Биолобораториядаги холодильникдан пиво аримасди. Асли, шунинг илинжида келаётувдим.

— Бизга ўша жойни кўрсатмайсизми?

— Ҳозир машина келадиган эди. Майли, бирпас кутар, — деди Субхон, сўнг илдам юриб, йўл бошлади. Садилов қиз билан турган жойни, тахминан — сувга чўккан ва чиқариб олинган ерларни у бирма-бир кўрсатди.

Нусратов суратга олиш, ўлчаш ва қоғозга тушириш билан банд бўлган пайтда Нозима «Иш»ни очиб, полковник Султонов берган хатни Субхонга кўрсатди.

— Сиз ёзганмисиз?

Субхон хатни ўқиди.

— Ёзиб нима қиламан? Тил-забоним бор-ку!

— Очиқ айтишга чўчигандирсиз?

— Бе-е, беш кунлик дунёда кимдан чўчийман? Тарашага ўшаганим билан ҳақимни қўймайман, ҳа.

— Энди терим бошланган пайтда сизнинг кўчиб кетишингиз ғалатию?

— Қовун-тарвузларни йиғиштириб олдик. Томорқани шип-шийдам қилиб қўйдик. Пахталарини, ана, дўндириб бердик. Совхознинг ҳақи қолмади.

— Ҳар ҳолда...

— Энди, опа, насиҳатни кўп эшитдик. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. Биз бу ерга тўрт-беш танга топамизми, деган умидда келувдик. Бўлмаса, пахта ўзимиздаям бор. Шунча вақт офтобда қовурилиб ишладим-у, бирим икки бўлмади.

— Совхоз илғор экан, ҳар йили планни бажараркан?

— Ошириб бажаради. Юз ўндан кам бўлганини билмайман. Лекин даромадимиз чатоқ. Бизни, гўл, деб ўйлашади. Уғри бўл, инсоф билан бўл-да! Планни бажармасаям кўшни совхоздагилар сўмига бир сўму йигирма тийиндан оляпти. Чунки улар бор пахтани давлатга сотгану ҳақини олган. Бизда-чи... Э-э, опажон, совхоздан бир мен кетаётганим йўқ. Пахтани териб топширганимиз билан сариқ чақа бермайди.

— Шунга билар экансиз, хабар қилсангиз бўлмайди-ми?

— Кимга?

— Катталарга.

— Улар билмайди, дейсизми, — Субхон ноумид қўл силтади. — Бошқа гапингиз бўлмаса, бизга рухсат?

— Садилов билан турган қизни яна бир эслаб кўринг.

— Комил ака маълум эди: бўйлари меникидай узун, қадларини букиброқ юрардилар. Қизни узоқдан таний олмадим. Бунинг устига, ҳали айтганимдай, бошим тарс ёрилай деб турувди.

— Садиловнинг хотинига шуларни айтганингизда, Латофат Ҳамидовдан гумонсирмадими?

— Қизиқ гапларни топиб гапирасиз-а, ўшанда мен айтган билан унинг қулоғига гап кирармиди? Ҳали эрининг ўлиги совумаган эди...

— Садилов билан Ҳамидовнинг алоқалари қандай эди? Балки гап-сўз бўлгандир?

— Мен эртаю кеч шу далада эдим. Латофат ҳам кўпинча шу ерда — мана бу биолобораторияда бўларди. Кўз уриштиришганини ҳеч сезмаганман. Лекин шаҳарга бирга тушиб туришарди. Негалигини билмайман. Латофатда озгина ўйноқлик бор, буни пайқамаган эркак эркак эмас. Аммо пайқашдан нима фойда, Латофат анойилардан эмас, чиройидан ҳўб билиб фойдаланади.

— Бу нима деганингиз?

— Айтайми?

— Айтинг-да.

— Унда, эшитинг. Бир замонлар икки дугона ўтган экан. Иккови ҳам бирдай ишлар экан, бирдай чиройли экан. Лекин биттасининг иши юришиб, обрўйи ортиб бораверибди. Наригиси эса амманнинг бузоғидай юраверибди. Ахийри, бир кун ўшаниси донишмандга бориб, арз қилибди. Шунда донишманд дебди: Э, содда қиз, дугонанг чиройидан билиб фойдаланади, бунга сенинг фаҳминг етмайди. Керакли одамларга кўз сузмайсан, бошлаган ерига бора қолмайсан. Сенинг бахтинг ҳам, бахтсизлигинг ҳам шундадир...

— Демак, Ҳамидова Омонтурдиев билан?..

— Мен ундай деганим йўқ. Билмаганимни гапирмайман. Лекин бир нарсани айтиб қўяй: кеча, ҳа, кеча, Омонтурдиевнинг малайи бор-ку, Мурод муғомбир деган, ўша, Латофат билан Комил дон олишиб юрарди, боғда ўзим кўрганман, деб сасиди. Бу гап бежиз чиқмадиёв?

Субхон кўчиб кетаётган жойнинг адресини ёзиб олгач, Нозима унга рухсат берди. Айни пайтда ён дафтарчасига: «Урилган» дўхтир, текшириш керак», дея қайд этиб қўйди. Бу орада Нусратов ҳам ишини якунлади: воқеа содир бўлган жой харитасини ҳафсала билан чизиб, ҳар бир нуқтани суратга олди.

Биолобораторияни ҳам бориб кўришди. Нозима даҳлизда ётган бир пой туфлига кўзи тушди. Холодильникда беш шиша пиво турган экан, бирини олиб, ёрликдаги заводнинг белгисига қаради: «20.VIII.82». У ўша шишани, кейин стол тортмасида турган Комилнинг кундалигию ўнга яқин хатларни ҳамда туфлини олиб, газетага ўради. Кўнгли жойига тушган ҳолда шаҳарга қайтди.

Эртаси кун ишга борган ҳамона туфли билан пивони экспертизага топширди, кейин хонасига кириб, энди кундаликни варақлай бошлаган эди, телефон жиринглади.

— Мен — Нусратовман. Кечаги топширигингизни бажардим. Омонтурдиев бир марта уйланган. Олтига боласи бор — тўрт қиз, икки ўғил. Хотини — Шарифа Зиёдуллаева, 1951 йилда туғилган. 1968 йил, 9 май куни никоҳдан ўтишган. Ишламайди. Партиясиз. Маълумоти — тўлиқсиз ўрта. Доктор масаласида: Шоназир Шоғиёсов. 1947 йилда туғилган. Медицина институтини битирган. Судланган. 102-модда билан. 1980 йилда қамоқ муддатини ўтаб қайтган. Мурод Ғаниев: 1949 йилда туғилган. Маълумоти — ўрта. Тўхтамиш Омонтурдиев билан бир мактабда ўқиган. Энди учинчи топширигингиз: Латофат Ҳамидова ҳозир район туғруқхонасида. Икки кун бурун кўп қон йўқотган ва шу ерга олиб келинган. Кеча Омонтурдиев уни йўқлаб борган, лекин ичкарига киритилмаган.

Унга нима бўлибди?

— Қовун тушириб қўймай деб у ёғини суриштирмадим. Балки ўзингиз келарсиз?

— Ҳа, ҳозир йўлга чиқаман. Шоғиёсовни топишнинг иложи борми? Келса, хонангизда кутсин. Мен туғруқхонага боргач, сизга яна телефон қиламан...

## Чекиниш

1981 йилнинг баҳори ўзининг латофатию инжиқликлар билан юз очди. Кечагина ёққан лайлаққор бугун эриб, дала олачалпоқ тусга кирган. Каналда чилпиллаб лойқа сув оқар эди. Кўклам қуёши булутлар орасидан мўралаганда вужудингга бир илиқлик югургандек бўладию у булут чимматини ёпган заҳоти изғирин кўзғалиб, юз-қўлингга «игна» санча бошлайди.

Табиатнинг шу қилиғига банди бўлган ҳолда Комил канал ёқасида турар эди. Шўри ювилган далага ҳали

трактор киролмайди — шудгор ҳам қилингани йўқ. У эса бешинчи бўлимдаги чархпалагининг чорак қисмига чигит экди. Ҳаво очилиб кетса, ҳадемай чигит униб чиқади. Унинг хомчўти бўйича, августнинг бошида-ёқ пахтаси етилади. Назарий жиҳатдан шундай, лекин амалда қандай бўлар экан? Комил чархпалакни ўрнатиш пайтида унинг қиялиги, офтобга беткайлиги, тезлиги, хуллас, чигитга, ғўзага таъсир этувчи барча хусусиятларни ҳисобга олди. Одатда, тажриба пайтида, кўзда тутилган бу хусусиятлар — юзлаб тасодиф эмас, етти ухлаб тушга кирмаган юз биринчи тасодифга дуч келинади. То ҳақиқат юзини очгунича масалани ҳал этувчи асосий омил назардан четда қолиб кетаверади.

Студентлик чоғи кутубхонада тасодифан медицинага оид мақолаларга кўзи тушиб, Финлейнинг сариқ касалига қарши олиб борган кураши билан танишган эди. Финлей, бу касални чивинлар тарқатади, деган қарашни йигирма йил Ҳимоя қилади, исботлашга уринади. Бироқ унинг ҳақлиги вафотидан кейингина ойдинлашади. Финлейнинг фарази ҳар қанча тўғри бўлмасин, у бир нарсани — сариқ касални чаққан чивин ўн икки кундан кейингина бошқаларни заҳарлаши мумкинлигини ҳисобга олмайди. Эндиликда бу — оддий ҳақиқат, медицинада маълум гап. Лекин шунга эришилгунча қанча вақт ўтди. Неча минг одамнинг ёстиғи қуриди, неча олим буни ўз жисмида синаб кўраётди... қурбон бўлди. Ушаларга Комил сажда қилади.

Чархпалакларни ўрнатишда ҳам, бир лаҳза бўлсин, Финлей қисматини унутмади. Илмининг чин фидойилари фаразини исботлаш учун касални ўзларига юқтирган — ҳали мохову сариқ касалнинг, ҳали ўлатга чалинганларнинг кийимини кийишган, улар овқатланган косада таом еган... Кўп ҳолларда даво йўли нотўғри бўлиб чиққан. Комил эса фаразини бу тахлит синаб кўра олмайди. Чигитга айланишнинг-ку йўлини тоғанида тупроққа тушишга ҳам, ғўза бўлиб унишга ҳам — ҳамма-ҳаммасига чидарди. Лекин бунинг иложи йўқ. Унинг бирдан-бир имкони — кутиш. Комил ҳеч қачон шошмаган дейилса, лоф бўлар, шошилган, тезроқ янги нави ҳосилни кўришга ошиққан. Лекин...

Етти йиллик изланишларини бирдан кесиб қўйиб, янги фараз кетидан тушишга барча ҳам журъат эта олмайди. Комил, институтдаги тажрибалари кутганидек самара бермаслигига ишонган, ярим таваккал, ярим ишонч билан уни давом эттираётган эди. Банагоҳ муаллими бориб чархпалак ҳақида гап очдию...

Ушанда кўнглида туғилган ўйларни айтганида Яҳё кулган: «Ибтидий усулларга қайтмоқчимисан?» «Ҳар нарсанинг аввал боши — ибтидо». «Ақлга сиғмайдиган нарсан». «Агар, Берунийга ҳам, пахта машинада териб олинади, дейилса, у ишонмас эди». «Неччи йил юрасан, бу фаразининг изидан?» «Одам, биологик имкониятига қараганда, юз эллик йил умр кўраркан. Мен ярмисига ҳам розиман. Демак, олдинда яна қирқ йилча умр бор. Етар-а?» «Докторга кўринишинг керак». «Кўриндим» «Нима деди?» «Ошангизни олиб келинг, кўрайлик, негадир жуда бадбин бўлиб кетипти, деяпти...»

Чархпалак бир меъёрда айланади. Каттаси — секинроқ, кичиги — тезроқ. Канал суви бир текисда оқади. Шунинг учун ҳам чархпалаклар мароми айтарли ўзгармайди.

Биологатория томонда Омонтурдиевнинг «Волга»си кўринди. Нима гап экан, деб Комил шу ёққа қараб қолди. Каналга олиб чиқадиган йўлдан юриб бўлмайди — лой. «Волга» оқ иморат олдига келиб тўхтагач, сигнал берди. Кейин Омонтурдиев машинадан тушди-да, қўлини ҳаволатиб уни чақирди.

— Ҳа, тинчликми? — деди Комил, резина этигининг лойини эндигина ранг олаётган чимга артиб.

— Идорадан сенга ҳам махсус хона берганмиз, жойингда ўтирсанг бўлмайдимиз?

— Идорангда нима қиламан мен, ҳисобчиларинг ўтирaverишсин-да. Ундан кўра, сен шу биологаторияга битта стол қўйдириб бер. Биз — даланинг одами-миз.

— Узинг биласан, — деди Омонтурдиев энсаси қо-тиб. Кейин қошларини чимириб Комилга қаради: — Меҳмонлар қани? — У ғазабдан портлаб кетай деяётган бўлса-да, Комилга заҳрини сочшга ботинмади.

— Ким? Ҳа, обкомдан келган вакилми? Кетди-ку. — Нема келипти?

— Нимага келарди, совхоздагилар ерни билмайди, пахтани билмайди, би-ир ўргатиб кетай, деган-да. Биринчи келиши эмасдир?

— Тўғрилиқча гапиравер.

— Тўғриси — шу. Қачон чигит экасиз, дейди. Орқамдан юринг, дедим. Далага олиб чиқдим. Ун қадам лой кечдим. Қарасам, ҳу нарида қолипти. Ҳа, десам, лой-ку, дейди. Трактор сизга ўхшаб ялтироқ туфли кийиб юрмасаям, барибир, лойга тушолмайди; яна бир келганингизда далани ҳам узунасига, ҳам кўндалангига босиб ўтасиз, кейин биз чигит экишни бошлаймиз, агар бирор хўжалик дирижаблда экётган бўлса, айтинг, бориб кўрайлик, ўрганайлик, дедим.

— Хўш?

— Нима, «хўш?» Кетди.

— Индамадимиз?

— Индади... «хайр» деди.

— Майнавозчилик қилма.

— Оғзидан чиққан гапни айтяпман.

— Чой-пой қилдиларингми?

— Йўқ. Бунақа ишларга тоқатим йўқ.

— Иzzат-хурмат деган нарсаниям билиш керак-да.

— Совхоз ҳисобидан меҳмон қилиш хурматга кирмайди. Агар, вакил шунга зор бўлса, унда... умуман уни хурмат қилмасаям, арзийди.

— Комил, оғайни, — Омонтурдиев баланддан келиб ҳеч вақога эришолмаслигини англади шекилли, юмшоқ муомалага ўтди. — Келишиб олайлик: далачиликнинг ўз таомили бор. Баъзан қондадан чиқилса, осмонга сапчима. Шаҳарнинг йўриғи бошқа — ҳар қадамда емакхона. Эллик тийинлик лағмон билан меҳмоннинг кўнглини овлайсан. Бу ер — қишлоқ, йўл одамни қоқиб ташлайди. Қолаверса, ошхонаям йўқ ҳисоб. Тушундингми? Умуман, сен меҳмонлар масаласига аралашма. Мен жойимда бўлмаган тақдирда партком бор, рабчоком бор, қўйиб бер шуларга, ўзлари эплашади. Сен, манави далангни бил! Пахтани бил! Айтаман, эртагаёқ стилингни шу ерга келтириб беришади. Шундай қилса, ошначилигимиз бузилмайди.

Комил Омонтурдиевга тикилди.

Хўп одамига ҳамтовоқ бўлди-да! Минг йил бир қозонда қайнатса ҳам қони-қонига қўшилмайди. Бунинг қандай одамлигини Комил билмайдимиз? Бузуқлигини қоралагани, ҳайдашни таклиф этганини унутармиди у. Йўқ, асло. Бошқа курсдошларини эсдан чиқарса чиқарар, лекин Комилни унутмайди. Омонтурдиев — хотирадан кўтарилмайдиган нусха. Утмишни ерга кўмдим, дейди у. Комил шу гапга ишонармиди? Ишонса, у ёруғ дунёдаги энг гўл одам бўлмасмиди? Ҳа, Омонтурдиев ўтган гаплар устига гўё тупроқ тортиди. Тортганда ҳам худди сабзини кўмгандай қилди. Керак пайтда тупроқни секин сидирса, айнамай турган сабзи каби... ўша гап-сўзлар, қочириму киноясигага қалқиб юзага чиқади. Лекин ҳозирча, ҳатто яна уч-тўрт йил

у сабр қилади. Омонтурдиев аввало фан кандидати бўлиб олиши керак. Шунинг учун ҳам тишини тишига қўяди, бу — ҳақиқатпарастнинг қитмирликларига чидайди.

Комил эса... у билан ош-қатиқ бўлишга мажбур: тажрибалари учун яратилаётган шароит туфайли ҳам чидайди-да. Ҳатто баъзи масалаларда чекинса ҳам ажаб эмас.

Мана, ҳозир ҳам ён беришга тўғри келяпти. Ён беради. Чекинади...

Чекинди.

Омонтурдиевнинг юзини мамнунлик ели силаб ўтди. Комилнинг елкасига қўл ташлаб шаҳарга тушганини, совхозга нималар ундириб келганини бирма-бир айтди. Комилга бунинг унчалик қизиғи йўқ, унинг кўзи канал бўйидаги чархпалакда эди.

Чархпалак эса бир меъёрда айланади.

Чархпалакдаги ғўзалар қад ростлаган маҳалда Комил Чигиткуйдига йўл олди. Эртасига қайтгач, билдики, илмий раҳбари билан Яҳё келиб кетибди.

Мавлуда унинг кўлига хат берди.

— Қолишга фурсатлари йўқ экан, — деди у, — фикрларини ёзиб қолдиришди.

Хат бир варақ қоғозга майда, тиғиз ҳарфлар билан ёзилган эди. Комил унга кўз югуртирди. Ошиқча лутфу карамсиз, асосан керакли мулоҳазалар баён қилинган экан. Ўзи, илмий раҳбари суҳбатлашганда ҳам гапни кўпайтирмайди — мактубида ҳам шу одатини қанда қилмапти:

«Комилжон, чархпалакларингни кўрдим, кундалигинг билан танишдим. Чархпалакдаги ғўзалар даладагига нисбатан тезроқ етилгани қувонарли, албатта. Аммо ҳозирча табриклавш учун асос кўрмайман. Сен инкор этган усул — «Z» нури билан тўйдирилган чигитларда Яҳё дурустроқ натижага эришган. Унинг ғўзалари ўн кун олдинда (Мақсад — ўртоғининг усулини ташвиқ қилиб, сени йўлдан қайтариш эмас, буни шунчаки, ахборот тариқасида айтаяпман).

Чархпалаклар хусусида менинг фикрим:

1. Ҳаракат тезлигида фарқ етарлими?

2. Нима учун дурагай навларни экмадинг?

3. Чархпалакка тупроқ солишда бир нарсани — ғўза қанча илдиз отиши мумкинлигини ҳисобга олмагансан шекилли. Тупроқ етарли қалинликда эмас, илдиз темирга бориб қадалгач, нима бўлади — ғўза қийналади. Тупроқ остига ҳам темир қоплама эмас, балки бошқа материал қўйиш керак. Чунки: а) темир қизийди. Демак, ғўзанинг илдизи ҳам иссиқ шароитда ривожланади; б) тупроқнинг нафас олиши ўзгаради. Чархпалакдаги тупроқ даладиган фарқ қилмаслиги лозим. Ғўзанинг тезроқ ривожланиши илдизи атрофидаги иссиқлик билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳолда сен янглиш хулоса чиқариб қўясан, эҳтиёт бўл.

4. Чархпалаклардаги тупроқ таркиби ҳақида ҳам ўйлаб кўр. Албатта, талабни ошириб юбориш нотўғри, лекин пахтанинг тез пишадиган нави кам сув ичиб етиладиган шароитда ҳам, шўрхок ерларга ҳам экилишини назардан қочирмаслигимиз керак.

«Рақобатчи» дўстим, сенга омад тилайман».

Комил бош чайқаб қулимсиради.

— Уқидингми? — деб сўради хотинидан.

— Уқидим.

— Кайфиятлари дурустмиди?

— Ҳар доимгидай.

— Агар чархпалак билан бошқа одам шуғуллангани-да мен унга камида юзта маслаҳат берардим.

— Маслаҳатлари ёқмадимми?

— Ёқдимми-ёқмадимми, бунинг аҳамияти йўқ. Домланинг кайфияти чатоқроққа ўхшайди. Хўжакўрсинга уч-тўрт маслаҳат билан қутуладиган одам эмас у. Балки... мияда тузукроқ фикр қолмагандир?

— Қўйсангиз-чи!..

— Шунақа одамларни кўрсам, ўғитдан тортиб қўйилган ниҳол кўз олдимга келади. Ҳозирги ғўзаларимиз — банги, маъдан бериб турмасанг, ўлимик бўлиб қолади. Шунга ўхшаб, бир хил олимлар унвону илмий даражага етишгач... ўсишдан тўхтайти. Ҳамроқул ака — устозим, уни камситишга ҳаққим йўқ. Лекин бор гапни айтидиган бўлсак...

— Сиз у кишининг ёшларини ҳисобга олмаяпсиз. Ҳар қандай ақлли кишиям қартайгач...

— Ҳамма гап шунда-да. Афсуски, айрим «устун»ларимиз буни тан олишмайди. Ақллари ўтмаслашганини, тўғрроғи, даврдан орқада қолганларини пайқамай, ёшларга панд-насихат қилаверади, қулги бўлишади. Ҳамроқул ака унақа эмас-ку, лекин қартаяётганини биз эмас, ўзлари ҳам ҳисобга олишлари керак-да.

Дарвоза олдига юк машинаси келиб тўхтадию уларнинг гаплари бўлинди. Комил иш бошлаган кезлари Омонтурдиев бир юк машинасини унга ажратган эди. Комил икки кун дала айлангач, қараса, шундай катта машина бир ўзи учун банд. Бу эриш туюлди ва у мотоцикл сўради. Омонтурдиев, бош агрономнинг алоҳида машинаси, ҳайдовчиси бўлиши керак, бу халқ олдидаги унинг обрўйини оширади, деб минг таъкидла-масин, Комил тушунмади, тушунишни истамди, ўз пулига кажавали мотоцикл сотиб олди. Шундан бери юк машинаси бош бухгалтер ихтиёрида, унинг хизматини беминнат бажариб юрибди.

Комилнинг ҳисобчиларга иши кам тушарди. Шу сабабли бош бухгалтерни кўриб, ажабланди. Ерга қараб, ийманиб гапирадиган бош бухгалтер Комил билан астойдил ҳол-аҳвол сўрашгач, папкасидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Ой охири, ҳисобли дунё деганлар... Сиз имзо чексангиз, расмийлаштириб қўямиз. Хў-ўш, мана бунга... — У шундай деб бир қоғозни узатди.

— Нима бу ўзи?

— Бу... меҳмон-пеҳмон дегандай... шунинг сарф-харажати. Яъниким, ишчиларга иссиқ овқат дегандай...

— Қанча экан? Адашмаганмисиз? Юзми, мингми?

— Минг, минг... Совхоз район марказига яқин бўлса ҳам шўринг экан, меҳмоннинг оёғи узилмайди.

— Бунақа юлғичликка мени қўшманглар, директорга айтганман, келишганмиз.

— Сал ўйлаб гапирсалар, яъниким, юлғичлик дейи-шингиз инсофданмас. Кеча ўзларининг меҳмонлари ҳам қуруқ қайтишмади.

— Шунақа денг?! — Комил, зардаси қайнаб, хотинига қаради. Мавлуда индамай уйга кириб кетди. — Меҳмонимга бир пиёла чой бериб, юлғичлигингизга, ҳа-ҳа, юлғич-ли-гин-гиз-га шерик қилмоқчимисиз? Йў-ўқ, бунга-си кетмайди. Уларга қанча харажат қилинди?

— Биз алоҳида-алоҳида ҳисобламаймиз.

— Шунақами? Унда истисно тариқасида кечагини алоҳида ҳисобланг. Чиқимни маошимдан ушлаб қолинг. Бундан кейин мени деб азият чекманглар, меҳмон келса — уйим бор, бир чўқим ош қилиб берадиган хотиним бор. Директорга шундай деб қўйинг.

Бош бухгалтер қоғозларни папкасига жойлади-да, бошини кўтармай, деди:

— Айтмоқчи, директор бува сизни йўқлаётувдилар.

— Сиз кетаверинг, ҳозир бораман.

Комил идорага боргунича бош бухгалтер Омонтурдиевга бор гапни айтиб улгурган эди. Аммо Омонтурдиев сир бой бермади — уни илиқ кутиб олди.

— Райкомдан «прогноз» сўрашяпти, ҳосилдорлик неча центнердан бўлади, деб қизиқишяпти.

— Ҳозирдан-а?  
 — Ҳа.  
 — Нарӣ борса, йигирма центнерга етади-да.  
 — Уйлаб гапирясанми?  
 — Узинг билмайсанми шунӣ?  
 — Бош агроном мендан яхшироқ билиши керак, айниқса, план, мажбурият деган гапларни. — Омонтурдиев шундай деб телефон трубкасини кўтарди: — Райкомга уланг!.. Ало-о, Зиёд Шерматович, мана, бош агроном ҳам тасдиқлапти, эллик центнердан кам бўлмайди бу йил, ишонаверинг! — деди Комилга нигоҳини қадаб. Комил эсанкираб қолди: бу нима деган гап? Эси жойидами ўзи? Эллик центнердан?! Омонтурдиев унинг саросимага тушганини пайқаса-да, пинагини бузмади. — Зиёд Шерматович, шунӣ эплаёлмасак, нима қилиб юрибмиз директор бўлиб. Э, йўқ-йўқ, ишончингизни оқласак, шунинг ўзи бизга мукофот. Раҳмат, раҳмат! Уғитдан жиндай қарашангиз — бас. Раҳмат! — У трубкани секин жойига қўйди.  
 — Уйлаб гапирдингми? — деди Комил унга тик келиб. — Охирги кўсаккача йиғиб олсанг ҳам йигирма бешдан ошмайди. Қолганини қаердан топасан?  
 — Упкангни бос. Газета-пазета ўқийсанми ўзинг? Қара, одамлар, олтмиш, етмиш центнердан бераман, деб кўкракларига уришяпти. Сен бўлса...  
 — Ёлғон! Улар ҳам сени биринг-да. Ахир, бунча ҳосил олиш сира мумкин эмас-ку?!  
 — Нима, мен мумкин деяпманми? Улар қаёқдан олишади деб ўйлайсан?  
 — Билмайман.  
 — Биласан. Аноий эмассан, осмондан ҳам тушганинг йўқ — пахтанинг ичида юрган одамсан. Мен ҳам биламан. Ваъда — шунчаки, телефондаги гап, ёки... мана бу қоғозда қилиб кетади. Кузда борини берайлик, у ёғига — худо пошшо.  
 — Бу ерлардан йигирма центнердан олсанг ҳам беришади ўша мукофотни, — деди Комил ғижиниб. Омонтурдиевнинг кўзларида ўт чақнади.  
 — Нима дединг? Қа-на-қа мукофот?!  
 — Ишончини оқлаш — мукофот, дединг-ку?  
 — Сен гапни айланторма. Пичингларингни менга қилма, оғайни. Бултур орденга қўйишганида номзодимни ўзим олиб ташлаттирганман. Шоқуловга берилди, оддий механизаторга! Билдингми?  
 — Мени нега чақиртирдинг, ҳалиги қилвирликка шерик қилганими?  
 — Ҳа. Нега бош бухгалтерни хафа қилдинг?  
 — Ёзган пулини кўрдингми? Меҳмон баҳона беш бармоғини оғзига тиқибди-ку?  
 — Ҳисоби — тўғри. Бу пулни мен ҳам, уям емаган, сен ҳам емагансан.  
 — Биз келишган эдик-ку?  
 — Шунақа ишларгаям ора-сира аралашиб турганинг маъқул экан. Майда гап кўпаймасин деб...  
 — Кечаги меҳмонлар харажатини маошимдан ушлаб қолсин.  
 — Комил! — Омонтурдиев ўзини босолмай столни муштлади.  
 — Столнинг айби йўқ, аммо деворнинг қулоғи бор. Эҳтиёт бўл, — Комил шундай деб орқасига бурилди.  
 — Нима, сотмоқчимисан? Қўрқадиган ерим йўқ. Мен топ-тозаман!  
 Комил тўхтади. Титраб кетди. Тўғри Омонтурдиевнинг устига бостириб борди.  
 — «Сотмоқчимисан» дедингми?  
 Омонтурдиев унинг авзойини кўриб ўрнидан турдию миқ этмади.  
 — Ҳали мени... сен... қанақа аҳмоқсан ўзи?

— Кечир, оғайни, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетибди. Сени яхши кўраман, биласан-ку?

— Қулоғингга қўйиб ол: мен тўғри йўлдан четга чиқмайман, аммо-лекин гап ташиш одатим йўқ. Сотадиган бўлса, сени анавилар сотади — атрофингга эгилиб юрганлар...

Комил шундай деб хонадан чиқиб кетди.

## Қаҳри қаттиқ аёл

Нозима иш шошилинич бўлгани учун навбатчи машинада йўлга чиқди. Туғруқхона бош врачӣ унинг ҳужжатини кўрғач, даволовчи врачини чақиртирди.

— Латофат Ҳамидова — ёши йигирмада. 1982 йил 17 сентябрда никоҳдан ўтган, — деди даволовчи врач «Касаллик тарихи»ни варақлар экан, — 1982 йил 19 сентябрь куни кечаси соат учдан қирқ минут ўтганда оғир ҳолдан олиб келинган. Кўп қон йўқотган. Сабаби: тахминан бир ой аввал боласини олдирган. Бу ишни тажрибасиз врач қилганлиги сезилиб турибди. Бемор Ҳамидова ўтган вақт ичида районимиз гинекологларига мурожаат этмаган. Аборт никоҳдан олдин қилинган, демак, ғайриқонуний... дейишга асос бор...

— Бу масалада гинекологларимга ишонаман, улар қонунига хилоф иш қилишмайди, — деб изоҳ берди бош врач.

— ...Ундан ташқари, — деди даволовчи врач гапини давом эттириб, — аёл организмга кўпол равишда аралашилган. Гўё қизлик номусини тиклаш мақсадида... ғайриқонуний... Беморни ўлим чангалидан қилиб олиб қолдик. Хулосамиз шу: жинорий иш қўзғаш учун ҳамма асос бор.

— Жиноятчи ким? Аниқми? — деб сўради Нозима.

Даволовчи врач елкасини қисди:

— Буни сиз топасиз. Мен сизни медицина хулосаси билан таништирдим.

— Ҳамидова айтмадимми?

— Айтмаса ҳам керак. Сири очилса, маломатга қолади-ку?

— Ҳарҳолда, сўрагандирсиз?

— Сўрадим. «Аборт қилдирмаганман» деб туриб олди. Қийин-қистовга олмадим. Бунга ҳаққим йўқ. Қолаверса, унинг асаби ҳам жойида эмас. Бугун невропатолог чақирганман — маслаҳатга. Чамамда, беморни жисмоний азобдан кўра руҳий азоб кўпроқ қийнапти. Шунинг учун унга учрашмай туришингизни илтимос қиламан. Уч-тўрт кун ўтсин, сал ўзига келсин.

— Яхши, шошаётганим йўқ. Сиздан илтимосим шуки, менинг қизикаётганимни унга айтманг, олдига ҳеч кимни қўйманг.

— Тартиб-қоида биласиз-ку, бемор олдига одам қўймаймиз, — даволовчи врач шундай деб чиқиб кетди.

— Сиз Шоназир Шоғиёсовни танийсизми? — деб сўради Нозима бош врачдан.

— Шоғиёсов?

— Ҳа. 1976 йилда қамалган. Ғайриқонуний аборт қилгани учун.

— Эсладим — йигит ўлгурни. Гулдай хотиннинг умрига завол бўлган. Лекин мен унда бош врач эмасдим.

— Ҳозир у қаерда — билмайсизми?

— Шу яқин атрофда, қайсидир бир совхозда. Бизнинг соҳада ишламайди, ишласа — билар эдим.

— Балки ҳалиям эски ҳунарини қилаётгандир? Узун-қулоқ гаплар сизга келиб турар, ахир?

— Йўқ, эшитмадим. Эшитсам, ўзим ҳам тинч қўймасдим.

— Ҳамидова-чи?

— Ушанинг иши дейсизми? Қайдам-ов. Ҳозир истаган шаҳарга бориб аборт қилдириб келиш мумкин-ку?

— Тўғри айтасиз. Телефон қилиб олсам майлими? — Нозима Нусратовга кўнғироқ қилди. — Айтан одамни топдингизми?.. Раҳмат. Ҳозир етиб бораман. Хонангиздами у? Яхши. Энди сиз унга қараб туриб, менинг гапларимни такрорланг, қани, ўзгартиш бўладими-йўқми? Кузатинг, натижасини борганимда айтасиз. Демак, бошладик: «Туғруқхонадан гапиряпсизми?» «Шунақа эканми?» «Абортнинг оқибатими?» «Номларини айтдимми?» «Эксперт хулосаси тасдиқландими?» «Кутаман...»

Нозима трубкани жойига қўйиб, бош врач билан хайрлашди-да, район ички ишлар бўлими томон йўл олди.

У савол-жавобдан иш чиқмаслигини билар, шунинг учун ҳам дангал ҳаракат қилмоқчи эди. Нусратов боя такрорлаган унинг гаплари Шоғиёсовни таслим бўлишга руҳан тайёрлаб қўйгандир. Агар, у беш йиллик қамоқ нима эканини унутмаган бўлса, бу жиноят бўйнига илинса, аҳволи қандай кечилиши тушунар?.. Шундай бўлиб чиқди. Нозима биринчи саволни берган заҳоти у ўзини оқлашга тушди:

— Қамоқдан чиққангиздан бери бу иш билан шуғулланмайдиман. Латофатхон менга келган эди. Кўнмадим. Яна беш йил ётишга тоқатим йўқ, дедим. Роҳатини улар кўришсин-у, азобини мен тортайми, беш йилда жуда эсимни таниб олганман, граждон терговчи.

Нозима унга тикилди. Шоғиёсов саросимадан жавдираётган кўзларини олиб қочди.

— Латофатхон масаласида келганимни қаёқдан билдингиз?

— Граждон терговчи, ахир туғруқхонадан... Эшитувдим. Эрга тегмай тур, девдим унга. Э! — Шоғиёсов асабийлашиб, юзларини силади.

— Нега «граждон терговчи» деяпсиз? Жиноятни бўйнингизга олганингизми бу?

— Йўқ, мен... олдинги сўроқларда... ўрганиб қолибман, кечиринг. Мен уни аборт қилганим йўқ.

— Бўлмаса, ким?..

— Билмайман.

— Ҳамидова сизни айтди.

— Ёлғон! Мен, бу ишга қўл урмайман, деб қасам ичганман.

— Гапингизга ишондим, дейлик. Лекин, сиз аборт қилган одамнинг кимлигини айтишни истамаяпсизку. Айбдорни яширишга уриниш, ёлғон гувоҳлик беришнинг ҳам жиноят эканини билсангиз керак.

— Минг лаънат!.. — Шоғиёсов бошини қўллари орасига олди. — Ҳоли-жонимга қўйишмаса, нима қилай?

— Ким?

— Шу — Латофатхон-да... Мен унга бир адрес бердим. Қўли енгил эди ўшанинг.

— Аниқроқ айтинг: адрес бердингизми, хатми? Ёки бирга бордингизми?

— Хат ёзиб бердим.

— Мана бу ерга ўтиринг. — Нозима столи кўрсатди. — Яна бир хат ёзинг.

— Нима деб?

— Ҳамидовага нима ёзгансиз?

Шоғиёсов бир оз ўйланди-да, қоғоз-қалам олди, сўнг хатни ёзиб Нозимага узатди.

«Салимаҳон, синглимиз ишончли одам. Химчисткани ўзингизга ишондик. Шоназир».

Нозима мактубга кўз югуртиргач, бу дастхатни қаердадир кўргандай бўлди ўйлаиб қолди. Яна хатга диққат билан тикилди. Кейин бирдан ичиди чироқ ёнгандай дили равшан тортиди. Бунақанги бахтли тасодиф камдан-кам ҳоллардагина содир бўлади!

— Фамилияси — Зарипова, мана бу — адреси. Уйига бориш йўлларини ҳам тушунарли қилиб чиздим. Телефони...

— Зариповани қаёқдан танийсиз?

— Бирга ўқиганмиз... Уни қамайсизларми?

— Бизнинг вазифамиз — бошқа. Бўлғуси жиноятларнинг олдини олишимиз керак. Зарипова яна аборт қилмайди, яна бир аёлнинг ҳаёти хавф остида қолмайди деб ким кафилик беради, сизми? Танишимиз хафа бўлмасин, деб айбини беркитамиз-у, бошқаларнинг ҳаёти гаровга қўйилганини ўйламаймиз, тўғрими ўртоқ Шоғиёсов?

— Тўғри, тўғри.

«Ўртоқ» деган сўздан кейин Шоғиёсовнинг баданига сал қон югургандай бўлди.

— Энди бошқа масалага ўтамиз. 22 август куни қаерда эдингиз? Тахминан, соат ўнлар атрофида. Яхшилаб эсланг.

— Йигирма иккинчида? Совхозда — ишда эдим.

— Аниқроғи?

— Бешинчи бўлимдаги тўғон бошида эдим. Агроном чўккан кунни айтяпсиз-да, а?

— Сувдан чиқаришда бирга бўлган экансиз, чўкмасдан аввал кўрувдингизми?

— Йўқ, бирдан Субхон ҳовлиқиб келиб қолди.

— Садировнинг кийими қанақа эди?

— Енги калта оқ кўйлак. Жинси шим.

— Ҳамидова билан Садировнинг алоқаси маълумми-ди сизга?

— Йўқ, очиги... Латофатхон илтимос қилиб келганларида бир учини чиқаргандай бўлувдилар. Чамамда, Комилжон шўхлик қилган-ов.

— Сиз кутқарувчилар орасида медицина билимига эга бўлган одамсиз, мурдани текширдингизми?

— Йўқ. Текшириш керакмиди?

— Текширмаган бўлсангиз, нега с правка ёзиб бердингиз?

— Справкани... билмасам, директор айтди, йўқ деёлмадим. Уч кундан кейин... ёзиб бердим мен.

Нозима, назарида, чувалган калаванинг учини топгандай эди. Шоғиёсов кўрган-билганларини ёзгач, унга рухсат берди-да, Нусратов билан бирга ўн учинчи совхоз боғига қараб йўл олди.

Совхоз маркази гавжум, автобуслар тикилиб кетган эди.

— Ҳашарчилар келяпти, — деди Нусратов.

— Ий-е, газетада... бошқача ёзишувди-ку? — деди Нозима ҳайрон бўлиб.

— Газетада нима дейилганини билмайман-у, лекин бу совхозда жон бошига тўққиз гектар ер тўғри келади. Ҳашарчисиз эплаша олмайди. Боққа тезроқ бормасак — бўлмайди, афтидан, ҳашарчиларни жойлаштириб олишгач, бошлиқларига зиёфат беришади.

Улар марказда тўхтамай, жадал ўтиб кетишди.

Боғда, Мурод муғомбирнинг қўли-қўлига тегмаётган экан. Нозима ўзини танитгач, унинг ранги бир ўзгардию дарров ўзини тутди. «Комил билан Латофат кўп ўтирган бу боғда. Ичкари кириб кетарди, нима қилишганини мен қайдан билай?», деб гапни калта қилди.

Садировга ёрдамлашиб юрадиган, чархпалакка тикилган ходагани олиб ташлаган болани Нозима кеча топа олмаган эди, бугун у билан ҳам гаплашди. Бироқ болакай тайинли бир гап айтмади. Нозима, Султонов берган хатни шу ёзган бўлса керак, деб гумон қилган эди. Бола, Садировни 22 август куни кўрмаганман, деб ёзиб берди. Нозима ҳар иккала хатни солиштиргач, кўрдик, дастхатда фарқ катта экан. Шундай бўлса ҳам, идорага қайтгач, уларни экспертизага топширди.



Эртаси кун эрталаб у полковник Султонов ҳузурига кириб, тўплаган маълумотларини фикр ва тахминлари билан уни таништирди. Маслаҳату кўрсатмалар олгач, Зариповага телефон қилди. Зарипова кечқурун соат тўққизларда уни кутадиган бўлди. Шундан кейин у Садировнинг кундалигини ўрганди. Ғуззаларнинг кунлик, ҳафталик ўсиши, ўзгаришлар, жадваллар... хуллас, тажрибага дахлдор ҳар кунги янгилик муайян тартиб асосида аниқ баён этилган, унда одамлару бўлак воқеаларга нисбатан бирон фикр билдирилмаган эди. Нозима ундан ишга алоқадор тариқча гап тополмади.

Зарипованикига бирга борадиган инспектор билан гаплашиб олгач, Нозима уйига кетди. Эри, қўлида тоққайчи, гулзорда юрган экан. Уни кўриб ишни тўхтатди. Нозима кийимини тезгина алмаштириб, овқатга уннади.

— Бугун шошиб қолибсанми? — деди эри унинг ёнига келиб.

— Соат тўққизда бир жойга борамиз... сиз билан.

— Қаёққа?

Нозима дераза оша ҳовлига қаради. Атрофда ҳеч ким кўринмас ва овозини пасайтириб, деди:

— Бир врачникига борамиз. Аборт қиладиган врачникига.

— Нима? Нима дединг?

— Вой, секин. Бақирманг. Уша врачни қўлга олишимиз керак.

— Менинг нима алоқам бор?

— Эриммисиз ахир? Бирга олиб борасиз. Ё бошқа одам билан бораманми?

— Бориб кўр-чи?!

— Жо-он, адажониси, ширинчани боғчадан олиб келинг.

— Яқин орада паспортларни алмаштирамиз-да, сени — эр, мени — хотин деб расмийлаштирамиз.

Нозима нозланиб, эрининг елкасига бош қўйди. Кўча эшиги томондан қайнонасининг овози келдию сапчиб тушишди, Мухтор ҳовлига отилганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Шоназирнинг хати билан келган эр-хотинни Зарипова жуда илиқ кутиб олди. Нозиманинг «анализлар»и қайд этилган қоғозларга кўз югуртиргач, Комилга, куёвтура, сиз шу ерда чой-пой ичиб туринг, деди-да, Нозимани қўшни хонага бошлади. Уни махсус креслога ўтқазиб, эм игнасига дори олаётганида эшик жинғироғи кетма-кет жириглади. Зарипова қўлидагиларни столга қўйиб, Нозимага савол назари билан қаради. Кейин игна устини оқ мато билан ёпди.

— Кийининг, эрингизнинг ёнига чиқиб туринг.

Зарипова хонани қулфлаб, эшикни очди. Олдин инспектор, унга эргашиб гувоҳ сифатида чақирилган икки қўшни кириб келди.

Зарипованинг ранги қув ўчди.

— Сиз ғайриқонуний равишда аборт қилишда айбланасиз, — деди инспектор, кейин Нозима томон қаради: — Булар — кимлар?

«Томошанинг ўзи» деб ўйлади Мухтор.

— Бу — синглим, бу — куёвим... — деди Зарипова дудуқланиб.

— Мана бу хонада ким бор?

— Бу... бу хонада танишим туради. Ҳозир — командировкада. Эшиги берк.

— Граждан Зарипова, — деди Нозима ўрнидан туриб, — қўйинг, бекинмачоқ ўйнамайлик. Бу ўртоқ — менинг ҳамкасбим. Бу киши чиндан ҳам эрим. Булар — гувоҳлар. — У шундай деб сумкачасидан қоғоз олиб,

Зариповага узатди. — Мана, прокурорнинг санкцияси. Гувоҳлар иштирокида тинтув қиламиз. Эшикни очинг.

Тинтув тугаб, қўшнилари чиқиб кетишгач, Зарипова уввос тортиб йиғлай бошлади. Мухторга буларнинг ҳаммаси ғалати туюлди. Айниқса, хотинининг ўзини тута билиши, чертиб-чертиб гапириши уни лол қолдирди. Нозимани бу ҳолда ҳеч кўрмаган, у шундай ишбилармондир деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Уйда ҳоксоргина бўлиб юрадиган хотинининг қаҳри хийла қаттиқ экан, а... Мана, Зарипова қон йиғлаб, эзиляпти. Нозима-чи?... Сув берди. Энди қовоқ уюб қараб турибди. Юпатишга уринмаяпти. Тартиби шунақамикин?

Зарипова йиғидан тўхтагач, Нозима унга Латофатнинг суратини кўрсатди.

— Бир ой аввал келган, эслайсизми? Бунда ҳам Шоғиёсовнинг хати бўлган.

— Шоғиёсов... жувонмарг бўлгур, мени ҳам тортди охири... Эсимда, сал вақтини ўтказиб келган эди. Энди кеч, десам ҳам кўнмади. Уйимда уч кун ўзим боқдим.

— Ким бошлаб келган? — Нозима унга Комилнинг, Омонтурдиевнинг ва яна икки кишининг суратини узатди. — Шулардан биронтаси бормиди ёнида?

Зарипова суратларга қарамади ҳам.

— Бир ўзи эди. Турмушга чиқмаган экан, шармисор бўлмасин дедим.

— Кейин... яна келдимиз — бошқа иш билан? — Нозима эрининг олдида очиқ сўрашга уялди. Зарипова буни сезди. Мухторга, сўнг бошқаларга қараб олди-да, ҳа, деган маънода сезилар-сезилмас бош ирғади.

Уйга қайтиб келишганларида ҳамма ухлаб қолган экан.

— Қаҳринг қаттиқ экан, бечора ўпкаси тўлиб йиғлаяпти-ю, қовоқ-тумшуғингни осилтириб ўтирибсан-а, — деди Мухтор ўрин солаётган хотинига.

— Раҳмдиллик қиламан деб ишни бузиб қўйиш ҳеч гап эмас. Уша — ичингиз ачиётган аёл, индамасак, одам ўлдириши мумкин, ҳеч бўлмаганда майиб қилади.

— Йиғиси айёрликмиди ҳали?

Нозима эрига кулиб қаради:

— Дадам айтадилар-ку, хотин кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, деб...

## Тўртинчи кимсага аён бўлган сир

Мавлуда Нозима билан хайрлашиб чиқдию кўча эшиги оғзида бир нафас тўхтаб қолди. Назарида, бир нимани ичкарида унутиб қолдиргандай. Қўлида ғижимланган рўмолчаси. Келаётганида ҳам шундан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Аммо нимасидир қолганга ўхшайди. Нимаси?... Бир чимдим хотирасини юрагидан узиб олиб терговчининг столи устига ташлаб чиқди... Шу гап кўнглидан кечдию эти увишди. Бу — қанақаси? Тилидан чиқариши лозим бўлмаган сирнинг бир учини аён қилдими? Комилнинг ўлимига нима дахли бор эди? Наҳот ўша гаплар учун Омонтурдиев энди ўч олган бўлса? Ёки қинғир ишларнинг очилишидан кўрқдимми? Қўрқса-қўрқмаса, Комилнинг уни фош қилиш нияти йўқ эди-ку?..

У, Нозиманинг эшикдан чиққанини кўриб, тез-тез юриб кетди. Анчагина йўл босганидан кейин тўхтади-да, ариқ ёқасида қовжираб ётган чимзорга тикилиб қолди. Ўтларга сепилган, уларни сарғайтириб куйдирган дори ҳиди димоғига урилдию нафаси қайтди. Орқасига ўғрилди. Участка инспектори хонаси жойлашган бир қаватли иморат олдида зоғ кўринмади. Боя эски «Запорожец» турган эди, терговчи шунда кетган шекилли. Мавлуда изига қайтди. Бу ёққа келиб

қолганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Нозимани кўриб, саросимага тушгани нимаси? Нега у билан яна юзма-юз келишга чўчиди? Кўнглидаги бор гапни тўкиб солишдан ҳайиқдимми? Қарашига дош бериш қийин экан бу аёлнинг. Хушрўйгина, кўзлари мунчоқдек, овози ҳам майин-у, лекин тикилиб турса, дилингдаги тилингда кўчганини билмай қоласан киши. Гўё аврайдди.

У, участка инспектори хонаси жойлашган бинога яқинлашгач, ҳовлига ўғринча қаради — ҳеч ким йўқ. Шундай бўлса ҳам, қадамини тезлатди. Бинодан узоқлашган сайин Нозиманинг гапи қулоқлари остида қаттиқроқ жаранглайверди. Гўё Нозима уни таъкиб қилар, нуқул бир гапни таъкидлар эди: «Ўша кунни эрталаб у Садировни кўрган. Садиров маст бўлган...»

Ўша кунни...

Эрталаб Комил унинг юзидан ўпган, ёноғига урилган илиқ нафаси ҳали-ҳали совумади. Мавлуда аниқ билади — у ичмаган эди. Тўхтамиш нега бундай деди? Ахир, у Тошкентда эди-ку? Нега чалкаштиряпти?.. Мақсади нима? Ҳеч ким милицияга арз қилгани йўқ. Узлари текширишяпти. Ёки?.. Наҳотки бирон киши... Ким? Нега?.. Мавлуда ҳозир бу саволларга жавоб топгудек ҳолда эмасди. У пала-партиш хаёллар гирдобиде алаҳсирайтуриб, бирдан Субхонни эслади. Эрининг жасади устига ўзини ташлаб фарёд ураётган чоғида Субхон бир нималар дегандек бўлувди. Нима дедви у?..

Мавлуда тўхтади. Хаёлини йиғиб олмоқчи бўлди. Комилни сувдан чиқарган — ўша. У бир нималар деган эди-я. Ўша пайтда қулоғига гап кирмади. Кейинроқ-чи? Нима учун Субхонга учрашмади? Ҳалиям кеч эмас, бориб, суриштириши керак. Эҳтимол, ўлим олдидан Комил бир нималар дегандир? Балки... Субхон... У бир қиз ҳақида гапирувди. Бу — эсига тушди. Ўша — фарёд чекиб кўз олди қоронғилашиб турган пайтда: «Қиз? Қанақа қиз?», деган ўй ялт этиб хаёлидан ўтди. Терговчиға буни айтиши керакми? Йўқ!.. «А л а қ а н д а й қ и з г а и л а к и ш и ш о қ и б а т и д а . . .» деган лаънат тамғаси босилсинми энди? Терговчи буни билса-чи? Латоф ўлгурни нега сўради? Комил акамнинг теварағида ҳиринг-ҳиринг қилиб юрарди-я! Наҳотки?! Бу ўй жисми-жонини ўртаб юборди. Боши айланиб, тўхтади. Юрагига бир нима қадалгандек бўлди. У, қуюндай ёпирилиб келган шубҳа-гумонни хаёлидан қувишга уринди. Сир эмас, илгари ҳам шундай рашк ўтига банди бўлиб қолар эди. Айниқса, Комил курортга кетгач, гумонсираш учун заррача асоси бўлмаса-да, минг азобда тўлғонди. Эри қайтиб келгач, унинг болаларникидек мусаффо кўзларига тикилиб... У пайтлар ўтди-кетди. Рашқининг қийноғи бор эди, лаззати ҳам йўқ эмасди. Эндиги гумон-чи? Эрининг шаънига босиладиган лаънат тамғасидан бошқа нима — бу?! У пайтлар қизғанишини сезса, Комил ширингина жилмаяр: «Сиз мени лотереяга ютиб олгансиз, бошқаларга аталмаганман», дер эди. Ёки: «Мен — девман, сиз хумчадан чиқариб олдингиз, демак, қулингизман», деб тегишарди. Энди-чи, энди у кимга бориб дардини айтади? Ким уни юпатади? Ким?..

Мавлуданинг мижжаларига қалқиган ёш кўз олдиға хира парда тортиди. Шу хира парда ортида Комилнинг жилмайган чеҳраси кўрингандек бўлди. «Яна мени хумчага солиб қўйдилар-ку?» Комилнинг овозини у аниқ эшитди. Чўчиб кетди. Гўё юраги уришдан тўхтади, нафасини ичига ютиб, шоша-пиша орқасига қаради: ҳеч ким йўқ. Рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. Уйларига яқин қолибди. Қадам олиши беихтиёр секинлашди. Ичкарига киргиси йўқ эди.

Шу ҳовли, шу кўчаларда Комилнинг болалиги ўтган,

уянинг деворларига унинг нафаси сингиб кетган. Шу дарахтлар, шу тупрокдан овози келаётгандай бўлади. Мавлуда баъзан у билан гаплашади. Эрининг сасини эшитиб, гоҳо кўрқиб кетади, гоҳо тахтадек қотади. Кечаси тиқ этган товушдан сапчиб тушади. Бу уйда — хотира тирик. Қолганлари — унинг назарида — жонсиздай. Баъзан қайнота-қайнонаси ҳам кўзига кўринмайди. Мавлуда кўз очиб кўрганини йўқотди. Улар эса ўттиз икки йил ерга қўйсақ — чанг юқади, осмонга қўйсақ — гард... деган кўзларининг оқу қорасидан ажралашди. Мавлуда қайнота-қайнонасига оғирлигини, юракларига зардоб тўлганини, фақат суратларигина қолганини билади, бироқ уларга суюнчиқ бўлолмайди, бўлгулик ҳоли ҳам йўқ. Ҳамон у хотира билан яшайди...

Мавлуда кечаси чинқириб уйғонди. Қайнонаси ҳам сапчиб тушди: «Нима бўлди?» «Ёмон туш кўрдим». «Калима қайтар». «Нима деб?» «Тавба, шуниям билмайди булар»... Қайнонаси ғудраниб-ғудраниб ётди. Мавлуда эса қоронғи бўшлиққа тикилган кўйи ўтирди.

Тушида, Тўхтамиш билан... Бирдан уларнинг устига Комил кириб қолганмиш. Тўхтамиш унга ташланиб, бўға кетибди...

Ўтирса, юраги сиқилаверди, туриб, ҳовлига чиқишга — айланишга кўрқди. Сира ётгиси келмади. Гарчи, тушида бўлса-да, яна Комил ёнига қайтди-я. Унга ишонмаганиданмикен бу?! Наҳотки? Наҳотки у Тўхтамиш билан... қандай шармандалик!

Мавлуда елкаларини кучиб, бошини ҳам қилди.

Комилга хиёнат қилиш икки дунёда хаёлига келман — юзи ёруғ.

Совхозга кўчиб келишгач, бир неча бор Тўхтамиш қармоқ ташлади. Комилни курортга у юборди, бу — бежиз эмас. Кўнглида эгри ният бўлмаса, иккита путёвка бермасмиди? Яхшиям, ўшанда Мавлуда опасиникига жўнаган экан. Совхозда қолганида, ким билади, иблислигини қилармиди у? Таъзияга келганида ҳам суқланиб тикилди-я. «Комилнинг ўрнини ўзингиз олинг. Хўжаликка аёл раҳбарлар керак», деди. Хўжалик усиз ҳам бир кунини кўради. Тўхтамишнинг нияти — бошқа. Буни Мавлуда билмас эканми? Билади. Шу сабабли ҳам у билан учрашганини терговчидан яширди, гап чувалашмасин, деди.

У Комилнинг айтганларини эслади: «Тулки осмонга маҳлиё бўлиб турган экан, лайлак келиб қолибди. «Ҳа, ошна?», дебди лайлак. «Учишни ўрганмоқчиман», дебди тулки. Лайлак ўргатмоқчи бўлибди-да, уни кўтариб осмонга учибди. Кейин ташлаб юборибди. Тулки ғарам устига тушибди. «Қалай, ўргандингми?», деб сўрабди лайлак. «Ўрганишга ўргандим, лекин кўниш қийин экан-ку», дебди тулки. «Э, бундан осони йўқ, энг оғири — кўтарилиш, яна бир учсанг, кўнишиям ўрганиб оласан». Лайлак тулкини кўтариб яна ҳам баландроқ учибди-да, сўнг ташлаб юборибди. Бу сафар тулки ботқоқликка тушиб, уч газ чуқурликка ботиб кетибди... Тўхтамиш — ўша тулкининг ўзи. Қўлга киритганига кўзи тўймайди. Осмонга чиқмоқчи. Қаноти йўқлигини билатуриб, учмоқчи-да. Бир марта ғарам устига «қулаб» тушди. Эсингдами, Адолатни хор қилгани? Боплаб алдаб кетди. Ҳозир яна учиб юрибди. Ботқоққа ботиши аниқ, лекин қачон? Осмонда туриб ҳаммаёқни булғаябдию...

Омонтурдиев ҳақида гап очилса, Мавлуданинг ҳам асаби бузилади. Буни билгани учун Комил уни камроқ тилга оларди. Омонтурдиевнинг найрангларига чидамаган кезлари, айниқса, у пул бермоқчи бўлганида Комил кўп гапирган. Эзилиб, астойдил бўғилиб гапирган эди ўшанда.

Омонтурдиев Адолатни хор қилгач, унинг қўлидан

ҳар қандай аблаҳлик келишига Мавлуда ишонган. Шу сабабли эрининг куйиб-ёнишини, Омонтурдиевни инсоф йўлига бошламоқчи бўлганини беҳуда деб билди. Аммо буни очиқ айтмади — эркакларнинг ишига аралашмаса-да, Комилга дардкаш бўлди. У виждон азобида тўлғаниб айтган кўп гаплар ёдида михланди. Агар орада ўлим бўлмаганида, совхоздан кўчиб кетишармиди, бу гаплар балки вақт ўтиши билан ҳаёлидан кўтарилармиди. Энди эса унутмайди, унуттолмайди. Кунлар ўтган сайин вақтида арзимасдек туюлган гаплар ҳам ёдига тушаверади. Комил ўша — куйиб-ёнишлари, ўша — жилмайишлари, ўша — ҳазиллари билан у учун бир умр тирик...

Нозима уни ёмон қийноққа солиб кетди. Комилнинг чўкиб ўлишида кимнингдир қўли бор, деб гумонсирагани ҳам, Омонтурдиевнинг ёлғон гувоҳлик бериши ҳам Мавлудани довдиратиб қўйди. Суйганидан айрилиб қолганига аста-секин кўникаётган, тақдирига тан бераётган бир пайтда яна пўртанага тушиб қолди. Тўлқинлар дам уни сув юзасига хас каби улоқтиради, дам тубсиз қаърига тортади.

Кундузи пича кўзи илинган экан, ёқа бўғишаётган Тўхтамиш билан Комилни яна туш кўрди. Уйғонгач, ўзини кўярга жой топа олмай, ташқарига чиқди. Ҳовлига ҳам сиғмади. Кўчага оёғи тортмади — истихола қилди. Азадор деган номи бор. Урик остида анчагача бўғилиб ўтирди. Омонтурдиевнинг найрангларини терговчига айтмаганига пушаймон қилди. Комилга пул бермоқчи бўлганию қўшиб ёзишларини айтиши лозим эди, текширсин эди ўша терговчи. Балки шу йўл билан ҳақиқат илдизига етарди. Қолган гаплар — севги ўтида ёнишлари фарзанд доғида куйишлар — унинг шахсий дарди, аммо Омонтурдиевнинг муттаҳамлигини айтиши даркор эди. Айтмай чакки қилди. Терговчи яна келармикин?

Кечадан бери кўнглига тинчлик бермаётган шубҳа, «Комилни Тўхтамиш ўлдирган» деган ўй бирдан асл ҳақиқатдек туюлдию Мавлуданинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди. Куз исини олган ўрик барглари шитирлаганча унинг фикрини тасдиқлагандай бўлди. У, юзини нафтларига босди-да, кўзларини чирт юмди. Япроқлар шивири ҳам тинди, қушлар чуғури ҳам, сувнинг шилдираши ҳам... Бир нафас дунё жони узилгандек тош қотди. Бир нафас. Кейин... Қайнонаси ув тортиди: «Тирноқча зор ўтган болам-ей...» Мавлуда меровсираб, бошини кўтарди. Супада — қайнонаси, бир аёл билан бағирлашиб, дардини тўкиб йиғларди. Унинг нолаю фиғони Мавлуданинг юрагига игна бўлиб санчилди. У ўрнидан турди-да, судралганча ҳалиги аёлга яқинлашди. Қайнонасига эш бўлиб, юраги тўлиб-тўлиб йиғлади. Ҳалиги аёлни танимаса ҳам, дардларини айтгиси келди. Айтолмади. Қандай айтсин? Қай бирини айтсин? Бу аёл шунчаки — кўнгил сўраб келган, ғамини олиш учун эмас. Дардини ким олади? Кимга керак унинг оҳ-зори. Бу аёлнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бордир? Мавлуда буни кейинроқ, яъни нотаниш аёл кетгач, ўйлади. Ўша пайтда эса йиғлади, тўлиб-тўлиб йиғлади...

Ёлғиз қолгач, «Комилни Тўхтамиш ўлдирган» деган гумон яна юрагини кемира бошлади. Ўзини чалғитмоқчи бўлиб, ҳовлига сув сепди, супурди. Кейин... яна ўша хаёл...

Икки кун шундай кечди.

Учинчи кун ҳам шундай бошланди.

У ортиқ чидай олмаслигини сизди. Қайнонасига, шаҳарга тушиб чиқаман, деди. Терговчига учрашиш нияти борлигини ундан яширди.

Нозима Садировнинг хатлари билан танишиб чиққач, ўзича мулоҳаза юритиб ўтирган эди. Навбатчи кўнғироқ қилиб, Мавлуда Садирова келганини айтгач, шошиб қолди. У, Садирова бир кун кириб келишига ишонар, лекин бу шунчалар тез содир бўлар, деб ўйламаган эди...

Мавлуда дабдурустан мақсадини айтолмади. Муд-даога энди ўтаётганида Нозиманинг кўзига кўзи тушдию гапидан адашди. Охири:

— Илтимос, менга бундай қараманг... — дейишга мажбур бўлди.

Нозима дераза томон юзланди. Бари бир, Мавлуда бир оз саросима билан сўзлади. Кела-келгунича у кўп гапни дилига туккан эди. Борини тўкиб солишга, назарида, кам деганда ярим соат кетарди. Ҳозир, бир неча дақиқада гапи тугаб, бирдан юраги ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Нозима гапнинг давомини кутди. Мавлудадан садо чиқавермагач, унга қаради.

— Бор гап шуми?

«Яна нима дейишим керак?» деб ўйлади Мавлуда.

— Тўхтамиш Омонтурдиевдан гумонингиз борми?

— Ҳа... Йўқ... Лекин текшириб кўриш керак.

— Ўша кунни шаҳарда бўлган-ку?

— Келиб-кетиш қийинми?

— Текшириб кўрамиз... Омонтурдиевнинг қинғир ишлари бор экан. Садиров... эрингиз билар экан. Фош қилишга уринмаганми? Бирон жойга хабар берганми, мажлисда танқид қилганми?

— Йўқ, йўқ, бунақа ниятлари бўлмаган.

— Нимага? Жиноятни билатуриб, яширса, унга шерик бўладию?

— Сизларнинг қаричингизда ўлчанса, шунақа. Комил акамнинг бу ишларга сира дахллари йўқ.

— Яхши, бу гапларни кўя турайлик. Ҳозир мени бошқа масала қизиқтиряпти. Сиз билан учрашганимдан кейин баъзи нарсаларни аниқладим. Сувга чўкишидан олдин Садировни бир қиз билан кўришган, бизнинг билишимизча, ўша қиз — Латофат Ҳамидова. Ўтган гал уларнинг муносабати ҳақида ҳеч нима демаган эдингиз?

— Муносабатлари? Мен Комил акамга ишонардим. Илтимос, шу ишончимни ўлдирманг, ўтиниб сўрайман сиздан...

— Ҳақиқатни аниқлагунча шундай гумонларга боришга мажбурмиз. Ўтган кунни яна бир масала аниқланди: Садиров курортдалигида Ҳамидова боласини олдирган.

— Нима?! — Мавлуда ўрнидан туриб кетди. Нозиманинг устига бостириб келди. — Нима дедингиз? Боласини олдирибдими? Комил акамдан кўряптими, мегажин?! Бекорларни айтибди. Бундай бўлиши мумкин эмас!

Нозима ҳам ўрнидан туриб, унга тикилди:

— Нега мумкинмас? Сабаб? Ёки Садировдан бола бўлмас эдими?

— Нимага ундай деярсиз? Айб — менда, деган эдим-ку!

— Ҳозирги гапингиз-чи? Қўйинг, опа, бу яширадиган гап эмас. Айтганингиз билан овоза бўлмайди. Айб кимдалигини ўтган учрашувимиздаёқ сезганман. Эсингиздами, менга қолса этакларини болага тўлдириб ташламасмидим, девдингиз?

Мавлуда унга ҳайрат билан тикилди. Эсида, шундай деган эди. Бунча зийрак бўлмаса бу жувон... ҳамма гапини чертиб-чертиб, сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарибди-да.

— Ҳозирча Ҳамидова эрингизни айбламади, — деди Нозима ундаги ўзгаришни сезмагандай, — бердисини айтгунча ўзингиз қовун туширдингиз. Хўш, эртага у:

«Бола Садировдан эди», деб туриб олса, «Шу иснодга чидамай ўзини у сувга ташлаган», деса, нима қиласиз? Тўхмат юкини кўтариб юраверасизми?

— Айб у кишида эди. Текширтирганмиз.

— Сексопатологнинг исм-шарифи, иш жойи эсингиздами?

Мавлуда айтди. Нозима ён дафтарига қайд этди.

— Айб эрингизда эканини яна ким биларди?

— Ҳеч ким.

— Омонтурдиев ёки Ҳамидова бу билан қизиқишмаганми?

— Йўқ... Ҳа-я, Омонтурдиев бир сўрагандай бўлувди...

Сексопатолог, Мавлуда ва Комилгагина маълум ҳақиқат тўртинчи одамга ҳам аён бўлди. Неча йил бадалида чўчиб сақлаган сири очилди. Ўшанда — дастлаб бу аянчли кўргулик тасдиқланганида Мавлуда даҳшатга тушган, гўё эридан айрилиб қолаётгандай бўлган эди. Комил эса... ғамга чўмиб, дардчил овозда ростини айтган, кейин беармон ичган эди, эртасига ҳам... Охири, ўзига келиб, Мавлудага рухсат берди: майли, ихтиёр ўзингда, деди. Мавлуда шундай одамни ташлаб кета олармиди? Комилни-я! Йўқ! У ташлаб кетмади. Комил... ташлаб кетди-я. «Тўғмас хотин» деган лаънат тамғасини бир умр кўтаришга рози эди. Нима қилсин, ахир, суйганига отилган хас бошига чўқмор бўлиб тушса ҳам майли-да. Ҳар қалай, бу шармандалиқдан кўра, Комилнинг пушти куйган экан, деган гап дуруст-ку. Мавлуда ўзини оқлаш учун эмас, йўқ, эрининг шаънини исноддан асраш ниятида айтди бу сири.

Мавлуда ўтинч билан Нозимага тикилди:

— Бу гапни биров билмасин. Шу пайтгача Комил акамнинг юзи ёруғ бўлган, энди қора чапланмасин.

— Агар, Ҳамидова даъво қилса, айтишга мажбурмиз, йўқса сир очилмайди. Мени яна бир масала қизиқтиради. Институтга бориб, тўртинчи курсдаги воқеани суриштириб, билдим. Садировнинг мажлисида айтган гапи билан ҳам танишдим. Ҳозир Адолат Қурамабоева қаерда, билмайсизми?

— Юртига кетган. Тўхтамиш пасткашлик қилди. Ярим йилгача бирга туришди. Кейин Адолат билсаки, бу муттаҳамнинг қишлоқда бола-чақаси бор экан. Шунда-ям ғалва кўтармади. Бўйида бўлган экан, туғди. Институтни битиргач, боласини олиб кетди. Турмуш қурибди, бўлмабди. Кейин бир бевага юлдузи тўғри келибди. Ундан ҳам болалари бор. Ўзининг қизи, эрининг уч боласи, кейин туққанлари билан чувалашиб ўтиргандир. Уни безовта қилиш шартмикин?

— Безовта қилиш ниятим йўқ. Тақдирини билмоқчи эдим. Омонтурдиевнинг шахсини аниқлаш учун керак-да бу.

— Сиздан бир гапни яширган эдим: таъзияга келганида мени ишга таклиф қилди — бош агрономликка.

— Омонтурдиевми?

— Ҳа.

— Рози бўлдингизми?

— Менинг ўрнимда бўлганингизда, кўнарминдигиз?

Нозима елка қисди.

— Мен энди борай, — деди Мавлуда уф тортиб. У анча енгил тортгандай эди.

— Яна бирор гап чиқиб қолса, келинг-а.

— Йўқ, синглим, бошқа гапим йўқ... Бор-у, бу ишга боғлиқ эмас.

**Давоми келгуси сонда.**

# Муҳаббатнома

## Фузулий

Ул паривашким малоҳат мулкининг султонидир,  
Ҳукм онинг ҳукмидир, фармон онинг фармонидир.

Сурди Мажнун навбатин, шимди банам расвои ишқ,  
Тўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидир.

Лаҳза-лаҳза гўнглим ўдиндан шарарлардир чиқан,  
Қатра-қатра гўз дўкан сонманг сиришкин қонидир.

Чоклар кўксимда тиғи ишқдан, айб этмангиз,  
Ким жунун гулдорининг бунлар гули хандонидир.

Эй Фузулий, ўлаким, ёр эда раҳм афғонинга,  
Оғлагил зор ончаким, зор оғламоқ имконидир.

\* \* \*

Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зулоли завқ шавқин, ташнаи дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Гўзи ёшлулар ҳолин на билсун мардуми ғофил,  
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини хушёр ўландан сўр.

Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Ҳароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,  
Ҳаробот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин, завқи ишқи вор ўландан сўр.







# АСНИКАРТИН КҮН

## БҮРОНЛИ БЕКАТ

Чингиз  
Айтматов

Роман

Рус тилидан А.Сип. РАШИДОВ таржимаси

**К**уз оёқлаб, қиш олдидан Уккуболанинг юзига билинар-билинимас доғ туша бошлади. Қорни дўппайиб, билиниб қолди. У бир сафар: «Олтин меekre балиғи қанақа бўларкин, у ҳақда эшитганман-у, ўзини ҳеч курмаганман?» деб сўради. «Камёб балиқлардан бири, — деди Эдигей, — денгиз тубида яшайди, жуссаси хийлагина катта, лекин унинг хосияти — гўзаллигида: олачипор-кўкимтир, юзгичларидан тортиб кемирчак тароғигача, хуллас, бошидан то думининг учигача олтин сингари товланиб туради. Шунинг учун ҳам уни олтин меekre деб айтишади».

Бошқа бир гал Уккубола олтин меekre тушига кирганини гапирди. Гўё балиқ унинг атрофида сузиб юраркану балиқни ушлаб олмоқчи бўлармиш. Балиқни тутиб олиб, яна сувга қўйиб юборишни жуда-жуда хоҳлабди. У балиқни ушлаб, олтин тангачаларини бир сийпаласа бўлди экан. Шу қадар тутгиси келибдики, тушида уни қувлаб юрганмиш. Балиқ эса тутқич бермасмиш... Уккубола уйғониб кетиб, ҳақиқатдан ҳам муроду мақсадига етолмай қолгандек афсусланиб, анчагача ҳаяжонини босолмай ётди. Сўнг ўзича йўйди; ўнгиди ҳам олтин меekre балиғини тутиб олиш истаги уни қамраб олди.

Эдигей буни ўзича тушунди: денгизда тўрни сувдан тортиб олаётиб йй-хаёли олтин меekreда бўларди. Кейин маълум бўлишича, тушни тўғри таъбир этган экан. Унингча, қандай қилиб бўлса ҳам олтин меekre тутиши керак, чунки Уккубола бошқоронғи бўлиб, кўнгли ўшани тусаган эди. Хотин киши турли нарсага бошқоронғи бўлади-да: бирови қандайдир ачиқ-чучук, шўр, ҳатто жуда ҳам ачиқ ё тахир нарсани, бошқа бошқоронғи бўлади-да: эрининг касби балиқчилик бўлгач, балиққа бошқоронғи бўлади-да. Уша катта балиқни кўзи билан кўриш, қўлида ушлаб, олтин тангачаларини сийпалашни унга тақдирнинг ўзи буюрган. Хотин киши бошқоронғи бўлган нарса топилмаса, бола туғилмасданоқ касалга чалинади, деган гапларни Эдигей эшитган эди.

Уккубола шу қадар ғайриоддий нарсага бошқоронғи бўлдики, унинг ўзи ҳам буни ботиниб айтолмасди, Эдигей ҳам бундай нодир балиқни тута олиш ё тутолмаслигини билмагандан сўнг, гапни чўзиб ўтирмади. Аввалига олтин меekreни тутиб, кейин, сен бошқоронғи бўлган нарса шуми ёки бошқа нарсами деб сўрашга қарор қилди ўзича.

Балиқ ови мавсуми июль ойидан ноябрь ойигача давом этарди. Бу маҳал — Уккубола бошқоронғи бўлган пайтлари Орол денгизида ов мавсуми тугай деб қолган эди; қишнинг изирин нафаси сезиларди. Артель қишлоғга тайёрланарди. Бир ярим минг километрлик масофага чўзилиб кетган Орол денгизини қалин муз қоплаб олар, ўшанда музнинг ҳар еридан катта-катта қилиб тешадилар, сўнг бир тешикдан иккинчисигача оғир тўр ташлаб, саҳроларнинг толмас дастёри — туялар ёрдамида тортиб чиқаришарди... Тўр билан муз устига тортиб чиқарилган балиқлар изғиринли ҳавода қимир этишга ҳам улгуролмай, бир зумда тошдек қотиб қоларди... Артелда ишлаб, ёзин-қишин қанчалар балиқ тутишганига қарамай, Эдигей ҳали бирор марта ҳам олтин меekreнинг тўрга тушганини кўрмаган эди. Бу балиқ аҳён-аҳёнда қармоққа илиниб қоларди, бу эса овчилар учун кутилмаганда катта байрам бўларди; фалончининг омади келиб, олтин меekre тутиб олди, дея гапириб юришарди.

Эдигей ўша куни хотинига, сув музлаб қолмасдан уйга балиқ тутиб келайин, деб эрта тонгда денгиз томон йўл олди. Уккубола эса:

— Уйда балиқдан кўп нарса йўқ. Аёзли кунда чиқиб нима қилсан, — дея уни йўлдан қайтармоқчи бўлди.

Эдигей гапидан қайтмади.

— Уйдаги нарса, уйда-ку, — деди у. — Соғин хола оғир касалланиб, ётиб қолибди, деган эдинг-ку ўзинг. Лаққа ёки оққайроқ балиғининг қайноқ шўрвасини ичса шифо топар. Ундан яхши дори борми? Қариб қолганида у боёқшига ким балиқ тутиб берарди дейсан.

Эдигей шу баҳона билан эрталаб барвақт олтин меekre тутгани кетди. Ҳамма керакли ов асбобларини олдидан тайёрлаб қўйган эди. Уларнинг барчасини қайиқнинг тумшуғи томонга жойлаштирди. Узи ҳам иссиқроқ кийиниб олди-да, сузиб кетди.

Охири. Бошланиши журналнинг 1-, 2-, 3-сонларида.

Куз тугаб, қиш бошланай деб турган пайт. Ҳаво тез-тез ўзгариб турарди. Эдигей тўлқинларни қиялаб ўтиб, қайиқни денгизнинг ўртаси томон йўналтирди. Унинг мўлжалича олтин меке ре ерда бўлиши керак эди. Албатта, ҳамма нарса омадга боғлиқ, чунки овчилик касбида қармоқча балиқ олинтиришдан кўра ноаниқ нарса бўлмайди. Қирғоқда-ку, мерган билан ўлжа бир муҳитда бўлади, мерган писиб, пойлаб ётади ё қувлаб ўлжасига яқинлашади. Аммо балиқчи сув тубига тушиб мергандек ҳаракат қилолмайди. Балиқ борми, йўқми, қармоқча илинади, илинайди, хуллас, ҳеч ниманинг тайинини билмай кутиб ўтираверади.

Денгизга одатдагидай балиқ тутиш, озиқ излаш учун эмас, балки иккиқат хотинининг бошқоронғи бўлгани учунгина овга чиққан Эдигей омад келишини жуда-жуда истарди.

Эшак эшганда навқирон Эдигейнинг бақувват ва чайирлиги сезилиб турарди. У тарам-тарам бўлиб тўлқинлариб турган оқимларни кесиб ўтиб, тиним билмай, бир меъёрда қайиқни денгиз ўртасига ҳайдаб борарди. Бундай тўлқинни Орол балиқчилари эгри тўлқин деб аташади. Эгри тўлқинлар қаттиқ шамолдан дарак беради. Аммо бундай тўлқиннинг ўзи хавфли эмас, кўрқмай сузаверса бўлади.

Ердан узоқлашган сари соҳилнинг ўпирилиб тушган жарлик томони ҳамда сув тўлқинлари ювиб, тошлоқ бўлиб қолган ер кўз илғамас даражада кичрайиб борарди-да, охири аранг кўриниб, сўнг секин-аста ғойиб бўлиб кетадиган чизиққа айланади. Тепада булутлар муаллақ туришарди, паства эса, салқин шамол сув юзини ялаб эсарди.

Тахминан икки соат сузгандан сўнг Эдигей қайиқни тўхтатди, қайиқ эшакларини бўшатиб олди; лангар ташлади-да, ов асбобларини ҳозирлай бошлади. Унинг иккита чийриқ ғалтаги, қармоқ ипини керак пайтда тўхтатадиган мосламаси бор эди. Бирини қайиқнинг қуйруқ томонига ташлаб, салмоқ тошни юз метргача чуқурликка туширди-да, сув тубига яна йигирма метрча қолганда ипни боғлаб қўйди, иккинчисини ҳам қайиқнинг тумшук томонидан худди шу йўсинда сувга ташлади. Сўнгра қайиқни бир мувозанатда сақлаб туриш ва қармоқнинг иплари бир-бирига ўралишиб қолмаслиги учун эшакларни сувга ботириб, ушлаб турди.

Шу ҳолда кутиб ўтираверди. Унинг мўлжалича, ҳалиги ноёб балиқ худди шу жойларда бўлиши мумкин эди. Мўлжалининг тўғрилигига далил-исботи йўқ бўлса-да, кўнгли гувоҳлиқ бериб турарди. Бундай балиқ бўлиши керак, албатта бўлиши керак, деб ишонарди. Унингсиз уйига қандай қайтади! Бу балиқ шунчаки кўнглихушлиги учун эмас, балки ҳаётидаги энг муҳим иш учун зарур.

Бир оз вақт ўтгач, балиқлар борлигидан дарак беришди. Бироқ, улар Эдигей кутган балиқ эмас. Аввалига оққайроқ балиги қармоқча тушди. Ипни тортаётгандаёқ унинг олтин меке эмаслигини билган эди. Ахир, биринчи уринишдан оқ олтин меке илиниб қолмасди-ку. Унда турмуш жуда оддийлашиб, қизиғи қолмаган бўлур эди. Эдигей олтин меке учун меҳнат қилишга, кутишга тайёр. Ундан сўнг Оролнинг энг яхши балиқларидан бири — лаққа қармоқча илинди. Уни ҳам тортиб олиб, бир уриб гангиратдию қайиқ тубига ташлади. Ҳарҳолда, бу балиқлар бетоб ётган Соғин холага шўрва пишириш учун етиб ортади. Яна бир балиқ тушди, уни тран дейишади — Оролнинг леши. Буни қайси шайтон йўлдан оздириб ҳайдаб келган буёққа? Одатда тран сув юзига яқин юради. Майли, гуноҳи ўзи билан. Шундан кейин анчагача ҳеч нарса илинмай, жуда зориктириб юборди... «Йўқ, мен охиригача кутаман, — деди ўзича Эдигей. — Айтмаган бўлсам ҳам, хотиним олтин меке учун кетаётганимни билди. Бола она қорнида қийналмаслиги учун бу балиқни тутишим керак. Онаси олтин мекеми қўлига олиб, ушлаб кўрсин: ахир менинг болам шунини истаяпти. Она ҳам шунга ташна, мен отаси бўлатуриб уларнинг хоҳишини бажо келтирмасам, оталигим қоладим!»

Эгри тўлқин ўз одатини қилиб, қайиқни нари-бери айлантираверди. Эдигей қимирламай ўтирганидан совқота бошлади. Икки кўзи билан чийриқ ғалтаклардан сув остига тушиб турган иплар қачон тортиларкин деб кузатиб турди. Қайиқнинг тумшук томонида ҳам, қуйруқ томонида ҳам бирор аломат йўқ. Аммо Эдигейнинг сабр-тоқати ҳозирча етарли эди. Олтин меке келишини у биларди, бунга ишонарди. Эгри тўлқинлар кучайганидан кучайиб борарди. Денгиз бир оз сабр қилиб турса бўларди. Намунча тўлқинланади? Довулнинг ҳозирча шашти йўқдек кўринади. Эҳтимол кечга бориб ёки бўлмаса тун ўртасида одатдаги олабош тўлқинлар ўкириб,

шарқираб кўтарилишар. Ушанда даҳшатли тусга кирган Орол денгизи бошдан-оёқ оққа бурканиб қайнаб ётади, бу вақт ҳеч кимнинг денгиз ичига сузиб киришга юраги бетламай қолади. Ҳозирча вақт бор, кутиб ўтирса бўлади...

Совқотганидан ҳурпайиб кетган Эдигей теварак-атрофга назар ташлаганча денгиз тубидаги нотайин балиқни кутарди. «Нега мунча кутдирасан, қизиқ экансан, мендан кўрифа, — деди у ичиди. — Қўрқмагин, сени қайта сувга қўйиб юбораман-ку ахир. Бунақаси бўлмайди, демоқчимисан? Узинг кўрасан, шунанқаси ҳам бўлади. Сени пишириб ейиш учун тутаётганим йўқ. Уйда ҳар хил таом, турли хил балиқлар тўлиб ётибди. Ана шу қайиқ тубида ҳам учта балиқ бор. Овқат учун сени шунчалик кутармидим, олтин меке! Тушунасаним, биринчи фарзандимиз туғилади. Кунни кеча сена хотинимнинг тушига кирибсан, ўшандан бери у орому қарорини йўқотган, буни менга атайлаб айтмасан-да, билиб юрибман. Нега шундай эканини сенга тушунтиролмайман, лекин хотиним сени қўлига олиб кўрмоғи лозим. Сенга сўз бериб айтманки, шундан кейин дарҳол денгизга қўйиб юбораман. Сен нодир балиқсан, ҳамма гап ана шунда. Бошинг олтин, қуйруғинг олтин, оққандаги кемирчак тароқларинг сузгич қанотларинг ҳам олтин. Сен ҳам бизнинг ҳолимизни тушунгин. Хотиним сени ўнгида ҳам жуда-жуда кўргиси бор, у сенга қўл теккизиб кўрмоқчи, сени ушлаб, силаб-сийлаб, қандайлигингни сезмоқчи, олтин меке. Балиқсан, буларга нима алоқам бор, деб ўйлама. Сен балиқ бўлсанг ҳам, у негидир синглисини соғингандай соғиниб юрибди, фарзанд туғилгунча сени кўргиси бор. Қорнидаги бола ҳам мамнун бўлади. Ҳамма гап ана шунда. Олтин меке, яхшилигингни аяма. Бери кел, сени ранжитмайман. Сўз бераман. Ниятим ёмон бўлса, сен буни аллақачон сезиб олган бўлардинг. Қармоқча илина қол, муштумдек гўшт олиб, кутиб ўтирибман, хоҳлаганингни танлаб ол. Таъминин узоқдан сезгин деб, бир оз ҳидланган гўшт қўйганман. Тортинмай келавер, ёмонликни ўйлама. Агар сени алдамоччи бўлиб, ялтироқ темир балиқчини қўйганимда биринчи навбатда ўшанга интилардинг. Сен уни ютишга ютардинг-у, бироқ қўйиб юборганимдан кейин ичингда темир билан қандай яшардинг? Бу ғирт адамчилик-ку, ахир! Мен эса, чин гапимни айтиб, қармоқ солиб ўтирибман. Лабларинг бир оз жароҳатланади, холос. Ташвиш тортма, мен катта саноч олиб келганман. Саночни сув билан тўлдираман, сен вақтинча ўша ерда ётасан, кейин яна денгизга қўйиб юбораман, сузиб кетасан. Бироқ мен бу ердан сенсиз кетмайман. Вақт кутиб турмайди. Тўлқинлар кучайиб, шамол авжига чиқаётганини наҳот сезмаётган бўлсанг, боламнинг отасиз етим бўлиб туғилишини хоҳлайсанми? Яхшилаб ўйлаб кўр-да, менга ёрдам бер...»

Денгиз юзасига қоронғилик чўка бошлади. Қайиқ гоҳ тўлқинлар узра қалқиб чиқар, гоҳ тўлқинлар орасида кўринмай кетиб, соҳил томон сузарди. Кўпикланиб, авжига кўтарилган тўлқинларни аранг кесиб келарди. Денгиз гуржираб, ичидан қайнаб, довулдан куч олаётгандек жўшиб, ҳар томонга чайқаларди. Музддек сув томчилари юз-кўзларига сачраб, қайиқ эшакларини тутган қўллар совқудан кўкариб, шишиб кетган эди.

Уккубола соҳил бўйлаб юрарди. Юраги така-пука бўлиб, ўтиролмай анча вақт илгари соҳил бўйига келиб, эрини кутарди. Балиқчига тегаман деганида, даладаги чорвадор қариндош-уруғлари, турмушга чикишдан олдин қандай оғир ҳаёт кечиршига журъат этаётганингни ўйлаб кўрсанг бўларди, сен балиқчига эмас, балки балиқ сузадиган денгизга тегаятирсан, денгиз бўйида зор-зор йиғлаб, унга ҳали неча бор илтижо қиларсан, деб айтишган эди. Уккубола Эдигейга берган сўздан қайтмади, эрим нима бўлса, мен ҳам шу деди...

Айтганларидай бўлди. Бу сафар у кўпчилик билан эмас, ёлғиз ўзи кетган эди, ҳаво қоронғилишмоқда, тинчлигини йўқотган денгиз эса гувиллаб садо чиқарарди.

Шу пайт баянд кўтарилган тўлқинлар орасидан ҳаракатдаги эшаклар билан қайиқнинг тумшуги кўзга ташланди. Қорни дўппайиб чиққан Уккубола жун рўмолига ўранганча тўлқинлар урилаётган соҳилга яқин келиб, Эдигей сузиб келгунча ундан кўзини узмай кутиб турди. Соҳилга келиб урилиб турган сув тўлқинлари бир зарб билан қайиқни саёз жойга суриб чиқариб қўйди. Эдигей бир зумда ирғиб сувга тушди-да, ҳўкизни судрагандек қайиқни қирғоққа чиқариб қўйди. Бошдан-оёқ шўр сувдан шалабо бўлиб кетган Эдигей қаддини ростлаган эди, Уккубола яқин келиб унинг плашч остидаги музддек бўйнидан кучоқлади.

— Кутавериб тоқатим тоқ бўлди, шунчалар ҳам ғойиб бўлиб кетасанми?

— Кун бўйи кутдим, лекин келмади, ниҳоят қаршимга сузиб келди.

— Нечук? Олтин мекре тутгани кетганмидинг?

— Ҳа. Ялиниб-ёлвориб, охири кундирдим. Кўришинг мумкин.

Эдигей қайиқдан сув тўлдирилган катта саночни судраб чиқди-да, сувни олтин мекре билан қирғоқдаги шағал устига тўкиб юборди: ниҳоятда гўзал балиқ экан. Олтин қуйруғи билан қутургандай ирғишлаб, буралиб, шағал тошларни ҳар томонга сочиб, қизғиш оғзини катта очарди, ўз олами — денгиз томон, тўлқинлар томон интиларди. Бу янги оламга тасодифан тушиб қолганидан, юм-юмалоқ, мусаффо кўзларини юммай, бир зумгина қимир этмай туриб қолди. Ҳатто нотаниш оламнинг қиши оқшом шуъласидан гангиб қолди шекилли, шу орада тепасида энкайиб турган кишиларнинг порлаган кўзларини, соҳилни, осмонни кўрди, сўнг олис-олисларда, уфқда денгиз устидаги сийрак булутлар орасидан кўзни қамаштирувчи ўткир нурларини сочиб, ботиб бораётган қўшни кўрди. У нафаси қисилиб, яна типирчилаб, сувга етмоқчи бўлиб ўзини ерга урганча талвасалай бошлади. Эдигей олтин мекре жабрасидан ушлаганча кўтарди.

— Қўлингни узат, ушла! — деди у Уккуболага.

Уккубола болани кўтаргандек балиқни икки қўллаб кўтариб кўксига босди.

— Сўлқиллаганини-е! — дея хитоб қилди у балиқнинг барқ уриб турган ички кучини сезган ҳолда. — Оғирлигини қара-я! Шундоққина денгизнинг ҳиди келиб турибди! Гўзаллигини айтмайсанми! Ма, Эдигей, миннатдорман, жуда миннатдорман. Муродимга етдим. Уни тезроқ сувга қўйиб юбор!..

Эдигей олтин мекрени олиб денгиз сари йўналди. Соҳилга урилиб қайтаётган тўлқинларга қарамай тизза бўйи сув кечиб борди-да, балиқни қўйиб юборди. Балиқ сувга тушгач, шу заҳотиёқ бошидан то қуйруғигача олтин тусда ялт-юлт этиб товланиб, денгизга шўнғиб кетди...

Кечаси қаттиқ шамол туриб денгизда улкан тўлқинлар кўтарила бошлади. Уйнинг нариги томонида, жарлик остида денгиз гурқираб-шарқираб турарди. Эгри тўлқинларнинг бўрондан дарак беришларига Эдигей яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Тун яримлаб қолган эди. Эдигей мудраб ётаркан, гуриллаган тўлқинлар овозига қулоқ солиб, тилаб олган олтин мекресини ёдига келтирди. Ҳозир қандай сузиб юрган экан? Денгиз тубида бундай тўлқинлар бўлмаसा керак. Балиқ ҳам ўзининг чуқур зулмат дунёсида сузиб юриб юқорида тўлқинлар ҳаракатини сезиб тургандир. Эдигей мамнун бўлиб жилмайди-да, кўзи уйқуга кетар экан, қўлини хотинининг биқинига қўйдию кутилмаганда туртки овозини эшитди: бола дунё юзини кўришидан дарак бераётган эди. Эдигей бунга ҳам қувониб жилмайди-да, тинчгина уйқуга кетди.

Йил ўтмай уруш бошланганини ва ҳаётда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетишини, денгиздан биратўла бош олиб кетиб, уни кейин эслаб юришини кошқи ўша вақтда билса эди... Айниқса, бошидан не кунлар кечишини билганда эди ўшанда...

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — маширдан мағрибга томон, мағрибдан маширқа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкаларда темир изларнинг икки тарафида пой-поёнсиз улкан Сариўзак даштлари — қовжироқ саҳронинг ўзак ерлари ястанган...

Эдигей Бўрон учун унутилмас ўша даҳшатли эллик учинчи йилнинг қиши ҳам эрта тушди. Сариўзақда ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Октябр ойи тугамасданок қор тушиб, совуқ бошланди. Яхшиямки, ўзларига, Зарифага Қумбелдан картош-ка олиб келиб ғамлаб қўйган экан. Билгандек шошилибди. Юк поезди вагонларининг очиқ тамбурида келгунча картошкани совуқ урмасин деб кейинги сафар туяда борган эди. Шунча картошкани беҳудага нобуд қилмаслик учун Қоранор Бўронга миниб борди-да, ўша ердаги кишиларнинг ёрдами билан қопнинг бирини туянинг ўнг томонига, иккинчисини чап томонига ортди. Устидан кигиз тўшаб, шамол урмасин учун чеккаларини ёпди, ўзи эса икки қоп орасига жойлашиб олиб, хотиржамгина Бўронлига етиб келди. Қоранор устида у ўзини худди филга миниб олгандек сезарди. Одамларнинг филга миниб юришларини бу ерликлар яқингача билишмасди. Куз маҳали ҳинд фильмини кўрсатишди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ўлканнинг киносини кўриш учун Қумбел станцияси-

нинг барча одаллари ёпирилиб кетишди. Фильмда битмас-туганмас кўшиқ ва рақслар қатори тўқайзорларда фил миниб, йўлбарс овига чиққан кишилар кўрсатилган эди. Бу фильми эл қатори Эдигей ҳам кўришга муваффақ бўлди. Касаба союз мажлисига Бўронлидан разъезд бошлиғи билан иккови делегат бўлиб келишган, мажлис тугагач, депо клубида ҳалиги ҳинд фильми кўрсатилган эди. Гап-сўз ушандан бошланди. Кинодан чиқиб бораётган темирйўлчилар фил минган ҳиндистонликларга қойил қолиб, баҳс-мунозара қилишарди. Кимдир ўшанда балеанд овоз билан:

— Нимасига ҳайрон қоласизлар? Мана бу Эдигейнинг Қоранор Бўрони қайси филдан қолишади? Қанча юк ортсанг ҳам филдай тортаверади, жонивор! — деди.

— Бу гапинг ҳам тўғри, — деб қулишди теварақдагилар.

— Филнинг нима бўпти! — дея кимдир гапга қўшилди. — Фил фақат иссиқ юртлардагина яшайди. У бизнинг Сариўзак қишига келиб кўрсин-чи, қотиб қолади. Қоранорга тенг келиб бўпти!

— Гапга қулоқ сол, Эдигей, ҳой Бўрон, сен ҳам ҳиндистонликлар филлари устига хонача ўрнатиб олганларидек Қораноринг устига ўшандай бир қулба, ўрнатиб олсанг бўлмайдами? Ҳинд бойларига ўхшаб ўша хоначага жойлашиб олар эдинг.

Эдигей қулиб қўйди. Уртоқлари Эдигейни мазаҳ қилишарди-ю, аммо унга машҳур туяси ҳақида айтилган мақтов сўзлар ёқиб тушарди...

Бироқ Эдигей ўша мақталган Қоранорни деб қанчалар азоб-уқубатлар чекмади, қайғурмади...

Бу ҳодиса қиш чилласида рўй берди. Уша куни йўлда бўралаб ёғаётган дастлабки қалин қорга дуч келди. Қор бундан аввал ҳам бир-икки ёғиб, тез эриб кетган эди. Бу сафар эса бутунлай ўзгача: Сариўзак осмонини қора булут қоплаб, қуюн кўтарилиб, қалин қор учқунлари бўралаб урарди. Унчалик совуқ бўлмаса ҳам қор ёқангдан кириб ғашингни келтирарди. Ҳаммадан ёмони — қор туфайли теварақ-атрофни кўз илғамасди... Нима қилмоқ керак? Сариўзақда қор тингунча кутиб турадиган бирон бир жойдан дарак йўқ.

Қоранор Бўроннинг кучига, сезгисига умид боғламасдан ўзга илож қолмаган эди. Мол одатда ўз йинни топиб бормаидими! Эдигей туяни ўз эркига қўйди, ўзи эса ёқасини кўтариб, теллагини бостириб кийиб, плашчига бурканиб олганча кўзга бирор нарса чалиниб қолармикин, деган ниятда сабр-тоқат билан атрофга назар ташлаб кетаверди. Аммо қордан бошқа нарса кўринмасди. Хўжайинининг энди унга хўжайин бўлмай қолганини ва шунинг учун ҳам устига ортилган юк каби чурқ этмай ўтирганини сезган Қоранор қор қуюнини назар-писанд қилмай, шаҳдам йўл босарди. Қалин қор устидан бундай оғир юкни кўтариб юриши учун қанча куч-қувват керак! Бор кучи билан йўл босиб, иссиқ нафаси буғлиниб, устида жингина ўтирган эгасини кўтариб борар экан, Қоранор гоҳида йиртқиқ ҳайвондек овози борича бўкирар, гоҳида узоқ бўзлаб, тинимсиз юриб борарди...

Эдигейнинг хаёлида йўлнинг ниҳояси йўқдай туюлди. «Тезроқ етиб олсам бўларди», деб ўйларди у ва ҳаво айниб турганида ўзининг ҳоли не кечганини ва қай алфозда етиб боришини уйдагилар ўйлаб, изтироб чекишаётганини тасаввур қилар эди. Уккубола хавотирланса ҳам буну ошқора айтмайди. У хаёлидан кечган ҳамма гапни лоп этиб айтиб қўядиганлар хилидан эмас. Зарифа ҳам чурқ этиб оғиз очмаслиғи аниқ. У иложи борича Эдигейнинг кўзига кўринмасликка интилар, юзма-юз келиб қолишдан ўзини олиб қочар эди. Лекин чекинишинг нима ҳожати бор, бирор ёмон савдо юз берадими? На бирон оғиз сўз, на бирон қалтис ҳаракат билан одамларнинг надомат қилишлари учун баҳона тугилишига йўл қўймаган эди-ку. Олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Бор-йўғи бир зум ҳамроҳ бўлиб, сўнгра тўғри йўлдан кетяпмизми деб бир-бирларига қайрилиб қарадилар, холос... Яна ҳар ким ўз йўлидан кетаверди. Вассалом. Шу аснода ҳоли не кечганлигини ўзи билади. Унинг қисмати шундай бўлса не қилсин, асли, тақдирда шундай битилган бўлса не қилсин: ҳаёти ўт билан сув ўртасида кечиши лозим экан. Бу нарса унинг ўз иши, нима қилиш кераклиги ўзига аён. Олдинда уни қандай кўргиликлар кутаётганию ҳоли не кечиши билан кимнинг иши бор! У гўдак эмас, баттар қуваллашиб кетаётган калаванинг учини бир амаллаб топар...

Битмас-туганмас изтиробли хаёллар уни эзиб борар эди. Мана, Сариўзакка қиш-қиров ҳам етиб келди. У эса на



Зарифани унута олар, на Уккуболадан воз кечар эди. Бахтга қарши, Эдигей Зарифага ҳам, Уккуболага ҳам эҳтиёж сезар, улар бўлса кўмак беришга атайлаб шошилмас эдилар. Зоҳиран, ҳеч нарса ўзгармаган: аёлларнинг бир-бирига муносабати — ўша-ўша, иккала хонадонда ўсаётган болакайлар ҳам ягона оила фарзандларидай бир жон-бир тан, мудом бирга ўйнаб-қулишар, гоҳ бу уйга, гоҳ нариги уйга чопқиллашар эдилар. Шу алфозда ёз ҳам, куз ҳам ўтиб кетди.

Абутолибнинг болалари билан тезроқ учрашишга у ўзини тайёрлар экан, бу гал ёш дўстларига нималарни ҳикоя қилиб бериш ҳақида ўй сурар эди. Яна Орол денгиздан гапирсинми? Энг севимли ҳикоялар улар учун денгизда кечмиш воқеалар эди, бу воқеаларни улар муқаррар оталари билан боғлар ва унинг хотираси билан улаб юборишганини ўзлари ҳам сезмай қолар эдилар... Эсимки, Эдигейнинг денгиз ҳаёти ҳақида билганлари тугаб қолган. Уларни болаларга бир неча марталаб айтиб берган эди. Бор-йўғи олтин балиқ ҳақидаги қисса айтилмай қолган эди, чамаси. Лекин бу воқеани айтиш керак. Узоқ ўтмишда содир бўлган ўша воқеа замирида нималар юз берганини ўзидан бошқа яна кимга тушинтира олади?

Уша қор босган куни Эдигей бутун йўл бўйи ана шундай оғир ўй-хаёллар билан банд бўлиб борди... Қор эса ҳамон заптига оларди.

Ана шу эрта келган қор билан бирга Сарийўзакка киш ҳам биратўла ўрнашиб олди.

Чилла совуғи бошланиши билан Қоранор Бўроннинг норлиги тутиб, қутура бошлади, ҳеч ким, ҳеч нарса унинг эркига зид бормасди. Бундай пайтларда ҳатто эгаси ҳам, бирор фалокатга дучор бўлмаслик учун ундан чекинишга интиларди.

Қор тушгандан сўнг уч кун ўтган, Сарийўзакнинг изғирини шамоли кучайиб, қир-адирларни текислаб, ана-мана дегунча қор юзасини қатрон қилиб ташлади. Оёқ остидаги ғижирлаган ҳар бир товуш, ҳар бир шарпа, йўлдаги поездларнинг овози узоқ-узоқлардан ҳам қулоққа чалинарди. Эрта тонгда Қоранорнинг қўрада увиллаб ўкиришидан чўчиб уйғонган Эдигей туянинг ер депсиниб, қўра ёғочларини ғижирлатиб синдираётганини эшитиб яна жини кўзияпти деб ўйлади. Дарҳол кийиниб қоронғида у ёқ-бу ёққа қоқиниб қўрага яқин борди-да, аччиқ совуқ томоғига қадалгандек овозининг борича ҳайқирди:

— Сенга нима бўлди?! Яна ўз билганини қилмоқчимисан? Яна қонимни сўрмоқчимисан? Эҳ, ҳайвон! Дамингни ўчир, деялман! Бу йил негадир қилиғингни эрта бошлайдиганга ўхшайсан. Элдан уялсанг бўларди!

Эдигей сўзлари елга учиб кетаётган эди. Эҳтироси жўшиб кетган туя уни назар-писанд қилмади. У ўз билганини талаб қиларди. Укириб-букириб, оғиз кўпигини пурқаб, тишларини даҳшатли ғижирлатганча қўрани безиб ётган эди.

— Демак, кўзгаган экан-да? — деди эгаси газабини таънага йўйган бўлиб. — Ҳа, тушундим, ҳозирнинг ўзидаёқ кечикмай уюр томон югуриб қолишинг керак-а? У ерда бир каймалча<sup>1</sup> норлигини сезиб турибсан шекилли? Оббо! Шовқин-суронсиз бажариш мумкин бўлган ишни нега йилда бир мартагина бажарадиган қилиб яратилган экансан? Ушундай бўлганда сенлар билан кимнинг иши бўларди? Энди эса, худди ер ағдар-тўнтар бўлиб кетаётгандек!..

Эдигей Бўрон бу гапларнинг ҳаммасини шунчаки хўжа-кўрсинга, бир оз ҳовурдан тушиш учунгина айтди, чунки у ўзининг ожизлигини жуда яхши тушунарди. На чора, уни бўшатиб юборгани маъқул. Йўғон фўлалардан қурилиб, занжирлар билан мустаҳкам боғланган, одам бўйи келадиган залворли эшик очилар-очилмас Қоранор ташқарига отилди, сал бўлмаса эгасини йиқитиб кетаёзди. Қоранор бесўнақай қадам ташлаганча ўкириб, сапчиб, таранглашган қора ўрқачларини силкиллаб дала сари чопиб кетди. Ортидан қор тўзони кўтарилдию бир зумда ғойиб бўлди.

— Балога йўлиқур-эй! — деди Эдигей ерга тупириб ва яна жаҳл устида кўшиб кўйди: — Югур ярамас, кечикиб қоласан!

Уша куни Эдигей ишга эрта чиқмоқчи эди, бироқ Қоранорнинг галаёни бунга имкон бермади. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини билганида уни қўйиб юборармиди — тарс ёрилиб кетса ҳам бўшатмасди. Ахир, бу уйда қутурган туя билан бас келадиган киши йўқ эди-да! Унинг кўздан йироқда бўлгани яхши. Эркинликка чиқиб, шамоллаб, қизиган қонини совутиб, бир оз тинчлансин деган ниятда эди Эдигей...

Тушга бориб Казангап етиб келди ва дили оғригандай жилмайиб туриб айтди:

— Ишинг чатоқ, бой бува. Ҳозиргина яйловдан келаётибман. Сенинг Қораноринг сафарга чиққан шекилли. Узимизнинг каймалчаларимиз унга озлик қилганга ўхшайди.

— Бирон ёққа боши оғиб кетибдими? Калака қилмасдан ростини айтмоқ тезроқ.

— Калакеси нимаси? Айтяпман-ку, бошқа уюрларга кетиб қолганга ўхшайди деб. Бирон нарсанинг ҳидини билган шекилли. Катта йўлга чиқаётган эдим, дала-даштни қалдиратиб бир бало-қазо келяпти, қарасам, Қоранор, кўзи чаноғидан чиқиб, оғзидан сўлакайи оқиб бораётганди. Нақ гулдираб бораётган паровоз дейсан. Ортидан куюн кўтариларди. Мени янчиб кетади-ёв, деб кайфим учди. Шу алфозда ёнимдан ғув этиб ўтиб кетди. Олдида одам бораётганини ҳам назар-писанд қилмади. Малақумдичоп томонларга қараб кетди. У ёқлардаги жарликларда бизникидан кўра каттароқ туя уюри ўтлаб юради. Узимизнинг туяларни назари илмай қолганга ўхшайди. Бизнинг ерлар унга торлик қилган. Айни кучга тўлган пайти-да, ҳаромининг.

Эдигейнинг кайфи учиб кетди: энди қанчадан-қанча ғалва, дилсўхликлар бўлади деяверинг.

— Хавотир олма. У ёқларда ҳам ман-ман деган қутурган туялар бордир ахир, улар Қоранорнинг бошлаб адабини бериб қўйишса, калтакланган итдай думини қисиб қайтиб келади, очик мозорга борармиди.

Фрондан келган маълумот сингари эртаси куниёқ Қоранор Бўроннинг жанговар фаолияти тўғрисидаги хабарлар кела бошлади. Қайси бир поезд Бўронлига келиб тўхтамасин, машинист ё ўт ёқувчи, ёки кондуктор бири-бирига гап бермай, йўлдаги станцияларга яқин ерларда ёйилиб юрган туя подалари орасида Қоранорнинг бебошлик қилиб, қирғин солиб юрганини ҳикоя қилишарди. Айтишларича, Малақумдичоп разъездида Қоранор иккита бўғрани ўлар ҳолатга келтириб, ғажиб ташлаган эмиш, тўртта урғочи туяни кенг далага ҳайдаб кетаётган пайтда эгаси уларни аранг ажратиб олибди. Одамлар осмонга қаратиб ўқ узиб ҳам Қоранорни кўрқитолмабди. Бошқа бир ерда эса урғочи туяни миниб келаётган эгасини қулатиб, тортиб олибди. Нортуя урғочиси билан ўйнаб хумордан чиққач, жавобини берар деб нодон эгаси икки соат чамаси кутиб ўтирибди, лекин урғочи туянинг ўзи бу ярамасдан ажралишни хоҳламас эмиш. Эгаси бир маҳал уйига қайтиш ниятида туясига яқинлашган экан, ҳайвон ҳайвонлигини қилиб унга ташланиб, қуवालди. Агар, у бечора мушукдан қочган сиқон сингари чуқурга сакраб жон сақлашга улгурмаганида ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас экан. У ўзига келиб, жарлик бўйлаб нариги томондан чиқибди-да, омон-эсон қолганига шукр қилиб уйига жўнабди.

Евуз Қоранорнинг саргузаштлари тўғрисидаги бу каби хабарлар Сарийўзакнинг оғзаки телефони орқали етиб келарди, аммо энг ташвишлиси ва даҳшатлиси Оқ мўйноқ разъездида келган хат эди. Етиб борган жойини қаранг-а, иблисини! Оқ мўйноқ дегани Қумбел станциясидан ҳам нарида, озмунча ерми! У ёқдан Коспан деган бир кимса хат ёзиб юборибди. Бу аjoyиб хатда бундай дейилган эди:

«Салом, ҳурматли Эдигей оға! Сарийўзакнинг атоқли кишиси бўлсанг ҳам, нохуш гапларни эшитишингга тўғри келади. Мен сени мард одам деб юрардим. Қирғин келтирувчи Қоранорингни бўшатиб юбориб, нима иш қилдинг? Сендан бунга кутмаган эдик. Туя ҳамма ёққа даҳшатли солди-ку. Нортуяларимизни майиб қилиб, энг яхши учала урғочи туямизни олиб кетди. Бу ёққа ёлғиз ўзи келмади, жабдуқланган аллақандай урғочи туяни ҳам ҳайдаб келибди, кўрнинишдан эгасини йўлда йиқитиб туширган. Бўлмаса, жабдуқланган ҳолда келармиди! Хуллас, ҳалғи уч урғочи туяни далага ҳайдаб кетгандан буён одамни ҳам, ҳайвонни ҳам яқинига йўлатмади. Бу нима деган гап ахир? Бир ёш нортуямиз қовирғалари синиб нобуд бўлди. Осмонга ўқ узиб, уни чўчитиб, туяларни қайтариб олиб келай десам, фойдаси йўқ. Ҳеч нарсдан ҳайиқмайди, яқинлашганини тириклайин ғажиб ташлағудай! Юмушимга халал берма, дегандек бўлади. Утламайди ҳам, сув ҳам ичмайди, урғочи туяларни бирин-кетин қочириб, ҳаммаёқни ларзага солади. Бу ишларни қанчалик йиртқиқларча қилаётганини кўрсанг, кўнлинг айниди. Айни пайтда, қиёмат қойим бўлгандек беш баттар ўкирадики, овози бутун далани тутайди. Қулоқни қоматга келтиради! Назаримда, юз йил тинимсиз шу иш билан

<sup>1</sup> Каймалча — моя туя.

шуғулланишга тайёрдек кўринади. Дунёга келиб, бундай ёвуз йиртқични кўрмаган эдим. Қишлоғимиз одамлари кўркувдан эси чиқаёзди. Аёллару болалар уйларидадан чиқишга қўрқишди. Шунинг учун тезроқ келиб Қоранорингни олиб кетишингни талаб қиламан ва сунга муҳлат бераман. Агар эртагаёқ келиб, бизни бу балодан кутқармасанг, мендан ўпкалама, қадрли оға. Катта трубади милтигим бор. Гувохлар олдида жирканч калласига қараб ўқ узаман-да, шу билан ҳамма ишни тугатаман. Терисини эса юк ташувчи ўткинчи поездда бериб юбораман. Бу — Қоранор Бўрон деб, қараб турмайман. Мен сўзимнинг устидан чиқадиған кишиларданман. Иссининг борида корингни қил.

Оқ мўйноқлик ининг Коспан».

Хуллас, ишлар ана шунақа. Афандичалиш хат бўлса-да, ундаги огоҳлантирув жиддий эди. Эдигей Казанга билан маслаҳатлашгач, Оқ мўйноқ разъездига зудлик билан етиб борилмаса бўлмайди, деган қарорга келишди.

Айтишга осон, бироқ амалда бажариш қийин.

Эртаси кунни эрта билан йўлга чиқди. Уккубола йўл учун емиш тайёрлади. Эдигей иссиқ кийиниб олди. Пахталик шим, пахталик нимча, устидан пўстин кийди, оёғида эса кигиз этик, бошига тулки терисидан тикилган қулоқчин кийиб олди. Демак, орқа-олдидан шамол урмасди, бутун бўйин-бошини мўйна кийимлар билан ўраб олинганди, қўлида эса иссиққина тери қўлқоп. Оқ мўйноққа бориш учун ургочи туяни жабдуқлаётганда Абутолибининг икки боласи югуриб келишди. Довул қўлда тўқилган юнг шарф олиб келаркан:

— Эдигей амаки, ойм, бўйни шамоллаб қолмасин деб айтди, — деди.

— Бўйин?.. Томоқ деб айтмайсанми?

Эдигей болаларни бағрига босиб қайта-қайта ўпиб қўйди, ҳаяжонланганидан сўз ҳам тополмади. Зарифага кўнгли борлигининг нишонаси эди бу. Еш болалардек қувониб кетди.

— Ойингга бориб айт, — деди у болаларга, — мен тезда қайтаман, худо хоҳласа, эртагаёқ қайтиб келаман. У ерда бир минут ҳам ушланиб қолмайман. Сўнгра ҳаммамиз йиғилишиб чой ичамиз.

Кургур Оқ мўйноққа эртароқ етиб, эртароқ қайтиб келсам, Зарифани тезроқ кўриб, кўзларига боқиб, бу шарф тасодифий бўлмай, балки маълум бир ишора эканлигига ишонч ҳосил қилсам деб ошиқарди Эдигей. У шу аснода шарфни камзулининг ички чўнтагига авайлаб солиб қўйди. Овулдан чиққанда ҳам, ундан анча узоклашиб кетгандан кейин ҳам йўлдан қайтмоқчи бўлдию аранг ўзини тийиб олди. Жин урсин, бу Қоранорни! Ҳалиги Коспан деган кимса отмоқчи бўлса — отаверсин, хоҳласа, терисини ҳам юборсин. Бебош туянинг азобини қачонгача тортади, ўздан кўрсин! Майли! Қилмишига яраша!.. Қизиқ устида йўлдан қайтмоқчи бўлди-ю, бироқ уялди. Эл олдиди, ҳаммадан ҳам Уккубола, Зарифа олдида шармандаю шармисор бўлишини ўйлади. Ниҳоят, ниятидан қайтди. Тоқатсизликиннг бирдан-бир давоси — иложи борича тезроқ бориб, тезроқ қайтиб келиш деб ўйлади у ўзича.

Шу зайлда у эниб борарди. Кун хийла изғиринли. Шамол ўзининг аччиқ тили билан бетларини ялайди. Туянинг оғзидан чиққан ҳовур қулоқчининг майин юнгига ўрнашиб қотиб қоларди. Афтидан, қиш заптига олаётган эди. Дала-дашларни туман қоплаган. Ён-вериди туман йўқдай, лекин синчилаб қарасанг узоқ-узоқларни туман қоплаган. Илгарига илдамлаган сайин туман ҳам сен билан бирга юраётгандай туюлади. Йўловчи туманга қанчалик яқинлашиб борса, у шунчалик чекинади. Оқ чойшабга бурканиб олган Сариўзакнинг бағри совуқ эди.

Йўрга ургочи туя бўз ерда қорни ғирчиллатиб илдам юриб борарди. Шундай бўлса-да, бу тезликдан Эдигейнинг кўнгли тўлмайди. Қоранорнинг юриши бошқача эди-да. Унинг одимлари ўзига ярашарди. Бурунгилар бекорга айтишмаган:

Отдан отнинг фарқи нимадир!

Ариллаган юриши бор, билиб қўй.

Ботирдан ботирнинг фарқи нимада!

Фаросати, ақли ортиқ, билиб қўй...

Йўл йироқ, ҳамроҳ йўқ. Зарифа тўхта қилган шарф бўлмаганида Эдигейнинг роса тинка-мадори қуриган бўларди. Бутун йўл бўйи ўша одмигина нарса қалбини иситиб борди. Шунча умр кўрса ҳам сеvimли аёл совға қилган бир парча

нарса дили бу қадар равшан қилишини билмаган экан. Бутун йўл бўйи ана шундай ширин хаёллар унинг фикрини чулғаб олган эди. Қўлини қўлтиғига солиб шарфни силар ва нимадандир мамнун бўлиб, табассум қилар эди. Шунда у бирдан ўйланиб қолди. Нима қилиш керак, бу ёғига не тариқа яшасин? Боши берк кўчага кириб қолган эди. Қандай қилиш керак? Танасида жони бор одам бир мақсад учун, шу мақсадга етиш учун яшамоғи даркор. На мақсад, на унга эришиш йўли кўринар эди.

Сариўзакнинг аёзли далаларини қоплаган туман сингари Эдигейнинг кўз олдини ғуссали бир парда қоплаган. Эдигей бу жумбоқларга жавоб тополмас, ночор орзулар билан ўзини умидвор қилар эди...

Шу заҳотиёқ уни бу сукунат ва танҳолик ичида даҳшат босарди. Нега унинг чекига шундай ҳаёт тушдийкин? У қандай қилиб Сариўзакка келиб қолди? Тақдир қувғини ҳайдаган бу бахтсиз оила қандай қилиб Бўронли тарафларга келиб қолди? Булар бўлмаганида у ҳеч қандай азоб-уқубат билмас ва ўз кўйича тинч, осойиштагина истиқомат қилган бўлар эди-ку. Аъмоли айниган бўлса, ноилож нарсага интилган бўларми-ди... Устига устак, мана бу — Қоранор қутуриб, даҳмаза бўлиб турибди. Худонинг қаҳрига учради, иши сира юришмайди. Чиндан ҳам у омадсиз.

Эдигей Оқ мўйноққа кечга яқин етиб келди. Туяси анча ҳориган эди. Олис йўл, унинг устига, қиш фасли.

Оқ мўйноқ деганингиз Бўронлининг баайни ўзи. Фақат сув ўзларидан чиқади: қудуқлари бор. Бошқа ҳеч қандай фарқи йўқ — Сариўзакнинг ўзгинаси.

Оқ мўйноққа келиб тушиши билан у бир йигитдан Коспан деган киши қаерда туришини сўраб-суриштирди. Йигит Коспан худди шу аснода хизматда эканлигини, разъезд бўйича навбатчиликда турганини айтди. Эдигей ўша ёққа равона бўлди. Навбатчи хонасига етиб овоз берган эди, миқти, кулимсираган, эғнига пўстин кийиб олган, оёқларига уринган кигиз этикни илган, бошига эса эски қулоқчин кийган бир киши пайдо бўлди.

— Саломатлигингиз керак, Эдигей оға! — деб юзланди ҳалиги одам уни таниб. — Етиб келибсиз-да, биз бўлсак кўзимиз тўрт бўлиб кутиб етибмиз. Уйлаб ўйимизга етмаймиз; келармикин, келмасмикин деб.

— Шундай дағдағали хат олганиндан кейин келмай кўрчи! — дея жилмайди Эдигей.

— Бўлмаса-чи? Хат-ку майли-я, биродар. Хат — бир парча қоғоз-да. Бу ерда аҳвол шундайки, сен тезда ўз Қоранорингдан бизни халос қилмасанг бўлмайди. Акс ҳолда биз қуршовда қолдик. Чўлга боришга йўл бўлсин! Бировнинг қорасини узоқдан кўриб қолди дегунча, худди қутургандай эзиб ташламоқчи бўлади. Бу қандай махлуқ ўзи! Бундай туяга эга бўлиш — даҳшат. — У тин олиб Эдигейга назар ташладию яна кўшимча қилди: — Ҳайронман, сен уни қандай қилиб қуруқ қўл тушовга олсан?

— Нега қуруқ қўл билан бўлсин? Мана, менинг қуролим. — Эдигей хуржундан ғилофга ўралган қамчинни олиб кўрсатди.

— Шу қамчин биланми?

— Бўлмаса-чи, туяга қарши замбарак ишлатиш керакми бўлмаса?!

— Биз бўлсак милтиқ билан ҳам эпполмаяпмиз. Билмадим, эхтимол сени хўжайин деб билиб шаштидан тушар... Ҳай, билмадим-да, кўзларига қон қуйилган...

— Буёғини кўрамиз-да, — деди Эдигей. — Вақтни ўтказиб нима қиламиз. Авзойингдан, ўша Коспан дегани сен бўлсанг керак. Агар шундай бўлса, мени йўлла, у қаердалигини кўрсат. Қолганини менга қўявер.

— У ер узоқ, — деди Коспан ва чор афроғга кўз ташлади, сўнгра соатига қаради. — Гап бундай, Эдигей оға, вақт кеч бўлди. У ёқларга етамиз дегунча кеч кириб қолади. Қоронгининг кўзи кўр. Сенга ўхшаш одамларни туя сўйиб ҳам меҳмонга қақирса келмайсан. Бу кеч меҳмон бўл. Тонг ёришгач, ихтиёр ўзингда.

Иш бундай бўлиб чиқишини Эдигей кутмаган эди. У агар Қоранорни ушласа, шу буғуноқ тунда Қумбелга етиб олиб, у ерда станция яқинидаги таниш-билишларникида тунаб, эрта тонг маҳалда уйга равона бўлишни мўлжаллаган эди. Эдигей кетмоқчи бўлганини пайқаган Коспан қатъий эътироз билдирди.

— Бўлмайди Эдигей оға, бу ишинг дуруст эмас. Хатга жаҳлинг чиқмасин, узр. Бизнинг ҳам иложимиз йўқ эди. Туянг

ҳол-жонимизга қўймади. Бироқ мен сенга жавоб беролмайман. Худо кўрсатмасин, бу кимсасиз чўлда бирон ишқал бўлиб қолгудай бўлса, бутун Сарйўзақ юртига бадном бўлишни хоҳламайман. Қолгин, йўқ дема. Эрталаб билганингни қил. Хув чеккадаги — менинг уйим. Яна бир ярим соатлик навбатчилик қолди. Уз уйингдай жойлашиб ол. Туянгни қўрага қўй. Ем берамиз. Сув истаганча бор.

Ҳаш-паш дегунча қош қорайди. Коспан ва унинг оила аҳли ажойиб кишилар экан. Кампир онаси, хотини, беш яшар ўғли (катта қизи Қумбел интернатда ўқир экан), Коспаннинг ўзи меҳмоннинг иззат-икромини бажо келтириш билан овора эдилар. Уй иссиқ, қандайдир кўтаринкилик сезиларди. Ошхонада сўқим гўшти қайнамоқда. Чой ичиб ўтиришди. Кампир Эдигейга чой қуйиб узатаркан, уй-жойидан, бола-чақасидан, тирикчиликдан, об-ҳаводан гапириб, асли қаерлик эканини сўраб-суриштириб ўтирди. Узи ҳам Оқ мўйноқ разъездига қачон ва нечук келиб қолганларини сўзлаб берарди. Эдигей ҳам бажонидил суҳбатга аралашиб, сарёғни мақтаб, иссиқ нондан синдириб, мойдан еб ўтирди. Сарйўзақда мол ёғи табаррук. Қўй, эчки, туя ёғи ҳам чакки эмас, бироқ мол ёғи, ҳарҳолда, мазалироқ. Уларга мол ёғини қариндошлари Уралдан юборишган экан. Нонга мой суртиб еб ўтирган Эдигей, бу ёғдан яйловнинг, ўт-ўланларнинг ҳидини сезиб турилман деган эди, гапи кампирга жуда ёқиб қолди. У ўзининг туғлиб ўсган жойлари — Жайик кенгликлари, у ердаги ўтлоқлар, ўрмонлару дарёлар ҳақида ҳикоя қила бошлади...

Шу маҳал разъезд бошлиғи Эрлепес кириб келди. Уни Эдигей Бўроннинг меҳмон бўлиб келиши муносабати билан Коспан таклиф этган эди. Эрлепес келиши билан сўз дарҳол эркакларнинг тирикчилиги хусусида: хизмат, транспорт, қор босиб қолган йўллар ҳақида кетди. Эрлепес билан Эдигейнинг илгари ҳам бир оз танишлиғи бор эди. У темирўлда қўлдан бери ишларди. Энди эса яқиндан танишишга тўғри келди. Унинг Эдигейдан ёши улугроқ. Эрлепес уруш тамом бўлиши билан Оқ мўйноқ разъездининг бошлиғи бўлиб ишлаб, разъезд аҳлининг ҳурматини қозонган эди.

Аллақачон кеч кириб қолган эди. Бўронлидаги сингари бу ерда ҳам поездлар тарақ-туруқ қилиб ўтишарди, дераза ойналари шарақларди, ташқарида гувиллаб шамол эсарди. Гарчи яна ўша Сарйўзақ темирўли бўйида ўтирган бўлса ҳам бу ер бўлакча эди, Эдигей бутунлай ўзга кишилар орасида меҳмон бўлиб ўтирган эди. Бебош Қоранорни деб келган бўлса ҳам, уни муносиб кутиб олишди.

Эрлепес келгач, Эдигей ўзини қадр-қиммати ошгандек ҳис этди. Эрлепес улфат одам эди. У қозоқларнинг ўтмишини яхши биларди. Бора-бора суҳбат ўтган замонларга, атоқли кишиларга, машҳур воқеаларга улашиб кетди. Уша кечаси Эдигей оқ мўйноқлик янги дўстлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Бунинг боиси ёзилиб-яйраб қилинган суҳбатгина бўлмай, балки уй эгаларининг самимий меҳрибонликлари, яхши эиёфат ва ичимликларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Арақ бор эди. Совуқда узоқ йўл босиб келган Эдигей ярим стакан ичди-да, пастаккина думалоқ стол устидан ёш туянинг шўрланган ўркак ёғидан олиб еди ва ҳузур қилганлидан бутун вужуди яйради. Бир оз кайф ҳам қилди, руҳи тетикланиб, юзига табассум югурди. Меҳмон ҳурмати учун Эрлепес ҳам ичди, у ҳам ўзини хушнуд сеза бошлади.

— Коспан, айланайин сендан, бориб дўмбирамни олиб келчи, — деди у.

— Мана бу — бошқа гап, — деб маъқуллади Эдигей. — Дўмбира чертган кишига болалигимдан буён ҳавас қиламан.

— Катта дўмбирачи эмасман, Эдигей, бироқ сенинг ҳурматинг учун бирор нарса қўлимдан келиб қолар, — дея Эрлепес камзулини ечиб қўйди-да, энгини шимара бошлади.

Эпчил ва серган Коспанга нисбатан Эрлепес анча вазмин эди. Ялпоқ юзидан ва барваста жуссасидан унинг салобатли киши эканлиги сезилиб турарди. Қўлига дўмбирани олар экан, ҳар кунги ташвишлардан худди узоклашган кишидек фикр-уйини йиғиб олди. Одатда, ички сирларини сиртга чиқармоқчи бўлган кезларда, киши ана шундай ҳолатга тушади. Эрлепес дўмбирасини созлар экан, ақлли кўзлари билан Эдигейга узоқ тикилди, унинг чақнаб турган катта қора кўзларида, денгиз юзасидаги сингари нур шуъласи акс этарди. У қўш торли дўмбирасини динғиллатиб, ўнг қўли дўмбиранинг узун бўйни узра у бошидан бу бошигача йўрғалаб ўтганда турфа оҳанглар янграб кетди. Куйлар ҳар хил мақомда оромбахш, сеҳрловчи садо чиқарар экан, Эдигей уни шунчаки лоқайд идрок эта

олмаслигини англаб етди. У кейин билса меҳмондорчиликда ўтириб, ўзини бир оз унутиб, алаҳсиб қолган экан. Аммо дўмбира садолари уни яна ўзига келтирди, бутун вужудини яна ғам-алам гирдобига тортиди. Нимага шундай бўлди экан? Афтидан, бу куйларни яратган қадимги одамлар Эдигей Бўрон бошига не-не савдолар тушишини, не-не азоб-уқубатларга йўлиқишини, пешонасига нималар ёзилганлигини ўшандаёқ билишганга ўхшайди. Бўлмаса, Эрлепес чертган куйлардан улар Эдигейнинг ичидаги ғам-аламларини қандай қилиб сеза қолишди? Эдигейнинг қалби талпиниб, тўлқинланиб, нола торта бошлади. Сўнг сирли дунёнинг барча эшиклари бирданига очилиб кетди.

Эрлепес дўмбирани чинакамига сайратиб юборар эди. Худди гулханда қуруқ ўтин чарс-чурс қилиб ёнгани сингари қалбларни ёндирган ҳолда дўмбиранинг торларида ўтмишда яшаган одамларнинг оху фиғонлари жонланарди. Эдигей бўлса шу аснода камзулининг ички чўнтағига яширинган шарфни силаб-силаб қўяр экан, бу ёруғ дунёда у севган бир маҳбуба борлигини, уни ўйлашнинг ўзиёқ ҳузур ва азоб эканини, унингсиз яшаш эса даҳшатли эканлиги, шунинг учун бу аёлни у умрбод шевишини ўйлар эди. Эрлепеснинг қўлидаги дўмбира ҳам гоҳ тиниб, гоҳ ёниб худди шу тўғрида нидо чекар эди. Эдигейнинг қалби оҳанглар силсиласида тўлқинлар устидан бораётган қайиқ сингари жўшиб, қалқиб борар эди. У хаёлан яна Орол денгизида ўзини қўрди. Соҳилларга урилиб оқаётган денгиз ёдига тушди. Тўлқинларнинг йўналишини аёл сочлари сингари таралаётган сув ўтларининг узун ва қалин толаларидан билса бўлар эди. Бир вақтлар Уккуболанинг сочлари ҳам худди шундай тақимига урарди. Уккубола чўмилган пайтларида ҳам унинг сочлари денгиз оқими бўйлаб сув ўтлари сингари таралиб кетарди. Бахт ришталари орасида сизиб бораётган қиз қаҳ-қаҳ уриб кулар, қорачадан келган вужуди гўзал ва бежирим эди.

Оҳанрабо куй Эдигей Бўронга шу қадар хуш келдики, ҳаяжонланганидан чиройи очилиб кетди. Фақат шу куйни деб Сарйўзақдан бутун киш кунни давомида узоқ йўл босиб келса арзийди. «Қоранорнинг бу ёққа келиб қолгани маъқул бўлган экан, — деб ўйлади Эдигей беихтёр. — Узи келгани етмагандай, мени ҳам йўлдан оздирди. Дўмбиранинг овозини эшитиб, ҳеч бўлмаганда бир яйраб олайин. Қандингни ур, Эрлепес! Маҳоратингга тасанно! Бунчалигингни билмаган эканман...»

Эрлепеснинг куйларини тинглаб ўтирган Эдигей ўз турмуши ҳақида ўйларди, ўз ҳаётига четдан қарашга интиларди. Хаёлида овоз чиқариб, осмону фалакда учиб юрган бургут сингари қанотларини кенг ёзиб юбориб пастга кўз югуртирди. Кўз ўнгида қишки Сарйўзакнинг манзараси намоён бўлди. У ерда темирўлнинг билинар-билинимас муюлишидаги ёндош қурилган бир неча хонадонлардан чироқ нури кўриниб турарди. Бу ўша — Бўронли разъезди эди. Бу биноларнинг бирида Уккубола қизлари билан яшайди. Эҳтимол улар ухлаб қолишгандир, Уккубола балки уйғокдир. Ниманидир ўйлаб, ниманидир юраги сезаётган бўлса керак. Бошқа бир уйда — Зарифа, болалари билан. У ҳойнаҳой ухламаган бўлиши керак, қийин бўлди боёқишга. Ҳали у яна қанчадан-қанча кулфат чекар — болалари-ку ҳали отасининг нима бўлганлигини билишмайди. Илож қанча, ҳақиқатни яшириб бўлармиди?...

Шунда у ял-ял ёниб тун бағрини ёрганича поездлар ўтаётганини ҳамда атроф-теваракни тилсиз ва чексиз тун босиб ётганини тасаввур қилиб кўрди. Ҳозир ўзи дўмбирга маҳлиё бўлганича меҳмон бўлиб ўтирган жойга яқин бир ерда, бийдай далада, қор ва шамол бағрида тиниб-тинчимас Қоранор ухламай юради. Мизғиш нима, тинчш нима билмайди. Табиатнинг кароматига қойил қоласан киши. Йил бўйи куч-қувват йиғади, ўтлаб, емини чайнаб юрaverади. Ошқозони шунга мослашган: кундузи уни емишга тўлдириб туни билан кавш қайтариб, емишини ҳазм қилиб, ҳатто ўз уйқусида ҳам жағи тинмайди жониворнинг. Шу тарика ўркакчига куч йиғади. Уркакчи қанчалик пишиқ ва тик бўлса, ўркак мойи қанчалик қаттиқ бўлса туянинг киш маҳалидаги югуриб-елиши ҳам шунчалик кучаяди. Ана шунда қор ҳам, ёғин-сочин ҳам, совуқ-қиров ҳам, бошқаларни-ку қўяверинг, ҳатто ўз ҳўжамини ҳам писанд эмас унга. Бундай вақтларда у кучи ошиб-тошиб маст бўлиб қутуради, ўзи — хон, куланкаси — майдон бўлади, чарчаш — нима, толиқиш — нима, кўрқиш — нима, билмайди, кудратли, тизгинсиз нафсониятини қондиришдан бошқани билмайди. Худди шуни деб йил бўйи яшаган, худди шуни деб

кун сайин куч тўплаган. Айни шу соатда Эдигей Бўрон илиққина хонада меҳмон бўлиб еб-ичиб, қўшиқ тинглаб ўтирар ва қаердадир жимирлаган қор орасида ўз нафсониятига содиқ Қоранор жини ёқтирган ургочи туяларни сийлаб-севиб, уларни жамийки ташқи офатлардан асраб-авайлаб, уларга паррандаю даррандаларни-да яқинлаштирмай, итни ҳам, битни ҳам раво кўрмай, тун бўйи бақириб-чақириб, чор атрофга чопгани-чопган.

Дўмбира садолари остида Эдигейнинг хаёлидан ана шулар кечди.

Куй унинг ўй-хаёлларини бир зумда қадим замонлардан ҳозирги замонга ва яна ўтмишга олиб кетарди. Шунда Эдигей қалбида ажиб бир истак пайдо бўларди — ҳеч кимга, ҳеч нарсага ёмонликни раво кўрмаслик учун, азиз бўлган жамийки нарсаларни, кўз ўнгига намоён бўлган бутун оламни хавф-хатардан сақлаб қолсам деб хаёл қиларди. Эдигей туриш-турмуши билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар олдида ўзини қандайдир гуноҳкордек сезар ва бу туйғу уни қайғуга соларди...

— Ув, Эдигей, — дея овоз қилди Эрлепес торларни секин чертиб, чалаётган куйини яқунлар экан. — Йўл юриб чарчагансан. Мен бўлсам дам олдиришга ҳам қўймай дўмбирамни динғиллатиб ётибман.

— Йўғ-э, нега энди Эрлеке, — деди Эдигей ҳақиқатдан ҳам уялиб, қўлларини кўксига қўяркан. — Аксинча, кўпдан бери ҳозиргидай роҳатланган эмасман. Агар ўзинг чарчамаган бўлсанг, дўмбирангни чалавер. Хизматингни аяма. Чалавер.

— Нимани эшитишни хоҳлардинг?

— Бунисини ўзинг яхши биласан, Эрлеке. Уста ўз ишини яхши билади. Рост, эски куйлар юракка яқинроқ. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмайман, ўйга солиб, кўнглингга қанот бағишлайди.

Эрлепес тушунгандек бош чайқади.

— Бизнинг Коспан ҳам ана шундай, — деб кулди Эрлепес, одатдан ташқари тинчиб қолган Коспанга қараб. — Дўмбирани эшитди дегунча эриб кетади-да, бошқа кишига айланиб қолади. Шундай эмасми, Коспан? Бироқ бугун уйингга меҳмоннинг бор. Буни унутма. Ҳалигидан қиттай томизиб қўй.

— Қуйишми, мана ҳозир-да, — дея тетикланди Коспан ва стаканларнинг тубига қайтадан қуйиб чиқди.

Ичиб бўлишгач, кетидан газак қилишди. Бир оздан сўнг Эрлепес яна дўмбирани қўлига олиб, торларни созлай бошлади.

— Модомки, эски куйларни ёқтирар экансан, — деди у Эдигейга ўгирилиб, — бир воқеани сенга эслатайин, Эдике. Буни қарияларнинг кўпи билишади, сен ҳам билишинг керак. Дарвоқе, сизларнинг Казангап ҳам яхши билади, лекин у фақат гапириб беради, мен бўлсам қўйга солиб айтиб бераман, бутун бир театрни кўрсатаман. Хўрматинг учун, Эдике. «Раймали оғанинг иниси Абдилхонга қарата айтган сўзи».

Дўмбира садосига жўр бўлиб, куйлаётган Эрлепеснинг майини ва бўғиқ овози жирловчи оқин Раймали оғанинг фожиали тақдирини ифодалашга жуда мос бўлиб тушар эди. Раймали оға олтмишдан ошганда йўлдан юлдуз каби чакнаб чиққан кенг даланинг ўн тўққиз яшар эркин ва эрка жирловчи Бегимойга ошиқ бўлиб қолади. Аслида, қиз унга ошиқ бўлиб қолган экан. Бироқ эркин ўсган эрка қиз Бегимой кўнгли истаганча иш тутади. Кўпчилик эса, эл оғзига тушган Раймали оғани койирди. Шундан буён бу севги тарихини ёқловчилари ҳам, маҳкум этувчилари ҳам бор. Холис қолган киши йўқ. Баъзилар Раймали оғанинг қилишини қоралаб, унинг оти ўчсин, унутинлар дейишса, баъзи бировлар унга юраги ачишиб куйиниб, муҳаббатини топган бу оқиннинг оғир қисматини оғиздан оғизга, уруғдан уруғга айтиб келишарди. Раймали оға хусусидаги ривоят шу йўсинда яшаб келмоқда. Қайси замонда бўлмасин, Раймали оғанинг ўз қораловчилари ва Ҳимоячилари бўлган.

Абутолиб Қуттибоев қоғозлари орасида Раймали оғанинг укаси Абдилхонга ёзган хатларни топиб олиб сўкиниб гапирган чағирқўз кишини эслади Эдигей. Абутолиб эса, аксинча ўзи айтгандай дала Гётеси ҳақидаги поэмани юксак баҳоларди; маълум бўлишича, у ҳам ёш қизга ошиқ бўлиб қолган экан. Болаларим ўсиб улғайганда ўқисин деган умид билан Раймали оға ҳақидаги қиссани Казангап оғиздан ёзиб олган экан. Баъзи бир воқеалар, баъзи бир кишиларнинг умри-тақдири бўладики, улардан кўпчилик баҳра олишади, дер эди Абутолиб, чунки бу

қиссалар сабоғининг баҳоси шу қадар юксак ва ўз замирида шу қадар катта мазмунни қамраб оладики, бир одамнинг тақдири ўша замонда яшаганларнинг, ҳатто улардан анча кейинроқ дунёга келадиганларнинг ҳам тақдири билан боғланиб кетади...

Унинг қаршисида илҳом билан дўмбирасини чалиб Эрлепес куйлаб ўтирарди. У разъезд бошлиғи, темирйўлнинг белгиланган қисмида, аввало, йўл ишлари билан банд бўлиш ўрнига бечора Раймали оғанинг аллазамонлар рўй берган муҳқиш тарихини юрагига сақлаб, ўша азоб-уқубатларни ўзи бошидан кечиргандек эзилиб, азоб чекиб нима ҳам қиларди... Қалбдан чиққан қўшиқ билан юракни тўлқинлатирувчи куй дегани шу экан-да, деб ўйларди. Эдигей, бундай пайтларда ўлиб, қайтадан тирил десалар, шундай қилишга ҳам тайёр эди... Эҳ, кошкийди ёришиб кетган қалбингда шундай бир олов порласаю ундан фикри-зикринг тозаланиб, энг ноёб эзгу ниятларинг ҳамisha ўчмасдан сенга ҳамроҳ бўлиб юрса...

Гарчи Эдигей ётиш олдидан тоза ҳавога чиқиб, айланиб келган бўлса-да, гарчи уй эгалари унга қўлай, иссиқ кўрпа-тўшак солиб, меҳмон отангдан улғуф деб тоза чойшаб солиб берган бўлсалар ҳам янги ўринда ҳадеганда ухлай олмади. У дераза ёнида ётаркан, ташқаридан шамолнинг ҳўштак чалиб эсиши, поездларнинг дам у томон, дам бу томон қўшнаб туриши эшитиларди... Тонг отишини кутди, қутуриб кетган Қоранорни ушлаб, эртароқ йўлга чиқиб, эртароқ Бўронлига етиб олишга ошиққади, у ерда Эдигейни икки хонадон болалари кутишаётган эди. У ҳам болаларнинг барчасини билдек севади, бу заминда ўшаларни деб яшарди, уларнинг биронтаси ёмонлик кўрмасин деган умидда яшаб келаётган эди... У ҳозир Қоранорни қай йўсинда ушлаб олиш йўлини ўйларди. Туяси бошқаларникидай эмас — тутқич бермайди, бунинг устига ўлгудек бадфёъл, одамлар унинг кўринишиданоқ кўрқиб қочишади, энди эса отиб ўлдирмоқчи бўлишибди...

Бу ёқларга боши оғиб келганлиги беҳуда эмас. Қоранор улкан ва қудратли, шу боисдан унга ҳеч қандай тўсиқ писанд эмас, кимки йўлига тўсиқ бўлса, уни дангал мажақлаб ташлайди... Нима қилиш керак, қандай қилиб Қоранорни эплаб бўлади? Уни занжирбанд қилишга ва қиш бўйи қўрада сақлашга тўғри келади, акс ҳолда Коспан бўлмаса бошқа бирон киши отиб ташлайди, вассалом... Кўзларини уйқу элитар экан, у яна бир бор Эрлепеснинг кўшигини, унинг дўмбира чертишларини эслади. Уша дўмбира садолари — бир замонлар севгиси туфайли шўри қуриган оқин Раймали оғанинг изтироблари қайта жонланиб, дилини ғўсса қоплади. Гарчи улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаса-да, Эдигей Раймали оғанинг севги саргузаштлари билан ўзининг туйғулари орасида қандайдир ҳамоҳанглик, қандайдир муштарак дард борлигини ҳис қилди. Юз йиллар чамаси муқаддам Раймали оғанинг бошидан кечмиш савдолар эндиликда Сариўзақ саҳроларида яшамаш Эдигейнинг қалбида акс-садо бериб турибди. Бошини қаёқларга олиб кетсин, нима қилсин? Зарифага не дейди, Уккуболага қандай жавоб қилади?

— Уйқуга кетар экан, яна Орол денгизида кўрди ўзини... Ложувард осмон, сув ҳамда шамол оғушида маст бўлиб, боши гир айланди... Уша вақтларда, болалик чоғларида бўлгани сингари, хаёлида оққуш сингари парвоз қилиш учун денгизга равона бўлди, соҳил устида эркин қанот ёзди. Ўзининг бу ҳолатига беҳад шодланиб, қувнаб, денгизга тўш урар ва дўмбира садолари остида Раймали оғанинг бахтсиз муҳаббати ҳақида Эрлепеснинг қўшиқларини тинглаб, яна денгизга қўйиб юборилган ўша олтин балиқни эслар эди. Мекре силлиқ ва миқти бўлиб, уни сувга томон етаклар экан, балиқнинг бутун вужудини шундоққина ҳис этар, унинг ўз макони томон жон-жаҳди билан интилганини сезиб турар эди. У сув ёқалаб борар, денгиз унга томон талпинар, сўнг эса бармоқларини ёзаркан, олтин балиқ қуюқ-қўкиш ҳаво бағрида камалақдек товланиб порлар, сувга сирғаниб тушиши узоқ вақт давом этарди... Худди шу зайлда узоқ-узоқларда наво нола қилади... Кимдир ўз тақдирдан нолиб йўғлайди.

Бироқ яхши билан ёмоннинг фарқини ҳайвонга қандай қилиб тушунтириш мумкин...

Уша кечаси далада изғирин эсарди. Аёз кучайганидан кучаярди. Қоранор Бўрон танлаб олган туялар тепалиқнинг тубида, чуқурликда туришарди. Шамол аралаш қор қўни туяларни саваларди, улар ғўж бўлиб, бошларини бир-бировларининг бўйинларига қўйишиб исинишар эди. Аммо

қутурган Қоранор бечораларга тинчлик бермасди. У урғочи туялар атрофида елиб-югуриб, кимдандир қизғанаётгандек ғазаб билан ўқиради. Кимдан ҳам қизгансин, бирон жон зоти йўқ бўлса, наҳотки осмондаги булутлар орасидан аранг шуъла таратаётган ойдан қизғанаётган бўлса?

Қоранор ўзини қўярга жой топмасди. Қўш ўрқачли қора алваси, узун бўйин, пахмоқ калла қор устида депсиниб, нари-бери юрганча атрофга қараб аланларди. Унинг куч-қудрати битмас-туганмасдек! Хумори қонмаган Қоранор ҳамон туяларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига тегишиб, жони-ҳолига қўймай, тўпигидан ва сонидан қаттиқ тишлаганча четга тортарди, бироқ буниси ўта даражада ҳаддан ошиш эди. Урғочи туялар тунда дам олишни исташарди. Шунинг учун улар ҳам бунга жавобан адоват билан бақаришиб, унинг ортиқча ёпишишларига қаршилиқ кўрсатиб, итоат этиш ниятида эмас эдилар. Кечаси тинчгина ётишни истар эдилар-да.

Тонгга яқин Қоранор Бўрон ҳам шаштидан тушиб, тинчланиб қолди. Уйқудан уйғонган сингари атрофга аланглаб, онда-сонда бақариб қўяр, урғочи туялар эса ёнида жимгина туришарди. Шунда уларнинг тўртталаси ҳам бир-бировларининг ёнида бўйинларини чўзишиб, бошларини ерга қўйиб бир зумгина мудраб олишди. Бу урғочи туяларнинг тушига ўзларининг ёнларида чопқиллаб юрган, бу ёқларга аллақандай ёқлардан келиб, бошқа туялар билан жангу жадалда ғолиб чиқиб, ўз бағрига олган қора нортудан таркаган жажжи бўталоқлар кирар эди. Уларнинг тушига яна ёз, ёвшан, бўталоқларнинг елини эркаланиб таппинишлари кирар эди ва елинлари оғриб, ич-ичидан игнадай санчар эди... Қоранор бўлса ҳамон собит турар, шамол унинг ёллари орасида ҳуштак чаларди.

Ер ўз доираси бўйлаб айланиб, сирти шамолга ювилганча сусиб борарди. Куёш ўз ўқи атрофида айланаркан, охири бир ёни Сариўзакка тўғри келдию бу ерда тонг орди. Ана шунда Қоранор Бўрон икки кишининг туяга миниб яқинлашиб келаётганини кўрди. Улар Эдигей билан Коспан эдилар. Коспан милтигини ҳам олиб чиққан эди.

Бу одамлар у турган жойга келишга қандай журъат этишди, уюрга нечук яқинлашишди, унинг раёйига зид боришга кимнинг ҳаққи бор, деяётгандек Қоранор Бўрон ғазабнок ўқира бошлади. Қоранор узун бўйинию бошини силкитиб, кўпиклашган даҳшатли жағларини катта очиб, тишларини шақирлатганча бор овоз билан бўқирарди. Оғзидан чиққан иссиқ ҳовур шу заҳотиёқ аёзли ҳавода ҳурпайган жунларига ёпишиб музлаб қоларди. Жаҳлга минган ҳайвон ўзини тия олмай, оёқларини керганча шамолга қаратиб чоптира бошлади, ҳавода сийдик ҳиди анқиди, тўнғиб қолган томчилар учиб келиб Эдигейнинг юзига урилди.

Эдигей ерга ирғиб тушди-да, пўстинини қор устига ташлади, устида енгил кийими — пахталик нимчаю пахталик шими қолди, холос. Қамчинини ёзиб, яхшилаб ушлаб олди.

— Узингни эҳтиёт қил, Эдике, агар ҳужум қиладиган бўлса, уни отиб ташлайман, — деди Коспан милтигини туяга тўғрилаб.

— Асло бундай қилма. Мен учун ташвиш тортма. Мен — эгасиман, ўзим жавоб бераман. Эҳтиёт бўл, агар сенга ташлангудек бўлса, ўзинг билиб ишингни қилавер.

— Бўпти, — деди Коспан туясидан тушмай.

Эдигей қамчинини тарсиллатиб силкитганча қор парчаларини тўзғитиб Қоранор томон яқинлаша бошлади. Қоранор уни кўргач, бешбаттар қутуриб Эдигейга пешвоз чиқди. Шу орада бошқа туялар ҳам турли томонга югура бошладилар. Одатда, темирйўлдаги қор уюмларини чанада туяга торттириб тоталаганларида ишлатиладиган қамчиси билан ерни тарсиллатиб уриб, овозимдан танир деган умид билан олисдан қаттиқ қийқириб борарди Эдигей:

— Эй, Қоранор! Жинилик қилма! Жинилик қилма, деяпман! Бу — менман. Нима, кўр бўлиб қолдингми? Бу — менман, деяпман!

Аммо Қоранор пинагини ҳам бузмасди: қўш ўрқачларини саланглаб, бостириб келаётган улкан қора махлуқни кўрганда Эдигейнинг эси чиқмади. Шунда у қулоқчинини бостириб олди-да, қамчисини ишга солди; мойланиб, обдан пиширилган чармдан тўқилган етти метрлар чамасидаги узун қамчи теккан жой ачишиб оғрирди. Туя бўйинини чўзиб, ўқираб-бўқирганча Эдигейни йиқитиб, мажақлаб ташлашга интилар, аммо Эдигей уни ўзига яқинлаштирамасди, бор кучи билан қамчилар, чап бериб қочар, эгасини танисин деган ниятда наридан-бери югурган кўйи ҳадеб қийқиради эди. Иккови ҳам ҳақини бермай

олишишарди. Қоранорнинг тутқич бермай, жон-жаҳди билан ташланаётганини кўриб, Эдигей ҳайратда қолди; уни бир бахтдан маҳрум этаётганлигини тушунди, бошқа илож ҳам йўқ эди. У фақат бир нарсадан — Қоранорнинг кўзига уриб кўр қилиб қўйишдан чўчирди. Қолгани ҳеч гап эмас. Инсон охирида ҳайвоннинг қайсарлигини енгди. Ҳайқириб-қийқириб туяни қамчи билан савалаб, бир амаллаб унга яқинлашди-да, бир сакраб юқори лабидан шу қадар куч билан ушлаб олдики, сал бўлмаса узиб олаёзди! Шу заҳотиёқ чаққонлик билан олдиндан тайёрлаб қўйган ўрама сиртмоқ ташлади. Қоранор чидаб бўлмас оғриқдан бўқира бошлади. Унинг кўркуву оғриқ азобидан хонасидан чиқаёзган даҳшатли кўзларида Эдигей худди кўзгуда кўрингандек ўз аксини кўриб қолди ва ўз вазоҳатидан ўзи чўчиб кетди. Бундай даҳшатли, ғайритабиий ҳолат унинг жунбушга келган, тер билан қопланган юзларини бузиб акс эттирарди. Ҳатто атрофдаги қорларнинг ўнқир-чўнқирларига ҳам Қоранорнинг телба қорачиғларида қўринар эди. Ҳеч гуноҳсиз жониворни шунчалар қийнаганига ачинди ва бу ишларнинг ҳаммасидан воз кечиб, боши оққан томонга кетгиси келди, лекин шу ондаёқ Бўронлига Қоранорсиз қайтиб бориши мумкин эмаслигини, Оқ мўйноқдаги одамлар туяни отиб ташлашларини кўз олдига келтирди. У ўз-ўзини енгиб, ғолибона қийқирганча туясини чўқтира бошлади. Уни жабдуқлаш лозим эди. Қоранор Бўрон ҳамон бақариб ўқира, оғзидан чиқаётган иссиқ нафаси билан эгасини қоплаб олар эди. Эдигей шаштидан қайтмади. Охири туяни ерга чўқтирди.

— Коспан, эгар-жабдуқни бу ерга ташлагин-да, анави туяларни бунинг кўзидан нарига, тепалик орқасига ҳайдаб юбор! — деб қичқирди Эдигей.

Коспан моя туя устидан жабдуқни ечиб олди-да, у томон иригиди, ўзи эса Қоранор уюрини ҳайдаш учун югурди. Эдигей унгача ишини бажарди-қўйди: Қоранорини тезлик билан жабдуқлаб олди, шу орада Коспан ҳам Эдигейнинг пўстинини кўтариб етиб келди. Эдигей пўстинини киясолиб, жабдуқланган Қоранорга миниб олди.

Қоранор ҳали ҳам ғазабдан жўшиб, моя туялар сафига қайтиб бориш учун интиларди, ҳатто бўйинини ён томон чўзиб, эгасини тишлаб олмоқчи бўларди. Аммо Эдигей ўз ишининг устаси эди. У ёвуларча бақирганига ҳам, бўзлаганига ҳам қарамай, Қоранорни қорли кенг далага ҳайдади ва қамчила-ганча гап уқтирмоқчи бўлди:

— Бас қил, етар энди! — дер эди унга. — Овозингни ўчир! Барибор орқага қайтмайсан! Мияси айинган! Мен сенга ёмонлиқни раво кўрардим?! Мен бўлмаганимда сени отиб ташлашарди. Хўш, нима демокчисан? Қутурганнинг чинми? Қутуриш ҳам шунчалик бўладими?! Уз уюринг озлик қилгандек бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Шунини унутмагинки, уйга етиб олганимиздан сўнг ўзга уюрларга чопишни бас қиласан! Акс ҳолда занжирлаб, бир қадам ҳам жилдирмай қўяман сени!

Эдигей Бўроннинг бу дўқ-пўписалари кўпроқ ўзини оқлаш учунгина айтिलाётган эди, холос. Модомики, Оқ мўйноқчага келиб уни туялардан зўрға ажратиб кетаётган экани, умуман олганда, адолатсизлик эди. Кошқиди Қоранор ювош махлуқ бўлса! Унда ортиқча ташвишга ўрин қолармиди! Ҳалиги миниб келган туяни Коспанга ташлаб келяпти-ку. Вақти-соати келиб, уни Бўронлига ташлаб келаман, деб ваъда берди Коспан. Бу ярамаснинг ташвишидан сира қутулмади-да.

Бир оз вақт ўтгач, Қоранор эгар-жабдуқча ҳам, эгасининг миниб юришига ҳам кўникиб қолди. Камроқ бақариб, илдам одимлаб, бора-бора лўкиллаб чопганча Саруўзакнинг олис йўлларини босиб ўтарди. Эдигейнинг кўнгли тинчиди; туянинг икки ўрқачи орасига қулайроқ ўрнашиб олди-да, қулоқчини юқорироқ кўтариб, Бўронли қайдасан, деб бораверди.

Бироқ, йўл анча олис эди. Об-ҳаво бирмунча яхши, фақат бир оз шамол эсиб, осмон булутлиб турарди. Яқин орада қор бўрони туришидан хавфсирамаса ҳам бўларди, аммо тунга бориб бўрон кўтарилгани мумкин эди. Эдигей Бўрон Қоранорни нўхталаб олганидан, айниқса, кеча кечаси Эрлеспеснинг дўмбираси билан куйлаган қўшиқларини тинглаганидан кўнгли тоғдай кўтарилиб борарди.

У шу йўсинда хаёл суриб бораркан, яна беихтиёр ўтган умрини эслади. Ечилмас муаммо бўлди-ку! Қандай қилиб: «Зарифа, гап ана шундай, мен сени ёқтириб қолдим», деб очикдан-очик айтиши мумкин? Агар Абутолибнинг болаларига атасининг номида бўлиш зиён келтирадиган бўлса, Зарифа лозим топса, улар Эдигейнинг фамилиясига ўтиб қўяқолсинлар. Унинг фамилияси Довул билан Эрмаска қўл келиб қолса,

у ўзини бахтиёр ҳисобларди. Ишқилиб, улар мусибат кўрмасин; ўз кучи, ақл-идроки билан обрў-эътибор топсинлар. Хуллас, бутун йўл бўйи Эдигей шундай ўй-хаёлларга ботиб келарди.

Кун охирида қолган эди. Аввал қанчалик қутуриб қаршилик кўрсатган бўлмасин, жилволанган Қоранор толқиқ нимаалигини билмай тобора илдамлаб борарди. Мана, олдинда Бўронли кенгликлари ҳам кўриниб қолди. Мана, қор уюмлари билан қопланган қир-адрлар. Мана, каттақон тепалик, нариги томонда, темирйўлнинг бурилиш қисмида эса Бўронли разъезди. Мўрилардан тутун чиқиб турибди. Қадрдон оила аҳлининг ҳоли не кечди экан? Уйдан чиққанига атиги бир кун ўтган бўлса-да, гўё орадан бир йил ўтиб кетгандай хавотирларнардди. Уларни соғинган эди, айниқса, болаларни. Қоранор овулни кўргач, қадамни яна тезлатди. Терлаб-пишиб, оғзидан ҳовурини бурқситиб борарди. Эдигей уйига яқинлашгунча разъездга иккита юк поезде келиб, қарама-қарши томонга ўтиб кетишди: бири мағрибга, иккинчиси машриққа...

Эдигей Қоранорни биратўла қамаб қўймоқчи бўлиб уй ортидаги кўра ёнига келиб тўхтади. Шошилганича якка қоziққа боғлаб қўйилган йўғон занжирнинг бир учини олиб туянинг олдинги бир оёғини боғлади ва «Тери бир оз қотсин, кейин эгарини оларман», дея ўз ҳолига қўйди уни. Негадир жуда шошиларди. Увишиб қолган бўйни, оёқларини ёзиб кўрдан чиқиб келаётганда катта қизи Саула уни кўриб юзуриб келди. Эдигей пўстинда бесўнақай энгашганча қизини қучоқлаб олди-да, юзларидан ўпди.

— Совқотибсан-ку, — деди у қизининг енгил кийинганини кўриб. — Уйга чоп, мен ҳозир...

— Ота, — деди Саула эркаланиб, — Довул билан Эрмак кетиб қолишди.

— Қаёққа кетиб қолишадди?

— Бутунлай кетишди. Ойиси билан бирга. Поездга тушиб кетишди.

— Бутунлай кетишди?! Қачон? — У гап нима тўғрисида кетаётганини тушунмай кўзларига тикилиб қайта сўради.

— Бугун, эрталаб.

— Шунақа дегин-а! — деди Эдигей овози титраб. Сўнг: — Уйга югур, тезроқ! — дея қизини қўйиб юборди. — Мен кейинроқ бораман. Кейин. Сен борақол, ҳозироқ жўна...

Саула бурчақдан айланиб ўтди-да, кўздан гоийиб бўлди. Эдигей қўранор эшигини ҳам ёпмай тўғри Зарифалар уйи томонга йўл олди. Бораётиб, эшитган гапларига ишонмади: бундай бўлиши мумкин эмас. Эшик олдида тўп-тўп оёқ излари кўринарди. У чала ёпилган эшикни шартта очиб, остонадан ичкарига кирдию эски-туски кийим-кечакларнинг сочилиб ётганини, аллақачонлар ташлаб кетилган бўм-бўш уйни кўрди. На болалар бор, на Зарифа бор эди!

— Шунақа ҳам бўладими?! — дея пичирлади Эдигей. — Демак, кетишибди-да! — Уй эгаларнинг кетгани аниқ кўриниб турган бўлса-да, лекин кўзларига ишонмасди.

Юраги орқасига тортиб кетди. Ҳеч қачон бундай оғир ахволга тушмаган эди. У хона ўртасида, муздек печка олдида нима қиларини билмай, ичдан қайнаб чиқаётган аламини босолмай тик туриб қолди. Дераза пештахтасида Эрмакнинг нутиб қолдирган қирқ битта фолбинлик тошлари — умид ва муҳаббат тошлари сочилиб ётарди. Аллақачон дунёдан ўтган отанинг қачон келарини билиш учун бу тошлар билан фол очувини Эдигей уларга ўргатган эди. Эдигей тошларни ҳовучлаб олди-да, кафтида сиқиб ушлаганча, мана, қолган эсдалик шуларгина, деди. Сўнг деворга бурилиб, юзларини муздак тахталарга суйкай-суйкай хўнграб юборди. Қўлидаги тошлар бирин-кетин ерга туша бошлади. У қалтираган қўллари билан тошларни тутиб қолмоқчи бўларди-ю, лекин панжалари қовушмасди; тошлар бирин-кетин ерга тушиб, ҳувиллаб қолган хонанинг бурчак-бурчакларига юмалаб кетди...

Эдигей деворни ушлаганча секин-аста чўққайиб ўтириб қолди. У орқаси билан деворга суюнган кўйи хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Чўнтагидан Зарифа берган шарфни олиб кўзёшлини артди...

Ташландиқ барақда нима воқеа юз берганига ақли етмай ўтирарди. Демак, Зарифа болаларини олиб атайлаб Эдигей йўқлигида кетган. Эдигей бундан хабар топса, кетгани қўймайди деб ўйлаган. Ҳақиқатдан ҳам, у ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам кетгани қўймамасди. Узи шу ерда бўлганида эди, охири нима билан тугалланмасин, барибир, руҳсат бермасди. Сафарга чиқмаганимда нима бўларди, деб бош қотириш —

фойдасиз. Энди улар — йўқ. Зарифа — йўқ! Болалари — йўқ! Ахир, Эдигей улардан ажрамасди-да! Буни яхши тушунган Зарифа унинг йўқлигида ишини битирган. Узининг кетишини осонлаштирибди-ю, аммо Эдигейни ўйламабди, уни эгасиз қолган уйни кўриб қанчалик даҳшатга тушишини ўйлаб кўрмабди.

Ҳойнаҳой, кимдир разъездга чиқиб поездни тўхтатиб берган! Кимдир... Казангап-да — Казангапдан бошқа ким бўлиши мумкин? У Эдигей сингари Сталин вафот этган кундагидек стопкранин юлқиб олган эмас, албатта, пассажир поездлардан бирини тўхтатиб беришни разъезд бошлиғидан ўтиниби сўраган. У ана шунақа кимса... Уларни бу ердан тезроқ кўчириб юборишда Уккуболанинг ҳам қўли бўлса керак. Ҳап сизларми, ҳали қараб туринлар! Қони миясига урди-да, ҳозир бор кучини тўплаб, Бўронли деб аталмиш худонинг қарғишига учраган разъездда қўлига илинган нарсаларнинг барчасини таг-туғи билан яқсон қилиб, кулини кўкка совурғиси, сўнг Қоранорига минганча Сарийўзакнинг кенгликларига бош олиб кетгиси, ўша ерларда ёлғиз ўлиб кетгиси келди! Эдигей бу кимсасиз уйда шу зайлда ҳолсизлиб, изтироб ичида эсанкираб ўтирарди. Ақли етмаган бир саволни бот-бот такрорларди: «Нега кетди, қаёққа кетди? Нега кетди, қаёққа кетди?»

Охири, у уйига борди. Уккубола сукут сақлаганча унинг пўстинини, телпагини, кигиз этигини олиб, бурчакка элтиб қўйди. Эдигей Бўроннинг тошдек қотиб, бўздай оқариб кетган юзидан нималарни ўйлаб, нималар қилиш ниятида эканини билди бўлмас эди. Гўё ҳеч нарса кўрмаётгандай: кўзлари ҳеч нарса ифода этмасди. Эдигей ўзини босиб олиш учун ҳаддан зиёд куч сарфлаб ўтирганини яширарди. Уккубола эрининг бош кўтарар маҳалини кутиб, икки-уч бор самоварга ўт қўйиб, чой қайнатди. Чой қайнаб, олов ёнаверганидан самовар ичи кулга тўлиб қолган эди.

— Чой иссиқ, — деди хотини. — Ҳозир ўтдан олдим.

Эдигей унга қаради-ю, индамай чойини ичарди. Чойнинг қайноқлигини ҳам сезмади. Иккови ҳам ким олдин сўз очишини кутиб, тумтайиб ўтиришарди.

— Зарифа кўчиб кетди, — деди ниҳоят Уккубола.

— Билман, — деди Эдигей бошини кўтармай. Бир оз сукутдан сўнг: — Қаёққа кетди? — деб сўради ўша алфозда бошини кўтармай.

— Бунисини бизга айтмади, — деб жавоб қилди Уккубола.

Шу билан улар яна хомуш бўлиб ўтиришарди. Оғзи қуйса ҳам парво қилмасди, хаёли фақат бир нарса билан банд эди: ишқилиб, ўзимни жаҳлдан тия олайин, қутурган туядек ҳаммаёқни тўс-тўполон қилмасам, бўлса эди, болаларнинг ўтақасини ёриб, бирон фалокатни бошламасам бўлгани, деб ўтирарди Эдигей ичида.

Чойни ичиб бўлгач, ташқарига чиқмоқчи бўлди. Яна кигиз этигини, пўстинини, телпагини кийди.

— Қаёққа бормоқчисан? — деб сўради хотини.

— Молга қарай-чи, — деди у эшикдан чиқаётиб.

Қишнинг қисқа кунни ҳам охиридаб, ана-мана дегунча теварак-атрофини тун зулмати қоплаётган эди. Борган сари совуқ кучайиб, шамол жонланиб, қорни тўзғитиб учирарди. Эдигей қовоғи осилганча кўрага кирди. Кирдию занжирни тортаётган Қоранорга жаҳл билан қичқирди:

— Яна ўкириб-бўкиряпсанми! Сира тўймас экансан-да?! Ялмоғиз, қараб тур ҳали! Масалангни энди узил-кесил ҳал қиламан-қўяман! Энди менга барибир!

Эдигей жаҳл билан Қоранорнинг қорнига туртди-да, сўкиниб, устидан эгарини олиб ирғитди, оёғидаги занжирини ечди. Сўнг жилловини бир қўлида, дастасига ўралган қамчисини эса бошқа қўлида ушлаб олганча хумори тутиб бўкираётган туясини етаклаб, дала томон йўл олди. Қоранор Бўрон тинмай бўзлаб бораётгани учун эгаси бир неча бор уни қўрқитмоқчи бўлиб арқонни силтаб тортиб, фойдаси бўлмагач, ерга туфурганча эътибор бермай кетарди. Ужарлик билан қалин қорни кечиб, зулмат қўйнига чўмаётган дала сари шошиларди. Эдигей этикичи нафас олганча борарди. Бошини қўйи солиб, қовоғини очмай узоқ йўл босди. Разъезддан узоқлашиб бир тепаликка етганда тўхтадию туясида қасдини олмоқчи бўлди ва ёпқини қорнинг устига ечиб ташлади-да, туя қочиб кетмаслиги учун нўхтанинг учини белбоғига боғлади. Сўнг қамчинини икки қўллаб ушлаганча Қоранорни савалашга тушди. Узи ҳам туядан беш баттар бақириб, сўкиниб саваларди.

— Мана, сенга! Мана! Ҳаром ўлгур, ҳайвон! Буларнинг бари сенинг касофатингдан! Ҳа, ҳаммасига сен сабабчисан! Энди сени ўз эркинга қўйиб юбораман, бошинг оққан ёққа кетаверсан, лекин аввал сени мулла қилиб қўяман! Мана сенга, очофат! Бари сенга озлик қилади! Овлоқ жойларга илиқиб югуришинг керак! У эса болаларини олиб кетиб бўлди! Не кунларга қолганим билан ҳеч бирингизнинг ишингиз йўқ! Энди мен қандай яшайман? Қандай яшайман? Сизларга барибир бўлса, менга ҳам барибир! Мана сенга ит!

Қоранор қамчи азобига дош бермай бақирар, юлқинар, ўзини ҳар томонга урарди, бир маҳал Эдигейни уриб йиқитдию уни қор устида судраганча жўнаб қолди. Ишқилиб, ўша — зўрлаб олиб келишган жойга яна етиб борсам, деган ниятда эгасини ваҳшиёна бир куч билан ходани тортгандек тортиб борарди. — Тўхта! Тўхта! — деб бақирарди Эдигей судралиб бораркан гоҳ қорга қўмилиб, гоҳ оғзига қор тикилганча.

Қулоқчини бошидан учиб кетди, боши қор уюмларига кирганда юз-кўзига қор урилиб, бўйнию қўйниларига муз қирарди. Туяни бир амаллаб тўхтатиш, нўхтани белбоғидан ечиб олишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Туя эса, бундан фақат қочиб қутуламан, деб судраганча кетаверди. Ким билсан, агар Эдигей бир амаллаб белбоғини бўшатиб, нажат топмаганда бу иш нима билан тугарди? Эдигей нўхтани тортгунча туя уни яна бир неча метр жойга судради, кейин нўхтани бор кучи билан тортиб тўхтаб қолди.

— Ух, ярама! — Эдигей бир оз ўзига келгач, дилтанг бўлиб, гудранди. — Қилар қилмишинг шу бўлса, йўқол — кўзимга кўринма! Лаънати ҳайвон, иккинчи бор сени кўрсам, кўзим чиқсин! Ҳаром ўлгур! Улигингни қарға-қузғунлар еб кетсин! Кутурган ит каби сени отиб ташлашин! Ҳамма бало — сенинг касофатингдан! Улигинг далада қолиб, ном-нишонинг ўчиб кетсин! — Қоранор бақирди Оқ мўйноқ томон қочарди. Эдигей эса унга етиб олиб, қамчи билан савалар, оғзига келган сўз билан суқар эди. Қасос олишнинг, айрилиқнинг вақти-соати етди. Эдигей унинг кетидан ҳамон қичқирарди: — Кўзимдан йўқол, ит ули! Югур! Очкўз махлуқ! Пешонангдан ўққа учиб ўлгур!

Қоранор қоронғилашиб бораётган далада қочиб бораётиб, қор бўрони ичида кўздан ғойиб бўлди. Аҳён-аҳёнда узоқлардан бўзлаган овози эшитилди. Энди бу ярама Қоранор Оқ мўйноққа етиб олмагунча чарчаш нималигини билмай, туни бўйи елиб-югуради, деб ўйлади Эдигей ўзича. Сўнг:

— Туф! — дея ўзи судралиб пайҳон қилиб юборган йўлак бўйлаб орқага қайтди. Қулоқчинисиз, пўстинисиз — юз-қўли ачишиб, қамчисини судраганча қоронғи тунда тентираб келар экан, бутунлай ҳолсизланиб, нотавон бир аҳволга тушганлигини сезди. Шунда у қорга чўқди-да, бошини чангаллаганча хўнграб юборди. Маҳобатли Сармузак қўйнида яккаю ёлғиз-чўнқайиб олган Эдигей қуюн аралаш ер бағирлаб эсаётган изгирин шамолнинг ҳўштак чалиб эсишини, тепадан савалаб ёғаётган қорнинг шивирини эшитиб турди. Севимли аёлидан, суюмли болаларингдан айрилиб яшаган умринг қурисин, бундай умрининг маънисини йўқ дегандек миллионлаб қор учқунлари ҳавода майин шитирлаб, қулоғига гапираётгандек бўлиб туюлди. Эдигей шу ернинг ўзидаёқ қор остига қўмилиб ўлишни афзал кўрди.

— Худо йўқ! Ҳаётинг маъносини у тушунмагандан сўнг, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Худо йўқ! — дер эди у Сармузакнинг қоронғи тунда танҳо қолиб. Шу пайтгача бундай сўзларни ҳеч қачон овоз чиқариб айтмаган эди. Ҳатто худони доимо эслаб турадиган Елизаров, илм нуқтан назаридан қараганда, худо йўқ, деб ишонтирмоқчи бўлганида ҳам, у инонмаган эди. Энди инонди...

Ер эса ўз ўқи атрофида айланиб, коинот шамолларига ювилиб, сузиб борарди. Қуёш атрофида айланарди ва шу дамда ўз чархи бўйлаб айланган кўйи Сармузакнинг қорли даштларида тиз чўкиб ўтирган кишини олиб кетмоқда эди. Эдигей Бўрон севимли аёлидан ажралган ўша кунни шу қадар тушқунликка тушиб, умидсизлик билан тиз чўқди, ҳеч бир қирол, ҳеч бир император, ҳеч қандай ҳокими мутлоқ тахти-бахтидан ажралиб қолган чоғда ҳам ёруғ дунё қаршисида бунчалик ғам-ғусса билан тиз чўкмагандир... Ер эса сузиб борарди...

Орадан уч кун ўтиб, Эдигей омбор эшиги олдида Казангапга йўлиқди: улар темирйўл ремонтини учун зарур бўлган гулмих олишаётган эди.

— Сен негадир одамови бўлиб қолдинг, Эдигей, — деди у

темир-терсакни замбилга солаётиб. — Узингни мендан четга олиб юрибсан, гаплашиб олайлик десам, тутқич бермайсан.

Эдигей унга ўқрайиб қаради.

— Сен билан гаплашадиган бўлсак, шу заҳотиёқ бўғиб ўлдириб қўйишим мумкин. Буни ўзинг ҳам яхши биласан!

— Менигина эмас, бошқаларни ҳам бўғиб ўлдиришга тайёр эканлигинига шубҳаланмайман. Бироқ, бунчалик ғазабланишингни боиси нимада?

— Уни бу ердан кетишга сизлар мажбур этгансизлар, — деди Эдигей кўпдан бери тинчлик бермай, изтиробга солиб келаётган ўй-фикрини тўкиб сочаркан.

— Топган гапингни қара-ю! — деди Казангап бошини чайқаб. Жаҳли чиққаниданми, уялганиданми қизариб кетди. — Ақлингга шу гап келган бўлса, унда биз тугул, ўша келин тўғрисида ҳам ёмон фикрда экансан. Сенга қараганда унинг ақли бутун эканлигига шукр қилгин. Бу ишинг охири нима билан тугашини бирор марта тананга ўйлаб кўрганмидинг? Келин ақл юритиб, обрўйи борида кетишга қарор қилган. Кўчириб юбориш учун ёрдам сўраган эди, бориб қарашиб юбордим. Болаларингни етаклаб қаёққа борасан деб суриштириб ҳам ўтирмадим, у ҳам бирон нима демади. Бунисини тақдирдан ўзга ҳеч ким билмайди. Тушундингми энди? Уз шаънига ҳам, хотининг шаънига ҳам доғ туширмай кетди. Икковлари ҳам миннатдорчилик билан хайр-хўшлашди. Сени ёмон йўлдан сақлаб қолганликлари учун ҳар иккаласига ҳам бошинг ерга етганча таъзим қилсанг арзийди. Уккубуладай аёлни бир умр ўзлаб тополмайсан. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида таъзирингни шундай бериб қўярдики, Қоранордан ҳам олдинроқ ўзинг дунёнинг нариги бурчагига бош олиб кетишга мажбур бўлардинг...

Эдигей индамади. Нима ҳам дерди. Аслини олганда, Казангап ҳақ гапларни айтди. Бироқ, Казангап ақл бовар этмаган бир жумбоқни англаб етмабди. Бетгачопар Эдигей ҳам бўш келмади:

— Бўпти! — деди-да, уни мөнсимангандек четга қараб тупурди. — Битта донишманднинг айтгани шу бўлса, ўргилдим сендек ақлитаъзимлардан! Йигирма уч йилдан буён ўрингдан жилмай, фариштага ўхшаб юрган экансан-да. Сен бунақа ишларни қайдан ҳам тушунадинг? Бўпти! Панд-насихат эшитишга вақтим йўқ! — У шу сўзларни айтиб четга бурилиб кетди.

— Майли, билганингни қил! — деган сўзларни эшитди у ортидан.

Ана шу гаплардан сўнг Эдигей Бўронли разъездини тарк этмоқчи бўлди. Чиндан ҳам кетишга қарор қилди, чунки бу ерда ўзини овутолмасди, юрак-бағрини эзаётган ғам-алам, соғинч азобларини енгилга оқилга қиларди. Зарифасиз, унинг болаларисиз бу ердаги жамийки нарсалар ҳувиллаб, бум-бўш бўлиб қолган эди. Азоблардан қутулиш учун разъезд бошлиғига расмана ариза бериб, ишдан бўшаб, хотин, бола-чақаси билан боши оққан томонга кетишга аҳд қилди Эдигей. Ишқилиб, бу ерларда қолиб кетмаса — бўлгани. Ахир, у аллақачонлар тангри-таолонинг ҳам ёдидан чиққан бу разъездга занжирбанд қилиб ташланмаган-ку! Кўпчилик одамлар бошқа тарафларда, ўзга шаҳарларга қишлоқларда бинойидай яшамади-ку. Уларни бўйнидан боғлаб қўйсанг ҳам бу ерларда бир кун туришмас. Нега энди у Сармузакда бир умр ҳаққадай ҳаққалаб юриши керак? Қайси гуноҳи учун? Бас, кетади у. Орол денгизига қайтади ёки Қарағанда, Олмаота томонларга йўл олади. Ёруғ дунёда бундан бошқа жойлар қуриб кетибдими? Узи яхши хизматчи, тўрт мучаси соғ, саломатлиги жойида, ҳамма нарсага қўл силтайди-да, жўнайди-кетади. Эдигей Уккуболанинг олдиндан ўтиш, уни рози қилишни ўйларди, қолганлари чўт эмас. У оғиз очиш учун қулай фурсат кутиб, режа тузиб юраркан, орадан бир ҳафта ўтиб кетди ва бир қуни хўжайини томонидан ҳайдаб юборилган Қоранор пайдо бўлди.

Эдигей қарасаки, ит уй олдида бетоқат чопиб вовуллар, яна қайтиб келарди. Эдигей ташқарига чикдию қўрага яқин жойда бир махлуқ — туя серрайиб турганини кўрди. У худди қоққан қоқиқдай қимир этмас эди. Эдигей яқин боргачгина бу махлуқ ўзининг Қоранори эканлигини таниди.

— Э, бахайр! Шу кунга қолдингни сен бечора. Дабдала бўлибсан-ку! — деб бақириб юборди Эдигей.

Олдинги Қоранордан бор-йўғи тўрттагина суяк қолган эди, холос. Қилтираб қолган бўйнида каттакон боши осилиб турарди. Қора гумбаздай салобат билан гурқираб турган

ўрқачларидан асар ҳам йўқ; кампирларнинг қуп-қуруқ сийнасидек шалвираб тушган эди. Атанинг шу қадар тинка-мадори қуриган эдики, кўрага судралиб боришга ҳам мажоли етмас эди. Нафас ростлаб олиш учун шу ерда тўхтаганга ўхшайди. Илиқиб юриб, охириги мадори қолгунча чопган, эндиликда шалдираган бир қоп суяк ҳолида аранг етиб келган эди.

— Баракалла! — деб пичинг қилди Эдигей Қоранорни тўрт томонидан ўтиб томоша қиларкан. — Ана сумбату мана сумбат! Сени ит ҳам танимай қолибди-ку! Бир вақтлар нақ атан эдинг! Балли! На инсоф, на дёнён бор сенда! Моякларинг жойидами ўзи, яна йўл-пўлда тушириб қолдирмадингми? Узинг ҳам такадай сасиб кетибсан. Орқанга кўнгироқчалар осилибди-ку. Қуруқ устихонинг қолибди-я, бечора!

Қоранор қимир этмай турарди; на олдинги камолидан, на бурунги виқоридан дарак бор.

Атнга Эдигейнинг раҳми келди. У уйга бориб бир челақ бугдой келтирди. Устига ярим ҳовуч туз сепди ва: — Ол, емингни егин, — деб идишни туянинг олдига қўйди. — Шояд кучга энрасан.

Уша куну у Казангап билан суҳбатлашди. Унинг уйига бориб, гап очди:

— Мен сенинг ҳузурингга бир иш билан келдим, Казангап. Ҳайрон бўлма, кеча гаплашгиси келмовди, али-бали деб хархаша қилувди, бугун ўзи келибди деб. Жиддий гапим бор. Мен Қоранорни сенга қайтармоқчиман. Қуллуқ қилгани келдим. Бир вақтлар бўталоқ эканида менга уни инъом қилган эдинг. Раҳмат сенга, биродар. У оғиримни енгил қилди. Яқинда тоқатим-тоқ бўлганидан уни ҳайдаб солган эдим, бугун ўзи кириб келибди. Ҳозир кўрада ётибди. Икки ҳафталардан сўнг олдинги ҳолига қайтади. Куч-қувватга тўлади. Фақат боқиб туриш керак.

— Лаббай? — дея унинг сўзини бўлди Казангап. — Гапни қаёққа буряпсан? Нима, ҳе йўқ, бе йўқ, менга Қоранорни қайтариб берадиган бўлдинг? Мен сенга тавалло қилган эдимми?

Ана шунда Эдигей дилида бор гапини айтди: оиламни олиб кетмоқчиман, деди у, Сариўзак мўдага тегди, бошқа ёққа кетмоқчиман. Эҳтимол, бу хайрли бўлар. Казангап Эдигейнинг сўзларини диққат билан тинглади ва унга шундай жавоб қилди:

— Начора, ихтиёринг. Шуниси борки, наздимда, нима қилмоқчи бўлаётганини ўзинг ҳам тушунмасанг керак. Хўш, кетдинг ҳам дейлик, лекин ўзингни тарк эта олмайсан-ку. Қаёққа улоқмагин, шўрингни қурита олмайсан. Қаёққа борсанг, у сен билан бирга юради, йўқ, Эдигей, агар сен эркак бўлсанг, мана шу ерда ўзингни ўзинг енгил ол. Кўчиб кетиш марднинг иши эмас. Ҳамма ҳам кета олади. Лекин ўзини-ўзи йўлга солиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳадеганда Эдигей унинг фикрига қўшилавермади, лекин ади-бади ҳам айтишиб ўтирмади. У ўйга чўлди ва оғир хўрсинганича сукут сақлади. «Ҳар қалай, бошқа ёқларга жўнаб юборсаммикан? — деб ўйларди у. — Аммо нунта олармиканман? Нега унуттишим керак? Нима қилсам экан? Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Зарифанинг ҳоли не кечдийкин? Гўдақлари билан қаёқларда тентираб юрибди? Бошига бирон иш тушиб қолса, ҳолинг не кечди, деб сўрайдиган одам топилармикан? Уққуболага ҳам осон тутиб бўлмайди. Мана, неча кун бўлдики, менинг ёввойилигимга чурқ этмай чидайди... Сабаб?»

Казангап Эдигейнинг дилидан нима кечаётганлигини тушунарди, унинг аҳволини енгиллатиш, зътиборини тортиш учун бир йўталиб гап бошлади:

— Сирасини айтганда, нега мен сенга сабоқ беришим керак, Эдигей. Худди менга бирон нафи тегаётгандай! Узинг ҳам оқ-қорани яхши ажратасан, гапнинг индаллосини айтганда, сен — Раймали оға, мен эса Абдилхон эмасмиз. Қолаверса, атрофимизда биргина қаққайлар дарахт ҳам йўқки, унга сени қўл-оёгиндан боғлаб қўйсам! Инон-ихтиёринг ўзингда, билганингни қил. Фақат жилиш олдидан ўйлаб кўр.

Казангапнинг сўзлари узоқ вақтларгача Эдигейнинг ёдидан чиқмади.

Х

Раймали оға ўз замонасининг машҳур оқини эди. У ёшлигидан элга танилди. Худо ёрлақанга жирловчи эди у; ҳам шоир, ҳам ўз термаларига куй басталаган бастакор, ҳам нафаси ўткир оқин. Раймали оға замондошларини ҳайратга солган. Жирлов-

чи эл-юрт йиғинларида дўмбирасини бир чертса — бас, куйга пайваста термалар қуйилиб келаверарди. У куйлаган қўшиқ эртасигаёқ оғиздан оғизга ўтиб, ёд бўлиб, овулдан овулга, қўналгадەк қўналгага тарқалиб кетарди. Уша кезлари йиғитлар оғиздан тушмай юрган мана бу қўшиқ ҳам Раймали оғаники эди:

Олис йўлдан келаётган ташна отга

Учраб қолса жимир-жимир кўм-кўк чашма —  
шудир дунё роҳати.

Қўмсаб келиб висолинга бир етганим,

Эгардан энкайиб, бўса олиб кетганим —  
шудир дунё роҳати...

Раймали оға ораста кийиниб юрарди. Буни ҳам худонинг ўзи раво кўрган эди. Айниқса, қимматбаҳо мўйна қопланган, ҳар мавсумга мўлжаллаб тикилган қалпоқ кийишни хуш кўрарди. Унинг ажралмас ҳамроҳи — ҳаммага маълум ва машҳур, олтиндек товланиб турадиган ахалтекин зотли Сарала деган оти бўлиб, у туркманларнинг катта бир тўйида тортиқ қилинган эди. Халқ оқинни қанчалик алқаса, унинг отини ҳам шунчалик мақташарди. Сараланинг қадди-қоматию кўркам ва улуғвор юришига қараб шинавандалар ҳузур қилишарди. Шу сабабли ҳам Раймалининг бор мол-дунёси қўлидаги дўмбирасию Сараланинг йўргалашди, деб ҳазил қилишарди одамлар.

Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Раймали оға бутун умрини эгар устида, дўмбира чертиб ўтказди. Халқ орасида шуҳрат қозонган бўлса ҳам мол-дунё орттирмади. Баҳор булбулдай ҳамиша катта йиғинларда, тўй-томошаларда халқнинг иззат-ҳурматию эъзозида яшади. Унинг севган оти ҳам сийлову парваришда бўлди. Бироқ баъзи бир бўйнийўғон, давлатманд одамлар уни ёқтиришмасди. Дайди шамол сингари беҳудуга умргузаронлик қилиб юрибди, деб орқаворатдан гапиришиб юришарди.

Бироқ Раймали оға катта тўй-томошаларга келиб, дўмбирасини қўлга олиб куйлай бошлаши билан ҳамма, ҳатто унинг турмуш тарзини ёқтирмайдиган ҳалиги одамлар ҳам сеҳрлаб қўйилгандек унинг қўлларини юз-кўзларига қараб анграйиб қолишарди. Дўмбирани созлаб, оҳанрабо куйлар чалиб, инсоннинг қалб торларини чертгани, бутун тафаккур кучию руҳий ҳолати ўтдек қақнаётган кўзларида балкиб тургани, юзларидан нур ёғилаётгани учун ҳамма унга термиларди. Қуйлаётганда нурли юзи енгил мавжланаётган денгиз сингари ўзгариб турарди...

Хотинлари аразлаб, тоқати тоқ бўлиб уни ташлаб кетишарди; бегона жувонлар эса уни бир кўришга муштоқ бўлиб, тунлари бедор йиғлаб чиқишарди.

Шу тариқа у қўшиқдан қўшиққа, кечадан кечга, тўйдан тўйга ўтиб умр ўтказаверган, қарилик ҳам зимдан етиб келган. Аввал муртига оқ оралаб, сўнг соқоли оқара бошлаган эди. Сараланинг ҳам силласи қуриди, ёли ва думи сийраклашди. Уни қадимги Сарала эканини юришидангина англаб олиш мумкин эди, холос. Раймали оға ҳеч нимга бўй бермай сўппайиб ўсган, қуриб бораётган улкан терак сингари умрининг қиш фаслига қадам қўйган эди... Мундоқ ўйлаб қаралса, унинг на оиласи, на бир уй-жойи, на мол-ҳоли, на бошқа бирор дунёси бор. Кичик укаси Абдилхон уни ўз қарамоғига олди. Абдилхон дастлаб яқин қариндошларини тўплаб, ўзининг бу ишдан норозилигини билдириб қойган бўлди-ю, лекин унга алоҳида уй бериб, нон-тузидан, кир-чиридан хабардор бўлиб туришни амр этди...

Раймали оға энди кўпроқ кексалик ҳақида куйлайдиган, охиратни ўйлайдиган бўлиб қолди. Аллақандай маҳобатли кўшиқлар тўқиди ўша кезларда. «Инсон нега ёруғ дунёга келади?», дея азал-азалдан донишмандлар бош қотириб келган ўй-фикрлар энди уни ҳам ўйлантириб қўйган эди. У аввалғидай юрт оралаб тўйма-тўй юришларни бас қилди. Кўпинча уйда ёлғиз қолиб ҳазин куйлар чаларди, кечмишини бирма-бир кўз олдига келтирарди ёки саовбу гуноҳ ҳақидаги кексалар билан узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирарди...

Ёши қайтган чоғида бутун борлигини алғов-далғов қилган бир воқеа содир бўлмаганида, худо шохидки, Раймали оға қолган умрини осойишта ўтказган бўлармиди?

Кунларнинг бирида Раймали оға уйда қамалиб ўтира олмай, қари Саралани эгарлаб, кўнгли чигилини ёзиб келиш учун катта бир маъракага жўнади. Ҳар эҳтимолга қарши дўмбирасини ҳам ёнига олди. Эътиборли кишилар, қадрдон улфатлари,



куйламасанг ҳам ҳеч бўлмаса меҳмон бўлиб кетасан, дея ўтиниб сўрашган эди. Раймали оға тезроқ қайтиб келарман деган ўй билан йўлга тушди.

Борган ерида уни иззат-икром билан кутиб олишди. Азиз меҳмонлар ўтирган энг яхши ўтовга — бўз уйга таклиф қилишди. Таниқли одамлар қаторида ўтириб қимиз ичди, тўй эгасининг шаънига илиқ сўзлар айтиб, оқсоқолларга хос бамаъни гаплардан сўзлаб ўтирди.

Овулда тўй-томоша қизгандан қизиди, чор атрофдан ёш-ялангларнинг қувноқ ўйин-кулгисю ашула садолари янграйди, базми жамшид авжига чиқади. Келин-куёвлар шарафига от пойгасига тайёргарлик кўрилаётгани, қозон-товоқ бошида уймалашган жонсарак ошпазларнинг гангир-гунгурлари, нариги томондаги отлар урунининг дўпир-дўпирларию кишнаб ўйнашлари, бериги ёқдаги дайди итларнинг ўйноқлаб вовуллаши аллақандай ёқимли туюларди. Дашт бўйлаб эсаётган майин шабада эса гуллаб ётган гиёҳларнинг хушбўй ҳидини димоққа урарди... Ҳаммасидан ҳам қўшни ўтовлардан эшитилаётган куй ва қўшиқлар, қизларнинг атрофга таралаётган жарангдор кулгиси Раймали оғани ўзига мафтун этиб, унинг бутун вужудини қамраб олган эди...

Кекса жирловчининг юраги жиз этиб кетди. Сиртдан қараганда, Раймали оға суҳбатдошларига сир бой бермай бамайлихотир ўтирган бўлса ҳам аслида, хаёлида ўтган умрининг қанотида парвоз қилиб юргандай ҳис қилди ўзини: ёш ва кўхлик даври, қирчиллама ўйноқи тулпори Саралада дала кезиб елдек учиб юрган кезлари, отининг тўёқлари остида янчилган майсалар ҳам сўлиб, ҳам кулиб боққан чоғлари, у куйлаган қўшиқларни тинглаб қуёш унга талпинган дамлар, дўмбирасининг овозидан одамлар қалбида қон жўшган пайтлар, оғзидан чиққан ҳар бир сўз дилларни ром этиб, сеҳрлаб қўйган онлар, ўзи ҳам сева билган, ҳам куй билган, от устида хайр-хўшлашаётиб кўзёши тўка билган замонлар ўтди-кетди... Буларнинг нима кераги бор эди? Кўр остида сўниб бораётган чўғга қараб кексайган чоғингда афсус-надоматлар чеки учун керак эдимиз?

Раймали оға онда-сонда бир гапириб, ўйга чўмганча мунгайиб ўтирарди. Бир маҳал ўтовга яқинлашиб келаётган қадам товуши одамларнинг гангир-гунгур, бўйинтумор тангаларининг жаранглашию шоҳи кўйлақ этакларининг ёқимли шитирлаши унинг қулоғига чалинди. Кимдир ўтов эшигидаги каштали пардани баланд кўтарган эди, дўмбирасини кўксига босган очиқ чехрали, қора кўз, камон қош, қарашлари шўх, мағрур, сарвқомат, либослари ҳам ўзига ярашиқли, табиатнинг моҳир кўллари томонидан яратилган бир қиз бўсағада пайдо бўлди. Унинг қиёфаси гоёта журъатли одам эканидан далолат берарди. Қиз остонада дугоналари ва бир нечта йигитларнинг қуршовида таъзим бажо келтириб, ҳурматли кишилардан узр сўраб турган эди. Ўтирганлар оғиз очишга ҳам улгурмай, қиз Раймали оғага юзландио ажиб маҳорат билан дўмбирасини чертганча муборакбод қўшиқни баралла куйлаб юборди:

«Чанқоғин қондирмоқчун олисдан қудуқ излаб келаётган сарбон сингари хузурингга шошдим мен, доврқули Раймали оға. Шовқин-сурон кўтариб, бостириб келганимиз учун кечир, тўй-томоша, базми жамшид дегани шу эмасми? Журъатимдан танг қолма, Раймали оға, куйлаб кирмоққа жазм этдим, илк муҳаббатимни изҳор этгандигдай сирли кўрқув ичра изтироб чекиб келдим. Уқланган милтиқдай ўктам бўлиб туғилдим, авф этгайсан, Раймали оға. Тўй-томошаларда доимо эркин куйлаб юрган бўлсам-да, қатралардан бол тўплаган асалари сингари, бу учрашувга умр бўйи интилдим. Ғунча янглиғ шу кунга интиқ эдим, минг шукрки, ниятимга эришдим...»

«Ижозат бер, гўзал қиз, кимсан ўзини?», деб сўрамоқчи бўлди Раймали оға, аммо унинг қўшғини бўлгиси келмади. Бутун борлиғи билан қиз томон интилди-да, ҳайратдан ёқасини тишлаб ўтирди. Юраги ҳаприкиб кетди, агар шу маҳал одамлар ўзгача назарга эга бўлганларида эди, унинг парвоздаги бургут сингари талпиниб, қанот қоқиб қолганини пайқаган бўлур эдилар. Унинг кўзлари чақнади, осмону фалақдан бир нидо эшитилаётгандай ҳушёр тортди. Мана шунда Раймали оға қарилгини унутиб бошини мағрур кўтарди...

Қўшиқчи қиз эса куйлашда давом этарди:  
«Кимлигини айтайин, улўғ жирловчи, қулоқ сол. Ешлигимдан севаман — эгам берган оқинсан, Раймали оғажон. Қаерларга бормагин, қаерларда куйламагин, ортингдан изма-из эргашиб юрдим, Раймали оға. Маъзур тутгин жирловчим, оқинларнинг оқини, сендай оқин бўлишни кўпдан орзу

қиламан. Соядай эргашиб, сўзларингни, куйларингни ёд олдим, сеҳрландим, санъатингга топиндим. Бахтим кулган бир кун сен билан салом-алик қилиб, севгимни изҳор этсам, гоёибона сиғинганимни ошқора айтиб берсам деб ният қилиб, тангридан мадад сўрадим. Бахтим кулган кун хузурингда соз чертиб куйлаб берсам, энгилсам ҳам майли, менинг бу беодоблигимни худонинг ўзи кечирсин, сендек улўғ жирловчи билан бир айтишиб кўрсам деб ният қилдим. О, Раймали оға, висол онларини кутган маъшуқа сингари мен бу саодатли дамларни соғиниб кутдим. Бироқ мен ёш эдим, — сен — улўғ оқин бўлсанг эл ардоғида маст бўлиб, давру даврон суриб, шон-шухратга фарқ бўлиб кетдингки, тўй-томошаларда, кўпчиликингни ичда мендек ёшгина бир қизни қаёқдан ҳам пайқар эдинг? Мен эса куйларинг асири бўлиб, севгимни айтишга уялиб сени қалбимда пинҳон сақладим; юзма-юз келиб тортинмасдан ошқора айтмоқ учун тезроқ балоғатга етсам, деб ўзимни ўзим ошиқтириб юрдим. Сўнг хузурингга келиб, ҳеч қанча иккиланмай, синовчан кўзларингдан чўчмай муҳаббатим изҳор этиб, айтишувга тортмоқ учун: сўз санъатию дўмбира сеҳрини сен қадрар ўрганайин, устозим, куйламакни сен қадрар ўрганайин, устозим, деб онт ичдим. Уша қиз — мана мен, ҳаммангизнинг қаршингизда турибман. Балоғатга етгунча, гул бўлиб очилгунча шошилгандан шошилдим. Аммо дамлар имиллаб ўтарди, охири бу йил ёзда ўн тўққиз ёшга тўлдим. Сен эса, Раймали оға, ҳали ҳам ўша-ўшасан — менинг болалик чоғларимдагидайсан. Фақат соч-соқолингга бир оз оқ ора-лабди. Аммо бу севгига халал бермайди, шоп мўйловли йигитлар ҳам сенинг ўрнингни боса олмайди. Мана мен хузурингдаман. Энди эса очиқ айтиб, ҳақиқатни сўзлашга ижозат бер: қиз бола деб таклифимни рад этсанг, эркин ўзингда. Бироқ мени жирловчи сифатида камситолмайсан, модомики, сен билан мушоирага келиб турибман. Айтишувга таклиф этаман, устозим, энди навбат ўзингга!»

— Ўзинг ким бўласан? Қайдан келдинг?! — дея хитоб қилди Раймали оға ва ўрнидан турди. — Исми шарифинг нима?

— Исми Бегимой.

— Бегимой?.. Шу вақтгача қаерда эдинг? Қайдан келяпсан, Бегимой? — деб юборганини Раймали оғанинг ўзи ҳам сезмай қолдию мунгли бошини куйи эгди.

— Айтдим-ку, Раймали оға, ёш эдим, энди воёга етдим.

— Ҳаммасини тушунаман, — деб жавоб қилди Раймали оға. — Фақат бир нарсага — ўз тақдиримга тушуна олмаяпман! Сочимга кирок кўнган пайтда нега бунчалик сулув бўлиб яралдинг?! Нега? Утган умримдан нолимасдан, кўрадиганларимни кўрдим деб, шу ёшга етганимда сени ато этиб, дийдорингни кўрсатиб, овозингни эшиттириб, азобли роҳатга дучор этган тангрининг қасосими бу?

— Бунчалик қайғуришининг на ҳождати бор, Раймали оға? — деди Бегимой. — Агар ўз тақдирингни менинг сиймомда кўриб турган бўлсанг, унда кўнглинг тўқ бўлсин, Раймали оға. Чексиз меҳр-муҳаббатим, севги-садоқатимю дилрабо қўшиқларим билан сени маҳлиё қилиб хузур бахш эта олсам — бас, дунёда менга бундан ортиқ бахт йўқ. Кўнглинг тўқ бўлсин мендан, Раймали оға, барбир сени беҳад севаман. Ҳар қандай синовларга бардош бериб, сен билан айтишувга киришганимдан беҳад фахрланаман.

— Нималар деяётирсан! Беллашайлик дейсанми, Бегимой! Даҳшатли севги синови олдида мушоира синови нима деган гап?! Йўқ, Бегимой, сен билан майдонга тушишга ҳаддим сиғмайди. Кудан кетганман ёки оташ нафасим сўниб қолган деб айта олмайман. Гап унда эмас. Мен фақат сен билан завқланишим, сенинг кўйингда ҳам чекиб ўтишим ва шу севги бобидагина сен билан синаша олишим мумкин, Бегимой. Шу сўзларни айтгач, Раймали оға дўмбирасини олиб сошлади-да, дафъатан янги бир қўшиқни куйлай бошлади, куйлаганда ҳам одатдагидай гоҳ майин шабададек майсаларни силаб, гоҳ гулдираган момақалдироқ сингари баланд овоз билан куйлай бошлади. Шу-шу, «Бегимой» деб аталмиш бу қўшиқ ер юзида янграйди:

«...Келсанг чанқаб йироқдан, сув ичсам деб булоқдан, сарин эсан ел каби йўлинг тўсиб чиқсам мен ва пойинг узра бажонидил чўксам мен, Бегимой. Тақдиримга ёзилгани — тугаб турган бўлсам ҳам, лекин ҳали ўлимдан йироқман, Бегимой. Айрилганим ўзингдан, айрилганим кўзимдан, шунинг учун Бегимой, асрлар ўтар-кетар аммо сени деб қарилмак бўй бермай, ўлим сари йўл тутмай мангу яшаб қоларман...»

«Бегимой» деган ашулани у шундай куйларди.

Уша кун кишилар хотирасида узоқ сақланиб қолди. Раймали оға билан Бегимой тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Оқ ўтовдан келини куёвниқига узатиш кунни безатилган отлардаги чавандозлар орасида, қаллиқни кузатиб бораётган карвон бошида Раймали оға ва Бегимой виқор билан турфа мақомда ашулалар айтиб, тўй кечасини қизитиб бордилар. Ёнма-ён юришиб, узангилари бир-бирига тегиб, икки оқин борар ўзларин кўз-кўз этишиб, эл кўзини яйратиб, келин-куёвларга бахт тилаб куйлашарди жўр бўлиб, жўра бўлиб. Дўмбирада куйлашарди, най тилида сўйлашарди; гоҳ унис куйларди, гоҳ буниси куйларди, бири кўйиб, бири жирларди...

Сеҳрли кўшиқларни тинглаб улус ҳайратда қолди, ўт-ўланларга жон кирди, гулханлар шуъла сочаверди. Кушлар қувноқ сайрашиб, той минган болакайлар чув-чувлаб тойчоғини гижинглата бошлади.

Кекса оқин Раймали оға ҳаммини сеҳрлаб ҳангу манг қилиб кўйган эди. Одатдагидек овози жарангдор, аввалгидек эпчил ва чечан, ям-яшил ўтлоққа тикилган оқ ўтов ичидаги кўш чироқ сингари кўзлари ёғду сочарди. Ҳатто Сарала оти ҳам бўйинини гажжак этиб, эгаси билан фахрлангандек эди.

Аммо Раймали оғанинг бу ишини ҳамма ҳам маъқул кўрмаётган эди. Кўпчилик ичда гижиниб ўтирарди. Улар оқиннинг қабиладошлари — Барақбой уруғига мансуб кишилар: «Шу ҳам айи бўлди-ю, қариган чоғида Раймали эс-хушини еб кўйибди. Бу қари кўппак бизни бунақа масхара қилиб ўтирганда, сени навбатдаги сайловда бўлисликка қандай кўтара оламиз, шарманда бўлмаймизи?», деб унинг укаси Абдилхоннинг қулғонини қоқиб, жаврашиб ўтиришган эди. Эшитяпсанми, худди ёш айғир кишнаётгандек-а! Жононаси ҳам ўзига монанд экан, берган жавобларини тинглаяпсанми? Бундан ортиқ шармандаю шармисорлик бўладими?! Ҳамманинг кўз ўнгида унинг ақлини шошириб ётибди. Оқибат яхшилик билан тугамайди. Бу бетамиз билан қандай илашиб қолди экан? Бу ҳангома овулма-овул дoston бўлмаслиги учун унинг танобини тортиб кўйиш керак...

Абдилхон йўлдан озган акасининг бундай бемаъни ишларидан кўпдан бери ғазабланиб юрарди. Қариди, ҳориди, энди нуроний чол бўлди деганда, буни қарангки, аксини қилиб, бутун Барақбой уруғига иснод келтиряпти.

Шунда Абдилхон от ўйнатиб акасини қуршаган тўда ичига ёриб кирди ва қамчи ўқталган таҳдид солиб бақирди: «Эсингни йиғ, уйга қайт!» Аммо дилраб кўшиқ оғушига чўмган акаси унинг овозини ҳам эшитмади, ўзини ҳам кўрмади. Оқинларни зич қуршаб олиб, бирон сўзини ҳам оқизмай-томизмай мириқиб тинглаётган ихлосманд чавандозлар шу заҳотиёқ ёпирилиб келиб Абдилхонни четга суриб чиқаришди, ҳатто унинг бўйнига кетма-кет қамчи туширишга ҳам улгурдишди. Кимнинг қамчиси эканини қаёқдан билсин... Абдилхон тўғини шиқиллатиб қолди...

Ҳамон кўшиқ кетидан кўшиқ янграрди. Яна бир янги кўшиқ дунёга келди.

«...Ошиқона оқ марол эрта тонгда хушторини чақирса, қиру сойлар жарангди», деб Раймали оға куйларди.

«...Модасидан айрилган оққуш, эрта туриб қуёшга боқса, қуёш мутлақо доғга ботган кўринар», дея жавоб қиларди унга Бегимой.

Келин-куёвлар шаънига қарата улар шу тарзда куйлашарди; гоҳ унис, гоҳ буниси, гоҳ унис, гоҳ буниси куйларди...

Шу аснода қалби кўшиқ сеҳри билан тўлиб-тошган Раймали оға интиқом ўтида ёнган қариндошларининг, Барақбой уруғи вакилларининг қони қайнаб, қаҳр-ғазабга тўлиб Абдилхон ортидан қувлаб бораётганларини ҳам сезмай қолди. Узини қандай жазаго лойиқ кўришларини ҳам хаёлига келтирмасди...

Ҳамон кўшиқ ортидан кўшиқ тараларди — гоҳ унис, гоҳ буниси, гоҳ унис, гоҳ буниси куйларди...

Қора булут сингари эгарга қайшиб олган Абдилхон елдек учиб борарди. Овул томон, уйи томон! Ҳамюртлари кутурган бўрилар тўдаси каби у билан ёнма-ён кушдай учиб боришаркан:

— Акангни шайтон йўлдан урибди. Ақлдан озибди! Фалокат босди! Дарҳол олдини олмоқ керак! — деб қийқиришарди.

Кўшиқ эса ҳамон чарх урарди; гоҳ унис, гоҳ буниси, гоҳ унис, гоҳ буниси куйларди...

Шу тариқа улар келин-куёвлар тўдасини манзилга қадар тантанавор куй ва кўшиқлар садоси эстида узатишиб, яна бир бор ашула айтишиб, эзгу тилаклар билдиришиб хўшлашдилар. Шунда Раймали оға халққа мурожаат қилиб, шунча ёшга

кирганда тақдир кулиб боқиб айтишувда унга тенг келадиган Бегимойдек ёш оқинни йўлиқтирганидан бахтиёр эканлигини айтиди. Яна шуни айтдики, чақмоқтошга чақмоқтош урилма-гунча ўт чиқмайди. Қўшиқчилик санъатида ҳам худди шунинг сингари оқинлар бир-бирларига эргашиб куч синашмагунларича санъат сири ва сеҳрини очолмайди. Бироқ Раймали оға учун ҳаммадан ҳам азиз ва мўътабар, ҳаммасидан ҳам муқаддас нарса шу эдики, у тобора тўлишиб, каттариб, бор кучи билан борлиққа нур сочиб, ботиб бораётган қуёш сингари умрининг охирида излаганини топганини, ўзи ҳам куч-қувватга тўлганини, тўлганда ҳам умр бўйи ўзи пайқамай юрганини энди англаб етди. Шу алфозда куйлар эди кекса оқин.

— Раймали оға! — дея жавоб қайтарди Бегимой. — Мен ниятимга эришдим. Энди сенинг изингдан қолмайман. Айтган жойингга, айтган вақтингда дарҳол дўмбирам билан етиб борайин, тил тилга, дил дилга қовушсин. Тақдир деганлари шу бўлса, майли, ҳаётимни бағишладим.

Шу тарзда ашула янграрди.

Сўнг улар эндиги учрашувимиз эртанги сарбозорда бўлсин, ҳар тарафдан келган ҳалойиққа айтиб берайлик, деб эл орасида ваъдалашишди.

Шу заҳотиёқ, ҳалойиқ оқинларни кузатар эканлар, сарбозор кунин Раймали оға билан Бегимой ашула айтишаркан деган хабар чор атрофга тарқалди.

— Сарбозорга!

— Отни эгарланг, сарбозорга борамиз!

— Сарбозорда оқинлар ҳам иштирок этишармиш!

Дув-дув гаплар оғиздан-оғизга кўчиб, акс-садодек тарқалди:

— Ҳақиқий байрам энди бўлади!

— Ана томошаю мана томоша!

— Роса томоша!

— Фирт шармандалик!

— Тасқара!

— Беҳаёлик!

Раймали оға билан Бегимой йўл ўртасида хайрлашишди:

— Сарбозорда учрашгунча, дилбандим Бегимой!

— Сарбозорда кўришгунча, Раймали оға!

Узоқлашиб боришаркан узангида тик туришиб яна садо беришарди:

— Сарбозорда учрашгунча-а-а!

— Сарбозорда кўришгунча, Раймали оға-а-а!

Кеч кириб, бепоеб даштлик узра аста-секин оқшом чўка бошлади. Жазирамада пишиб етилган кўкатларнинг димоқни қитиқловчи хушбўй ҳиди таралди. Тоғларга ёмғир ёғиб ўтган. Кун ботиш олдиан ер бағирлаб бамайлихотир учиб бораётган калхатлар кўзга ташланади. Даррандалар осойишта, сўлим кечани шарафлаб мадҳия ўқийётгандай чуғурлашади...

— Сукунат оғушида савлат тўкиб, ястаниб ётган кадрдон далам! — деди Раймали оға беихтиёр отининг ёлини силаб. — Эҳ, Сарала, эҳ қаримсоғим, доврўқдорим, нечун ҳаёт бу қадар лаззатли; сочингга қиров тушганда ҳам шунчалик севиш мумкинми?..

Сарала бўлса гоҳ-гоҳ пишқириганча залворли одимлаб борар, кун бўйи эгарлоғлик юриб толиққанидан ҳордиқ чиқариш, оқар сувдан қониб ичиш ва ойдин кечада ўтлаб юрмоқ учун шошиларди.

Мана, дарёнинг муюлишида овул ҳам кўриниб қолди. Ана ўтовлар, кўкка ўрлаётган тутун аллақандай гаштли туюлади.

Раймали оға шошилаётган эди. Отидан туша солиб, уни қантариб қўйди ва ичкарига кирмасданю чўққ бошида чўққайиб ўтирганича дам олгандай бўлди. Кимдир унинг ёнига келди, қараса, кўшнининг боласи экан.

— Раймали оға, сизни чодирга чақиршияпти.

— Ким улар?

— Узимизнинг одамлар, ҳаммалари Барақбой уруғидан.

Остона ҳатлаб ичкарига кираркан, Раймали оға уйда уруғ оқсоқолларининг ярим доира қуриб ўтиришганини кўрди. Бир оз четроқда эса укаси Абдилхон гўё одамлар нигоҳидан ўзини олиб қочгандай бошини куйи солиб ўтирарди.

— Ассалому алайкум! — деди Раймали оға. — Тинчликми ўзи?

— Сени кутяпмиз, — деди тўрда ўтирган улуғлардан бири.

— Агар мени кутаётган бўлсаларингиз, мана мен келдим, — деди Раймали оға. — Аввал жой топиб ўтириб олай...

— Тўхта! Остонада туратур! Тиз чўк! — деган фармон эшитилди.

— Бу нимаси?.. Утовнинг эгаси менман-кў.

— Йўқ, сен ўтов эгаси эмассан! Эсини еган чол ўтов эгаси бўла оладими!

— Лаббай?

— Гап шундаки, бундан буён ҳеч қачон ҳеч қаерда куйламайман, тўйма-тўй тентираб ҳам юрмайман, сизларни ва ўз обрўйимни унутиб, соқолимнинг оқини эсдан чиқариб, бугунгидек ҳалиги қиз билан ҳаёсизларча куйламайман, иккинчи марта уни кўрсам — кўзим чиксин, деб онт ичасан!

— Бекорга овора бўляписизлар. Эртдан кейин у билан бирга сарбозорда, эл-юрт олдида куйлайман.

Шунда қий-чув, тўполон бошланди:

— У бизни шарманда қилмоқчи!

— Эсинг борида этагини ёп!

— Эсини еб қўйган бу!

— Қани жим бўлинг! Шовқин солманг!— деди катта бий уларни тартибга чақириб. — Демак, шундай қарорга келдингми, Раймали?

— Ҳа, айтар сўзим шу.

— Эшитдиларингми, Барақбой уруғи вакиллари, бу беорнинг нима деганини?

— Эшитдик.

— Ундай бўлса, сўзимни тингланглар: аввало, сенга айтадиганим шу, шўрлик Раймали; бутун умрининг ёлғиз отда юриб, тўй-томашларда ўтказиб, дўмбирангнинг қорнини қашлаб масхарабозлик қилиб келдинг — ҳаётингни бошқаларнинг кўнглини хушлашга сарфладинг. Бебошлигингни шу пайтгача ҳали ёш деб кеचириб келдик. Энди шартинг кетиб, партинг қолди, йўрғалик кетмайди. Сендан ҳазар қиламиз. тақдирга тан бериб, охиратни ҳам ўйлашинг керак. Сен эса бизнинг маслаҳатимизга кирмай, урф-одатимизни оёқ ости қилиб аллақандай қиз билан бегона овулларда кўнгил очиб, ҳаммага майна бўлиб юрибсан. Хўш, нима ҳам дердик, уволчинг ўзингни тутсин. Яна шуни айтмоқчиманки, Абдилхон ўрнингдан тур-чи, қарогим, у билан бир қориндан талашиб тушгансизлар, лекин таянчимиз ҳам, умидимиз ҳам сенсан. Сени бутун Барақбой уруғи номидан бўлисликка кўтарсак деган фикрдамиз. Аммо аканг ақлдан озиб, нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмай турибди. Бу аҳволда у ишимизга зиён келтириши турган гап. Эсини еган ўжар аканг одамлар орасида юзимизни шувит қилмаслиги, ўзгалар бизни масхаралаб кулиб юришмасин учун уни нима қиламан десанг ҳам ҳақинг бор!

— Ҳеч ким менга пайғамбарлик ҳам, қозилик ҳам қила олмайди,— дея тилга кирди Раймали оға пешгирлик қилиб.— Бу кенгашда иштирок этаётган ва ҳозир бўлмаган бошқа хеш-ақраболар ҳам, ҳаммаларинг ҳам бир гўр — гумроҳлардирсиз. Сизларга ачинаман. Сизлар айбдор деб ҳисоблаган кимса устидан халқ олдида эмас, балки ўз билганларингизча ҳукм чиқармоқчи бўласизлар. Бу дунёда ҳақиқат қаердаю бахт қаерда эканини кўрмаётирсизлар. Ахир куй қўйилиб келса, куйламоқнинг нима айби бор? Ҳаёт менга умр шомида севиғи ҳада этган бўлса, севиғининг нима уяти бор? Бу дунёда севишганлар бахтиёрлигидан ҳам ортиқ нарса борми? Модомики, сизлар кечикиб толган севиғим қувончини тап тортмай куйлаганим учунгина мени телбага чиқараётган бўлсаларингиз, унда сизлардан юз ўнгирганим бўлсин! Олам кенг, куним сизларга қолган бўлса, бошим оққан ёққа кетаман. Ҳозироқ Саралага минаман-да, севиғилимга бораман ёки бўлмаса куй-қўшиқларимизу феъл-атворимиз билан сизларни безовта қилмаслик учун у билан бирга бошқа ўлкаларга бош олиб кетамиз.

— Йўқ, кетмайсан!— деди боядан бери сукут сақлаб ўтирган Абдилхон дахшатли хириллаганча.— Ҳеч қаёққа чиқмайсан, ҳеч қандай сарбозорга ҳам йўл йўқ сен учун. Эс-ҳушинг ўзига келгунча биз сени даволатамиз.

Шундай дедию дарҳол акасининг қўлидан дўмбирасини тортди олди.

— Мана сенга!— деб подачига ташланган қутурган буқадай нозик асбобни оёқлари остига олиб синдириб ташлади.— Бундан буён куйлаш нима эканини хаёлингга ҳам келтира кўрма! Ҳой, йигитлар, ана у қирчанги Саралани бу ёққа келтиринглар!— дея ишора қилди у.

Ташқарида бир ишорага маҳтал бўлиб турганлар боғлоқлик турган Саралани етаклаб келишди.

— Эгар-жабдуғини ол! Буёққа ташла!— дея беркитиб қўйилган болтани қулай ушлаб олганча буюриб турди Абдилхон.

— Мана сенга! Бир қадам ҳам жилмайсан! Ҳеч қанақа

сарбозорга ҳам бормайсан!— деб жазавасти тутганча эгар-жабдуқларини парчалаб, узанги қайишларини кесиб ташлади, узангининг бирини у ёққа, бирини бу ёққа — буталар орасига улоқтириб ташлади.

Жонивор Сарала бўлса ўзининг бошига ҳам шундай қисмат тушишини сезгандай сувлиқни чайнаб, хириллаб, юлқина бошлади.

— Бундан чиқдики, ҳали Саралага миниб сарбозорга бормоқчи эканлар-да?... Кўрсатиб қўяман!

Кўзи қонга тўлган йигитлар шу заҳотиёқ Саралани шахд йиқитишди-да, хаш-паш дегунча шўрттала оёгини қил арқон билан чандиб ташлашди. Абдилхон эса темирдек панжаси билан Саралани ғиппа бўғиб, бўғизига пичоқ тиради.

Раймали оға жон-жаҳди билан ушлаб турганлар қўлидан юлқиниб чиқишга интилди.

— Тўхта! Улдирма отни!

Қаёқда дейсиз! Пичоқ тигидан тизиллаб отилиб чиққан иссиқ қон Раймали оғаниннг кунини тунга айлантриб, кўз ўнгини зимистон қилди-қўйди. Уст-боши Сараланиннг буғ кўтарилиб турган қонига беланган Раймали оға гандираклаб, ердан аранг кўтарилди.

— Беҳуда уриянпсан! Ахир, пиёда бораман-ку. Эмаклаб бўлса ҳам бораман!— деди таҳқирланган оқин, чопонининг бари билан юзларини артиб.

— Йўқ, пиёда ҳам бормайсан!— дея тишлари тиржайиб қолган Сараланиннг устига энгашиб турган Абдилхон бошини кескин кўтарди.— Бу ердан энди бир қадам ҳам жилмайсан!— деди босиқ овоз билан ва шу заҳотиёқ яна дағдага қила бошлади:— Ушланглар! Кўряписизларми, у ақлдан озиб қолди! Боғланглар, бўлмаса ўлдиради.

Яна қий-чув, тўс-тўполон бошланди:

— Чилвирни бу ёққа олиб кел!

— Қўлини қайир!

— Қаттиқроқ боғла!

— Эси оғиб қолди! Тавба!

— Кўзларига қара!

— Вой-бўй, ақлдан озиб қолди!

— Қани, бу ёққа тор!

— Қайин томонга судра!

— Тезроқ бўл!

Ой қоқ тепага келган маҳал. Еру кўкда осойишталик. Аллақандай афсунгарлар келиб, гулхан ёқишиб, жазавасти тутгандай гир айланиб, ақли меровланиб қолган улуг оқинга ёпишиб олган жин-ажиналарни ҳайдай бошлашди.

Оқин эса қўли орқасига қайрилиб, қайинга чирмаб боғланган ҳолда турарди...

Сўнг домла келиб, қуръон сураларидан ўқиб, дин номидан панд-насиҳат айтди.

Оқин эса қўли орқасига қайрилган қўйи қайинга танғиб боғланган ҳолда турар эди.

Раймали оға Абдилхон томон юзланиб бирдан куйлаб юборди: «Сўнги зулмат — барин олиб тун кетар, тонг бўзариб яна ёрқин кун келар. Бироқ, менинг ёруғ куним қоронғи. Бадбахт иним, Абдилхон, сен қуёшим ўчирдинг, ёруғ куним тун этдинг. Ешим қайтиб, раббим менга севиғи ато этганда, дилбандимдан жудо этиб, матамсаро гердайдинг, қувончининг боиси ҳам шундадир. Аммо шўрлик иним, Абдилхон, юрагим уришдан тўхтаб, нафасим чиқмай қолгунга қадар қандай севиғи билан банд бўлиб, қандай севиғи билан яшаётганлигимни билганингда эди! Сен мени дарахтга боғлаб ташладинг, бироқ мен бу ерда эмасман, иним Абдилхон. Бу ерда жисимгина банди, холос, жоним-дилим эса сабо каби кенг далани кучиб, ёлғир каби ерга сингиб кетмоқда. Мен ҳар лаҳзада у билан бирга, унинг қони, тандаги жони бўлиб яшайман. Субҳидамда ёввойи кийик каби тоғдан сакраб тушаман ва унинг хиромон қадамлар билан ўтовдан чиқшини кутиб қояда интизор бўлиб тураман. Дилбарим кечувдан ўтмоққа чоғланса, от чоптириб сув кечса, мен унинг ловуллаган юзларини қўлларига туёқ остидан отилиб чиққан кумуш томчилар бўлиб сачрайин. Дилбандим куйлаганда мен унинг дилбар қўшиғи бўлиб янграйман...»

Тонг ели майсаларни секин шитирлатиб, янги кун бошланганидан дарак берарди. Раймали оға жинни бўлиб қолибди, деб теварак-атрофдан келган ҳангоматалаб қўшниллар отларидан тушмай, нарироқда тўпланиб туришарди.

Оқин эса қўллари орқасига қайрилган ҳолда энгил-боши

тилка-пора бўлиб, қайинга боғланган. У қўшиқ айта бошлади. Бу қўшиқ кейинчалик халқ орасида ёйилиб кетди:

Қоратовдан кўч келар, кўч келганда  
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.  
Олатовдан кўч келар, кўч келганда  
Қўлимни ечиб юбор, қайин жоним Абдилхон.  
Саралани жойладинг, қўл-оёғим бойладинг,  
Сендан хўрлик кўришни ўйламабман, адо жон.  
Қоратовдан кўч келар, кўч келганда,  
Олатовдан кўч келар, кўч келганда  
Қўлимни ечиб юбор инижоним Абдилхон.  
Эрки-ла учиб кетсин танамдаги тирик жон...

Қоратовдан кўч келар, кўч келганда  
Сарбозорга етмасман, Бегимой.  
Олатовдан кўч келар, кўч келганда  
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.  
Сарбозорда сен билан мен сирлашолмам яйрашиб,  
Саралам ҳам жойланди, қўл-оёғим бойланди.  
Қоратовдан кўч келар, кўч келганда,  
Олатовдан кўч келар, кўч келганда  
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.  
Рухдай енгил фалакка учиб кетгум,  
Сени сўйиб васлингга қачон етгум...

Бу кечмишнинг ҳангомаси ана шундай... Эдигей Казангапни сўнгги манзилга — Она Байит қабристонига узатиб бораркан, йўл-йўлакай ана шу воқеалар унинг хаёлидан нари кетмасди.

## XI

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкаларда темир изларнинг икки тарафида пой-поёнсиз улкан Сариўзак даштлари — қовжирок саҳронинг ўзак ерлари ястанган...

Бу ўлкаларда ҳар қандай масофа темирйўлдан бошланади. Зеро, бу темирйўллар бу ўлкаларнинг ўзига хос Гринвич меридианидир...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Улар бир замонлар Найман она манкурт ўғлини излаб гир айлланиб юрган Маллақумдичой жарлиги бўйлаб ўтишгач, Она Байит қабристони яқинига келиб қолишгандай бўлишди. Эдигей Бўрон гоҳ соатига, гоҳ Сариўзак тепасидаги қуёшга мунтазам равишда қараб борар экан, ҳаммаси кўнгилдагидай бораётганига ишонч ҳосил қилди. Марҳумни дафн этганларидан сўнг улар вақтида разъездга қайтиб келиб маърақа ўтказишга ҳам улгуришади. Тўғри, кун охирлаб қолади. Ҳар бир ишнинг ўз вақтида бўлганига нима етсин. Эҳ, ҳаёт шунақа экан-да! Казангап Она Байитда тинчини топади, булар эса уйга қайтиб боришгач, марҳумни яхши сўзлар билан яна бир бор ёд этишади...

Ҳамон аввалги тартибда: олдинда попукли гилам тўшаб безатилган Қоранор устида Эдигей, унинг кетидан трактор прицепа билан, прицеп ортидан эса «Белорусь» экскаватори борарди. Улар тилини осилтирганча бамайлихотир йўртиб бораётган малла ит Йўлбарснинг кузатувида Маллақумдичопдан ўтиб Она Байит текислигига чиқиб олишган эди. Худди мана шу ерга келишганларида дастлабки ишқал ҳодиса юз берди. Кутилмаганда тиканли сим ўралган тўсиққа дуч келиб қолишди.

Биринчи бўлиб Эдигей тўхтаб қолди; ана холос! У ҳатто узангиде тик туриб ўнган, сўлга қаради — ҳар беш метрга ўрнатилган тўртбурчак темир-бетон устунларга бир неча қатор қилиб тортилган, ўтиб бўлмас тиканли сим чўл бағрида кўз етган жойгача илондек чўзилиб кетган эди. Бу тўсиқ шунчаки бўлмай, ҳамшиаликка ўрнатилган эди. Унинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини билиб бўлмасди. Балки унинг поёни йўқдир. Утиб кетадиган бирон йўл ҳам кўринмайди. Энди нима қилишади? У ёғига қандай қилиб ўтиб олишади?

Бу орада орқадаги тракторлар ҳам тўхтади. Кабинадан

биринчи бўлиб Собитжон, унинг ортидан эса Эдилбой дароз сакраб тушишди.

— Нима гап?— деди Собитжон тўсиқ томонга ишора қилиб.— Бошқа ёқдан чиқиб қолдикми?— деб сўради у Эдигейдан.

— Нега бошқа жой бўларкан? Айни ўзига келдик, фақат манави симтўсиқ қаёқдандир пайдо бўлиб қолибди. Жин урсин!

— Нима, олдин тўсиқ йўқмиди?

— Йўқ эди.

— Энди нима қилдик? Қандай қилиб ўтамиз?

Эдигей индамади. Нима қилишни унинг ўзи ҳам билмасди.

— Эй, тракторингни ўчирсанг-чи! Етар ақиллагани!— деди Собитжон жаҳл билан кабинадан бошини чиқариб турган Қалибекка.

У моторни ўчирди. Унинг ортидан экскаваторнинг ҳам товуши тинди. Атроф жимиб қолди. Сукунат. Эдигей туясида қовоғи солинганча ўтирарди, ёнида Собитжон билан Эдилбой дароз Қалибек билан Жумағали тракторлари кабинасида қолишди. Оқ наमतга ўралган Казангапнинг жасади прицепда, унинг ёнида ароқхўр кўёви, Ойзоданинг эри. Малла ит Йўлбарс эса пайтдан фойдаланиб, трактор филдираги кўланкасига бориб, тушугини юқорига кўтарганча чўнқайиб ўтириб олди.

Бепоён Сариўзак чўли осмон остида оламнинг у чеккасидан бу чеккасигача ястаниб ётар, аммо Она Байит мозори сари йўл йўқ эди. Ҳаммалари ҳайрон бўлишиб, симтўсиқлар қаршисида туриб қолишди.

Жимликни биринчи бўлиб Эдилбой дароз бузди:

— Эдике, бу ерда илгари тўсиқ бўлмаганмиди, а?

— Ҳеч бало йўқ эди! Биринчи марта кўриб туришим.

— Бундан чиқди, майдон атайлаб ўралган. Эҳтимол, космодром учун мўлжаллашгандир?— дея тахмин қилди Эдилбой дароз.

— Шунга ўхшайди. Бўлмаса, яп-яйдоқ далага бунчалик меҳнат сарфлашга на ҳожат бор. Кимнингдир ақлига шу ўй келиб қолган-да. Нимани ўйлашса, шуни қилишаверади, жин ургурлар!— дея сўкина бошлади Эдигей.

— Жин-пин деб сўкинишдан не фойда! Шундай олис йўлга отланишдан илгари ҳаммасини суриштириб билиш керак эди-да,— дея тўнғиллади Собитжон.

Орага оғир жимлик чўкди. Эдигей тепадан Қоранор ёнида турган Собитжонга ёвқараш қилди.

— Сен, қароғим бир оз сабр қил, кўпам безовталанаверма,— деди у иложи борича ўзини босиб.— Бу ерда илгари ҳеч қандай симтўсиқ йўқ эди, бундай бўлишини ким билибди дейсан?

— Мен ҳам шуни айтяпман-да,— деб минғирлади Собитжон тескари ўгирилганча.

Яна жим қолишди. Эдилбой дароз ақл бермоқчи бўлгандай ниманидир мулоҳаза қилди.

— Энди бу ёғи нима бўлади, Эдике? Нима қилиш керак? Мозорга бундан бошқа биронта йўл бормикан?

— Ҳа, бўлиши керак. Нега бўлмасин? Бундан беш чақиримча нарида, ўнг томонда йўл бўлар эди,— деб жавоб берди Эдигей атрофга аланглаб қарар экан.— Қани ўша томонга қараб юрайлик-чи. Наҳотки, у ёқ, бу ёққа ўтадиган биронта йўл бўлмаса?

— Бу — аниқми, у ерда йўл борлиги аниқми ўзи? — дея яна меъдага тега бошлади Собитжон.— Йўқса на у ёққа, на бу ёққа ўта олмай, мушкул аҳволга тушиб қолмайлик!

— Бор дедим-ку, бор! — деб ишонтирди Эдигей.— Жой-жойларингизга ўтиринглар. Жўнадик. Вақтни зое ўтказмайлик. Улар яна йўлга тушишди. Тракторлар яна тариллаш бошлади. Тиканли сим ёқалаб илгарилашди.

Эдигей жуда қийналди. Кўнгилсиз воқеа уни эсанкиратиб қўйган эди. Буниси қанақа бўлди деб ичиде ғижиниб борарди, ҳамма ёқни ўраб-тўсиб ташлашибдию мозорга бориш йўлини кўрсатиб ҳам қўйишмабди. Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю! Шундай бўлса-да, бу тарафдан, жануб томондан ҳам қандайдир йўл бўлиши керак деган умид бор эди унда. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Тўппа-тўғри шлагбаумнинг устидан чиқиб қолишди.

Шлагбаумга яқинлашар эканлар, ўтказиш пунктнинг астойдил, дид бидм мустаҳкам ишланганига эътибор қилишди: кираверишдаги икки қанот қаттиқ бетон билан яхлит тошдан ишланган; бир оз юриб борилгач, йўлнинг чеккасида чор-атрофни кузатиб туриш учун гишдан қурилган ойнаванд

уйча; кечаси йўлни ёритиб туриш учун бўлса керак, текис том устига иккита прожектор фонари ўрнатилган. Шлагбаумдан ичкарига қараб асфальт йўл кириб кетади. Эдигей бундай мустақамликни кўриб ташвишлана бошлади.

Улар пайдо бўлиши билан қоровулхонадан автоматнинг стволини ерга қаратиб елкасига осиб олган ёшгина, ҳали жуда ёш, малларанг солдат чиқиб келди. У йўл-йўлакай виқор билан гимнастёркасининг этагини тўғрилаб, бошидаги фуражкасини ҳам яхшилаб қўндириб олиб, ола-була шлагбаумнинг ўртасига келганда қотиб туриб қолди. Бироқ, Эдигей йўлни тўсиб турган яккачўпга яқинлаб келаверган, ҳарҳолда, у биринчи бўлиб салом бе! и.

— Салом,— дея чаккасига қўлини қўйди соқчи, болаларниқидек беғубор кўзларини Эдигейга тикиб.— Ким бўласизлар? Қаёққа кетяпсизлар?

— Биз шу ерлик бўламиз, солдат. Оқсоқолимиз қазо қилди, уни мозорга қўйгани олиб келяпмиз.

— Пропускасиз рухсат йўқ,— дея солдат бошини чайқадида, Қоранорнинг кавш қайтараётган тумшугидан сесканиб кетгандай ўзини нари олди.— Бу ер қўриқланадиган зона,— деб тушунтирди у.

— Тушунаман, аммо биз қабристонга бораётган кишилармиз. У мана шу ерда, узоқ эмас. Нима бўпти борсак? Дафн этамизу орқамизга қайтамыз. Бошқа ишимиз йўқ.

— Утказа олмайман, ҳаққим йўқ,— деди соқчи.

— Менга қара, қароғим,— дея Эдигей кўксигади жанговар орден ва медаллари яхшироқ кўринсин учун эгардан энгашиди,— бегона одамлар эмасми. Бўронли разъездиданмиз. Эшитган бўлсанг керак. Марҳумни кўмиш керак-ку, ахир! Қабристонга кирамизу изимизга қайтамыз.

— Тушунаман, ахир,— дея соқчи соддалик билан елка қисиб энди гап бошлаган эди, шу пайт Собитжон шошиб турган мартабали кишидек бемаврид сохта юриш қилиб келиб қолди.

— Нима гап ўзи? Мен облпрофсоветданман,— деди у хирллаб.— Нега тўхтаб қолдинг?

— Кириш ман этилган.

— Ахир, ўртоқ соқчи, мен облпрофсоветданман деб айтдим-ку!

— Қаердан эканингизнинг менга аҳамияти йўқ.

— Буниси қанақа бўлди? — деди Собитжон тайсаллаб.

— Шунақа. Қўриқланадиган зона.

— Унда гапни чўзиб ўтиришга на ҳожат бор? — деди Собитжон изза тортиб.

— Ким чўзаяпти? Мен манави туя минган чолни ҳурмат қилганимдан тушунтиряпман. Тушуниб олсин учун. Аслини айтганда, бегона одамлар билан гаплашишга менинг ҳаққим йўқ. Постда турибман.

— Демак, мозорга йўл йўқ?

— Шундай. Қабристонга ўтиш у ёқда турсин, умуман бу ердан ўтиш ман этилган.

— Начора, ўйлаганимдай бўлиб чиқди! — дея зарда қилди Собитжон.— Шундай бўларини билиб, қўйинглар бу ишни деса, кўнмадиларинг! «Она Байит! Она Байит!» деб қулоқмияни ейишди. Мана энди сенга Она Байит! — Шу сўзларни айтиб, ғазаб билан ерга туфурганча нари кетди.

Соқчи олдида Эдигей ўзини ноқулай сезди.

— Кечир, ўғлим,— деди у оталарча меҳрибонлик билан.— Ҳаммаси равшан, сен хизмат бурчингни ўтаяпсан. Бироқ марҳумни нима қиламиз энди? Бу ахир ғўла эмас-ку, ағдарсанг-да кетаверсанг.

— Мен бунга тушуниб турибман. Бироқ иложим қанча? Менга нима дейишса шуни бажаришим керак. Мен бу ерда бошлиқ эмасман-ку, ахир.

— Ҳа-а, шунақа-а...— Эдигейнинг ҳафсаласи пир бўлди.— Узинг асли қаерлик бўласан?

— Вологдадан бўламан, отахон,— деди соқчи уялиб; у «о» га урғу бериб гапирарди. Бундай саволга жавоб бериш маорқли эканини яширмай у илжайди.

— Нима, у ёқда — сизларнинг Вологдангизда ҳам шундайми — мозорда соқчилар туришадими?

— Бу — нима деганингиз, отахон, нега энди! Бизда қабристонга қачон хоҳласанг ва қанча хоҳласанг бораверсанг. Гап унда эмас-ку, бу ер — ёпиқ зона. Ахир сизнинг ўзингиз ҳам, отахон, ҳарбий хизматда бўлган экансиз, қўриб турибман, хизмат хизматлигича қолади, истайсизми, йўқми, бу — бурч, ундан ҳеч қаёққа кета олмайсан.

— Шундайликка шундай-ку,— дея маъқуллади Эдигей,— бироқ, марҳумни нима қиламиз?

Улар жим қолишди. Мовий кўзли солдат ўйланиб туриб, афсусланганча бош чайқади:

— Йўқ, отахон, бўлмайди! Ҳаққим йўқ бунга!

— Нима ҳам қилардик,— деди Эдигей мушкул аҳволда қолиб.

Ҳамроҳлари томон қарашга унинг юзи чидамади. Чунки Собитжон борган сари тутақиб, Эдилбой дарозга нималарнидир гапирётган эди. Унинг ачиқ-санчиқ сўзлари экскаваторнинг ёнида турганларга ҳам эшитилаётган эди:

— Айтмадимми, шунчалик олис жойга бориб юришнинг ҳожати йўқ деб! Бу — эскилик қолдиги, хурофотнинг касофати! Ҳам ўзларингизни, ҳам бошқаларни миясини ачитасизлар! Улиқни қаерга кўмишининг нима фарқи бор! Йўқ, ўламан саттор, нима бўлса ҳам Она Байитга элтиб кўмамиз, кетавер, сенсиз ҳам кўмиб келамиз, дейсан! Мана, кўмавер энди!

Эдилбой дароз индамай ундан узоқлашди.

— Менга қара, оғайни,— деди у шлагбаумнинг олдида келиб соқчига.— Мен ҳам хизмат қилганман, биламан баъзи тартиб-қоидаларни. Телефоннинг борми?

— Бор, албатта.

— Ундай бўлса, қоровул бошлиғига қўнғироқ қил. Шу ерлик кишилар келиб, Она Байитга ўтишга рухсат сўрашяпти, деб айтгин.

— Нима, нима? Она Байит? — деб қайта сўради соқчи.

— Ҳа, Она Байит. Ота-бобомиз ётган қабристон шундай деб аталади. Телефон қил, оғайни, бошқа иложимиз йўқ. Узи бизга рухсат олиб берсин. Биз дарҳол қайтамыз, мозордан бошқа бирон нарса бизни қизиқтирмайди.

Соқчи оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб турар экан, қовоғи солинганча ўйланиб қолди.

— Сен шубҳа қилма,— деди Эдилбой дароз,— ҳаммаси устав бўйича. Постга бегона одамлар келишди. Сен қоровул бошлиғига ахборот беряпсан. Бўлгани — шу. Қизиқ экансан! Айтиб қўйиш сенинг вазифанг-ку, ахир.

— Хўп, майли,— дея бўш ирғади соқчи.— Ҳозир қўнғироқ қиламан. Бироқ қоровул бошлиғи кўпинча постларни кузатиб, айлланиб юради — ўрнида бўлмаслиги ҳам мумкин. Территорияни эса, ўзларинг кўриб турибсизлар, қанчалик катта эканини!

— Балки менга ҳам рухсат берарсан, ёнингда бўлсам? — деб сўради Эдилбой дароз илтимос қилиб.— Керакли гапларни айтиб турарман.

— Бўпти, юринг,— деб рози бўлди соқчи.

Улар қоровулхонага кириб кетишди. Эшик очиқ эди, Эдигей ҳамма гапларни эшитиб турарди. Соқчи қаёққадир қўнғироқ қилиб қоровул бошлиғини сўради. Уни эса топмади.

— Йўқ, менга қоровул бошлиғи керак! — дея тушунтирарди у.— Шахсан ўзи... Йўғ-э, муҳим иш бор.

Эдигей асабийлашди. Қоровул бошлиғи қаёққа кетди экан? Иш бир ўнгидан келмадимми, бўлди!

Ниҳоят, у топилди.

— Уртоқ лейтенант! Уртоқ лейтенант! — Соқчи жарангдор овоз билан ҳаяжонланиб гапирарди. У, шу ерлик кишилар эски қабристонга бир кимсани кўмишга келишибди, деб ахборот берди. Нима қилайин?... Эдигей хушёр торди: лейтенант бир оғиз ўтказиб юбор деса бўлди! Баракалло, Эдилбой дароз! Нима қилса ҳам фаҳм-фаросатли йигит. Бироқ соқчининг гапи ҳамон тугамаётган эди. Энди у ҳадеб саволларга жавоб бераётган эди:

— Қанча дейсизми?... Олтита. Марҳум билан етти киши. Қандайдир чол ўлибди. Уларнинг бошлиғи туя миниб олган. Яна прицепли тракторлари ҳам бор. Трактор ортида эса экскаватор... Қандай? Мен нима дейин? Демак, мумкин эмас? Рухсат йўқ дейин? Хўп, айтаман!

Шу чоқ Эдилбой дарознинг овози янгради. У трубкани тортиб олди афтидан.

— Уртоқ лейтенант! Бизнинг аҳволимизни тушунинг. Уртоқ лейтенант, Бўронли разъездидан келдик бу ерга. Энди қаерга борамиз? Бизнинг аҳволимизни тушунинг, ўртоқ лейтенант! Биз шу ерлик одамлармиз. Ҳеч қандай ёмон фикримиз йўқ. Биз фақат ўлиқни кўмамизу изимизга қайтамыз... А? Нима? Бу қанақаси бўлди! Келинг, келиб ўз кўзингиз билан кўрсангиз ишонч ҳосил қиласиз! Бу ерда бизни бошлаб келган оқсоқолимиз бор. Уруш қатнашчиси. Унга ўзингиз тушунтиринг.

Эдилбой дароз қоровулхонадан асабийлашиб чиқди; лейтенант ҳозир ўзи келиб масалани шу ерда ҳал қилишини айтиди. Унинг ортидан келган соқчи ҳам шу гапни айтиб, бир оз енгил тортгандай бўлди, чунки бу ёғини қоровул бошлиғининг ўзи ҳал этиши керак эди. У энди ола-була кўтарма ғовнинг олдида у ёқдан бу ёққа юриб турарди.

Эдигей Бўрон ўйга толди. Бундай бўлиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Лейтенантнинг келишини куттидан бошқа иложи йўқ энди. Эдигей шу маҳал туясидан ирғиб тушиб-да, уни етаклаб бориб экскаваторнинг чўмичига боғлаб қўйди. Сўнг яна кўтарма ғов томон қайтди. Тракторчи Қалибек билан Жумағалилар ўзаро гангир-гунгур суҳбатлашиб ўтиришарди. Собитжон бўлса одамлардан четда бўзчининг моқисидай у ёқдан бу ёққа ўзича ёғиниб юриб турарди. Казангапнинг кувёви, Ойзоданинг эри эса ҳамон аввалгидай марҳумнинг ёнида ўтирарди.

— Эдики, у ёқда нима гап, бизни ўтказиб юбормоқчи бўлишдими? — деб сўради у Эдигейдан.

— Ўтказиб юборишар. Ҳозир бошлиқнинг ўзи келади... Нега қўйишмас экан? Нима, биз жосусмидик! Прицепдан тушиб, бир оз оёқларининг чигилини ёзсанг бўлармиди.

Соат уч бўлиб қолган эди. Улар эса, ҳали ҳам Она Байитга етиб боришмаганди.

Эдигей соқчининг ёнига қайтиб келди.

— Уғлим, бошлиқнинг ҳали анча кутамизми? — деб сўради у.

— Йўғ-э. Ҳозир келиб қолади. Остида машинаси бор. Ун-ўн беш минутлик йўл.

— Ҳа, майли, унда кутамиз. Бу тиканли симларни тортилганига кўп бўлдими?

— Ҳа, анча бўлди. Уни биз тортганмиз. Бу ерда хизмат қилаётганимга бир йил тўлди. Демак, теваракни ўраб қўйганимизга ярим йилча бўлай деб қолибди.

— Шунга айтипман-да. Бунақа тўсиқ борлигини мен ҳам билмасдим. Марҳумни бу ёққа дафн этиш учун мен бошлаб келган эдим, энди эса гуноҳкордай бўлиб турибман. Бу ерда бизнинг қадимий мазоримиз — Она Байит жойлашган. Марҳум Казангап эса жуда яхши одам эди. У билан разведда ўттиз йил бирга ишладик. Ҳаммаса кўнглидагидек бўлсан деган эдим.

Солдат, афтидан, Эдигей Бўронга ҳамдардик билдираётгандай эди.

— Менга қаранг, отахон! — деди у уддабуронлик билан. — Ҳозир қоровул бошлиғи Тансиқбоев келиши билан унга яхшилаб тушунтиринглар. У ҳам одам-ку, ахир. Юқоридагиларга хабар қилсин. Эҳтимол улар рухсат бериб қолишар.

— Яхши, маслаҳатинг учун раҳмат. Бўлмаса, биз нима қиламиз? Нима дединг, Тансиқбоев дедингми? Лейтенантнинг фамилияси Тансиқбоевми?

— Ҳа, Тансиқбоев. Бу ерда келганига кўп бўлгани йўқ. Нега сўраясиз, танишми? У сизларнинг миллатингиздан. Балки бирон яқин кишиларингиз бўлиб чиқар?

— Э, йўқ, — деб кулимсиради Эдигей. — Сизларда Ивановлар кўп бўлганидек бизларда ҳам ким кўп — Тансиқбоев кўп. Шунчаки, шунақа фамилиядаги бир киши эсимга тушиб қолди.

Шу пайт постдаги телефон жириглаб соқчи ўша томон югуриб кетди. Эдигей ёлғиз қолди: қошлари ҳурпайиб, машина кўринмаяптими дегандай шлагбаумнинг нариги томонидаги йўлга маъносиз қараб, бошини чайқаб қўйди. «Бу — ўша чағиркўзнинг ўғли бўлиб чиқса-я? — деб ўйлади у ва ўзини-ўзи қийин кетди ичида. — Яна қайси балони ўйлаб топдинг? Мияга келган нарсани қара-я! Бунақа фамилиядагилар озмунчами?! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас». У Тансиқбоевлар билан кейинчалик орани очик қилиб олган бутунлай... Ҳарнечук ер юзиде ҳақиқат бор! Бор! Қандай бўлмасин ҳақиқат ҳар доим бўлади...

У бир четга чиқди-да, лейтенант Тансиқбоевнинг кўзига дарҳол кўринсин учун дастурмолчасини олиб кўксидеги орден ва медалларини, зарбдор меҳнати учун олган значокларини эринмасдан ялтиратиб артди.

## XII

Ҳалиги чағиркўз Тансиқбоевнинг аввалги ҳаёти бундай бўлган эди.

1956 йил баҳорининг охирида Қумбел депосида катта

митинг бўлиб, унга ҳамма станция ва разведлардан темир-йўлчилар тўпланишган эди. Уша кунга фақат йўлда навбатчиликда турганларгина ўз постларида қолишди. Эдигей Бўрон ўз умрида не-не йиғилишларни кўрган бўлса ҳам, бу митинг унинг учун нуқтилас бўлди.

Улар паровоз ремонти цехига йиғилишди. Ҳамма ёқда тумонат одам. Айримлар жой бўлмаганидан нақд шифтнинг тағигача чиқиб олишган, тўсинларнинг девордан чиқиб турган жойларигага ўтириб олишган эдилар. Бироқ, энг муҳими — қандай зўр нуқтар сўзланмади! Бериянинг бутун қилмишлари бошдан-охиргача очиб ташланди. Ярамас жаллоднинг шармандасини чиқаришди! То кечгача сўзга чиқишлар давом этди, депо ишчиларининг ўзлари бирма-бир минбарга кўтарилаверишди, бирор одам кетмади, гўё ҳамма ўз ўрнида михланиб қолгандай эди. Фақат овозлар тўлқини худди ўрмоннинг шовуллашидек гувиллаб турарди. Кимнингдир оломон қаторидан тоза русча талаффузда: «Худди бўрон олдидаги денгизга ўхшайди-я», дегани ҳам хотирада қолди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Унинг юраги дук-дук ўрарди, фронтда ҳужум олдидан шундай бўларди, у жуда чанқаган эди. Томоғи қуриб борарди. Аммо оломон ичиде қаердан сув топиб бўларди? Сув қидиришга вақт ҳам йўқ эди, чидашга тўғри келди. Танаффусда Эдигей одамлар орасиде туртиниб, зўрага депо парторги, собиқ станция бошлиғи Чернов ёнига ўтиб олди. У президиумда эди.

— Менга қара, Андрей Петрович, мен ҳам сўзга чиқсаммикин-а?

— Майли, агар зарурат бўлса. Агар сўзга чиқишни хоҳласанг, майли.

— Хоҳишим бор, ҳатто жуда ҳам хоҳлайман. Лекин олдин сен билан маслаҳатлашиб олишимиз лозим. Эсингдами, разведбизмизда Қуттибоев деган киши бўларди. Абутолиб Қуттибоев. Ревизор унга Югославия ҳақида хотиралар ёзипти, деб айб тақаган эди. Абутолиб у ёқда — партизанлар сафида жанг қилган. Яна ҳар хил бўлмағур айбларни қўшиб ёзган ўша реванг. Кейин бериячилар келиб бечорани банди қилиб кетишди. У ўша бўйи ўлиб кетди, бекордан-бекорга йўқ бўлиб кетди шўрлик! Эсингга тушдими?

— Ҳа, эслайма, хотини справкага келган эди.

— Ана ўша! Кейин оиласи ҳам кўчиб кетди-ку. Бугунги гапларни эшитиб ўтириб, ўйланиб қолдим. Югославия билан дўст бўлсак, ҳеч қандай ихтилофимиз бўлмаса, нега бегуноҳ одамлар жабр қўриб кетаверар экан? Абутолибнинг болалари ҳам катта бўлиб қолишди, мактабга қатнашяпти. Шундай бўлгач, масалани ойдинлаштириб олиш керак. Акс ҳолда, ҳамма уларга таъна тошини отаверади. Болалар кўп жабр қўришди — отасиз қолишди, ахир.

— Сабр қил, Эдигей. Демак, сен шу ҳақда гапирмоқчисан, шундайми?

— Шундай.

— Ҳалиги ревизорнинг фамилиясини биласанми?

— Билиб олиш қийин эмас. Мен уни кейин ҳеч учратмадим.

— Шу тобда кимдан биласан? Ундан кейин, у айнан нима ёзганлиги ҳақида қўлингиде бирор ҳужжатинг, далил-исботинг борми?

— Ушандан бошқа ким ҳам ёзарди?

— Бу ўринда фактик далиллар керак бўлади, оғайни Бўрон. Мабодо, сен ўйлагандай бўлиб чиқмаса-чи? Бу — ҳазилакам гап эмас. Менга қара, Эдигей, маслаҳатга қулоқ сол. Шуларнинг ҳаммаси ҳақида Олмаотага хат ёз. Бу воқеа қандай бўлганини бутун тафсилоти билан айнан ёзиб, республика партия Марказий Комитетига жўнат. У ерда ўзлари аниқлаб олишади. Пайсалга солиб ўтиришмайди. Партия бу ишга қаттиқ киришди. Узинг кўриб турибсан-ку.

Бошқаларга қўшилиб ўша митингиде Бўронли Эдигей ҳам: «Партияга шон-шарафлар бўлсин! Партиямиз йўлини қўллаб-қувватлаймиз!», дея банд овоз билан ҳайқирди. Кейин, митинг охирида, орқароқда кимдир «Интернационални бошлаб юборди. Унга бир неча овоз қўшилди, бирор дақиқадан кейин бутун оломон депони тўлдириб барча замонларнинг буюк гимнини — барча мазлумлар гимнини бир одамдек қуйлай бошлашди. Эдигей ҳеч қачон бунчалик кўп одамлар орасиде қуйламаган эди. Тантанавор, мағрур, айни пайтда ачиқ алам ифодаланаётган куй сандоси худди тўлқиндек кўтарилиб, узоқ-узоқларга кетаётгандек туюларди. Коммунистлар гимни қалбларда жасорат туйғуларини тошириб, бахтли келажак учун курашга чорларди.

Эдигей кўпинча қаттиқ ҳаяжонланган пайтларида бўлгани

каби, хозир ҳам ўзини гўё Орол денгизда юргандек ҳис этди. Унинг хаёллари тўлқинлар устида учиб юрган эркин чайкалар сингари бепоён осмон бўйлаб парвоз қиларди.

Ана шундай қувончли туйғулар билан у уйига қайтди. Чой устида Уккуболага митингга бўлган гапларни бутун тафсилоти билан ҳаяжонланиб ҳикоя қилиб берди. Узининг ҳам сўзга чиқмоқчи бўлгани — ҳозирча парторг Чернов унга бошқа маслаҳат берганини ҳам айтиб ўтди. Уккубола эрининг сўзларини зўр диққат билан тинглар, унга дам-бадам самовардан иссиқ чой қуйиб узатарди.

— Сенга нима бўлди, бир самовар чойни ичиб қўйдинг-ку! — дея ҳайрон бўлди хотини жилмайиб.

— Биласанми, митингга нима сабабдандир шунчалар чанқадимки, асти қўверсан! Ниҳоятда ҳаяжонландим. Одам кўп эди, қимирлаб бўлмайди. Митинг тугагандан кейин отилиб чиқиб, сувга чопдим. Қарасам, бир состав биз томонга жўнамоқчи. Югуриб бориб машинистнинг ёнига чиқиб олдим. Узимизнинг йигит бўлиб чиқди: тўроқтомлик Жондўст экан. Йўлда унинг сувидан ичдим, албатта. Лекин чанқоқни қондириб бўлармиди!

— Шунинг учун экан-да, кўриб турибман, — деб сўз қотди Уккубола. — Яна қайтадан чой қуяркан, сўнг деди: — Гап бундай, Эдигей, сен Абутолибнинг болаларини эслаб яхши қилибсан. Шундай экан, етимлар елкасини қисиб юрмасин десанг, журналроқ бўл. Хат яхши, аммо у то ёзилиб, етиб боргунча, ўқилиб, тегишли одамлар ўйлаб кўргунча вақт ўтади. Яхшиси ўзинг Олмаотага борақол. Бўлган воқеани ўша ернинг ўзида айтасан-қўясан.

— Сенингча, Олмаотага ўзим боришим керакми? Тўппа-тўғри энг катта бошлиққа учрашайми?

— Ҳа, нима бўпти? Иш юзасидан борасан-ку. Дўстинг Елизаров қанчадан бери чақиргани-чақирган. Ҳар сафар адресини қолдириб кетади. Мен бормаганимдан кейин, сен бор. Мен уйни ташлаб чиқолмасам, болаларни кимга қолдирамиз? Сен бу ишни пайсалга солма. Отпускангни ол. Шунча йил ичида қанча отпуска олишинг мумкин эди — юз йиллик. Бирор марта ол, бориб ўша ернинг ўзида катта одамларга айт.

Эдигей хотинининг ақлига қойил қолди.

— Рост, хотин, гапнинг пўсткаласини айтяпсан. Ўйлаб кўриш керак.

— Кўп ўйлайверма. Мулоҳаза қилиб ўтирадиган вақт эмас ҳозир. Қанча эртароқ ҳаракат қилсанг, шунча яхши. Афанасий Иванович сенга албатта ёрдам беради. Қаерга бориш, кимга учрашиш кераклигини у яхши билади.

— Тўппа-тўғри.

— Шунинг учун айтяпман-да. Кечиктиришнинг ҳожати йўқ. Бирйўла уйга керакли нарсалар ҳам ола келасан. Қизларимиз ҳам катта бўлиб қолишди. Саула кузда мактабга боради. Интернатга жойлаштирамизми ё нима қиламиз? Бу ҳақда ўйлаб кўрдимми?

— Ўйлаб кўрганман, ўйламай бўлармиди! — Қизларининг тез ўсганидан, яқинда мактабга бориши мумкинлигидан ҳайрон қолганлигини яширишга уринди.

— Агар ўйлаган бўлсанг, — дея давом этди Уккубола, — бор, биз ўша йиллари не кунларни бошдан кечирганларимизни одамларга етказ. Улар етимларга оталарининг таъна-малома-тидан қутулишлари учун ёрдам беришсин. Кейин вақтинг бўлса, қизларингга, менга у-бу нарса қарасанг ёмон бўлмасди. Мен ҳам ахир энди ёш эмасман, — деди у оғир хўрсиниб.

Эдигей хотинига қаради. Қизиқ, ҳамisha кўриб юриб пайқамаган нарсангни бир қарашда англаб қоласан экан. Албатта, энди у ёш эмас, аммо кексаликка ҳам ҳали анча узоқ эди. Лекин у хотинининг қарашларида оқилалик пайдо бўлганлигини тушунди. Сочига оқ оралаганини ҳам пайқади. Унинг чаккаларидаги оқ сочлари уч-тўрттадан кўп эмасди, аммо шунинг ўзиёқ бошидан кечирганлари тўғрисида гувоҳлик бериб турарди...

Орадан бир кун ўтгач, Эдигей Қумбел станциясида йўловчи сифатида турарди. Дарвоқе, Олмаота поездига чиқиш учун Бўронлидан бир қадам орқага юришга тўғри келди. Эдигей бунга афсусланмади. Чунки аввало бораётгани ҳақида Елизаровга телеграмма жўнатиши керак эди. Бунинг учун станцияга бориш зарур эди.

Кейин Москва — Олмаота поезда етиб келди. Эдигей шу поездда ўзининг Бўронли разъезди орқали Олмаотага жўнаб кетди. Унинг жойи купели вагонда, юқори полкада эди. Эдигей

нарсаларини жойлаштириб, ўз разъездини кўрмай ўтиб кетмаслик учун, уни йўловчи сифатида поезддан туриб кузатиш мақсадида дарҳол йўлакка чиқди ва вагон деразалари ёнига келди, шундан кейин ўз полкасига чиқиб олиб ухлайвериши мумкин-ку. Олдинда икки суткалик йўл бор. Дастлаб шундай деб ўйлаган Эдигей иккинчи кунёёқ мажбурий бекорчиликдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди. Поездда фақат еб-ичиш ва ухлашдан бошқани билмайдиган ишёқмас-ларни кўриб ҳайратланди.

Бироқ биринчи кун, хусусан, биринчи соатларданоқ у оиласидан узоқ муддатга чиқиб кетишга одатланмаганидан кўнгли нотинч бўлиб, ташвишлана бошлади. У вагон деразалари олдида бирмунча ҳаяжонли, уст-боши тартибли; станцияда-ги магазиндан шундай кунларда кийиш учун сотиб олинган янги шляпа, эғнида тоза кўйлак ва Қазангапнинг уруш давридан бери яхшигина сақлаб юрган кителли. Унга бу кителли Қазангап мажбуран кийдирган: орден ва медалларни кўксингга тақиб олсанг, галифе шиму офицерлар киядиган хром этик билан жуда ярашади, деган эди. Бу этикни Эдигей аҳён-аҳёнда кийса ҳам, ниҳоятда ёқтирарди. Эдигей одам савлатли кўриниши учун энг аввал яхши этик ва янги бош кийим бўлиши керак, деб ҳисоблар эди. Ҳозир унда буларнинг иккаласи ҳам бор.

Дераза олдида у шундай ҳолатда турарди. Вагондан у ёқ-бу ёққа ўтганлар унга ҳурмат билан назар ташлаб ўтардилар. Эдигей Бўрон қиёфасида бутун фазилатлари ва изтироблари ифодалангани билан бошқалардан ажралиб турар эди.

Поезд Сарйўзак ялангликлари бўйлаб гўё олдинда югуриб кетаётган уфқнинг тиниқ гардишини қувиб етишга шошила-ётгандай елдек учиб борарди. Дунёда фақат икки табиий куч мавжуд эди: осмон ва яланг чўл. Узоқда улар туташгандек кўринар, тезуяр поезд ҳам ўша томонга интиларди.

Бўронли ерлари ҳам яқинлашиб қолди. Бу ерда ҳар қарич ер, ҳар бир тош таниш. Бўронлига яқинлаша бораркан, Эдигей руҳи кўтарилиб деразага яқин келди, мийғида илжайиб қўйди, гўё кўп йиллар бу ерда бўлмагандай ҳис қилди ўзини. Мана, разъездга ҳам етиб келди. Семафор, уйчалар, ёнма-ён қурилган бинолари омбор ёнида тахлаб қўйилган рельслар ва шпаллар кўз ўнгидан лип-лип ўтиб турди. Эдигей ҳатто ўз қизчаларини ҳам таний олди. Улар бугун мағрибдан машиққа йўл олган барча пассажир поездларини кузатган бўлишлари мумкин.

Саула ва Шарофат шу ерда эканликларини билдириш учун ҳам қўлларини силкитиб, сакраб-сакраб қўйишар, вагон деразаларига қараб жилмайишарди. Уларнинг майда қилиб ўрилган сочлари силкинар, кўзлари порлар эди. Эдигей белхитёр деразага ёпишиб олди-да, уларга қарата қўл силкитди, мингирлаб эркаловчи сўзлар айтди, лекин қизлари уни кўришмади, ё таний олмади. Шунга қарамай, улар ўтиб кетишини кутиб турганлигидан Эдигей хурсанд бўлди. Бироқ йўловчилардан ҳеч бири ҳозиргина унинг болалари, уйи, разъезди ортада қолиб кетганлигини пайқамади! Айниқса, разъезддан нари ёқдаги далада — туялар галасида унинг машҳур Қоранори юрганлигини ҳеч ким тасаввур ҳам қилмасди. Эдигей эса узоқдан кўриб, уни дарҳол таниди ва кўзларида қувонч пайдо бўлди.

Кейинчалик, уйдан бир неча станция узоқлашгач, Эдигей уйкуга кетди. У вагон гилдиракларининг бир маромдаги тақат-тук овозлари, ўзи билан бирга кетаётган йўловчилар суҳбатларининг аллаловчи садолари остида анчагача ширингина ухлади.

Иккинчи кун ташдан кейин Чимкентдан то бутун Еттисув бўйлаб чўзилиб кетган Олатов тоғлари бошланди. Бу тоғлар шу қадар чиройли эдики, одамнинг кўзи қувонарди! Эдигей Бўрон темирйўл билан ёнма-ён то Олмаотагача чўзилиб кетган қорли чўққиларнинг улуғвор қиёфасини кўриб, ҳар қанча севинмасин, уларга қараб тўймади. Унинг учун, Сарйўзаклик чўл кишиси учун бу бир мўъжиза бўлиб, абадийликни томоша қилаётгандек эди. Олатов тоғлари уни фақат мафтун этибгина қолмасдан, чуқур ўйга толдиради ҳам. Тоғларга қараб туриб ўй суриш унга ёқар эди. Шу тарзда у хаёлан ҳали ўзига нотаниш бўлган, ўтмишдаги хатолар энди сира такрорланмаслиги кераклигини айтган масъул кишилар билан учрашувга, уларга Абутолиб оиласининг ачиқ қисмати тўғрисида сўзлаб беришга тайёрланарди. Текшириб кўришсин, қандай қилиб бу ишни тўғрилаш масаласини ҳал қилишсин. Абутолибнинг ўзини-ку, тириштириб бўлмайди, бироқ унинг болаларини ҳеч ким ранжитмаслиги, уларга ҳам йўл очиб қўйилиши керак-ку, ахир. Каттаси Довул шу йил кузда мактабга боради, ҳеч кимдан

хавотирланмай бемалол ўқисин. Лекин ҳозир қаерда улар? Қисмати нима бўлди? Зарифа нима қилиб юрган экан?

Шу ҳақда ўйлаганида Эдигейнинг кўнгли қаттиқ ранжиди. Энди ўтган воқеаларни унутиб, ғазабдан тушадиган вақт келди. Улар ўтмишда қолган экан, бу ҳақда бутунлай ўйламаслик мумкин-ку, ахир. Лекин нима унутилди, нима унутилмади — бу фақат ёлғиз худонинг ўзига маълум! Эдигей Бўрон хафа бўлди, тақдирга тан бериб, ўзини босди. Буни кимга ҳам айтаолардингу ким тушунарди? Осмонга тиргович бўлиб турган қорли тоғларгами, уларнинг ердагилар ташвиши билан қанчалик иши бор. Шунинг учун ҳам улар — тоғ, улуғвор Олатов саналади, минг-минглаб одамлар келаверадилар, кетаверадилар, бу тоғлар эса абадий тураверди, одамлар уларга қараб ўй ўйлайдилар-у, тоғлар эса метиндек, жим қолаверади...

Эдигей хаёлга берилиб, Абутолибнинг «Раймали оғанинг укаси Абдилхонга мурожаати»ни ёзиб олганидан кейин, бу ривоят устида кўп ўйлаганини, бир суҳбатда Раймали оға билан Бегимой каби кишилар ҳаёт йўлида учрашиб қолиб, бир-бирларига қанча бахт келтирсалар, шунча қайғу-алам ҳам келтириши, ҳатто бири иккинчисининг бошига кулфат солиши, бироқ ҳеч бир кимса ўз атрофидаги кишилар ҳукмидан қочиб қутулолмаслиги тўғрисида айтганларини бирма-бир эслади. Раймали оғага яхшилик қилишни раво кўрган яқин кишилари унга нисбатан ўзлари ўйлаганларича иш тутдилар. Бу — бир пайтлар Эдигей учун доно сўзларгина эди, чунки ҳали у бу сўзларнинг ҳақ эканлигини нисаб кўрмаган, азоб-уқубатларни бошидан кечирмаган эди. Майли, Зарифаю у бундай воқеалардан ер билан осмондек узоқ бўлишини, уларнинг ораларида ҳеч вақо бўлмаган, лекин у Зарифа ҳақида кўп ўйлар, уни чин дилдан севарди. Бироқ Зарифа ўша муқаррар қийинликдан қутулиш учун, биринчи бўлиб ўзини зарбага тутиб берди. У ўзи учун шундай қилди, томирдаги қонни тўхтатиб қўйгандек, бирдангина шу қарорга келди, лекин у Абутолиб ҳақида ўйламади, ўзининг бу қарори унга қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади. Яхшики, у тирик қолди. Эндиликда шундай кўргулик яқинлашгудай бўлса, уни бир қуриши ёки эшитиши биланоқ дунёнинг нариги чеккасигача қочиб кетишига тайёр эди.

Эдигей ўзидан қулиб, бир вақтлар Абутолибдан Германияда Гёте деган машҳур шоир бўлганлигини эшитиб, ажабланганлигини ҳам эслаб қўйди. Унинг номи қозоқчада унчалик жарангдор эшитилмайдю лекин гап бунда эмас. Ҳар бир шахс тақдир такозо қилган исми билан юради. Кекса Гёте ёши ошганида ёшгина сулувага кўнгли қўйган, қиз ҳам шоирни сидқидилдан севган, дейишади. Буни ҳамма билган-у, ҳеч ким Гётенинг оёқ-қўлини боғлаб қўйиб, уни ақлдан озганликда айбламаган... Раймали оғага нисбатан қандай муносабатда бўлдилар! Инсонни хўрладилар, йўқ қилдилар, аслида эса унга яхшилик қилмоқчи эдилар... Зарифа ҳам ўзича эрига яхшилик қилди... Шу сабабли у Зарифадан норози эмас. Севган кишидан хафа бўлиш мумкин эмас-ку, ахир. Аксинча, ўзининг нимадандир гуноҳдор қилиб, айбдор ҳисоблайсан. Ўзинга оғир бўлса майли, хотинингга асло ёмон бўлмасин... Агар қўлингдан келса, хотининг сени ташлаб кетганда ҳам, уни ёдингдан чиқарма ва сев...

Эдигей Бўрон ана шундай ўйлар билан хотинини эслаб ва суюб, Абутолибни, унинг етим қолган болаларини хотирлаб, йўлида давом этди...

Эдигей Олмаотага яқинлашаркан, бирдан ўйлаб қолди: бордию Елизаров жойида бўлмаса-чи? Унда нима қиламан? Оббо! Нега бу фикр уйда хаёлига келмади? Уккубола ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмади. Уларни истаганларича иш тутишибди. Сарйўзакдан ҳеч қаёққа чиқмай яшайдиганлар, албатта, бошқаларни ҳам худди шундай деб ўйлардилар-да. Ахир, Афанасий Иванович уйда бўлмаслиги мумкин-ку. У академияда ишлайди, жойларда унинг боришини орзиқиб кутишади, шундай олимнинг ишлари кам бўлармиди. У иш билан бошқа шаҳарга кетган бўлиши, у ерда бир неча кунга қолиб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шуларни ўйларкан, Эдигей: «Ишим ўнгидан келмайди», — деб ташвишланди. Бордию шундай бўлса, Эдигей қозоқ тилида чиқадиغان газета редакциясига мурожаат қилиш мумкинлигини ўйлади, чунки газетанинг ҳар бир сониде унинг адреси кўрсатилган бўлади. Редакциядагилар унга қаерда, кимга учрашиш кераклигини тушунтиришади, албатта. Бироқ шундай масалалар билан қаерга бориш, кимга учрашиш кераклигини газета ходимлари билмаслиги ҳам

мумкин-ку. Уйда булар ҳаммаси осонгина туюлган эди унга — йўлга отландию жўнади-кетди. Энди-чи, мўлжаллаган жойига яқинлашган сайин Бўроннинг ташвиши орта борди, ёмон овчи уйда ўтириб овни ўйлайди, деган гап бекорга айтилмаган. У ҳам худди шундай бўлди. Лекин у Елизаровга ишонган эди-да. Елизаров ўзининг одами, кўп йиллик қадрдони, унинг разъезддаги уйда бир неча марта бўлган, Абутолиб Қуттибоев тарихини ҳам билади. Елизаров бўлса-ку, яхши-я, оғзидан бир сўз чиқар-чиқмас ҳаммасини тушунади. Нотаниш одамларга кунни қолса... қандай қилиб айтади, гапни нимадан бошлайди, судда гувоҳлик қилгандек нутқ сўзлаш ёки доклард қилишни уддалай оладими ёки... Унинг гапларини биров тинлармикин, тингласа, қандай жавоб қайтараркин? Аслида сен ўзинг кимсану нега Абутолиб Қуттибоевни оқлаш учун ҳаммадан кўпроқ сен қайғуришинг керак? Сенга нима? Унга сен ким бўласан — аками ёки ука, қудами ёки божа?

Поезд Олмаотага яқинлашиб қолган эди. Йўловчилар тарадудланиб, коридорга чиқишган ва поезд тўхташини кутардилар. Эдигей ҳам тушишга шайланди. Ана, вокзал ҳам кўриниб қолди, йўл ҳам охирлади. Перрон одамлар билан тўлиб кетган — бировни кутиб олишга чиққан, бирор томонга жўнашга шошилаётган турли-туман кишилар сон-саноксиз.

Поезд секинлаб тўхтади. Эдигей Бўрон бирдангина деразадан перронда турган кишилар орасида Елизаровни кўриб қолди, худди ёш боладай қувониб, терисига сиймай кетди. Елизаров очик чеҳра билан унга қараб шляпасини оҳиста силкитар ва вачка билан ёнма-ён қадам ташлаб борарди. Омадни қаранг-а! Эдигей Елизаров уни чиқиб кутиб олишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўтган куздан буён кўришмагандилар ҳам. Йўқ, Афанасий Иванович анча ёшга бориб қолган бўлса-да, ўзгармабди. Ўша-ўша, серҳаракат, қотмагина. Казангап уни арғумоқ, яъни зоти тоза чавандоз от деб атаган эди. Арғумоқ Афанасий — бу унинг учун катта мақтов эди. Елизаров бу гапни эшитиб, очик кўнглилик билан кулган, майли, сен айтганча бўлақолсин, Казангап, деганди. Кейин қўшимча қилган — кекса арғумоқ, аммо, бари бир, арғумоқ-да! Шунисига ҳам раҳмат, деган. Одатда, у Сарйўзакка кирза этик, рангини йўқотган эски-туски шапка кийиб келарди, ҳозир эса эгнида тўқ кул ранг костюм-шим, галстук ҳам таққан. Кийими унга жуда ярашган, гавдасига, айниқса, ярми оқарган сочи рангига жуда мос тушган эди.

Поезд тўхтагунча Афанасий Иванович вагон деразаси олдида турган Эдигейга қараб, юриб келди. Елизаровнинг малла киприкли кўй кўзлари орзиқиб қутилган учрашувдан самимий қониқиб билан порлаб турарди. Бу Эдигейнинг кўнглини ёриштириб, йўлдаги шубҳаларини тумандай тарқатиб юборди. «Бошланиши яхши, — хурсанд бўлди у, — худо хоҳласа, ишим ўнгидан келадиганга ўхшайди».

— Ниҳоят, ташриф буюрисан-да! Неча замонлар ўтиб-а! Салом, Эдигей! Салом, Бўронли дўстим! — дея кутиб олди уни Елизаров.

Елизаров унга нигоҳ ташлаб олди-да, бош ирғади, жиддийлашди, сўнг қулиб юборди.

— Бу баҳор — ўзгача, Эдигей. Ўзгаришлар баҳори. Шунинг учун ҳам, гарчи ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса-да, яшагинг келади. Эсимизни йиғиб олдик, босган изимизга назар ташлаб, камчиликларимизни пайқадик. Сен ҳеч вақт янгидан ҳаёт таъминоти тотишга интиланмидинг?

— Эслолмаяпман, — соддалик билан жавоб қилди Эдигей. — Контузиядан кейинги ҳолатимни ҳисобга олмаганда...

— Ҳўкиздай бақувватсан-ку! — ҳазиллашди Елизаров. — Мен бошқа нарса ҳақида гапиряпман, ўрни келиб қолди-да. Эшит. Партиямизнинг ўзи бор гапни рўйи-рост айтди. Мен ана шундан гарчи тақдиримда бунга алоқадор гап бўлмаса ҳам, жуда хурсандман. Худди ёшлик чоғимдагидек кўнглимда яна янги умид учқунлаяпти. Ёки бу кексаиб қолганимнинг аломатимикин, а? Нима дейсан?

— Афанасий Иванович, мен шу масала юзасидан келгандим.

— Ҳўш, ҳўш, қандай масала экан у?

— Балким, эсингиздадир? Мен сизга Абутолиб Қуттибоев ҳақида гапириб бергандим.

— Бўлмасам-чи, эсимда. Жуда яхши эслайман. Мана, гап қаёққа дегин. Сен масаланинг илдинини кўряпсан. Зўрсан. Пайсалга солиб ўтирмай дарҳол келганингни қара-я!

— Мен эмас буларни режалаштирган. Уккуболанинг ақли — бу. Фақат нимадан бошлаш керак? Қаерга учрашайин? Шунга...

— Нимадан бошлаш керак? Буни иккаламиз ўйлашиб



кўрамир. Уйда, чой устида, бамайлихотир кенгашиб оламиз. — Бир оз жим қолгач, Елизаров маънодор қилиб деди: — Замона ўзгарганини қара, Эдигей, уч йил олдин шунақа масала юзасидан бу ёққа келиш бировнинг хаёлига ҳам келмасди. Бугун бўлса — ҳеч қандай хавотирсиз... Аслида ўзи шундай бўлиши лозим. Энди ҳар бир киши мана шу адолат этагидан маҳкам тутиши керак. Шундай қилайликки, истисно тариқасида ҳеч кимга ҳеч қандай ҳуқуқ берилмасин. Тўғрими?

— Албатта. Сизга ҳаммаси беш қўлдаи маълум бўлса керак, ахир олим одамсиз, — деди Эдигей, — бизларда, депомизда бўлган митингда ҳам ана шу ҳақда гапирилди. Ушанда Абутолиб эсимга тушди, унинг дарди анчадан буён юрагимнинг бир четида туради. Митингда сўзга чиқмоқчи ҳам бўлдим. Масала нафақат адолат хусусида. Абутолиб бечоранинг болаларини айтмайсизми, ахир, эсларини таниб қолишди, кузда каттаси мактабга боради...

— Ҳозир қаерда улар?

— Билмайман, Афанасий Иванович, дом-дараксиз. Уша кетишгани-да, яқинда шунгаям уч йил тўлади.

— Майли, бу ёғини ўйламаса ҳам бўлади. Излаймиз, топамиз. Ҳозир ҳамма гап, юристлар тили билан айтганда, Абутолиб ишига оид масалани кўзғашда.

— Ҳа, дангал гапни айтдингиз. Ўзи, мен сизнинг олдингизга шунинг учун келдим-да.

— Тўғри қилгансан.

Уйлаганидек бўлиб чиқди. Эдигей қайтгач, уч ҳафта ўтар-ўтмас Олмаотадан хат келди, унда Бўронли разъездинег собик ишчиси тергов даврида вафот этган Абутолиб Қуттибоев жиноий иш қилмаганлиги учун тўла оқланди, деб ёзилган эди. Ҳа, худди шундай дейилган, ҳужжат жабрдийда ишлаган коллективга ўқиб эшитирилиши лозимлиги ўқтирилган эди.

Ҳужжат қатори Афанасий Иванович Елизаровдан ҳам хат келди. У муҳим аҳамиятга молик эди. Эдигей уни оиланинг керакли ҳужжатлари — болалар гувоҳномаларига жанговар мукофотлар, фронтда ярадор бўлгани ҳақидаги қайднома ҳамда меҳнат характеристикалари қатори бир умр сақлаб келди...

Афанасий Иванович унда Абутолиб иши тез кўрилиб, у оқланганлигидан бағоят хурсанд бўлганлигини хабар қилган эди. Шу фактнинг ўзиёқ, — деб ёзганди у, — замонамиз яхшиланиб бораётганидан далолат беради. Унинг таъбирича, бу бизнинг ўзимизни устимиздан ўзимиз қозонган ғалабамиз эди.

Хатнинг давомида у, Эдигей қайтгач, иккаласи бирга кирган ўша муассасаларга яна боргани, керакли гапларни билиб олгани ҳақида ёзган эди. Биринчидан, терговчи Тансиқбоев ишдан бўшатишган, хизмат унвони олиб ташланган, олган ҳукумат мукофотлари бекор қилинган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Иккинчидан, унга маълум қилишларича, Абутолиб Қуттибоев оиласи Павлодарда яшар экан. (Қаранг, тақдир уларни қаёқларга бошлаб кетибди!) Зарифа мактабда муаллимлик қилар экан. Оилавий аҳволи — турмуш қурибди. Унинг яшаш жойидан олинган ҳужжатда шундай маълумотлар бор эмиш. Яна у, сенинг ҳалиги ревизор ҳақидаги шубҳаларинг Эдигей, ишни қайта кўриб чиқишда тасдиқланди, дея ёзарди, маълум бўлишича, айнан шу ревизорнинг ўзи Абутолиб Қуттибоевга тўхмат қилган, ҳужжатларни бичиб-тўқиган экан. Нега у бунчаликка бордийкин? Бундай аблаҳликка нима уни мажбур қилдийкин? Узим билган воқеаларни, сенинг ҳикояларингни эслаб, бу ҳақда жуда кўп бош қотирдим, Эдигей. Шуларни ўйларканман, бу адолатсизлик сабабларини моҳиятини тушунишга озмунча уринмадим. Уйлаб ўйимга етолмадим. Мен, бу шахс ўзига етти ёт бўлган Абутолиб Қуттибоевга нисбатан бунчалар нафратни қўқдан олган экан — ҳали ҳам тушунолмайман. Балки бу — бир иллат, муайян боққичда одамларни заҳарлайдиган касаллик, эпидемиядир. Балки ҳалокатга олиб борувчи бу хусусият инсонда — ҳасаддан туғилар. У ҳувиллаб қолган қалбда тўпланармикин, деб ўйлайман. Яна ҳайрон бўламан, ахир, Абутолиб нимаси билан бошқаларда ҳасад уйғотиши мумкин, дейсан? Бу савол ҳамон жумбоқлигича қолиб келаётир. Жазо усулларига келсам, у кўхна дунёнинг ўзи каби жуда қадимийдир. Кимдир вақтида бировни, кофир, деб гап тарқатса, ёки чақимчилик қилса, бундайларни Бухоро бозорида тошбўрон қилишган, Европада эса гулҳанда куйдиришган. Ушанда, бу ҳақда кўп гаплашганимиз, Эдигей Абутолиб ишининг қайта кўрилиши натижасида аниқланган фактлар яна бир бор шунга амин этдики, одамлар

ҳали бу иллатдан — инсон шахсига нафрат ҳиссидан қутулиши учун узоқ курашишларига тўғри келади. Шунчалар узоқ курашилдики, унинг қачонгача давом этишини ҳатто айтиш ҳам қийин. Ҳаёт шуниси билан ажойибки, ер юзидан адолатни сиқдириб ташлаб бўлмайди. Мана, бу сафар ҳам у яна тантана қилди. Жуда кўп қийинчиликлар билан бўлса-да, тантана қилди! Ҳамиша, дунё турғунча шундай бўлаверади. Мен шундан хурсандманки, Эдигей, тамагирликсиз адолат тантанасига эришдинг...

Эдигей бир неча кун шу хатдан олган таассуротлари билан юрди. Айни пайтда ўзидаги ўзгаришдан ҳайрон бўлди, бир қарашда ҳеч нарса ўзгармагандай, аммо синчиқлаб қарасанг, нимасидир анча тиниқлашгандай, улуғворлашгандай туюлади. Шунда у илк дафъа, кексалик фаслига кириб бораётганини чуқур ҳис этди...

Елизаровнинг хати унинг ҳаётини баҳолайдиган қандайдир бир чегара бўлди: хатгача ўтган умри, хатдан кейинги кечган ҳаёт. Энг муҳими, у Зарифанинг турмушга чиққанлигини билиб олди. Бу хабар Эдигейни хаёллар гирдобига тортди. Зарифанинг қаердалигини, болалари билан бегона одамлар орасида қандай яшаётганлигини билмасам ҳам, ички бир туйғу сабаб, унинг турмуш қурганига ишонар, ўзини тинчлантиришга уринар эди. Поездда Олмаотадан қайтаётганида буни аниқ кўз ўнгига келтирган. Нима сабабдан шундай хулосага келганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо шуниси аниқки, қалбда нохушлик сезганидан эмас — бу. Аксинча, Олмаотадан Эдигей яхши кайфият билан қайтди. Елизаров билан қаерга киришмасин, ҳайрхоҳлик билан қабул қилишди. Бу эса ўз-ўзидан қилаётган ишларининг тўғрилигини, ҳаммаси хайрли тугашига ишончини оширди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Эдигей Олмаотадан жўнайидиган куни Елизаров уни вокзалдаги ресторанда, тушликка олиб кирди. Поезд жўнашига анча вақт бўлганлигидан, жуда кўнгилли ўтиришди, озроқ ичишди ҳам, дўстона баҳслашишди ҳам. Ана ўша суҳбатда, Эдигейнинг фаҳмлашича, Афанасий Иванович кўнгил ҳазинасида сақлаб қўйган ўй-фикрларини баён қилди. У — собиқ москвалик комсомол, йигирманчи йиллардаёқ Туркистон ўлкасига келиб, босмачиларга қарши курашган, бу ўлкада бир умрга илдиэ отиб, палак ёйган геология илми билан шуғулланган одам, бутун ер юзи Улуғ Октябрь революцияси бошлаб берган янги ҳаётга беҳуда катта ишонч ва умид билан қарамаган, бу ишонч оқланган, деб ҳисоблайди. Йўл қўйилган хатолар, камчиликлар қанчалик қимматга тушган бўлмасин, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тараққиёт йўлидаги олға босиш бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмади — тарихнинг моҳияти ҳам мана шунда. Яна у шуни таъкидладики, энди бу ҳаракат янги куч билан давом этади. Жамиятнинг ўз-ўзини тузатиш, ўз-ўзини тозалаш йўли билан равнақ топиши бунинг тасдиғидир. «Ҳамонки биз ҳали ўз-ўзимизга шу нуқсонларимизни очик айта оларканмиз, демек, бизда келажагимизни таъминлай оладиган қўдрат бор», деганди ўшанда Елизаров. Ушанда, суҳбатлари бир умрга татиғулик бўлган эди.

Ана шу кайфият билан Эдигей Бўрон ўзининг Сарйўзагига қайтиб келганди. Олмаотадан қайтишда яна унинг кўз олдида анча нарида бутун Еттисув бўйлаб чўзилган кўкимтир-қорли Олатов тоғлари пайдо бўлиб, у тушган поезд билан бирга ҳаракатга тушди. Йўлда у Олмаотада бўлгани тўғрисида ўйларкан, қандайдир ички туйғу билан Зарифа аллақачон эрга тегиб кетган, деб кўнгилдан ўтказди.

Баланд тоғларга, ям-яшил далаларга тикилиб, Эдигей бу оламда Елизаров сингари ажойиб кишилар борлиги, агар сўзи билан иши бир бўлган шундай одамлар бўлмаганида, ҳаёти оғир кечини хаёлидан ўтказди. У тезкор ва шунчалик ўзгариб турувчи замонанинг бевафоглигидан бир оз ранжиди — агар Абутолиб тирик қолганида унинг бўйнига қўйишган айбни ювиб ташлашар, балки ўз оиласи, болалари бағрида у қайта кўкариб, бахти кулиб кетармиди. Тирик бўлганда эди! Шу жумлада ҳаммаси жамуларди. Агар, у тирик бўлганида, Зарифа сўнги нафасигача кутарди. Бу — турган гап! Бундай хотин бошига ҳар қанча қулфат тушса ҳам, эрини кутаоларди. Кутадиган ҳеч кими, ҳеч вақоси бўлмасам, ёшгина жувонга ёлғизликда яшашнинг нима кераги бор. Шундай бўлгач, тенги топилганидан кейин, эрга чиқади-да, нега чиқмасин? Бу мулоҳазалардан Эдигейнинг таъби хиралашди. У хаёлини чалғитмоқчи бўлди, ўйламасликка ҳаракат қилди. Аммо бунинг иложини йўқ эди... Шундан сўнг у вагон-ресторанга кирди. Бу ерда одам кам, ҳаммаёқ озода, ҳаво соф эди. Эдигей дераза

яқинига бориб, ўтирди. Ҳозир нима биландир овунтириш учун аввал бир шиша пиво сўради. Вагон-ресторан — кенг, бир йўла тоғларни ҳам, чўлни ҳам, осмонни ҳам томоша қилиш мумкин эди. Бу — ям-яшил кенгликлар бир томондан, чўқилари қор билан қопланган баланд тоғлар улугворлиги иккинчи томондан руҳини кўтариб, амалга ошувчи қийин бўлган орзулар сари етаклаган эди, энди... Аламидан ичгиси келди. У арақ келтиришларини сўради. Бир неча қадаҳ ичмасин, ҳеч таъсирини сезмади. Шундан сўнг у яна пиво буюрди-да, ўйга толди. Қош қорайиб борарди. Темирйўлнинг икки томонидаги ерлар қочиб бораётгандек кўринарди. Посёлкалар, боғлар, йўллар, кўприклар, одамлар ва подалар кўз олдида лип-лип ўтар, булар ҳаммаси Эдигейга сира таъсир қилмас, хаёлини банд этган оғир ғашлик кайфиятини бузиб, қалбини эзмокда эди.

Шу пайт яна Раймали оғанинг сўзлари эсига тушди:

**Кўчманчилар кетганида қора тоғлардан.**

**Кўчманчилар кетганида мовий тоғлардан,**

**Кутма мени Сарбозорда, Бегимой...**

Эдигей Бўрон худди Раймали оға каби арқон билан ўзини қайинга боғлаб қўйишгандай ҳис қилди...

Шу тариқа у то қоронғи тушиб, вагон-ресторан одамлар билан тўлғунча ва тамаки тутунидан нафас олиш қийинлашгунча ўтирди. Эдигей атрофидагилар нега бунчалик беғам-беташвиш эканлигини, стол атрофида ўтиришиб, сариқ чақага қиммат гап-сўз билан машғуллигини, нима сабабдан улар арақ ва тамакидан ҳузур-ҳаловат топишларини сира тушунамас эди. Эркакларга эргашиб бу ерга келган аёллар ҳам унга ёқмади... Айниқса, кулишлари... У ўрнидан турди. Патнис кўтарганича ҳарсиллаб юрган официанткани чақириб, у билан ҳисоб-китоб қилди-да, купеси томон юрди. У тебраниб борар экан, ёлғизлигидан эзилиб, ўзини етимчалардек ҳис қила бошлади.

Поезд чайқалганича илгарилаб борарди. Вагон эшигини очиб ҳам мумкин, Эдигейда темирйўлчиларда бўладиган калит бор... Эдигей қоронғиликда қаердадир узоқдан милтиллаган иккита чироқни кўрди. Бу чироқлар анчагина кўриниб турди. Улар бирор уйнинг деразасидан кўринган ёруғми ёки кичик бир гулхан шўъласими — билиб бўлмасди. Уша чироқлар атрофида қандайдир одамлар юрганга ўхшарди. Улар ким бўлди экан? У ерда нима қилиб юришибди? Эҳ, ўша ерда Зарифа болалари билан бўлса эди! Поезддан ҳозироқ сакраб тушиб, унга қараб югурар, бир зумда етиб бориб, унинг оёқлари остига йиқилар ва ҳамма дард-аламларини ва қайғу-ҳасратларини кўз ёшлари билан тўқар, уялмай-нетмай йиғлар эди...

Эдигей Бўрон кўринмай қолаётган ўша гулханларга қараб бўғиқ овозда инграб юборди. У тамбур эшиги олдида хўрсиниб йиғлаган кўйи анча туриб қолди. Кўз ёшлари юзини ювиб тушар эди... шу пайт тамбур эшиги очилиб, у вагонга кирди...

**Поезд чайқалганича ҳамон илгарилаб борарди.**

**Кўчманчилар кетганида қора тоғлардан,**

**Кўчманчилар кетганида мовий тоғлардан,**

**Кутма мени Сарбозорда, Бегимой...**

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкаларда темирйўл изларининг икки тарафида пой-поёнсиз уланган Сариўзақ даштлари — қовжироқ саҳронинг ўзак ерлари ястанган.

Бу ўлкаларда ҳар қандай масофа темирйўлдан бошланади. Зеро, бу темирйўллар бу ўлкаларнинг ўзига хос Гринвич меридианидир...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Оқ думли баҳайбат калхат Малақумдичоп жарлигидаги уясидан кўтарилди-да, атрофни бир айланиб келиш учун учиб кетди. У ўзига қарашли ерларни икки марта; куннинг ярмигача ва кун ярмидан оққандан кейин кезиб келарди.

Калхат саҳрони диққат бериб кузатаркан, пастда қимир этган жонзот борки, ҳаммасини — ўрмалаб юрган қурт-қўнғизлару қақон қалтакесакларгача — бир-бир назардан ўтказиб, оҳиста қанот қочиқ, чурқ этмай учар, қанотлари остидаги саҳрони назари билан бутунича қамраб олиш ва узоқдан туриб кузатиш учун тобора юқорилаб, хотиржам айланиб чиқар, кейин ўзи

хуш кўриб ов қиладиган жойга — ёпиқ зонага яқинлашиб бораверарди. Бу кенг текисликнинг тўрт тарафи ўраб олингандан кейин турли-туман майда жонивору қушлар кўпайди, негаки, тулқилар ва ён-атрофда изғиб юрувчи бошқа йиртқичлар бу жойга энди киролмас эди. Аммо, бунинг калхатга сираям дахли йўқ, унга худди шу ҳол жуда қўл келарди. Ови доимо бароридан келарди, деб бўлмайди. Утган кунни жажжи бир қуёнга кўзи тушиди ўзини тошдек пастга отди; қуён бўлса, симтўсиқнинг тағига лип этиб ўтиб кетди, калхат эса шундоқ тиконнинг устига ағанаб тушай деди ва зўрға чап бериб қолди; қанотлари тиконларга илиниб, кўксидан юлинган патлари ҳавога учди. Калхат бу хавфли симтўсиққа яқин келолмайдиган бўлди.

Шу соатда у ҳоким бир зотдек бошини мағрур тутиб, ортиққа қанот қоқмай — ердаги жонзотларга ўзини сездир-масликка ҳаракат қилиб, бемалол парвоз этарди. Эрталаб биринчи бора, мана ҳозир эса яна бир марта космодромнинг бетон ётқизилган кенг майдонларида юзлаб одамлару машиналар ғужғон ўйнаётганини кўриб турарди. Машиналар у ёқдан-бу ёққа муттасил қатнар, айниқса, ракеталяр ўрнатилган қурилмалар тез-тез пайдо бўлиб қоларди. Осмонга тик қаратиб қўйилган ракеталяр алламаҳалдан бери майдончаларда алоҳида-алоҳида бўлиб туришар, калхат ҳам уларга кўнгики қолган эди. Аммо бугун-чи, бугун бу ерларда аллақандай ишлар бўлаётибди. Машиналар кўп, одамлар кўп, иш-ҳаракат ҳам тигиз эди...

Боя чўлда туя миниб қолаётган одам; тириллаб бораётган иккита трактор ва малла ит энди тиконли симнинг нарёғида, гўё шу тўсиқдан ошиб ўтолмай, ўйланиб турганликлари ҳам калхатнинг назаридан четда қолмади. Айниқса, малла итнинг ғирт бекорчилиги; одамларнинг оёғи остида ўралашиб юриши калхатнинг ғашига тегарди, лекин ҳозир бу маллавоёга заррача эйтибор қилмасликка тиришди, паст кетишни ўзига эп кўрмади. У бояги жой тепасида айланиб учганча, энди бўёғи нима бўларкин, одамлар орасида думини ликиллатиб юрган анови малла ит энди нима қиларкин, деб ўткир кўзлари билан кузатарди, холос.

Эдигей юзини буриб, осмонга қарадио баландда учиб-айланиб юрган калхатни кўрди. «Думи оқ экан, баҳайбатлигини қара, — деб ўйлади у ўзича. — Қанийди мен ҳам калхатга айланиб қолсам, ҳеч ким йўлимни тўсолмасди, қанот қоқиб тўғри Она Байитга қўнардим». Шу пайт тобора яқинлашиб қолаётган машинанинг овози эшитилди. «Келяпти! — Эдигей Бўрон хурсанд бўлиб кетди. — Худо хоҳласа, ишимиз ўнгидан келади». «Газик» симтўсиқ олдига келиб, қоровулхона эшиги қаршисида тўхтади. Пастдаги соқчи машинанинг келишини кутиб турган эди, у дарров қаддини ростлаб, қоровуллар бошлиғи лейтенант Тансиқбоев «Газик»дан тушиши билан честь берди ва унга қараб гапирар кетди:

— Уртоқ лейтенант, сизга маълум қиламанки...

Бироқ, қоровуллар бошлиғи имо билан уни тўхтатди, қоровул қўлини чаккасидан олгач, симтўсиқнинг нарёғида турган кишиларга ўғрилди.

— Бегона одамлар шуларми? Ким мени кутяпти? Сизми? — деди у Эдигей Бўронга қараб.

— Биз, қароғим, биз кутяпмиз сени. Она Байитга етиб боролмай қолдик. Бир иложини қилиб ёрдам бер бизга, қароғим, — деди Эдигей кўксидagi орденларини ёш офицерга яхшироқ кўрсатишга ҳаракат қилиб.

Лейтенант Тансиқбоев заррача парво қилмади, фақат томоқ қириб қўйди, Эдигей яна гап бошламоқчи бўлувди, ундан олдин совуққина оҳангда:

— Уртоқ бегона одам, менга рус тилида мурожаат қилсангиз. Мен ҳозир хизматдаман, — деди у қийғир кўзлари устидаги қора қошларини чимириб.

Эдигей Бўронни хижолат босди:

— Э, ундай бўлса, кечир, — дедию ўзини йўқотиб қўйди, тилдан қолди, гапидан адашди.

— Уртоқ лейтенант, руҳсат этинг, илтимосимизни мен баён қилсам, — дея мурожаат этди бошлиққа Эдилбой Дароз.

— Баён қилинг, фақат қисқароқ, — деб огоҳлантирди қоровуллар бошлиғи.

— Бир минут. Марҳумнинг фарзанди келсин. — Эдилбой Дароз Собитжонга ўғрилди. — Собитжон, ҳой Собитжон, бу ёққа қарал!

Бир четда у ёқдан-бу ёққа юриб турган Собитжон ғижиниб қўл силтади:

— Узингиз гаплашаверинг!

Эдилбой Дароз кип-қизариб кетди:

— Кеचиринг, ўртоқ лейтенант, у бўлаётган ишлардан жуда хафа. Марҳум Казангап чолнинг ўғли — бу. Ана униси — прицепда ўтиргани — чолнинг куёви.

Куёв, мени қақришяпти, деб ўйлади шекилли, прицепдан тушиб келди.

— Бунақа майда-чуйда гаплар мени қизиқтирмайди. Масоий масалага кўчинг.

— Яхши!

— Қисқа-қисқа, тартиб билан сўзланг.

— Яхши. Қисқа-қисқа, тартиб билан сўзлайман.

Эдилбой Дароз ҳаммасини: ўзлари ким, қаердан, қай мақсадда шу ерга келиб қолганликларини тушунтира кетди.

У гапираётганида Эдигей лейтенант Тансиқбоевнинг юзига разм солиб, ундан бирон-бир яхшилик чиқмаслигини сезди. Тансиқбоев бегона одамларнинг илтимосини шунчаки расман эшитиш учунгина симтўсиқнинг нарёғида турарди. Эдигей буни пайқадю ичи ачишиб кетди. Казангапнинг ўлимидан кейинги ишлар; йўлга чиқиш тарадудини кўрганларию марҳумни Она Байитга қўймасак бўлмайди, деб ёшларни ишонтириш учун айтган гаплари, бутун йй-хаёллари, Сариўзак тарихи билан боғлиқ деб билган барча воқеа-ҳодисалар Тансиқбоев қарши-сида пуч бир нарсга, бегойда, арзимас бир ишга айланди-қолди. Эдигей эзгу орзу-умидлари чилпарчин бўлганини фаҳмлаб, турган жойида қотиб қолди. Кечагина араққа шубат қўшиб ичиб, худолару радио орқали бошқариб туриладиган одамлар ҳақида роса гап сотган ва бўронлиликларни ўз билимдонлиги билан қойил қолдирмоқчи бўлган кўрқоқ Собитжоннинг шу тобда бир оғиз сўзини аяб тургани кулгили, айти вақтда, аянчли бўлиб кўриниб кетди кўзига. Қоранорнинг устига беўхшов, шокиладор жул ташлаб қўйганликлари-да кулгили ва эриш туюлди: буларни нима кераги бор! Она тилида сўзлашишни истамаган манави лейтенантча Тансиқбоевнинг Қоранорнинг нега бундай безатилганига ақли етармиди? Оғзига бир томчи ҳам арақ олмай, шалдироқ прицепга тушиб келаётган, ҳозир бизни қабристонга ўтказиб юборишади деган умидда ёнига келиб турган бечора Казангапнинг куёви ҳам кулгили кўриниб, бадтар алам килди. Эдигей Бўронга ҳатто ити, шу малла юнгли Йўлбарс ҳам кулгили туюлди, ҳатто шу жониворга ҳам ачиниб кетди — ахир ит нега уларга эргашди, нега одамлар қачон яна йўлга чиқишаркин, деб чидам билан пойлаб ўтирибди, нега? Хўш, бу ишларнинг итга нима дахли бор? Эҳтимол, эгамнинг аҳволи чатоқ бўлади, деб каромат қилгандир; шунақа пайтда эгамнинг ёнида бўлишим керак, деб эргашгандир балки? Ана, тракторларнинг кабинасида ёш йигитлар Қалибек билан Жумағали ўтирибди — шунча ишлардан кейин Эдигей уларга нима дейдию улар нима деб ўйлашади?

Эзилиб, дили вайрон бўлган Эдигей қалбида ғазаб тўлқини туғён ураётганини, қони қайнаб, шиддат билан юрагидан отилиб чиқаётганини сезар, лекин ғазабига эрк берса ўзига ёмон бўлишини билиб, ҳадеб ўзини тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Йўқ, токи марҳум қабрга қўйилмаган экан, ўзининг босиб туришинг шарт, кекса одамга ғазаб отига миниш, бақариб-қақриш ярашмайди. У шу фурсатда дилидагини тилига чиқармасликка, аҳволини бошқаларга билдирмасликка тиришар, тишини-тишига босиб турарди.

Эдигейнинг кутгани бўлди: Эдилбой Дарознинг қоровуллар бошлиғи билан суҳбати бирпасда нохушлик билан тугади.

— Ердан қилолмайман. Бирона кишиларга зона территория-сига кириш қатъиян ман этилган! — деди лейтенант Эдилбой Дарознинг гапларини эшитгач.

— Биз буни билмаганмиз-да, ўртоқ лейтенант. Йўқса, шу ерга келиб ўтирармидик? Нега ҳам келардик? Энди бир келиб қолган эканмиз, катта бошлиқдан сўранг, марҳумни кўмишга ижозат берсин. Ахир, жасадин қайтариб олиб кетолмаймиз-ку.

— Хизмат юзасидан айтиш мумкин бўлган ҳамма гапни айтдим. Қанақа баҳона кўрсатишмасин, барибир зонага ҳеч кимни ўтказманг, деган кўрсатма олганман.

— Баҳона деганинг нимаси, ўртоқ лейтенант? — дея ҳайрон бўлди Эдилбой Дароз. — Баҳонани нима кераги бор? Зона-нагизни кўрамиз деб кўзимиз учиб турувдимми? Марҳумни дафн қилиш керак бўлганидан келдик, йўқса, шунча йўл босиб келармидик?

— Уртоқ бегона одам, яна бир марта айтаманки, бу ерга ҳеч ким қўйилмайди!

— Бегона одам деганинг нимаси? — дея сўз қотди шу тобгача индамай турган пиёниста куёв. — Ким бегона экан? Бизми? — Куёвнинг пиёнисталарга хос салқи юзи қизариб, лаблари кўкариб кетди.

— Ҳа-я, қачондан бери биз бегона бўлиб қолдик? — деб унинг сўзини қувватлади Эдилбой Дароз.

Пиёниста куёв ҳаддидан ошмасликка тиришиб, овозини пасайтириб гапирди, русчани яхши билмаслиги ўзига ҳам маълум эди, шу боисдан тўхтаб-тўхтаб, нотўғрисиини тўғрилаб, бир-икки оғизгина сўзлади:

— Бу бизнинг Сариўзак қабристонимиз. Сариўзак халқини шу ерга кўмишга ҳаққимиз бор. Бир маҳаллар Найман она шу ерга қўйилганда бунақа ёпиқ зона бўлади деб кимнинг хаёлига келибди, дейсан!

— Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ! — деб жавоб берди лейтенант Тансиқбоев. — Навбатда турган қоровуллик хизматининг бошлиғи сифатида яна бир бора айтаманки, қўриқланаётган зона территориясига ҳеч ким қўйилмайди!

Ҳамма жимиб қолди.

«Ўзимни босиб турсам — бўлгани, ишқилиб сўкиб юбормайинда!», деб Эдигей Бўрон ичида қасам ичаркан, бир зум кўкка қарадио фалақда бамайлихотир учиб-айланиб юрган ўша калхатни кўрди. Шунда кучли, хотиржам бу қушга ҳаваси келиб кетди. «Бўлар иш бўлди, қайтиб кетишимизга тўғри келади энди, зўравонлик билан иш битмайди», деган қарорга келди. Калхатга яна кўз қирини ташлаб қўйиб, деди:

— Майли, ўртоқ лейтенант, биз қайтиб кетамиз. Аммо ўша бошлиғинга — генералгами, ундан каттасигами барибир айтиб қўй: чакки қиялсизлар. Ҳа, кекса бир солдатнинг сўзи шу: нотўғри иш бўляпти.

— Юқоридан берилган буйруқни тўғрими, нотўғрими деб мунозара қилишга ҳаққим йўқ. «Улар билиб қўйишин: қабристон яқинда барбод қилинади», деб айтишни ҳам буюришди менга.

— Она Байит-а? — деб ҳайрон бўлди Эдилбой Дароз.

— Ҳа, шу қабристон.

— Хўш, нега? У кимга ҳалақит бериб қолди?

— У ерда янги микрорайон қурилади.

— Қизик, — дея қўлларини ёйди Эдилбой Дароз. — Сизларга, нима бало, бошқа жой қуриб кетганми?

— Лойихада шундай белгиланган.

— Менга қара, сенинг отанг ким ўзи? — деб Эдигей Бўрон сўраб қолди лейтенант Тансиқбоевга тикилиб.

Лейтенант ҳайратга тушди:

— Нега сўраялсиз? Ишингиз нима?

— Ишимиз шуки, бизнинг қабристонни текислаб юборишни режаллаган идоранинг одамлари айтадиган гапни сен бизга айтмаслигинг керак эди. Е сенинг ота-боболаринг ўлмаганми? Ё ўзинг сира ўлмайсанми?

— Буни ишга нима дахли бор?

— Хўш, ишдан гаплашамиз, ўртоқ лейтенант. Энг катта бошлиғингиз ким бўлса, ўша арзимни эшитсин. Ҳа, энг катта бошлиғингизга арзимини айтишга рухсат беринг, талғабман шу. Сариўзакда яшовчи кекса жангчи Эдигей Жонгелдиннинг икки оғиз гапи бор экан, деб тайинла!

— Қўлимдан келмайди. Нима лозим бўлса, шунини қил, деб кўрсатма беришган менга.

— Хўш, сени қўлингдан нима келади ўзи? — дея яна гапга аралашди пиёниста куёв, кейин юрак ютиб гапирди: — Бозордаги милиционер ҳам сендан тузук муомала қилади.

— Бас қилинг бемаъни гапларни! — деди қоровуллар бошлиғи. Гап тамом. Манави одамни симтўсиқдан нарига олинг. Тракторлар йўлда турмасин!

Эдигей билан Эдилбой Дароз пиёниста куёвни четга, тракторлар томон судраб кетишди. У бўлса, орқасига ўгирилиб, бақирди:

— Сенга йўл ҳам камлик қилади, ер ҳам! Тупурдим сендақаларнинг оғзига!

Шу пайтгача ковогини солганча у ёқдан-бу ёққа юриб турган Собитжон энди қарши ҳужумга ўтди — у ўзини кўрсатмоқчи эди.

— Ана кўрдиларингми? Кетларингга бошлаб тепишдимми? Тўғри қилишди. Сенлар бўлса, югуриб-ёлдиларинг! Она Байит эмиш! Мана, энди калтак еган итдек қочяпсизлар.

— Ким калтак еган ит? — дея расмана унга ташланди пиёниста куёв Собитжонга. — Орамизда битта ит бор, ўша ҳам

ўзинг, муттаҳам! Анави ит нима-ю, сен нима? Тагин, давлатнинг одамман, деб чиранасан. Сен умуман одам эмассан!

— У, пиёниста, овозингни ўчир! — деб дўқ урди Собитжон, турганлар ҳам эшитсин учун бақириб: — Анавиларнинг ўрнида бўлсам сени шу сўзларинг учун овлоқ бир турмага тикиб юборган бўлардим, қоранг ўчсин! Сендайлардан жамиятга нима фойда! Сендайларни бирма-бир йўқ қилиб юбориш керак!

Собитжон шундан кейин, сенга ҳам, сен билан бошлашиб келганларга ҳам тупурдим, дегандек орқасини терс ўгириб олди, сўнг бирдан активлиги тутиб кетиб, баланд ва талабчан бир оҳангда тракторчиларга буйруқ бера бошлади:

— Хўш, сенлар нега оғзингни очиб турибсанлар? Бўлларинг, тракторларингни юргиз! Қандай келган бўлсак, шундай кетамиз. Бўл, орқага бур! Сендайларни гапига кириб, шунча ахлоқ бўлганим етар!

Қалибек тракторини ўт олдириб, прицеппини аста-секин орқага бура бошлади, шу орада пиёниста куёв тележкага сакраб чикди-да, яна жасаднинг ёнидан жой олди. Жумағали Эдигей Бўрон Қоранори боғлаб қўйган арқонни экскаваторнинг чўмичидан бўшатиб олишини кутиб турарди. Буни кўриб, Собитжоннинг яна жаҳли кўзиди:

— Сен нега юрмаясан?.. Орқага бур!.. Маросим эмиш! Бошидаёқ қарши эдим шу ишга! Бас, уйга қайтамиз!

Эдигей Бўрон то туяга миниб олгунча тракторлар олдинга ўтиб кетишди, бояги изларидан бораверишди. Кутиб ҳам туришмади. Олдинги тракторга ўтириб олган Собитжон ҳаммани шошилтирарди.

Фалакда эса ҳамон ўша калхат айланиб юрарди. У бемаъни ҳаракатлари билан негадир ғашига тегаетган малла итни баланддан кузатарди. Тракторлар йўлга чиққанда ит уларга эргашмади, аксинча туянинг олдида қолди, то эгаси туяга миниб олгунча кутиб турди ва шундан сўнггина югуриб кетдики, бу ҳол калхат учун жумбоқ эди.

Трактордаги одамлару туяга миниб кетаётган киши ва унга эргашиб сакраб-сакраб югуриб бораётган ит — ҳаммалари тўғри Малақумдичоп жарлиги томон йўл олишган эди. Калхатнинг уяси шу жарликдаги бир ўпқоннинг ичида. Бошқа пайтда бўлса, калхат хавотирга тушиб одамлардан бир зум бўлсин кўз узмаган, ёнгинасида, ўзига қарашли қонуний ерларда ов қилаётган модасини чақирган бўларди. Уяни ҳимоя этишга тўғри келиб қолса, ҳар эҳтимолга қарши, жуфти билан биргаликда жанг қилиш учун одатда уни чақириб келарди. Лекин, бу сафар оқ думли калхат сира безовта бўлмади, негаки, жўжалари аллақачонлар уяларини тарк этишган, букири тумшүк жўжаларининг кун сайин қанотлари бақувватлашиб, анчадан бери мустақил кун кечиришарди. Сариўзакда уларнинг ўз мулки бўлиб, мабодо кекса калхат ўша томонларга ўтиб қолгудек бўлса, уни яхши қарши олишмасди, албатта...

Калхат қайтиб кетаётган одамларни ўзига қарашли ерларда содир бўладиган ҳодисотларни кузатганидек кузатиб, айланиб учаверди. Айниқса, одамларнинг атрофида ўралашиб юрган малларанг итни алоҳида қизиқиб кузатарди. Итининг одамлар билан нима иши бор экан? Нега у бир ўзи ов қилмайди? Нега доим одамлар кетидан думини ликиллашиб югураверади? Бунақанги турмушдан итга не фойда?

Туя миниб кетаётган одамнинг кўкрагида ялтиллаб турган нарсалар ҳам калхатнинг диққатини жалб этардики, шу боис туя минган одам илкис четга бурилиб, водийни кесиб ўтмоқчи бўлганини — тракторлар айланиб манзилга боргунларича уларга етиб олмоқчи бўлганини дарров сездди.

Бу одам туянинг бошида қамчи ўйнатиб шитоб билан ҳайдар, шунда кўксиде ялт-юлт қилиб турган нарсалар жаранг-журун қиларди. Туя катта-катта одим отиб, лўкиллаб борар, малларанг ит эса улар кетидан сакраб-сакраб чопар эди. Туя минган одам Малақумдичоп жарининг ёқасида йўлни тўсиб чиққунга қадар шу алофозда юрди. Тракторлар ўша одамнинг қаршисида тўхташди.

— Узи нима гап? — дея кабинадан бошини чиқариб сўради Собитжон.

— Ҳеч нарсас. Моторни ўчиринглар! — деб буюрди Эдигей Бўрон. — Гап бор.

— Яна қанақа гап? Йўлни тўсма, шунча сайр қилганимиз етар!

— Йўлни ўзинг тўсиб турибсан. Марҳумни ана шу ерга дафн қиламиз.

— Бас, майнавозчиликни йғиштир, — дея қизишиб кетди Собитжон, латтадек буралиб кетган галстугини бўйнига бадтар

ниқтаб. — Отамни ўзим разъездга олиб бориб кўмаман. Гап тамом! Бўлди!

— Собитжон, менга қулоқ сол. Тўғри, марҳум сени отанг, ҳеч ким бир нима деяётгани йўқ. Лекин гапимни эшит. Постда нима ишлар бўлганини ўзинг кўрдинг. Бунга ҳеч ким айбдор эмас. Аммо яна бир нарсани ўйла: ким марҳумни дафн маросимидан кейин уйига қайтариб олиб борибди? Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гап бу. Ҳеч ким шундай қилмаган. Ҳаммамиз уятга қоламиз. Ҳеч бундай бўлмаган.

— Мен ҳаммасига тупурдим! — деди Собитжон.

— Ҳозир қизишиб турибсан, ҳамма нарсага тупураверасан, лекин эртага ўзинг уялиб қоласан. Уйлаб кўр. Бунақа шармандагарчиликдан бир умр қутуллолмайсан! Ерга қўйман деб уйдан олиб чиқилган одамнинг қайтиб уйга бормаслиги керак, ахир!

Шу аснода экскаватор кабинасидан Эдилбой Дароз тушиб келди; пиёниста куёв ҳам тележкадан сакраб тушди, экскаваторчи Жумағали ҳам нима гап бўлганлигини билиш учун келди. Қоранорга миниб олган Эдигей уларнинг йўлини тўсиб турарди.

— Йигитлар, гап бундай, — деди у. — Инсоннинг урф-одатларига, табиатнинг қонунларига қаршилиқ қилманг. Марҳумни мазордан уйига қайтариб олиб борилганини ҳеч ким кўрмаган. Дафн қилиш учун уйдан чиқарилган жасадни ерга қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз. Бошқа иложимиз йўқ. Малақумдичоп жарини нақ ёқасида турибмиз ҳозир. Бу ерлар ҳам ўзимизнинг Сариўзак ерлари. Шу жойда Найман она марсия айтиб, юзига тупроқ суртиб йиғлаган. Мендек қари бир чолнинг сўзига кириг энди. Шу ер Қазангапнинг қабри бўлақолсин. Майли, мени ҳам шу ерга кўмингиз. Насиб этса, ўзингиз кўмасиз мени. Шундай. Сизлардан ўтиниб сўрайман. Ҳозир фурсат қанимат; ҳов анави жарликнинг ичига марҳумни дафн этайлик.

Эдилбой Дароз Эдигей кўрсатган жойга қаради.

— Жумағали, тракторинг ўтадимми? — деб сўради у шеригидан.

— Бемалол, нега ўтмайди? Ҳов анави чеккадан...

— Тўхта! Анави чеккадан эмиш! Аввал мендан сўра! — дея гапга суқилди Собитжон.

— Сўраялмиз-ку, — деб жавоб қилди Жумағали. — Эдигейнинг гапларини эшитдингми?! Яна нима керак сенга?

— Йиғиштир ҳазил-мазахингни! Яна ҳақорат қиялсанми?! Бўлди! Кетдик разъездга!

— Марҳумни мазордан уйга қайтиб олиб бораман дейишининг ўзи ҳақорат-ку! — деди Жумағали. — Яхшилаб ўйлаб кўр!

Ҳамма жим қолди.

— Майли, билганингиздан қолманг, — дея луқма ташлади Жумағали, — мен қабрни кавлайвераман. Чукүрроқ кавлайман. Ҳали вақт бор. Сал қоронғи тушса, ҳеч кимнинг қўли бормай қолади бунақа ишга. Сизлар ўтираверинглар.

Жумағали шундай деб «Белорусь» экскаватори томон юрди. Уни бирпасда ўт олдириб, йўл четига бурди-да, тепаликдан ўтиб, Малақумдичоп жарининг ичига туша бошлади. Эдилбой Дароз унинг кетидан юрди, Эдигей Бўрон ҳам Қоранорини ўша ёққа ҳайдади.

Пиёниста куёв тракторчи Қалибекка:

— У ёққа бормаيمان, — деди жарликка ишора қилиб, — ўзимни тракторининг тагига ташлайман. Ўзимни аяб ўтирмайман! — Шундай деб тракторчининг тўғрисида туриб олди. — Хўш, қаёққа юрай? — деб сўради Қалибек Собитжондан.

— Ҳаммаёққа лўттивозлар йиғилган! — деб қаттиқ сўкинди Собитжон. — Нега ўтирибсан, юргизмайсанми тракторингни! Юр анавиларнинг кетидан!

Осмонда учиб юрган калхат энди одамлар жарликда уймалашаётганини кузата бошлади. Машиналардан бири ерни қазиб олиб, ёнига уюм-уюм қилиб қўярди-да (юмронқозик ўз уяси ёнида шундай уюм ясади), ўзи силтаниб-силтаниб кетарди. Бу орада прицеппи трактор ҳам шу ёққа келди. Унинг устида бир одам ёлғиз ўтирибди, шу одамнинг ёнида, тележканинг ўртасида оқ матога ўралган ғалати бир нарса турибди, у қимир этмайди. Малла ит одамларнинг оёғи остида ўралашиб юрарди-ю, лекин туянинг олдида кетмай унинг ёнига ётарди.

Калхат бу одамларнинг ҳали-вери кетмасликларини пайқайди. У осмонда бир зум суялқаб туриб кучанди-да, думи остидан оқ-яшил тусдаги бир суюқликни ит ётган томонга «Мана, сенга!» дегандек тизиллатиб отди — гуё сопқондан ўқ отилган-

дек бўлди. Эдигей Бўроннинг ёнига осмондан бир нима тушди: қараса, куш ахлати экан. Қаердан? Эдигей уни енгидан сидириб ташлаб бошини кўтарди: «Э, бу ўша оқ думли калхат-ку! Нуқул тепамизда айлангани-айланган-а! Яхшиликками, ёмонликками-кан? Мазза қилиб учиб юрибди. Ҳавода чайқалиб учинини қаранг?!» Шу пайт Эдилбой Дарознинг қабр тубидан овози келиб, Эдигейнинг хаёли бўлинди:

— Эдигей, қара-чи, бўлдимми ё яна кавлайми?

Эдигей қовоғини солиб қабр қирғоғидан пастга қаради. — Анави бурчакка ўтиб тур-чи, — деди у Эдилбой Дарозга. — Сен эса, Қалибек, ҳозирча бу ёққа чиқиб тур. Раҳмат... Ҳа, ана энди расмана қабр бўлибди. Эдилбой, лаҳадни бир оз кенгроқ олиш керак, ҳа, кенгроқ бўлаверсин...

Эдигей Бўрон шу ишларни буюриб, сув тўлатилган кичкина канистрини олди-да, экскаваторнинг орқасига ўтиб, таҳорат қилдию кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди: Казангапни Она Байитга қўйишолмади, лекин шармандаликдан қутулишди, ҳарҳолда, марҳумни уйга қайтариб олиб кетишмади-ку! Агар Эдигей икки оёғини бир этikka тиқиб туриб олмаганида шундоқ қилишмоқчийди, шекилли. Энди вақтни тежаш керак, токи қоронғилик тушмасдан Бўронлига етиб олсинлар. Уйда кутиб ўтиришгандир, кеч қолишса, албатта хавотир олишади. Ахир, соат олтига қолмай қайтиб келамиз, деб айтиб келишган, унгача маъракага ҳозирлик кўриб қўйишади. Ҳозир соат тўрт ярим бўлган эди. Марҳумни дафн қилиш керак, кейин анча йўл юрилади ҳали. Тез юрсалар икки соатлик йўл. Аммо, шошқалоқлик қилиш, маросимни ўлда-жўлда адо этиш ҳам ярамайди. Нари борса, хуфтонда маъракага етиб боришади. Бошқа иложи ҳам йўқ-да!

Эдигей таҳорат олиб бўлганидан кейин ўзини сўнги расм-русумларни бажаришга вакил этилган бир кишидек ҳис қилди. Канистр қопқоғини ёпиб қўйди-да, соқол-мўйловини силаб экскаватор орқасидан чиқиб келди.

— Марҳум Казангапнинг зурёди Собитжон, сен чап тарафимда тур, сиз тўртвингиз жасадини қабрнинг четига қўйиб, марҳумнинг бошини кунботар томонга қаратиб ётқизинглар, — деди у бир оз тантанавор оҳангда. Айтилган ишлар қилинган: — Энди ҳаммангиз муқаддас Каъба томон юзингизни буригиз. Дуога қўл очиб, оллоҳни дилингизга юзингиз, токи у энгиз ниятларингиздан воқиф бўлсин! — деди.

Қизиқ, Эдигей ўзини мазах қилишганини, пўнғиллаб қўйишганини пайқамади. У мамнун эди, негаки, «Эй, чол, бошимизни оғритма, нима, мулламининг, яхшиси, марҳумни кўмайлик-да, тезроқ уйга жилайлик», дейишлари ҳам мумкин эди-да. Унинг устига, Эдигей жанозани тик турганча ўқишга жазм этди: билимдон одамлардан эшитган эдикки, араб мамлакатларида жаноза тик туриб ўқилар экан. Шундайми ёки бунинг аксими, ҳарҳолда, Эдигей арши аълога яқинроқ бўлишни истар эди.

Жанозани аввал ўнг томонга, сўнг сўл томонига салом беришдан бошлади. Кейин ерга ва арши аълога, кун билан тун алмашиниши қанчалик муқаррар бўлса, интиҳо ҳам шунчалик муқаррар бўлган бебақо оламни яратганга эгилиб таъзим қилишдан олдин Эдигей Бўроннинг кўзи яна ўша оқ думли калхатга тушди. Аммо, калхат унинг кайфиятини бузмади, аксинча, хаёлини жамлаб олишига кўмак берди.

Қабрнинг шундоқ оғзида оқ наматга ўралган марҳум Казангап ётарди. Ҳаммага ва ҳар бир кишига, барча замонларга қарата айтилган оятларни, ҳаммага, ҳар бир кишига, у ким бўлишидан ва қайси замонда яшашидан қатъи назар, муқаррар равишда тегишли ўша сўзларни, ҳаётнинг ана шу умумий формуласини тиловат қилар экан, Эдигей Бўрон уларни ўз фикрлари билан тўлдиришга уринарди. Ахир, одамзод дунёга бекорга келиб-кетмайди-ку!

Эдигей Бўрон орденлар тақилган пинжагини бир четга қўйиб, қабрга тушди. Эдилбой Дароз унга ёрдамлашди. Собитжон марҳумнинг ўғли эмасми, бир четда бошини эгиб турди, Қалибек, Жумағали ва пиёниста кувё — учови наматга ўралган жасадини қабрга туширдилар, Эдигей билан Эдилбой Дароз уни қабул қилиб олди.

«Мана, видолашадиган пайт ҳам келди, — деб ўйлади Эдигей Бўрон Казангапнинг жасадини абадулабад ётадиган лаҳадга қўйиб. — Кечир, сени ўз вақтида ерга қўёлмадик. Уззукун ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа олиб бориб, роса сарсон қилдик. Узи шунақа бўлиб қолди-да, начора! Сени Она Байитга қўёлмадик, аммо бу бизнинг айбимиз эмас. Уйламаки, Эдигей бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди, деб. Йўқ, қаерга бориш керак

бўлса, ҳаммасига бораман. Танамда жоним бор экан, индамай кетмайман. Шунақанги гапларни топиб гапирайки! Лекин сен қабрингда тинггина ётавер. Олам белоён бўлса ҳам сенга шу ўн бир қарич ер насиб бўлган экан. Ҳадемай мен ҳам ёнингга келаман, Казангап. Бир оз кутиб ётасан-да энди. Кўнглинг тўқ бўлсин. Бирор қор-қол бўлмаса, ўз ажалим билан ўлсам, мен ҳам шу ерга келаман, бирга ётамыз. Биз ҳам бориб-бориб Сариўзақ тупроғига айланамиз. У ёғи бизга қоронғи. Бунақа ишларни тириклигингда ўйлайсан. Шунинг учун бу гаплар сенга эмас, кўпроқ менга тегишли. Ахир, куни кеча Казангап эдинг, бугун эса — йўқсан. Борлиқдан йўқликка айланиш ҳаммамизнинг бошимизда бор гап. Аммо, поездлар аввалгидек дашту саҳролардан елиб ўтаверади, бизнинг ўрнимизга бошқалар келади...»

Шунда кекса Эдигей чидаб туролмай хўнграб юборди: Бўронли разъездеда бирга кечирган бутун умрлари, кулфату роҳатлари шу бир-икки оғиз алвидо сўзларига, жасад лаҳадга қўйилаётган шу бир-икки соняга жам бўлган эди. Одамзодга нақадар кўп ва нақадар оз неъмат берилган!

— Эдилбой, эшитяпсанми? — деди Эдигей торгина қабрда елкаси елкасига тегиб турган Эдилбой Дарозга қараб. — Мени ҳам шу жойга кўмасан, ёнгинасида ётай. Ҳозир биз қилаётган ишни ўшанда ҳам худди шундоқ қилиб ўз қўлинг билан бажарасан, хўпми? Мен ҳам шунақа бемалол ётай... Ваъда берасан-а?

— Қўй бу гапларни, Эдике, кейин гаплашамиз. Ҳозир эса ёруғ жаҳонга чиқавер. Бу ёғини ўзимга қўйиб бер. Узингни бос, Эдике, чиқавер, ҳа... Қийнама ўзингни...

Эдигей Бўрон кўзёшдан намиққан юзига тупроқ суркаб, қабрдан чиқди, унга қўл узатишди. У аллақандай мискин сўзларни пичирлаб, юқорига кўтарилди.

Чол юз-қўлини ювиб олсин, деб Қалибек канистрда сув олиб келди.

Кейин бир ҳовучдан тупроқ сочиб, шамолга тескари томонда туриб қабрни кўма бошлашди. Аввал белкураклар билан тупроқ ташлашди, сўнг Жумағали рулга ўтириб, бульдозер билан уюмларни пастга суриб туширди. Кейин қабр устини белкураклар билан шиббалашди...

Оқ думли калхат эса ҳамон тепада парвоз этиб, пастдаги чанг-тўзонни, Малақумдичоп жарлигида ғалати-ғалати ишлар қилаётган бир тўп одамларни кузатарди. Уранинг ўрнида бир тепалик бино бўлгач, одамлар янада жонланиб кетишганини кўрди. Прицеп остидан ташқарига чиққан малла ит ҳам энди одамлар атрофида ўралашиб юрарди. Ҳа, сен итга нима бор бу ерда? Фақат устига шокиладор жул ташлаб қўйилган қари туягина кавшанганча бепарвогина ётарди...

Мана, одамлар кетишаётганга ўхшайди. Улардан бири, туянинг эгаси, қўлларини очди, бошқалар ҳам шундай қилишди...

Вақт зиқ эди. Эдигей Бўрон ҳаммага бир-бир разм солиб:

— Мана, энди вассалом! Казангап қандай одам эди? — деди.

— Яхши одам эди, — дейишди улар.

— Қарз ҳаволаси бормиди бировдан? Мана, ўғли шу ерда, отасининг қарзини бўйнига олсин.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда Қалибек ҳаммининг номидан:

— Йўқ, ҳеч кимдан қарзи йўқ эди унинг, — деди.

— Хўш, сен нима дейсан Казангапнинг ўғли Собитжон?

— Ҳаммаларингга раҳмат, — дея қисқа қилиб қўяқолди Собитжон.

— Ундай бўлса, кетдик! — деди Жумағали.

— Ҳозир. Бир оғиз сўзим бор, — деб тўхтатди уни Эдигей Бўрон. — Ораларингизда ёши каттаси менман. Ҳаммангиздан ўтнини сўрайман; мени шу ерга, Казангапнинг ёнига қўйинглар. Эшитдингизми? Васиятим — шу.

— Эдике, кимнинг қачон ўлишини ҳеч ким билмайди, қолаверса, бунга ўйламаслик керак.

— Барибир, — деди Эдигей. — Гапириш — мендан, эшитиш — сизлардан. Шундай бўлиб қолса, васиятимни эсга олинглар.

— Яна нимани васият қиласан Эдике? Бирваракайига айтавер, — дея ҳазил қилди Эдилбой Дароз кайфиятни кўтариш учун.

— Сен кулма, — деди ранжиб Эдигей. — Мен рост гапир-япман.

— Эсимиздан чиқмайди васиятинг, Эдике, — деб уни

тинчлантинги Эдилбег Дароз. — Шундай бўлиб қолса, ҳаммасини айтганингдек бажо қиламиз. Ҳунглинг тўқ бўлсин.

— Мана бу — йигитнинг сўзи, — деб пичирлади Эдигей.

Тракторларни жарликдан олиб чиқиш учун орқага қараб буришди. Тракторлар қиялаб пастга тушаркан, Қоранорни етаклаган Эдигей Собитжон билан ёнма-ён кетди. У ўзини хавотирга солган муаммо тўғрисида Собитжон билан ёлғиз сўзлашмоқчи эди.

— Собитжон, мана энди қўлимиз бўшади, сенга бир гапим бор... Хўш, Она Байит қабристонимиз нима бўлади? — дея сўради у.

— Нима бўларди?.. Бош қотириб ўтираммизми шунга ҳам! — деб жавоб қилди Собитжон. — Лойиҳа деб қўйибдилар, ҳеч ким уни бузолмайди. Мозорни лойиҳа бўйича бузишади, вассалом!

— Уни сўраётганим йўқ сендан. Бунақада ҳар қандай ишга қўл силтаб қўя қолиш мумкин. Мана, сен шу ерда туғилиб ўсгансан. Сени отанг ўқитиб одам қилди. Ҳозиргина уни ерга қўйдик. Ёлғиз бир ўзини бийдек далага ташлаб кетяпмиз. Барибир бу ер ҳам ўз еримиз-ку, деб ўзимизни овутамиз. Сен билимдон одамсан, областда ишлайсан, хоҳлаган одам билан бемалол гаплашаверасан, ҳар хил китобларни ўқигансан...

— Хўш, нима бўпти? — деб унинг сўзини бўлди Собитжон.

— Шу... тегишли одамлар билан гаплашишда менга ёрдам берсанг дедим, фурсат ғаниматида ишни пайсалга солмай эртагаёқ бошлиқ ҳузурига борсак. Ахир, бу шаҳарчининг бирорта улуги бордир? Она Байитни ер билан яқсон қилишларига йўл қўймаймиз. Турган-битгани тарих-ку унинг!

— Эдигей, тушунсанг-чи, булар бари чўпчак, холос. Энди бу жойларда оламшумул космик масалалар ҳал этилаётган бир пайтда биз аллақандай бир мазорни бузманлар, деб ариза кўтариб борамизми? Кимга кераги бор? Бунақа нарсалар кўзга кўринмайди. Барибир бизни у ёққа киритишмаса керак.

— Бормасак, киритишмайди-да! Талаб қилсак, киритишади. Киритишмаса-да, бошлиқнинг ўзи келиб учрашиши мумкин. У жойидан қўзғолмайдиган тоғ эмас-ку!

Собитжон кўзларини чаққайтириб Эдигейга қараб қўйди.

— Э чол, қўйсанг-чи шу бўлмағур гапларни... Мендан умид қилмай қўяқол. Кераги йўқ.

— Шундай демасанми, гапни қисқа қилиб қўяқолмайманми? Чўпчак дединг-а!

— Сен нима деб ўйловдинг? Нима, олдинга тушиб кетаверайми? Хўш? Мени оилам, бола-чақам бор, ишим бор. Шамолга қараб чоптиришим керакми? Бу ердан идорамга қўнғироқ қилишса — бас, кетимга тепишади! Раҳмат сизга!

— Раҳматинг ўзингга буюрсин, — деди Эдигей Бўрон, сўнг жаҳл билан: — Кетимга тепишади эмиш! Демак, сен фақат кетинг учун яшар экансан-да, — деди.

— Бўлмасам-чи! Худди шундоқ! Кимга осон, сенга осон. Сен кимсан ўзи?.. Ҳеч ким! Биз эса кетимиз учун яшаймиз, оғзимиз шакарга тўлсин деб...

— Топдинг, топдинг! Авваллари бошни аяшарди, ҳозир кетни аяшар экан-да!

— Нима деб ўйласанг ўйлайвер. Лекин ҳаммани аҳмоқ деб ўйлама!

— Бўпти, гап тамом! — деб қисқа қилди Эдигей. — Маърақани ўтказ-да, жўнайвер. Энди бошқа кўришмасак, сатқан сар!

— Омон бўлсак кўрамиз! — дея лабини буриштирди Собитжон.

Шу гапдан кейин ажралиб кетишди.

Тракторчилар Эдигей Бўрон туяга мингунича моторни юргизиб, кутиб туришди. Шунда у дарров: «Йўлда тўхтамай, иложи борича тезроқ бораверинглар, одамлар кутиб ўтиришибди. Туяга минган одамнинг йўли мўл бўлади, ўзим кетавераман», деб тайинлади.

Тракторчилар жўнаб кетишгач, Эдигей энди нима қилсам экан, деб бир зум ўйланиб қолди.

Ҳозир у содиқ ити Йўлбарсни ҳисобламаганда бу саҳрода ёлғиз ўзи қолган эди. Йўлбарс аввал тракторлар кетидан югурди, эгаси улар билан бирга бормаётганини кўриб, изига қайтди. Эдигейнинг ит билан иши бўлмай қолган эди: ити уйга кетиб қолганда ҳам сезмаган бўларди. Хаёли бошқа ёқда: Собитжон билан гаплашганидан сўнг дили шунчалик вайрон бўлиб, шунчалик эзилб кетдики, дардига ҳеч нарса малҳам бўлолмай қолди. Унга сира тинчлик бермай қўйган бу оғриқдан гўё бир бўшлиқ пайдо бўлганки, у ўқ тешиб ўтган тана каби, музлик ва зулмат қоплаган ўпқон сингари шундоқ кўриниб

турибди. «Нега ўша гапни бошладим? Нега гапимни елга бердим?» деб нуқул ўз-ўзини койирди Эдигей. Ахир Собитжон шунақа одамидики, ундан маслаҳат, мадад сўрасанг! Савадхон, билимдон одам, ўзига ўхшаганлар билан бемалол тил топиша олади деб ўйлабди-да! Ҳар хил курслару инсти-туларда ўқиган бўлса нима қипти? Балки ҳозир у қандай одамга айланиб қолган бўлса, худди шундай одам бўлиб етишсин деб ўқитишгандир уни? Эҳтимол, шайтон сингари бир мавжудот бўлса керакки, у Собитжонни бошқа бир одамга эмас, ҳозирги Собитжонга айлантириш учун роса зўр бергандир? Ахир, Собитжоннинг ўзи кун кеча радио орқали бошқариб туриладиган одамлар тўғрисида роса оғиз кўпиртириб гапирмаган эдими? Шунақа замонлар ҳам келармиш ҳали! Гапни қаранг! Кўзга кўринмас ўша қудратли бир куч Собитжоннинг ўзини радио орқали идора этиб турган бўлса-чи?.. Эдигей чол бу ҳақда ўйлаган сари дарди ортаверди, боши берк кўчага кириб бораверди.

— Манқурт у! Ҳа, худди манқуртнинг ўзи у! — деб шивирлади у Собитжон ҳақида ҳам нафрат, ҳам ачиниш билан.

Эдигей Бўрон хаёлга чўмиб, Қоранорида чайқалиб бораркан, ён-верига қараб қўйди. Атрофда жимжит саҳро ястаниб ётибди. Қуёшнинг охири нурлари Малакумдичопнинг қизил қум босган жарликларига шуъла сочмоқда. Тракторлар аллақачон кўздан ғойиб бўлган, тириллаган овоз ҳам эшитилмас эди. Ешлар кетиб қолишди. Сарийўзақ афсоналарини яхши билган ва хотирасида сақлаб қолган кишиларнинг энг сўнгиси — Казангап энди жарлик тубида, ёлғиз бир қабр остида, бепоён чўлнинг ўртасида ётибди. Бора-бора бу қабр ҳам чўкиб-текисланиб, Сарийўзақнинг ёвшан гуллари билан қўшилиб кетади, ўшанда бу ерда қабр борми, йўқми ҳеч ким билимайди, деб ўйларди Эдигей... Ҳа, ернинг умри ҳамманикидан узун, ҳамманинг борадиган жойи ҳам ер.

Кун охирида қолган, қуёш тобора катталашиб, мислсиз юк остида эзилиб, уфққа бош қўймоқда. Ботаётган хуршиди жаҳоннинг ёғдуси минут сайин товланади, шафақнинг энг тубида билинар-биринмас зулмат туғилади, олтин ранг нурлар мунаввар қилиб турган кенгликлар қўқ тусга кириб боради.

Эдигей Бўрон бояги ишни обдан ўйлаб, зонага кираверишдаги ўша симли тўсиқ томонга яна боришга қарор қилди. Бошқа йўл тополмади. Дафн маросими ўтди, қўли бўшади энди, шу боис табиат ва тажриба ато этган куч-ғайрати етгунча, таваккал қилиб, ўзи лозим кўрган ишни қилаверади. Шундай қилсинки, аввал қоровуллик хизмати ходимлари, майли, қўриқчининг кузатувида бўлса ҳам, уни катта бошлиқнинг ҳузурига бошлаб боришга мажбур бўлсинлар ва агар лозим бўлса, ўша бошлиқни симтўсиқ ёнига келишга, Эдигей Бўроннинг арзини эшитишга мажбур этсинлар, ана ўшанда у ҳамма гапни бир-бир тўкиб солган бўларди...

Эдигей Бўрон шу фикрларни роса миёсида пиштиб олгач, ўзига ўзи дарҳол ҳаракат қилишга сўз берди. Казангапни дафн этиш билан боғлиқ бояги аянчи воқеа туртки бўлади. У симтўсиқ олдида қаттиқ туриб, ишни руҳсатнома сўраш ёки бошлиқ билан учрашишни талаб қилишдан бошлашга, қандайдир Тансиқбоев эмас, балки энг катта бошлиқ арзимни эшитмагунича айтганимдан қолмайман деб қоровулларга тушунтиришга қатъий қарор қилди...

Шуларни ўйлаб, руҳан дадиллашди у.

— Таваккал! Итнинг эгаси бўлса, бўрининг худоси бор-ку! — деб ўз-ўзига таскин берди у ва симтўсиқ томон ишонч билан йўл солиб, Қоранорга бир қамчи урди. У зонага яқинлашиб қолганида ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Симтўсиққача ярим километр қолганда пастдаги чироқлар аниқ кўзга ташлана бошлади. Қўриқчи турган жойга етиб бормай туриб Эдигей туядан тушди. Бунақа ишларда туянинг ҳожати йўқ. Ортиқча ташвиш бўлади, холос. Бошлиқнинг қанақаси учрайди, ким билади?! Гаплашишни ҳам эп кўрмай: «Туя-пуянг билан жўна бу ердан!» Қардан келдинг ўзинг? Қабул қилмайман сени, вассалом!», дейиши ҳам мумкин-да! Эдигей ўйлаган ишининг оқибати нима бўлишини, натижасини қанча кутшини ўзи ҳам билмасди. Шу боисдан у ерга ёлғиз ўзи боргани маъқул, Қоранорини эса тушовлаб чўлда қолдириб кетади, гап тамом! Уз ҳолича ўтлайверсин.

— Сен шу жойда ҳозирча кутиб тур, мен эса бир омадимни синаб кўрай! — деб ғудранди у Қоранорга қараб. Аммо бу сўзлар билан кўпроқ ўзини руҳлантормоқчи эди. Ҳарқалай, туяни чўқтиришга тўғри келди, чунки хуржундан тушовни олиб, уни аввал сошлаш лозим.

Эдигей қоронғида тушов билан овора экан, чор атрофга шундай бир сукунат чўмган эдики, ҳатто ўзининг нафас олишинию ҳавода учиб юрган аллақандай ҳашаротларнинг чириллашини, ғувуллашини ҳам эшитарди. Тип-тиниқ осмонда юз очган минг-минглаб юлдузлар жилोलаниб турарди. Ғўё бирор нарса ни кутаётгандек, еру осмон жимжит эди... Сариўзакдаги сукунатга кўникиб қолган Йўлбарс, ҳатто шу ит ҳам сергак тортиб, негадир ғингиб қўярди.

— Сен бормидинг ўралашмаган! — деди жаҳл билан Эдигей. Кейин ўйлаб қолди: итни нима қилсайкин? У туянинг тушовини қўлида ўйнаб, итни қаёққа ҳайдасам экан деб бир оз вақт ўй суриб қолди. Ит ундан нари кетмайди, буниси аён. Қувсанг ҳам кетмайди. Ит билан борсанг яна ярашмайди: юзингга айтмасалар ҳам ҳарҳолда маза ҳаққилиши; чол ҳаққини талаб қилгани келибди-ю, итдан бўлак ҳамроҳ тополмабди-да, дейишади. Яхшиси, итсиз боргани маъқул. Эдигей итни туянинг жабдуғига узун арқон билан бўйнидан боғлаб қўймоқчи бўлди ва: «Йўлбарс! Йўлбарс!», деб чақирди. Худди шу пайт осмонда нимадир портлади: ғўё вулқон отилдию унинг гумбур-гумбур товуши тобора кучайиб, ер жойидан қўзғолгандек туюлди. Шундоқ ёнгинасида, қўл узатса етгудек жойда кўзни қамаштирувчи ланга устун шаклида осмонга отилиб чиқди. Эдигей Бўрон ваҳимага тушиб, ўзини бир четга отди, туя қичқирганча ўрнидан сакраб туриб кетди, ит даҳшат ичра оёқ остига ўзини ташлади.

Бу — «Ҳалқа» транскосмик тўсиқ операциясининг бошланиши бўлиб, космосга учирилган биринчи жанговар робот-ракета эди. Сариўзакда соат роппа-роса саккиз. Биринчи ракетадан кейин иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси... кетма-кет осмонга отилди. Ракеталар Ер шари атрофида доимо ҳаракатда бўладиган чегара ҳосил қилиш учун мўлжалланган эди.

Қайнаб-тошиб турган паға-паға аланга ва тутун ичида ғўё фалак тешилиб, ағдарилиб тушаётгандек эди. Одам, туя ва ит, мана шу энг оддий мавжудотлар ақлдан озгудек бўлиб, олдинга қараб жонҳолатда югуришар, даҳшат ичра бир-бирларидан ажралиб қолишдан қўрқиб, биргаликда чопқиллашар, ўт-олов шуълалари аёвсиз равишда ёритиб турган саҳрода елиб борар эдилар.

Улар: одам, туя ва ит орқаларига қарамай қочишаркан, кўкқисдан ён тарафларида, Эдигейнинг нақ кўзи олдида оппоқ бир қуш пайдо бўлди: бу — ўша, бир вақтлар ўз фарзанди — Манқуртнинг ўқи кўксини тешиб ўтган Найман она эгардан осилиб тушаётган пайтда унинг оқ рўмолидан пайдо бўлган оққуш эди. У ўша гумбур-гумбур ичида:

— Сен кимнинг фарзандисан? Сени номинг нима? Номингни бир эслаб кўр!.. Отангинг оти Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой... — деб қичқиради эди.

Тобора қуюқлашиб бораётган зулмат кўйнидан оппоқ қушнинг овози узоқ вақтгача эшитилиб турди...

Орадан бир неча кун ўтиб, Қизил Урдадан Эдигей Бўроннинг иккала қизи: Саула билан Шарофат эрлари ва болалари билан етиб келишиди. Улар Сариўзак оқсоқоли Казангапнинг вафот этгани тўғрисидаги телеграммани олган эдилар. Казангапни эсга олиш, таъзия билдириш, яна шу баҳонада ота-оналариникида бир-икки кун меҳмон бўлиш учун келган эдилар. Ахир, ёмонлик бор жойда яхшилиқ ҳам бўлади-да!

Улар бир тўп бўлиб поезддан тушиб, Эдигейнинг остонасида пайдо бўлишганда оталари уйда йўқ эди. Уккубола югуриб уларга пешвоз чиқди-да кўзёши қилиб, болаларни кучоқлаб, ўпиб тинмай уларни алқади:

— Марҳаматингдан айланайин, худойим! Кўп яхши бўпти-да келганларингиз! Ҳаммангиз бирга келибсиз-а, бирам яхши-ей! Отангиз роса хурсанд бўлади-да!

— Уэлари қанилар? — деб сўради Шарофат.

— Кечқурун келади. Эрталаб почтага — бошлиғининг олди-га кетган. У ерда қандайдир иши бор экан. Кейин айтиб бераман. Вой, нега остонада турибсизлар. Ахир ўз уйингиз-ку, болаларим, кираверинглар!..

Бу ўлкаларда поездлар серкатнов — машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади...

Бу ўлкалардаги темир изларнинг икки тарафида пой-поёнсиз улкан Сариўзак даштлари — қовжирок саҳронинг ўзак ерлари ястанган...

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,  
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз  
Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,  
Мен арча даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориг юзимдин эл танафурда,  
Ба ҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни кутқордим.

Не толиёдур мангаким ахтари бахтим топилмайдур,  
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим,

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ёмон-яхшидин ўткардим.

## Вильям Шекспир

### Сонет

Алвидо! Ҳурматим чексиздир сенга,  
Азиз меҳринг қолур қалбимда ёдгор.  
Балким, арзимадим муҳаббатингга,  
Унинг қадрига тенг менда нима бор?

Начора, маҳбубим, айтганлар-ку чин:  
Заҳматсиз севгида йўқ деб хосият.  
Юрагимда менинг на ғубор, на кин,  
Вужудимни ўртар на бир шум ният.

Ишқ отли бир жаҳон ганжинанг учун,  
Мен-ку сенга фидо этолмадим жон.  
О, ишқида фароғат топмадим нечун,  
Висол шодликлари ўтди тушимон,

Туш менга шоҳликни этди армуғон,  
Тахтдан жудо бўлдим уйғонганим он.







ўлкасигача, бу ёғи Оврупа тарафларгача етди. Яқин-йироқ юртлардан ташриф буюрадиган элчилар, карвонлар хонликни четлаб ўтиб тўғридан-тўғри Кент сари йўл оладиган, савдо-сотиқ юзасидан бевосита Юнусхон билан кенгашадиган бўлишди. Хонлик ҳам Кент ҳокимлиги билан ўйлашиб муомала юритаётир, аксари ҳолларда уни ўз эркига қўяётир. Шунга қарамай Юнусхон ҳокимияти шон-шухратини ўзга юртлар, қўшни музофотлар ҳисобига оширишни у дунёо бу дунё хаёлига келтирмади. Бироқ...

— Хон сарбозлари чўлу биёбондаги кўчманчилар билан овора. Темирни қизиғида босайлик десангиз... — Ражаббектўра Султонхон билан кўз уриштириб олди-да, гапини ниҳоясига етказди. — Шу кунлар айна мавриди!..

Ўғли Султонхонни Ражаббектўра йўлдан урдими ёинки аксинча бўлди — Юнусхон бунинг тағига етолмади. Улар-ку, бир-бирини йўлдан оздирса-оздир-гандир, лекин ўзи-чи? Ўзи қандай шайтон ҳийласига учиб ўтирибди?!.

Уч кун илгари ҳузурига тўнғичи — Султонхон кирди. Савдо-сотиқ, туриш-турмушдан сўз очди. Кейин гапни хонликка бурди. Айтишича, хон яқин атрофдаги кўчманчи элни ўзига бўйсундириб олишга киришибди. Юнусхон унга эътибор қилмади.

— Сўнг навбат сиз билан бизга келади, — деди Султонхон отасига тик боқиб.

— Биз хонлик тасарруфидамиз-ку, — деди Юнусхон кулиб. — Хавотириг ноўрин, ўғлим.

— Тасарруфида бўлсак-да, бу қабилдаги гуркираб юксалишимиз аъло ҳазратларининг тинчини ўғирлаган бўлса ажабмас...

— Хўш, нима қилайлик дейсан, Султон, тахтни бўшатиб қўяйми?..

— Пайт пойлаб, Ўрдани қўлга олмоғимиз керак!

Шу пайтгача бўшашиб ўтирган Юнусхон бу гапни эшитгач, бир сапчиб тушди. Сапчиб тушдию... хаёлига ғаламис фикрлар оралади. Қўл остидаги ҳокимият қудратини чамалади, халқининг садоқатию тотувлигини ўйлаб, ғурурланди. Афтидан, аъло ҳазратлари ҳам шундан бохабар, бинобарин, у Кент ҳокимлигидан ҳайиқади... Бу ёқда беш нафар ўғли вояга етяпти, ҳар бири бутун бошли музофотга ҳокимлик қилгудек... Башарти, аъло ҳазрат Султонхон хавотирлангандек иш тутса!..

Юнусхон ишонган маслаҳатгўйлари бўлмиш бош саркарда — Бобохонтўра, даҳа ҳокимлари — Рустамхонтўра ва Ражаббектўрани кенгашга чақирди. Ҳузурига кирганлар орасида Бобохонтўра кўринмади.

— У киши кеча буюрган юмушларингиз юзасидан шаҳарга чиққан кўринадилар, — деди Ражаббектўра ва зимдан Рустамхонтўрага кўз қисиб қўйди. Сўнг фавқуллодда муҳим гапни айтаётгандек овозини пасайтириб, деди: — Ҳар не маслаҳат бўлса, Рустамхон биродаримиз кўмаклариде битирурмиз.

Рустамхонтўра эса, одатан, айна кенгашталаб дамларда паққос сукут сақлар, ўз мулоҳазасини айтиш зарурати туғилса-да, ҳоким ҳазратларининг оғзини пойлар эди.

Кенгаш узоқ чўзилди. Юнусхон муддаони маслаҳат тариқасида ўртага ташлар-ташламас Ражаббектўра уни маъқуллашга тушди. Ҳатто тез кунларда Кент ҳокими шаъни-шавкати кўкларга кўтарилишини башорат қилди. Рустамхонтўра эса муҳораба ҳусусидаги гапларни тинглаб, чуқур ўйга толди-да, кесакдан учқун чиққандек тўсатдан эътироз билдирди:

— Муҳорабага доҳил тадбирни Бобохонтўрамнинг

иштирокисиз ҳал этиш менга шошқалоқлик бўлиб туюляпти.

Юнусхоннинг рафтори дув қизариб, зумда аслига қайтди. Хуфия кенгашга Султонхонни чақиртирди. Султонхон барча гапдан хабардордек Ражаббектўрани қўллаб-қувватлади, кўзларидан ўт чақнаб айна кунларда хон ўрдасини бир ҳамлада ишғол қилиш чораларини саржиндек тахлаб ташлади.

Кенгаш мавзуси бошқа ҳар қандай масалада бўлганида Юнусхон Рустамхонтўранинг сўзига қулоқ осган, Бобохонтўранинг иштирокисиз қатъий хулосага келмаган бўлур эди. Аммо шу сафар... Рустамхонтўранинг озиб-ёзиб кенгаш чоғида билдирган эътирози Юнусхоннинг ҳамиятига теғди. У энг қалтис паллада ҳам Бобохонтўранинг маслаҳатисиз иш юрита олишини кўрсатиб қўйиш мақсадида кенгашга яқун ясади: «Кўшинлар жанговор ҳолатга келтирилсин!»

Уч кеча-кундуздан бери Бобохонтўранинг етти ухлаб тушига кирмаган ҳодисалар юз беряпти. У беҳад таажжубда: фармони олийга бўйсуниб лашкарни шай ҳолатга келтирди. Бош саркардани хабарсиз қўйиб муҳораба сари йўл тутиш, устига-устак Юнусхондек оқил одамнинг хон ўрдасига кўз тикиши уни ортиқ даражада ажаблантираётган, бу иш унга шер панжасига панжа уришга чоғланган мушукнинг қилиғини эслатаётган эди. Бобохонтўра сўнгги имкониятдан фойдаланиш — юриш бошлаш арафасида бўладиган кенгашда ҳамшаҳарларини қалтис йўлдан қайтариш умидида эди. Ражаббектўра билан Султонхон эса...

Бобохонтўра Ражаббектўранинг: «Шу кунлар айна мавриди!», деганини эшитдию Султонхонни оғиз жуфтлашини кутмай кенгаш аҳлига савол ташлади:

— Қўшинларимиз Ўрдага етиб боргунча хон лашкарлари чўлу биёбондан қайтишга улгурмаслигига кафолат борми бизда?..

Савол кенгаш аҳлидан кўра кўпроқ Ражаббектўрага қаратилган эди. Бобохонтўра унинг изоҳига муҳтож эмаслигини намойиш этиш ва калтабинлигини фош қилиш мақсадида савол устига савол берди:

— Борингки, Ўрдани қўлга киритдик дейлик, кўчманчиларни енгиб, кучига куч қўшилиб қайтган Умар Али қўшини бизнинг бошимизга не кунларни солмасми?!.

Бобохонтўра бундан ортиқ далил беҳуда эканини фаҳмлади, у нажот кутиб Юнусхонга қаради. Ҳоким ҳазратлари синчков нигоҳини Ражаббектўрадан узмас эди. Буни сезиб, ич-ичидан рағбатланган Ражаббектўра афсуслангандек бош чайқади:

— Бундай мужмал сиёсат билан ҳеч бир саркарда зафар наҳидасини тотолмас керак...

— Суворийларимиз ҳамлага шай турган бир чоқда бундай мулоҳазаларга бориш... мени авф этинглар-у...

Султонхон шу чапанилиги билан падари бузрукворининг кўзига енгилмас баҳодирдек кўриниб кетди. Қони гупириб қаддини ростлади, унинг назарида, бу яқин-атрофда Кент ҳокимиятига бас келадиган куч йўқ эди...

Кенгаш аҳли ўринларидан туриб улгурмай Юнусхон ниманидир эсладию тўсатдан қовоғи уюлди. У, калта қилиб текисланган мошғуруч соқолини тутамлаб этигининг қайрилма учига тикилди, маслаҳатгўйлари турган жойларида михланиб, ундан садо чиқишини кутишди.

Юнусхон бир-бир қадам ташлаб Ражаббектўрага яқинлашди, юзини юзига суртгудек туриб унинг кўзларига тикилди; Ражаббектўра ҳоким ҳазратларининг муддаосини англолмай таҳликага тушди, сир бой бермасликка ҳарчанд уринмасин, қути учди... Юнусхон қайрилиб, Рустамхонтўрага юзланди, унинг кўзларидан

ўзи истаган маънони уқишга уринди. Ҳоким ҳазратлари билан бетма-бет келадиган даҳа ҳокимлари, йирик хунармандлар, савдогарлар Юнусхоннинг шу одатидан беҳад юрак олдириб қўйган эдилар.

Юнусхон Бобохонтўра рўпарасида тўхтамади, ундан ўтиб Султонхон билан кўз уриштирди. Ота-ўғил ўртасидаги нигоҳ тўқнашуви хийла чўзилди. Ниҳоят, Юнусхон кўзидаги шубҳани тилига кўчирди:

— Онамга сен айтдингми?

— Нимани, ота?..

— Ҳозирлик кўрилаётганини!..

— Ота..

— Ёки сен кирдингми, Ражаб?!

— Волидаи мукаррамамининг умрлари зиёда бўлин! Билло, кўриш ниятида эдим, табибингиз йўлатмадилар...

— У ҳолда кампирнинг хаста юрагига ғулгула солган ким?!

— Мен!..

Юнусхон кескин бурилиб ён томонга қаради. Ичкари хонага кириладиган якка қаватли нақшин эшик бўсағасида Пири Тархон турарди. Кенгаш иштирокчилари ҳам «ялт» этиб унга ўгирилишди, уларнинг назарида, Юнусхон шу важоҳатида Тархоннинг калласини сапчадек узиб ташлагудек эди.

— Се-ен?! — ўдағайлади Юнусхон.

— Ҳа, ме-ен! — деди Тархон тап-тақир бошини силаб.

Юнусхон ғазабини босолмай қичқириб юборди:

— Қани, бери кел-чи, таъвия!

— Кўнглингиз хон тахтини тусаб қолибди-ку, ботинолсангиз, ёнимга ўзингиз келинг, — деди Тархон пинагини бузмай.

Бообрў аъламлар гувоҳлигида отасининг калака бўлаётганига чидолмаган Султонхон шиддат билан Тархон томонга отилди.

— Тўхта!

Султонхон гезарган лабларини тишлаб отасига ўгирилди. Юнусхон, ҳаммангизга ижозат ишорасида қўлини кўтарди. У чиқиб кетаётганларнинг изига кўз тикиб турди-да, эшик ёпилгач, бошини кўтариб, Пири Тархонга қаради.

— Хўш, пирим, кўнглим хон тахтини тусганини қаёқдан била қолдинг?

— Совқотяпман, суякларим қақшаяпти, — деди Пири Тархон қўлларини кўксига қовуштириб.

— Тўн буюрайми?

Пири Тархон хахолаб кулди.

— Сен буюрадиган тўн баданимни иситолмайди, тўрам, — деди у ҳазин ва надоматли овозда. — Омила онам азобдалар, Омила онам...

— Учир!

Пири Тархон жим бўлди, у ўзига ўқрайган ҳоким ҳазратларининг оғиз очишини кутди. Сўнг Юнусхоннинг рафторидаги жамики салобатни писанд қилмайдиган бир салоҳият билан кулимсиради.

— Бир нарса дедингизми, тўрам?.. Мен дунёга келганда ер юзида сену аждодларинг тугул, кенту хонликларингдан ҳам асар йўқ эди. Эҳ-ҳе-е, мана бундай зарбоф тўн кийганларнинг озмунчасини кўр-



димми, тўрам... Мен эса оппоқ либосим — шу якак, шу иштонда...

Юнусхон ўрдани қўлга киритиш Тархонга боғлиқдек юмшади.

— Нима қилай, пирим, айт? Хонликдан кўнглим тинчиса, қайтиб қўлимга қурол тутмайман. Тахтни, давлатни ўғилларимга топшириб сенга йўлдош бўламан. Шундан ўзга чорам йўқ, Тархон.

— Онангни ризо қил!

— Волидамиз у дунёю бу дунё биздан ризолар!

— Омила онам ўтган тунда қайтиш қилдилар... — Пири Тархоннинг овози ниҳоятда совуқ ва шафқатсиз эшитилди. — Паймонаси тўлган банда ўлим тўшагида азоб чеккандан кўра омонатини топширгани маъқул. Ўлимга тик боқиш — донишлик, эл-юртидан кўнгли тўқ кетиш эса — саодатдир... У кишига бу мушкулот...

— Нималар деб вайсаяпсан, Тархон?..

— Юрт тинч — оналар тинч, юрт пароканда бўлса оналар гўрида тик туради, тўрам... Муҳораба бошланса, ота-оналар руҳи безовта бўлади...

Пири Тархон шундай деб якка тавақали эшикка ўгирилди. Юнусхон шошиб унга эргашди:

— Тўхта, Тархон, йўрифингга муҳтожман, тўхта!..

Ўртанча ўғли — Ҳамидхоннинг икки минг лашкари хонлик тасарруфидаги Қайтарматепа вилоятини ишғол қилган куни оқшом Юнусхоннинг ўзи ҳам у ерга етиб келди. Ражаббектўра билан Султонхон унга ҳамроҳ, уларнинг ҳар бири икки минг нафар суворийга бош эдилар.

Илк ғалаба нашидасидан маст бўлган кентликлар тўда-тўда бўлиб базму жамшидни бошлаб юборишган эди. Отасидан мақтов сўзлар эшитиш умидида қаддини фоз тутиб келган Ҳамидхон падари бузрукворини мажҳул бир кайфиятда кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Юнусхон зафар кучган ўғлини олқишлаш ўрнига унга танбеҳ берди:

— Тўйдан бурун ноғора қоқилаётган экан-да...

Ҳамидхон отасининг ҳузуридан чиқар-чиқмас шовкин-сурон тинди. Юнусхон дарча ёнига бориб, дарё ёқалаб чўзилиб кетган қишлоққа қаради. Қайтарматепа ўлат ургандек жимжит, ҳатто итлар ҳам акилламас, чигирткалар чирилламас... бу — ўғли Ҳамидхоннинг иши эди...

Юнусхон тўшакка омонат ёнбошлади. У йўл юриб толиққан бўлса-да, пинакка кетмаслик учун дам-бадам чордона қуриб ўтирар, сўнг яна ёнбошларди. Ташқарида от дупури эшитилиши билан сапчиб ўрнидан турди, қўшни хонага чиқиб, баланд овозда: «Кираверсин!», беда.

Чопар йигит қуллуқ қилиб салом берди, сўнг хушxabар келтирганини писанда қилгандек илжайди:

— Ҳоким ҳазратларига қувонч ила маълум қиламизки, волидаи муҳтарамамизнинг саломатликлари аъло. Омила онамиз кун ва соат сайин соғаймоқдалар.

Юнусхоннинг юзига табассум югурди. Чопар кетига тисланиб чиқаётиб, яна гап қотди:

— Табибнинг айтишича, волидамиз ўринларидан туриш истагини билдирганлар...

«...Инсон ҳаёти бунчалик кемтик бўлмаса... Ҳушингда қувонсанг, тушингда қайғу, тушингда севинсанг, ҳушингда алам... Қай бири тушу қай бири ҳуш? Гоҳо фарқига етолмайсан, киши...»

Юнусхон тонгга довуруқ ўн қайта ухлаб, ўн қайта уйғонди. Уйғонса ҳам, ухласа ҳам кўз ўнгидан Оқ хона кетмади. Бино теварагини эл қуршаган. Кўчалардан, хиёбонлардан эса ҳамон халойиқ оқиб келар, оқимнинг охири кўринмас, уларнинг муродини англолмаган

Юнусхон талвасага тушар, уйқу аралаш, сипоҳларини оёққа туришга, оломонни қувиб солишга ундар, уйқуси ўқди дегунча Оқ хона теварагида зичлашаётган халонинг шовқинини аниқ эшитар эди:

— Омила онамиз ҳаётми?

— Ҳаёт! Ҳаёт!

— Омила онамиз тийракми?

— Тийрак! Тийрак!

— Омила онамиз ўғлини қайтарсин!

— Қайтарсин! Қайтарсин!

Тумонат йиғилган... Хунармандлар, деҳқонлар, аёллар, гўдаклар... Сарбозликка яроқли эркаклар... Қайтарматепа ни тарк этиб шаҳарга қайтган суворийлар... Юнусхон бақириб ҳудайчини чақирар, чақиргани сайин тўшакдан туришга уринаётган бемажол онаси кўзига кўринар, бўйнига... волидасининг оппоқ доқа рўмоли чирмашар, бўғилар, дод солиб бақиргиси келар эди...

Тонгга яқин саман йўрға минган чопар келди.

— Омила онамиз соғаймоқдалар, очиқ ҳавога олиб чиқишларига изн сўрабдилар! Табибнинг ҳозирча волидамизни безовта қилмасликни лозим кўрибдилар!

Юнусхон тонгги хушxabардан анча енгил тортиди, тунги алағдаликни чарчоққа йўйиб, ўзини чалғитиш муродида лашкари оёққа турғазди. Таассуфлар бўлсинки, бир кеча-кундуздан сўнг Қайтарматепадан йигирма чақирим кунботардаги хилват гўшалардан бирида у... бошини Пири Тархон тиззасига қўйганча оғир-оғир нафас олар, кўз олди қоронғилашиб, нуқул волидаси ҳақида сўйлашни ўтинар, Пири Тархон эса донишманд солномачилардек вазмин овозда сўзларди:

— Омила онам оқ либосда халқ ҳузурига чиқдилар... юрт нотинч — оналар нотинч, тўрам...

— Яна гапир, Тархон...

— Бир... икки... уч...

— Кейинчи, Тархон?..

— Кейин... ҳеч нарса, тўрам, ҳеч нарса...

## Қодир бобо

Қодир бобо бир ҳафтадан буён остона ҳатлаб кўчага чиқмади. Шуури иродасига бўйсунмай ғайритабиий бир алфозда ўй суряпти. Обком биносидан чиқиб тўппатўғри «Волга» ёнига келганидан ва орқа эшикни очиб юмшоқ ўриндиққа оҳиста чўкканидан бери шу ҳол. Уша пайт такаллуфсиз бировнинг машинасига ўтираётгандай ўнғайсизланди. Шофёрнинг йўқлиги жонига оро кирди: пешонасини олдинги суянчиққа қўйиб, оғир тин олди. Ҳозиргина бўлиб ўтган гапларни эслади. Марказком вакилининг нутқида, сўнгра обком секретарининг докладыда унинг номи икки-уч қайта тилга олинди — шунда ҳам шайтонга ҳай берди — танқид қилинмаган одам ўзи қолмади, деб умидвор бўлди. Мажлис сўнгида ташкилий масалалар кўрилди. Кейин... «тиқ» этган товуш эшитилмаётган залда бирдан тарақ-туруқ, шовкин кўтарилди, одамлар ташқарига юра бошлади. Қодир бобо ҳам кўп қатори фойега қикди, у ерда ҳаялламай кўчага интилди ва... мана, «Волга»да ардона қолиб ўтирибди.

Қодир бобо залдан чиққач, шунча одам орасидан ўтдию «Ҳай, Бова, яхши боринг», дейдиган бир забонли топилмади. Ахир, бу мўътабар бино эшигидан кириб чиқаётганига ўттиз йилдан ошди, кейинги йигирма йил бадалида бу зиналардан у ёлғиз чиққани йўқ, ёлғиз тушмади ҳам — кимдир албатта ёнида бўлар, машина-гача кузатиб қўяр эди. Бугун эса, мана, шофёри ҳам кўринмайди.

Қодир бобо бошини кўтарди. Ён-веригаги машиналар бирин-бирин гуриллаб йўлга туша бошлади. Беш-ўн

одим нарида шофёри серрайиб турган экан. Қодир бобо қаддини ростлаб атай йўталди, оҳиста эшик ойнасини туширди. Шундагина шофёри югуриб келиб рулга ўтирди. «Узр, бова, — деди, — чиққанингизни кўрмай қолибман. Кутиб тургандим...» Қодир бобо индамади.

Хўжайиннинг авзоидаги ўзгаришни сездио шофёрнинг юраги «шув» этиб кетди: «Йўғ-э!..» У кўнглида турилган шубҳани рад этишга уриндия лекин неча кундирки, одамлар орасида, «бобони ишдан олишармиш» деган узунқулоқ гап юрибди, ҳозир шуни эслаб, баттар кўнгли ғаш бўлди. У машинани ўт олдирагани ҳам, олдирамаслигини ҳам билмай иккиланди, ўгирилиб бобога қарашга юраги бетламади, «ҳеч ким келмайдими?» дегандек ташқарига аланглади.

Қодир бобо уйқудан уйғонган одамдай бўғиқ шипшиди:

— Жилдик, Йўлчибой, жилдик...

«Волга» оҳиста кўзғалди. Манзил йироқ эди. Йўлчибой бу йўллардан кўз омиб ҳам машинасини елдириб кета олади. Йўлнинг ҳар қаричи ёд бўлиб кетган, қолаверса, у минган машинага халал берадиган шофёр ҳали онасидан туғилмаган, ҳам... кўча ҳаракати қондалари унинг учун бедахл. Йўлчибойнинг машинаси йўл бўйи оққушдек учар, унинг ичида эса аллақандай ҳайбатли рух ҳукм сурарди. Ҳозир эса ўша рухдан асар қолмаган, «Волга» ҳам йўлнинг бир четидан қисиниб-қимтиниб бораётгандек эди... Йўлчибой, қандай бўлмасин, тезроқ уйга етиб боришни, бу уқубатли сукунатдан қутилишни йўлар, Қодир бобо эса йўл тезроқ тугашинию яна... кечроқ уйга кириб боришни хаёл қилар эди.

Этиб боришади ҳам, Йўлчибойга: «Хў-ўш», дейди-да, дарвозадан кириб, саҳни кенг, ҳашамдор айвонга кўтарилади, хотини, келини салом бериб унга пешвоз чиқишади, кийимини алмаштиради, ҳовлидаги нақшинкор ёғоч сўрига чиқиб ёнбошлайди, агар, ухлаб қолмаган бўлса, тетапоя невараси унга талпинади... Қодир бобо уни қўлига олиб эркалайди, кулади, кулдиради... Кулдиради-я, кулдиради! Хонумони кулга айланаётган шу тобда осмондан оладими, кулгини! Кулгининг ҳам уйи куйсин-е!..

Қодир бобо ўттиз йил кулиб яшади — иши юришмай қолган кезларда ҳам, раъйига қарши чиққанларнинг кўзига тик қараб, кулди — ҳар қандай вазиятда ҳам оқибат ўзи истагандек бўлишига имони комил эди унинг! Бутун воҳа, ҳатто республикадан ташқарига доврў таратган кезларида-ку, қўяверинг. Ақидаси ҳам шундай эди: «Одам деган дунёда кулиб яшаши керак!» Уша пайтлар, вақти келиб, бир мажлисининг ўзида ҳам қадди, ҳам мартабаси етти газ чўкиб кетишини туш кўрибдими Қодир бобо?!

Дарвоза олдида машина келиб тўхтаганини билиб, ҳовлида — стол атрофида минг бир таҳликада чурқ этмай ўтирганларнинг қулоғи динг бўлди. Кимдир: — Дадамлар... — деди.

Дарвозадан аввал Қодир бобо кирди, «Йиғилишиб ўтиришгандир», деган фикр ўтди кўнглидан. Йўлақда тўхтаб, Йўлчибойни олдинга ўтказди. Ҳовлидагиларга дастлаб Йўлчибой кўринди ва... Муфассал опа, «Вой, шўрим!», деб юборди. Кейин Қобилнинг оҳиста, лекин зардали овозда, «Секинроқ, она!», дегани эшитилди.

Қодир бобо билан Йўлчибойнинг қадам олиши ва шу икки нидо бир бўлдию в о қ е а ойдек равшанлашди-қўйди. Салом-алик, пешвоз чиқиш йўқ, ҳамма ўз жойида серрайиб, михлангандек туриб қолди. Биринчи бўлиб Қодир бобо ўзини қўлга олди. У шахдам юриб айвонга чикди, ундан уйга — ётоқ бўлмасига кирди.

Қобил отасининг изидан шошилиб зинага етган жойида тўхтади.

— Она, сиз кириг... — деди орқасига ўгирилиб.

Ҳамон тилини тишлаб турган Муфассал опа зина томон югургилади.

— Сиз сўз очманг! — деди Қобил. — Чалғитинг.

Қодир бобо одатдагидек шошилмай ечинди, сўнг хона тўридаги эшикни ёнига суриб ичкари кирди, сувни шاپиллатиб ювинди. Муфассал опа югуриб бориб жавондан тахи бузилмаган гулдор сочиқни олди, ювиниш хонаси эшигидан ўтиб-ўтмай журъатсизгина, «Мана бунга артина қолинг», деди. Эри юзини, бўйни, гарданини қаттиқ-қаттиқ артатуриб, рўпарасидаги бўйи баробар кўзгуга қарамасликка уринди — шу тобда ўзини кўргиси келмади, аниқроғи, бунга юраги дов бермади.

Қодир бобо кўргилиги нечоғли оғир эканлигини стол атрофига йиғилган ўғил-қизларик келинларининг авзоидан сезди. Улардан садо чиқмас, ҳамма дастурхон чизиб ўтирар эди. Жимликни Қобил бузди:

— Чой дамланглар, — деди у хотинига. Тўнғич келин ғимирлаб ўрнидан кўзғалди. Кўзғалдию қайнотасининг овозини эшитиб ялт этиб унга қаради.

— Мен ҳозирча ҳаётман... — Қодир бобо шундай деб жим бўлди. Орага нохуш сокинлик чўкди. Дастурхон атрофидагилар англаб бўлмас бир хавотирда оила бошлиғига тикилишар, гапнинг давоми бамисоли вулқону унинг отилиш-отилмаслиги ҳозир айтиладиган бир оғиз сўзга боғлиқдек эди. Бобо томоқ қирди, кейин ўша залворли оҳангда давом этди. — Нима, мансаб-мартабамга аза очгани йиғилдингларми?

— Вой, шўрим! — деди Муфассал опа лабини тишлаб. Оиланинг кенжаси — Раъно акасининг елкасига юзини босганича хўнграб юборди.

...Қодир бобонинг ишдан олингани хусусида оилада қайтиб оғиз очилмади. Очилса-очилгандир-у, ҳар қалай, бундай гап қулоғига чалинмади. Ора-сира кўнгли сўрарга келиб-кетганлар ҳам у воқеа ҳақида лом-мим демади. Шунда Қодир бобо ҳеч кимнинг олдида зорланмаганига севинди. Ахир, у обкомда йиғилиш бўлган куннинг эртасигаёқ пойтахтга учишга, республика раҳбарлирига учрашиб, арз-дод қилишга тараддулланган эди. Отланган жойида тўхтади... Уша дамда йўлдан қайтиш хаёлига келгани ва шунга иродаси етгани учун ҳар кун, ҳар лаҳза шуқр қияпти. «Катта раҳбарлар ҳузурига нима деб, қай юз билан кириб борардинг Қодирвой? Ёки хизматларим инобатга олинмади, деб шикоят қилмоқчи эдингми?.. Қайси хизматларингни рўкач қилмоқчи эдинг?.. Кўрсатган кароматларинг шу пайтгача инобатга олинди-ку. Шунга яраша обрў топдинг, ҳузурини кўрдинг, кейин эса... иззатингдан айрилдинг. Ҳа-а, Қодирвой, иззатини билмаган, иззатини билмаган...»

Бир вақтлар, Қодир бобо кеча-кундуз халқни ўйлайди, дейишарди. Кеча-кундуз ўйлаш қандай бўлишини, мана, энди билипти. Уни битта савол азоблаётган эди: ўттиз йиллик қадрдони — юмшоқ курсидан тушмаслик учун елиб-юурсинми ёки воқеани бир бошдан ўйлаб кўргани, давр долғасини фаҳмлаб, шунга уйғун иш тутгани маъқулми?.. Холис туриб ўтмишингни бир қур назардан ўтказмайсанми, Қодирвой?.. Аллазамонлар, «Қодир» эдинг, сўнг, «Қодир ака» бўлдинг. Қачон, ким биринчи бўлиб «Қодир бобо» дегани эсингдаям йўқ. Ҳар нарсага қо-одир бўлгач атрофингдигилар «бобо» дейишса ҳам ярашаверди. Кейин-кейин тўғридан-тўғри «Бобо» бўлдинг-қолдинг. Қулоғинг кўникиб кетди. Фақат ўзинг сезмаган ҳолда одамлар билан, «Хўш, бўтам?» деб муомала қилишга одатландинг.

Мартабанинг, иззат-обрўнинг алдоқчи оғусига ўшанда илиндингми, Қодирвой? Осмондаги ойни олиб берадиган қудратинг бўлган тақдирда ҳам ўзингни жумлаи мўмин қатори оддий одам эканлигингни, остингдаги курси кимлардан қолганию яна кимларгадир насиб этишини сира ўйлаб кўрмаганидинг, оғайни?..

Оғзидан чиққан ҳар бир сўзга, маъқул, деган жавоб эшитаверган одам сира номаъқул иш қилмайдиган бўлиб қолар экан... ўзининг назарида. Кўнгли тусгани амри вожибга айланавергач эса одамлар, жамоалар, ҳатто қонун-қоидалар унинг истаклари измига тушаверар экан. Истак ҳар нарсадан устун келавергач... Тўхтачи! «Истак» деб бировнинг бурнини қонатдими? Йўқ. Катта қурилишларни битириш, қўша-қўша ер очиш, умуман икки тоғ ораллигини жаннатмакон қилиш — шу эди истаги! Унинг зиммасидаги план юздан ошмай қолган эмас. Тоғни талқон қилса — қилди, дарёни чаппа бурса — бурдики, планни дўндирилмай юзи шувит бўлгани йўқ. Чизган чизигидан чиққанларнинг, ўша план, ўша асасали бунёдкорликларга монелик кўрсатганларнинг бошини силамади, албатта. Буни ҳозир ҳам тан олади. Қайси бировини эслайди? Мана, охиригиси: Олатоғнинг кунчиқар томонида одам боласининг оёғи етмаган нажиб гўшалар бор. Қодир бобо ўша ерга тўрт-бешта бино тиклашни дилига тугди. Имкониятларни чамалади — йўл очиш керак, ишчи керак, қақир-қуқур техника керак, энг оғири — пул керак эди, пул!.. Қодир бобо бунинг ҳам йўлини топди. Пойдевори қазилган тўрт қаватли мактаб қурилишини тўхтатди, боғдорчилик совхози посёлкасидаги ишларни чала қолдирди, колхоз касалхонасини қураётган қурилиш ташкилотини ўша ёққа — тоққа ҳайдади. Ҳа, ҳ а й д а д и! Қурувчилар бошлиғи келиб бир нима деб чайналди, очиқ айтишга ботинолмай гапни айлантираверди, охири дангалига кўчди — «тоққа йўл очиш бизнинг планда йўқ», деди. Қодир бобо унга кулимсираб қаради, чимирилди. У эса сайрай бошлади: «Раис бова, — деди, — аввал планга киритиб беринг, кейин иш бошлайлик. Ўзи, умуман, тоққа курорт қуриш зарур эмас-ку, ҳозир».

— Қани, бир қаддингни ростла-чи, бўтам! — Қурувчилар бошлиғи сапчиб ўрнидан турди, у Қодир бобонинг жаҳли чиққанини сезмади. — Энди, юр, — деди Бобо, — ҳа, ҳа, юр, қадам ташла, ташлайвер.

Бошлиқ қабулхонанинг эшигига етганида, «Тўхта!», деган буйруқни эшитди, ўгирилди. Қодир бобо стол ёнида лабларини қимтиб, ўқрайиб турарди. Энди у янаям аччиқ ва зардали гап айтди:

— Ҳайҳотдек ташкилотга бошлиқ бўлибсан-у, ҳалигача қадам олишни ўрганмабсан, бўтам. Атак-чечак қилмай туриб деворни қўйиб юборибсан — ҳовлиқиб қолибсан. Эшикни очгин-да, деворни икки қўллаб тут, қадамингни ўйлаб бос! Ҳа-а, қани!

Қодир бобонинг ғазоби аъзои баданига югурди. «Тирмизак! Планга кирит эмиш. Планга кирит, юзта министрликка зир қатнаб маблағ ундир, тахта-ёғоч, темир-терсак келтир — буларнинг қоғоз-поғозини тўлдиргунича бу ёқда тоғ обод бўлади, одамлар Қодир бобонинг қудратига тасанно ўқийди. Йўқ, буларнинг мияси фақат қоғоз тўлдиришга ярайди — ўқиган-да, ўқиган. Уққан бўлганида ишни ўйлар эди, планга ёпишиб олмас эди. Одам планга эмас, план одамга хизмат қилиши керак, мишиқи!

«Давлат планлари қўпол равишда бузилган, зарур объектлар қурилиши асоссиз равишда тўхтатиб қўйилган...»

Қодир бобога шу айблар қўйилди. Ҳали гуноҳ ҳам дейишар. Айб нима, гуноҳ нима?.. Жиноятга йўйишмас

гўрғайди!.. Бобонинг юраги орзиқиб кетди. Фулғуласи кучая бошлаганда хаёлига келган фикр мойдек ёқди. Ахир, «план — қонун, планни бажармаган қонунни оёқости қилган ҳисобланади», деб озмунча чакак қоқармиди?! Ўзи эса... бир ташкилотнинг плани тўлсан деб уч-тўрт ташкилотнинг планини барбод қилди, бир раҳбарни хушнуд этиш учун бештасини ранжитди. Энди ўйлаб кўрса, одамларнинг кўнгли, раъйи билан ҳисоблашмай қўйган экан. Не-не одамлар сояи давлатнинг даҳра олиб яйраб-яшнади, яшади. Аммо булар озмунча одамларнинг ранж-аламлари эвазига бўлдим, Қодирвой?! Дарвоқе, дунёда «меъёр», «посанги» деган сўзлар, тушунчалар бор. Наҳотки, уларни буткул унутиб юборган бўлсанг? Ахир посанги ҳар бир одам учун дорбознинг лангарчўпидек зарур-ку... Посанги — диёнат, посанги — инсоф-адолат... Уни унутганинг сайин ҳушинга келган нарса диёнатли бўлиб туюлаверади... Тасаннолар эшитдинг, номингга очикдан-очиқ ҳамду санолар ўқилди, тантаналар тўрида жилмайиб турганингда қуюқ қошларинг остида кўринмай кетган кўзларингни каттароқ очишни, олқишлар қайсидир адолатсизликлар ҳисобига бўлаётганини ўйлаб ҳам кўрмадинг. Негаки, сен жуда қалтис хатога йўл қўйгандинг: ноҳўя хатти-ҳаракатлар фош бўлишдан номус қилардинг. Ваҳоланки, киши жиноятнинг фош бўлишдан эмас, балки унга қўл уришдан иснод қилмоғи жоиз. Билъакс... мана, ўша олқишга сазовор ютуқларинг нималар эвазига бўлганини сарҳисоб қилиш даври келганида... уйингга тиқилиб ўтирибсан. Ожизсан. Ожизлик? Ожизлик нима?.. Уттиз йил қадамидан ўт чақнаган одам шунчалик ожиз эдими? Ахир унинг оғзидан чиққани амалга ошмай қолмасди. Ўзига қолса, яна кўп ишлар қиларди-я... Олатоғ ёнбағридаги санаторийни кенгайтирарди: мисоли давра олиб ўтирган полвонлардек кўкка буй чўзган чўққиларнинг ёнбағрига ҳашаматли бино қурилса, унда минглаб одам дам олар, Олатоғ оғушида ҳордиқ чиқарарди. Тағин чўққидан чўққига сим тортирарди, одамлар ерга тушмай фақат осма кажаваларда юришарди. Ахир Олатоғда йўл йўқ, замин йўқ. Ҳамма чўққидан-чўққига осма кажавода муаллақ осилиб қатнайди. Минглаб банди мўминнинг лангарчўпи йўқ, ҳавода муаллақ... муаллақ... Сенинг қо-одирлигинг туфайли бу, Қодирвой!.. Қодир! Ҳой, Қодирвой!

Қодир бобонинг рўпарасида эски қадрдони — қабулхонасидан ҳайдаб чиқарган ўша — қурувчилар бошлиғининг отаси пайдо бўлади. «Сенга не бўлди, Қодир, — дейди у. — Уғлимни койибсан, планингни кўтар, дебсан. Планини назарга илмаслик — давлатга беписандлик-ку, Қодир».

Давлатга беписандлик? Ун беш йил муқаддам ўлиб кетган дўсти план нима эканини билмаган эди-ку. Бобонинг чизган чизигидан чиқмаган. Отаси емаган номаъқул бузоқнинг гўштини, мана, ўғли еб ўтирибди. План дейди. Давлатга беписандлик, дейди. Ахир, бу гапни райком секретари айтганди-ку...

Бир куни кўнғироқ бўлди. «Бова, — деди райком секретари босиқ овозда, — қурувчиларнинг ўзига яраша плани бор. Уларни ўз ҳолига қўйайлик». Қодир бобо ҳайрон бўлди. Унинг гапини ҳамиша қўллаб-қувватлаган райком секретари бугун бир тирмизак қурувчининг чакувига учиб... «План бузилса, мен ўзимга чорбоғ қураётганим йўқ-ку», деди Қодир бобо. Райком секретари бўш келмади, «Планини чалкаштириш — давлатни чалкаштириш, бова. Келинг, эркаликни йиғиштиринг», деди.

Қодир бобо остидаги курси ўшанда илк сафар чайқалиб кетганини сезди, лекин ёпирилиб келиши

муқаррар бўлган тўфоннинг дастлабки шабадалари унинг учун жуда заиф ва ўткинчидек туюлди. Шафқатсиз тўфон бор забти билан урилганда эса ғишт қолипдан кўчган... эди.

Ушанда залда у кимлар қўл кўтарганига қарамагани учун кўп афсусланди. Кимлар унинг шу кўйларга тушишини ёқлади? Неча киши эди улар?... Билиши керак эди, Лекин... билганда-чи? Беш-тўртта одам қўл кўтарди нимаю кўтармади — нима? Бу ёқда замон, халқ қўл кўтариб турибди-ку, ахир!..

...Замон сенга қарши қўл кўтариб турганда нима қилмоқ керак? Тошқотган ақидаларингдан воз кечиш ва ҳур ўзгаришларга кўникишми? Воз кечиш ва кўникиш тўлғоқларига дош бера олмас-чи?! Бундай тўлғоқларга ҳар ким ҳам бардош бера олмас, аммо яшай десанг, дунёнинг даргоҳи кенг — ҳаёт посангисини топа олсанг — қайта туғила олсанг — бас. Туғила олсанг...

## Ойнинг охириги куни

Зоҳид Ғиёсович трубкини истар-истамас олди-да, қулоғига тутди: — Лаббай! — Овози бўғилиб чиқди. Шиниқираган қовоғини кериб, хомуш, аппаратга тикилди. Эрталабдан бери у қадалиб ишлар эди: — Ойнинг охири, — деди, — иш кўп... Яхши. Ҳаракат қиламан, хўп. — У трубкини оҳиста жойига қўйди.

«Қурғур, хўп аломат чол-да! Уч-тўрт кундан бери дарағи йўқ эди, яна келибди. Бекорчи бўлганидан кейин...» Хаёли бўлингач, қоғозларга шунчаки тикилиб ўтирганини ўзи ҳам сездию Зоҳид Ғиёсович бошини кўтариб деразага қаради: шохлари тарвақайлаб ўсган чинорнинг серпўстлоқ танаси ва рўпарадаги бинонинг икки деразаси, осмоннинг бир парчаси ва яна баланд қаватли бинонинг кулранг девори... Ўн йилдирки, Зоҳид Ғиёсович қачон деразадан ташқарига қараса, шу манзарани кўради... Девору чинор майли-я, ҳатто осмон ҳам ўзгармагандай!.. Лекин Зоҳид Ғиёсовичнинг лавозими жойида қотмади — оддий ходимликдан бош инженер ўринбосари даражасига етишди. Обрўси ҳам шунга яраша.

Анави монтер чолни беш-олти йилдан буён биледи. Чол тушмагур Зоҳид Ғиёсовичнинг шахматга ишқибоз эканлигини эшитган кунидан бери унга тинчлик бермайдди. Худонинг берган куни монтерлар хужрасига кириб, жилақурса, «бир қўл» суришади. Бу одат уч-тўрт кун қанда бўлса, бас, бир-бирини кўмсагани-кўмсаган. Ҳозир ўйлаб қараса, тўрт-беш кундан бери Зоҳид Ғиёсович у ёққа қадам босмабди. Аввало, чолнинг ўзи йўқламади, қолаверса, ойнинг охири — ҳисоботга яқун яшаши керак.

Зоҳид Ғиёсович соатига кўз қирини ташлади. Тушликка сал кам бир соат бор. Ҳисоботни ўз вақтида топшириш учун қимир этмай ўтириши, чалғимаслиги лозим. Бироқ, энди у астойдил ишга киришган пайтда...

Эшик очилиб, чол кўринди. Ранги синиққан, юзи сўлишиб, лунжи осилиб қолибди, қарашлари ҳам ҳорғин. — Чироқлар ёняптими, бизга шикоят йўқми?

Зоҳид Ғиёсовичнинг ёрдамчиси ҳам бошини кўтариб чолга қаради. Узича, бирор хонага бош суқмайдиган бу чолнинг кунда-кунора кириб ҳол-аҳвол сўрашидан у ҳам мамнун; қариянинг бир неча ой бурун пенсияга чиққанидан ҳам беҳабар эди.

Чол, гўё хайр-хўшлаган бўлиб, хонадан чиқар экан, атай эшикни секин ёпди. Ёпатуриб, кўрсаткич бармоғи билан имлаб Зоҳид Ғиёсовични ташқарига чорлади. Чолнинг чеҳрасида ўтинч аломати бор эди. Зоҳид Ғиёсович, тушундим, деган маънода бош силкирсилкимас эшик ёпилди. «Оббо, бобой-эй!» Зоҳид Ғиёсович кулимсираб тимирскиланди, кейин бир нима

эсига тушгандай илдам юриб хонадан чиқди. Узун йўлакнинг ўртасигача борди. Юқори қаватга чиқиладиган зинага яқинлашгач, у ёқ-бу ёққа ўғринча аланглаб олди-да, ўзини зина остига — монтер хужрасига урди. У эшикни ичкаридан қулфлаб, калитни миҳга илди. Учбурчак шаклда тушган пастак хона қақир-қуқурга тўла: калтагина қўшалок нарвону сим ўрамлари, неон чироғи лампочкалари ва темир-терсақлар...

— Келдингми? Яша, ука! — Ёш боладай қувонган чол шошиб қолди, алпанг-талпанг юриб столнинг юқори томонига ўтди, ўтирди. У энгашиб ғаладонга қўлини суқди. Шунда юзидан қон қочди, туртиб чиққан ёноқлари дам қизариб, дам заъфаронлашди. Ниҳоят, унинг чеҳрасига маънос бир табассум югурди. Шахмат доналари шарақлашидан Зоҳид Ғиёсович сергакланди, назарида, ойнинг охириги кунда — икки оёқ бир этикка тикилган шундай пайтда келиб, бу ерда бамайлихотир шахмат суришиб ўтиргани ҳаммага ошкор бўлади-гандек эди...

Шахмат ишқибозлари бир талай. Лекин чолнинг завқи унча-бунча навқирон йигитларда топилмайди. У шахмат тахтаси устида ёши олтимшдан ошганлигини ҳам унутади. Бир сўзни ўйин охиригача такрорлайвериши, бошлаган ҳадиси амалга ошиб қолса, совуққотган одамдек кафтларини ишқаб-ишқаб қувониши... Гўё маъсум гўдакка айланади.

— Ўтира қол, ўтир, — деди чол тоқатсизланиб. — Бошла! Менга қора ҳам бўлаверади!

Чолнинг одати шунақа: ҳар сафар дона сурганда, «Менга қора ҳам бўлаверади! Бўлаверади!», деб такрорлайди, бармоқлари учда тутган нос донасини дам-бадам ҳидлаб қўяди... Ўн иккинчи юришда у бир зум ўйга толди, кейин фарзин нишонидоги пиёдани «махв» қилди-да, «Қалайсан?!», дегандек бурни учига қўндириб олган кўзойнаги устидан Зоҳид Ғиёсовичга қаради.

— Зўр шахматчи учун донанинг фарқи йўқ! Их-ҳи!..

Чол, чаккасини қашиб қолган ҳарифидан кўз узмай, бармоғи орасидаги бурнакисини босиб-босиб ҳидлади. Зоҳид Ғиёсович кўра-била туриб пиёдани бой берганига койинар, боз устига, «Ютуқ шундан бошланади», деб чол унинг жиғига тегар эди. Зоҳид Ғиёсович ўйлаган юриши барбод бўлганига ачинса-да, бўш келмади:

— Битта пиёда отминан филмидики, оҳ урсак. Сиздан пиёда айлансин. Ола қолинг!

Қора доналар тахтанинг ўртасини эгаллаб олган, кучларнинг бари оқлар истеҳкомига ташланишга шай эди. Чол Зоҳид Ғиёсовичнинг гапини оғзидан олиб, елкасига ёпиштирди:

— Шу битта пиёданг, от билан фил бўлмасаям, бизга ютуқ олиб келади. Ютуқ, ука...

Чол жуфтланган бармоқларини бурнига тикқудек бўлиб, чуқур нафас олди. Оқларнинг аҳволи чиндан танг эди.

Чол билан Зоҳид Ғиёсович танишганларидан буён фақат шу хужрада, яъни шахмат устида учрашишарди. Салом-алик ҳам, ҳазил-мутойба ҳам фақат шахмат хусусида бўлар, ажабланарлиси — улар бир-бири ҳақида ҳеч нарса билишмас эди. Чолнинг юраги хаста, унда-бунда оғриқ хуруж қилса ранги қув ўчиб, кўз олди қоронғилашади, шунда дуч келган жойда чўнқайиб нафас ростлайди. Врачларга ҳам кўринди, дори-дармон қилди, нафисни сезмади. Утган йилнинг охирида юраги қаттиқ санчиб, ҳушини йўқотди. Сўнгги дақиқада жуда лоҳас тортиб, ҳатто ўлимни бўйнига олиб қўйди. Йўқ, насибаси узилмаган экан — ўн кун касалхонада ётди. Зерикканидан тарс ёрилай деди. Охири, врачлар-

нинг ҳоли-жонига қўймай «соғайиб» чиқди. Гарчи, хизмати кунора бўлса-да, ҳар куни у ишхонага қатнар, энг дилочар машғулоти — Зоҳид Ғиёсович билан тушлик пайтида дона суришиш эди. Январнинг бошларида шахмат ўйнаб ўтириб, чол, анчайин бир гапни айтаётгандай бамайлихотир, ишдан бўшадим, деди. Зоҳид Ғиёсович унга ҳайрон бўлиб тикилди. У шу вақтгача чол билан учрашмай қолган тақдирида нима қилишини, умуман, бир кун келиб шундай бўлиши ҳам мумкинлигини хаёлига келтирмаган экан.

— Ишга ярамай қоляпман, нарвонга кўтарила олмаяпман... пенсияга қияддим,— чол айбини бўйнига олган боладек ямлиниб ғудранди,— лекин мана буни қанда қиладиган анойи йўқ,— дея у шахмат тахтасини чертди,— кўзим очиқ экан, сен билан кўришиб тураман.

Зоҳид Ғиёсович шундагина, бу — одми, тўпори чолнинг ҳали қадрни ўтишини чуқур ҳис этди. Эртаю кеч хизмат юзасидан расмий мулоқотлар, одатий салом алигу хайр-хўш, мавқега яраша мулозамату онда-сонда уюштириладиган сайрларда ҳам идоравий-ахлоқий урфлардан халос бўлолмаслик... Зоҳид Ғиёсович сиқилиб кетганида нафас ростлаш учун ҳам ўзини ҳужрага урар ва бу ғўшанинг ўзига хос ҳидини туйиши билан асаблари тинчланар, энгил тортар эди. Айниқса, қариянинг дилкашлиги, тап тортмай уни «сен»сираши, ҳуда-беҳуда асабийлашиб, гоҳо масхарабозлардек қилиқ қилиши, бундан ўзининг ҳам завқланиши Зоҳид Ғиёсович руҳиясига малҳамдек ёқар эди.

...Чол ҳамон бир сўзни такрорлайди, ўйлагани амалга ошаётганидан мамнун. Зоҳид Ғиёсович ҳам ҳужумни кучайтирди.

— Олга, пиёда жангчиларим!— деди у товушига амирона тус бериб,— сенларга қалъани ишғол қилиш топширилади!

— Ўзини қурбон қилиб!..— дея илова қилди чол,— бироқ, бу ўйинда қоралар ютиши керак! Ҳа-ҳа! Қани, азаматлар, қора доналар билан ҳам ғалаба қозониш мумкинлигини би-ир кўрсатиб қўяйлик!

Зоҳид Ғиёсович пиёдаларни ортиқча қадрламас, устига-устак, фойдаси борми-йўқми, қатъий назар, от ёки фил ютганига хурсанд бўларди. Навбатдаги юришда фил эвазига иккита пиёда олган чол янада шошиб қолди. Пайт пойлаб чап қанотдаги пиёдаларни жадаллатди. Пиёдалар эмас, негадир унинг ўзи шошар эди. Зоҳид Ғиёсович рақибининг қилиғидан кулди.

— У-ў, бобой, энди нима билан ўйнайсиз? Мана шу учта занжи пиёдангизга ишоняпсизми? Яшанг-э!

Бу қабилдаги қочириқлар чолнинг қитиқпатига тегишини яхши билган Зоҳид Ғиёсович ҳарифнинг шаштини пасайтиришга уринарди. Чолнинг шиддат доналарга, доналаридаги шиддат гўё унинг жисмига кўчган, бутун вужуди кўзга айланган, доналарни нигоҳи билан ҳам силжитгудек эди. Зоҳид Ғиёсович эса тобора истеҳкомига яқинлашаётган қора доналар шаштида чолнинг ғайратини туя бошлади.

— Ўйинни кейин бошлаш — қораларнинг гуноҳими? Кимдир аввал, кимдир кейин-да. Оқлар юриш бошлагач, қоралар ҳам қараб турмайди. Қоралар ўзини ҳимоя қила олсам, катта гап, дейишади. Йўқ, оқларининг таъзирини бериб қўямиз — шуни миянга қуйиб ол, ука!

Зоҳид Ғиёсович иккала кафти билан стол қиррасига таянганча энгашиб, чолга тикилди.

— Донишманд экансиз-ку, бобой! Афлотун бўлинг-е! Ёки одам ночорликда доно бўлиб қолармикан? А? Ҳа-ҳа-ҳа!

Чолнинг катта-катта очилган кўзлари — кўзойнак боис янада олайиб кўринди. Оппоқ, укпардек сочининг

бир тутами пешонасига тушиб турар, қуйи лаби осилиб оғзи очилган, ияги сезилар-сезилмас титрар эди. У бурнакисини чуқур-чуқур ҳидлади-да, гапида давом этди:

— Мана — донолик! Гап ютиш-ютқазишда эмас, донани қандай суришда. Танг аҳволда топган йўлинг қандай одамлингини кўрсатади!..

Чол навбатдаги пиёдасини бой бераётганига қарамай, унинг ёнидагисини суриб, «Шоҳ!», деди.

— Ҳой! Ҳой! Бир зум сабр қилсангиз-чи!— деди Зоҳид Ғиёсович кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб, кейин чолнинг пиёдасини жойига суриб қўйди.— Ахир, юриш навбати менда-ку!

Шошганидан устма-уст юрганини сезиб, чол хижолат бўлди. Ёноғига юрган қизиллик бу сафар афтига ранг киритолмади.

— Бу ёқда ишни битириб қўйдик-ку!

Зоҳид Ғиёсович шундай деб шоҳнинг олдидаги пиёдани олиб, қора шоҳга кишт берди. Чол, «Йўғ-э!», деб шоҳга қаради. Бу сўзни рўпарасидаги одамдан кўра кўпроқ шоҳига қарата айтгандек эди. Шоҳ эса унинг кўнглига тасалли бермоқчидек рақиб пиёдага беписанд, қад кериб турарди. Чол унинг қадди-бастию оқ садаф тожига меҳр билан термилди-да, жилмайди. Сўнг:

— Бўш келмаймиз-а?— деди ҳам ишонч, ҳам ўтинч оҳангида. Нималарга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўяйлик-да! Ҳа-а! Шундай ўйинда ютмасак, кейин армон бўлади!

Афтидан, чол қандай бўлмасин, ғалаба қозонишига ишонар, имкониятни бой бергиси йўқ эди.

— Бу пиёданг биз учун айна муддао-да,— деди у овозини пасайтириб ва шоҳини оқ пиёда панасига сурди.

Чол ҳийлага учиб, пиёдани олганида Зоҳид Ғиёсович ўйинни ўз фойдасига ҳал қилиб, жўнаб қолмоқчи эди. У соатига қараб, кўрдик, тушлик вақти тугаёзибди. У ёқда эса ҳисобот ҳали чала ётибди. Ҳар сафар у иш кўп, вақт зиқ чоғида, «Э, иш тамом бўлармиди, бориб, бир «кўл» суришай, кейин бу ёғини тезлаштириб юбораман», деб хонадан сирғалиб чиқиб келади. Уйин тугагач, ўзини-ўзи койир-у, бироқ эртасига яна ҳужрага талпинарди...

У дўппи тор келганини сезди. Чол оти билан тўрани олса-ку, хўп-хўп,а, олмаса-чи?.. Шу умидда чолга марҳамат кўрсатган бўлди:

— Тўрани ҳам ҳада қиламиз-да...

Чол бу қочириқни эшитмади. Тимирскиланиб, қўлла-ри билан костюм чўнтақларини пайпаслай бошлади, қидираётгани чўнтагидан топилмади чоғи, ғаладонга, сўнгра пастки қўтиларга энгашди. Зоҳид Ғиёсович, мабодо ҳарифи тўрани олмай фарзин билан шоҳ берса, мағлубиятини тан олиб туриб кетмоқчи эди, шу боис сабрсизланди:

— Шу тобда нима эсингизга тушақолди, юрсангиз-чи!

— Кўролмай... яхши кўролмай қоляпман... ойнакни... ҳозир, тақволай...

Зоҳид Ғиёсович ўзини тутолмай хахолаб юборди. Мириқиб кулгач, ёшланган кўзини мушти билан арта-арта чолга қаради:

— Э, оқсоқол, шахматдан ҳам пенсияга чиқадиган пайтингиз келибди-ку! Ҳа-ҳа-ҳа! Қаншарингиздаги нима?! Жойида турибдию!

Чол пайпаслаб кўзойнагини ушлади. Зўр-базўр кулимсиради. Ич-ичидан хуруж қилиб келаётган ваҳми амаллаб «ўтказди»-да, тишини тишига босиб, бармоқлари орасидаги бурнакени ҳидлади. Пешонасини чап кафтига қўйганича энгашиб, шахмат тахтасини энди кўраётган одамдек унга узоқ тикилиб қолди.



— Юрасизми-йўқми, биласиз-ку, бугун — ойнинг охири!..

Чол бефарқ ўтираверди. У гурзидек қўлини зўрға кўтариб, тахта узра чўзди, титроқ бармоқлари фарзини тутди. Бармоқлари мажолсиз шекилли, фарзинни кафтида қисди. Сиқимлади. Қўлининг қалтираши зўраиб, уч дона тўқ яшил нос донаси тахта устига сочилди...

Зоҳид Фиёсович, «Нима қиялмасиз?», дея оғиз жуфтладию чол мункиб, боши тахтага шарақлаб урилганидан чўчиди ва сапчиб ўрнидан турди.

— Ҳой, ҳо-ой! — Зоҳид Фиёсович тезда столни айланиб ўтдию чолнинг қўлигидан олди, бошини ўзига қаратди. Кўзойнак орқали тикилиб турган кўзлар хиёл очик, улардаги нур аста сўниб борар, қуришган лаблар гезара бошлаган эди. Зоҳид Фиёсович талмовсираб қолди. У нуқул, «Бобой! Бобой!», дер, нима воқеа юз берганини англаб етолмас эди. Ниҳоят, чолни стул сунячиғига суяб, апил-тапил телефонга ёпишди. Шошапиша рақамларни терди ва титроқ товушда:

— Тез!.. Чиқинглари!.. Монтёр, монтёр чол... Ҳа, ҳа, шу хонада, — дея олди, холос.

Иккинчи қаватга югуриб чиққан ҳамшира ҳансирай-ҳансирай чолнинг ёқа тугмаларини бўшатди, сўнг билагини ушлаб кўрди, унинг кўкрагига қулоғини қўйиб... бошини қайта кўтарди. Чолнинг кўксини уқалади, яна қулоқ тутди, бошини кўтарди. Ҳамширанинг ранги қув ўчди...

Хонага аввал врач йигит, кетидан тапир-тупур қилиб икки-уч киши кирди. Улар, «Нима гап?», «Нима бўлди ўзи?», деб суриштирар, ранг-қути ўчган бош инженер ўринбосаридан жавоб кутишар эди. Врач чолдан кўз узмай эшитилар-эшитилмас овозда деди:

— Касалхонага, кейин... уйига хабар бериш керак!

Хужрадагилар савол назари билан Зоҳид Фиёсовичга қарашди. У, гарангсиб, йиғилганларга бир-бир мўлтайди, сўнг гуноҳ устида қўлга тушган одамдек ўзини қўярга жой тополмай, беихтиёр соатига кўз югуртирди, ғудранди. У чолнинг на исми-шарифини ва на турар-жойини билар, бу ёғи... ойнинг охирги куни ҳам тугаб бораётган эди.

## Алам

Елиб-югуриб Қўштепага борсам, болалар қийқиришиб сирпанчиқ учишаётган экан. Тепа ёнбағридан чўзилиб тушган яхмалак йўли шишадек йилтирар эди. Болаларга қўшилиб юқорига ўрмаладим, тепага чиққач, қўйнимдаги эски калишни олдим-да, чўнқайиб унга оёқ сўқдим. Орқамда турган болалардан бири туртиб юбордию сирганиб кетдим — юзимни шамол кесиб ўта бошлади. «Мазза-а!», деб қийқириб юбордим. Қўштепани ўрлаб ўтган сирпанчиқ катта йўлга етмай хиёл ўннга қайриллар, сўнг яна анча қиялаб боргач, дўнгликка қадалиб тугарди. Мен ўзимни ўнглаб ололмай ҳар гал бурилишда ёнбошга ағдарилавердим — калишнинг иккинчи пойи ҳам бўлганида эди!.. Эҳ, ётиб бўлса ҳам сирпаниш зўр-да!..

Бу сафар ҳам оёғимни узатганча, юзим музга тегмасин учун бошимни баланд кўтариб қоринда сирпаниб тушавердим. Калишни отилиб кетди, брезент туфлигим намиқди, оёғим жиққа ҳўл бўлди, бармоқларим сумалакдек қотди. Дўнгликка етаёзганимда қорни буллаган кўмир бўлақларига, кейин қия йўлда зўрға ўрлаётган аравага кўзим тушди. Уюб кўмир ортилган арава гоҳ бир жойда чайқалиб силкинар, эшак қилтириқ оёқларини музга тираб турар, тумшуғи дамо-дам ерга тегай-тегай дер эди.

Аравакашни кейин пайқадим. У жиловни силтаб тортар, лекин эшак бир қадам ҳам силжимас, чамаси,

калласини кўтаришга ҳоли йўқ эди. Тўсатдан у олдинги оёқларини букиб тиззалади, аравакаш амаки мук тушиб унинг бўйнига ёпишди, сўнг зўр бериб ўмизидан кўтарди. Амакининг пешонаси эшакнинг нақ қаншарига тегиб турар, чўзинчоқ юзидан чиқаётган ҳовур эшакнинг қаншаридан кўтарилаётган буғга қоришиб, ҳавога сингирди.

Эшак оёғини ростлади. Бир-икки қадам илгарилади ҳам, сўнг яна бояғи-бояғи — қотди-қолди.

Амаки эшакни хутди, жонивор қимир этмади, қамчинни ҳаволатиб худди дорга ёйилган намат чангини қоқаётгандай қурғурнинг яғринига шартиллатиб солди. Қамчиннинг устма-уст тушишига чидолмаган эшак бир чиранишда муздан оёқ узди, уздию мувозанатни йўқотиб чайқалиб кетди. Амаки ҳовлиқиб шотига ёпишди, «их-ух»лаб кучана-кучана зўрға уни тутиб қолди, сўнг арава устидан икки бўлак кўмир олди-да, ғилдирак остига тикди. У оғир ҳансираб эшакнинг олдига ўтди, жонивор ютоқиб нафас олар, оёқлари боягидан баттар қалтирар, юкни тортиш у ёқда турсин, аравани ҳам базўр тутиб турар эди. Амаки хуноб бўлиб, дам эшакка, дам аравадаги кўмирга олаяр, нима қиларини билмай бошини қашлар эди. Яхмалак учаётган болалар ёрдамга келса, эшак қийналмай-нетмай тепага чиқиб оларди-я, лекин улар парво ҳам қилмас — Қўштепани бошларига кўтариб қийқириш билан овора эдилар.

Турасолиб, калишимни қўйнимга тикдим-да, арава томон юрдим. Нафас ростлаб олди шекилли, амаки яна эшакни ниқташга тушди. Эшак... зўрнинг зуғумидан қилтириқ оёқларини қимирлатдию бари бир, ўзини ўнглолмади. Амаки тисланаётган аравага ёпишди. Бироқ унинг чираниши беҳуда эди — эшак олдинги оёқларини букиб, мук тушди, сўнг эгасининг ҳай-ҳайлашию сўкинниши, қамчиллашига ҳам қарамай оёқларини узатиб, ёнбошига ётди. Кўмир бўлақлари эшакнинг яғринига, ундан йўлга думалади. Ва оппоқ қор юзига қорамтир доғлар ёйилди. Амаки қаттиқ сўкинди, эшакни аямай-нетмай, яғринига, қорнига, тумшуғига қулочкашлаб урди, ураверди. Жонивор кўзини зарбдан олиб қочиш учун калласини гоҳ у-гоҳ бу томонга ташлар; амаки эса қутуриб кетганидан, уни турғазийш учун эмас, гўё уриб ўлдириб ниятида савалаётгандай туюларди.

Ниҳоят, у ҳолдан тойди, юзи, бўйнини артди-да, тўнининг барини қайириб белбоғига қистирди. Эшак эса ётган жойида қалт-қалт титрар, кўзининг четисидаги чўзиқ доғ узра кўз ёши думалаб тушарди.

Амаки тўкилган кўмирини битта-битталаб териб олди-да, аравага тахлади. Сўнг жиловни силтаб, тортди, жониворнинг биқинига қамчинни сўқди. Эшак сачраб, оёқларини йиғди, кейин бир-икки силтаниб, урина-урин турди. Ҳамон ғазабдан тушмаган амаки, «ҳа-а, хих! Ҳа, хих, деяпман, лаънати!», дея ўшқирганча жиловни тортди. Эшак чирана-чирана базўр жойидан кўзгалди, арава гупчаги нохуш ғичирлади, бироқ дўнгликдан ошиб ўтишга, қолган саккиз-ўн қулоч масофани босишга жониворнинг мажолли етмаслиги аён эди.

Мен ҳеч нимани ўйламай-нетмай бориб аравани итардим. Кейин унга кифтимни тираб, жон-жаҳдим билан итара бошладим. Бир одим силжиса ҳам ҳарнада. Зўриққанымдан инқиллаб ихраётганимни, «ҳа, ҳа-а!», дея ундай бошлаганимни ўзим ҳам сезмабман.

Арава қўзгалди. Мен туфайли, ёрдамим туфайли жойидан жилди! Мана, ҳозир, ҳозир арава тепага чиқади, эшак азобдан қутулади, йўлнинг у ёғи — текис, бемалол кетади, бемалол!..

Эшак имиллаб бўлса-да, икки-уч, ҳатто тўрт қадамча юқорилади, юқорилган сайин қамчиннинг чийиллаб ҳавони кесиши тезлашаверди. Бари бир, ўша — тўртинчи қадамдан сўнг яна арава тақа-тақ тўхтади. Шўрлик эшак уч-тўрт қайта ночор силтандию оёқлари музга михлангандек қотди-қолди.

Арава менинг кўмагимда силжиди, деган ўйда совқотганимни ҳам унутибман. Кифтим зирқираб оғригани учун энди аравани кафтларим билан итариб турар, ортиқча чиранганимдан икки букилиб, бошимни солинтириб олган эдим. Назаримда, далдам туфайли эшакнинг кучига куч қўшилгандек... Ҳозир у жойидан кўзғалади... юқорига чиқади... йўлнинг давоми равон, ҳатто нишаброқ... бечора эшак чеккан азобига яраша у ёғига қийналмайди... оёғи тойиб кетмаса, бас, тойиб кетмаса... тақаси... тақаси янгимикан?!.

Шу пайт қамчин ҳавода чийиллади, нимадир «тирсс!» этдию... елкам ачишиб кетди. Дабдурустан нима бўлганини англолмадим. Кўзимга кирза этик кўринди. Бу — амакининг этиги эди.

Бирдан ўзимни орқага ташладим. Рўпарамда — юзлари бўғриққан, кўзлари қонталаш амаки еб қўйгудек важоҳат билан устимга ёпирилиб келар, бўралатиб сўкинар эди. У эшакни сўкяптими, мени, ўзиними — англолмадим. Қамчин зарбидан саросимага тушиб, шошиб қолдим. Бир нима деб гўлдирадим, ишқилиб, амакининг шаштидан туширадиган сўзлар айтдим:

— Мен... мен... ачиниб кетдим... Ердамлашаётган эдим, ахир!

— Ачинсанг, нега аравага осиласан, зумраша!

Хўрлигим келди, бўғзимга тиқилган йиғини ичимга ютдим. Шоша-пиша уч-тўрт қадам чекиндим. Энди... амакининг шаштидан тушириш учун эмас, йўқ, аксинча — унинг юзига қамчиндек тегадиган гап ахтарардим. «Ажаб бўлди. Бундан беш баттар бўлинг!» дейми? Уғил болачасига сўкиб қочайми? Ёки, «Сизга эмас, ў-ў, амаки, эшакка мадад бердим, сизга эмас, эшакка раҳмим келди. Эшакка!», десаммикан?..

## Саф

Ҳали тонг бўзармай Райим чолнинг уйқуси қочди. У имиллаб-симиллаб кийинди-да, кўчага чиқди. Шундай кунларда ғафлат босиб ухлаб қолса ёки уйғонса ҳам дарвозадан чиқишга ҳаялласса, субҳи содиқ сокинлигини бузиб, чақиришади:

— Ошга-а-а!..

Унинг қулоғига бу — «сафга-а-а!» дегандек эшитилди.

Райим чол кейинги пайтларда тетапоя боладек атак-чечак юрадиган бўлиб қолди. Атак-чечакдан бошланган дунё яна шу тарзда яқунланишини у ич-ичидан ҳис қилар; кунда-кунора дарвозадан қўшалок симёғочга — қўшниллар тўпланадиган жойгача бўлган масофани босиб ўтар экан, ўзининг ҳар бир қадам товушини диққат билан тинглар, шурида нимадир ойдинлашаётгандек бўлар эди. Баъзан бу масофани умрининг ўлчовига, сафдаги ўрнини эса шу ўлчовга босилган муҳрга ўхшатарди.

Қўшниллар тўплангач, Райим чол ёнидагиларга бирма-бир қарайди, кейин йўл бошлайди. Мўйсафиднинг пешонасидаги ажиндек иланг-биланг саф чўзилиб йўлга тушади.

Уни Райим чол бошқаради. Ота белига мадор бўлсин учун қўлларини орқасига қилиб юради. Яқин-яқингача Райим чолдан сўнг Фулом ота юрарди. У полвонларга ўхшаб келбатли ва яғриндор эди. Оғзидан «Беломор»

аримас, папиросни тишлаб олганча онда-сонда гапга қўшилмаса, аксари ёнидагилардан аразлагандек жим бораверарди.

Фулом ота умрида кўрпа-тўшак қилиб ётмаган. Бир кун бурун қўшни кўчага тўйга чиқишди. Бирор ерим оғрияди, деб нолимади ҳам. Аксинча, Райим чол зорланди. «Фулом,— деди,— олис юришга чоғим келмаяпти, мабодо мен чиқолмай қолсам, қўни-қўшнилларга ўзинг бош бўлиб бориб келаверинглар». Шунда Фулом ота мийиғида кулди, хиёл ўтгач, тўнғиллади: «Чоғингиз келмай қолганига ҳам ўн йилча бўлди-ёв?» «Ўзим ҳам ҳайронман, Фулом,— деди Райим чол синиқ овозда.— Насибанг қирқилмасин экан...» Қўшни кўчага муюлишда йўл кескин нишаблалди. «Шунақа жойдан ҳеч юролмайман,— деди Райим чол,— мункиб кетаётгандек бўлавераман». Фулом ота унинг тирсагидан олди, кейин ҳазиллашди: «Орқангизда мен борман — хотирингиз ҳам бўлсин. Тўнингизнинг баридан тутиб юраман ўзим».

Шу гапни эслаб, Райим чол юраги орзиқиб кетди. Қоронғиликда бир ўзи бораётгандек, ҳозир мункиб йиқиладигандек туюлди. Баридан тутиб юрадиган Фулом ота эса — йўқ. Уша ҳазил-мutoйиба аралаш суҳбат бўлган куннинг эртасига... насибаси узилди. Қутилмаган бу айрилиқ Райим чолни каловлантириб қўйди. Фулом ота сафнинг адолатли тартибини бузиб кетди...

Райим чол қарийб эллик йилдан буён эл-юрт қатори ошга чиқади. Эсида, раҳматли отаси рўпарасига ўтқазиб: «Уғлим, энди сен ҳам маҳалла-кўйга аралаш. Мен бир кун соғ бўлсам, икки кун носоғман. Эшигимиздан лаббай деб чиқадиган эркак — сенсан», деган эди. Ушанда отасининг гапидан ичи тошиб кетгани ҳамон ёдида. Бугун эса, бирон-ярим ҳазиллашиб, ҳали ёшсиз, деса, «йўғ-э», деб қўядию ичида севинади, кўнгли кўтарилади.

У дастлаб ошга чиққан кезлари кексаю ёш қўни-қўшни билан саломлашарди-да, уларга эргашар, яъни сафнинг энг охирида қўл қовуштириб бораверарди. Бирон йилгача шундай бўлди. Икки уй наридаги қўшнининг ўғли ҳам ошга чиқа бошладию Райим охиридан иккинчи бўлди. Шунда у бирдан улғайиб қолгандек туюлди. Йиллар ўтди ва унинг ортидан сафланувчилар сони янада кўпайди. Жуда ўртада бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, шунга яқинроқ жой энди уники эди. Ўзгалар иззатидан манмансираш гарчи табиатига ёт бўлса-да, баъзан ошга чиқадиган ёшлар кўпаяётганига — одам учун ҳурмат-эҳтиром ҳам зарур экан, деган хаёлга борибми — ўзига йўл бўшатадиганлар сероблашаётганига ич-ичидан мамнун бўлиб қўярди.

Райим тўй-маъракаларга аралаша бошлаган кунлар Ориф бобо бандаликни бажо келтирди. Қаторни бошқариш Маҳкам бувага қолди. У узоқ яшади, чамаси, юзни қоралади, саф узайса узайдики, қисқармади. Бирдан Маҳкам бува, кейин Ҳусан тоға омонатларини топширишди. Ушанда катталар, «Ҳусан тоғани Маҳкам бува тортиб кетди», дейишган эди. Сўнг, ҳа-я, отасидан илгари Раззоқ бобо — у ёғоч оёғини дукиллайтиб юрар эди — кейин Миржалил боғбон — тўй-маъракаларда унга кенжа ўғли ош едирар, чунки урушда ҳар иккала қўлидан ажралган эди... Ваҳоб чолдан кейин сафни «етаклаш» унинг отасига қолди. Энди эса... Райим чол орқасида гурунглашиб келаётган қўшнилларини хаёлан бир-бир кўз олдидан ўтказди. Дароз, ўрта буй, пакана. Савлатли, суҳанбоз, кўримсиз... Бири бирига ўхшамайди... Саф учун бунинг фарқи йўқ. Насл-насаби, топармон-тугармонлигидан қатъи назар, улар ҳаётнинг энг одил таомилига бўйсуняди — ҳар ким ёшига кўра

# «Ёмғир томчилари» ҳақида

Ёзувчи ва танқидчи назари

Адабий мулоқот

ўз ўрнини олади. Бу «ўрин» муттасил илгари силжийди — орқадан ўртага, ўртадан олдинга, сўнгра... саф тарк этилади. Чекинишга йўл йўқ, ҳеч ким, ҳеч қандай куч бу тахлит силжишни на секинлаштира ва на ортга қайтара олади!..

Райим чол сафнинг охирини ҳаётнинг бошланишига, қаторнинг бошини умрнинг интиҳосига, бинобарин, сафни ҳаётнинг ўзига қиёслайди.

Райимнинг «манзили» сафнинг ўрталарига силжиб қолган кезлар ҳаёлига ғалати бир фикр келди. Разм солса, афтидан бир-бирига сертакаллуф кўринган айрим кўшниллар орасида зимдан адоват ҳам бор, сафда ёшига қарамай икки-уч, жиллақурса бир кишидан аввал туришга — сафнинг олдинроғида бўлишга интилувчилар йўқ эмас экан. Ундайлар гоҳ паришонхотирлик қилиб, гоҳо кўра-била туриб ўзидан кўра ёши улуғроқлар олдига тушиб кетаверади. Тўйхона ҳам, азахона ҳам гавжум жой — таниш-нотаниш, дўст-душман бор. Шуларнинг кўз ўнгида саф охирида судралиб келиш ундай кимса учун уят, таҳқир.

Сафланишнинг ёзилмаган таомилини писанд қилмай, Райимни ортда қолдириб кетганлар ҳам бўлди. Лекин у на чурқ этиб оғиз очди, на ғаши келганини сездириди. Шунга қарамай на одамгарчиликдан, на обрў-иззатдан айрилди. Эсиз, «Райим ака» бўлган даврлари ўтди-кетди. Энди у — Райим чол. Сафимизнинг файзисиз, деб уни ошга чиқмаганига қўйишмайди. Ғулом ота эса сафни ўпириб кетди. Ҳосил бўлган «ҳандақ»нинг нариги тарафи мустаҳкам — ёшлар, бу томонида эса Райим чол — ёлғиз. Шу палла Райим чолнинг ҳаёлига бир фикр келди: лоақал бир мавсум сафнинг охирида юрса эди!.. «Кўнглинг яна нималарни тусамайди, Райимбой? — деди ўзига-ўзи. — Кўчанинг арзанда қарияси бўлсанг, иззатингни жойига қўйиб юрган қўни-қўшниларинг сени орқада қолдиришармиди?..»

Райим чолнинг ҳаёллари чалкашди: бўлар-бўлмасга зорланиб, хасталигидан нолиганда Ғулом отанинг беозоргина жеркиб ташлаганини эслади: «Э-э, қанақа одамсиз, Райим ака! Дунёга келдингизми, мириқи-иб яшайверинг! Тирикчиликдан қолманг. Паймонамиз тўлиб, қани, сафар халтангни кўтар, деб келиб қолса, олдига тушиб жўнайверамиз-да. Шуям бош қотирадиган нарса бўлдию...»

Ғулом отанинг тап тортмай ҳазиллашганидан Райим чол қаттиқ музтар бўлса-да, сир бой бермади. «Менга қара,— деди у,— кўчамизнинг азалий удуми бор. Шу вақтгача ҳам аввал келган — аввал, кейин келган кейин кетган дунёдан. Ҳозир ҳаммангдан кексароғинг — ўзим. Уқдингми? Мабодо, олдига солиб кетадиган келса, менга рўпара қил. Янаям қарироғимиз бор, дегин...»

Йўқ, Ғулом ота ундай қилмади... Мана, қўни-қўшниллар, қариндош-уруғлар, яқин-йироқлар Ғулом отаникига кўнгил сўрагани келишяпти.

— Мен бир оз хизматда бўлай.— Райим чол қўшниларига шундай деб дарвоза ёнидаги ўриндиқлардан бирига чўқди. Турнақатор тизилиб бирин-сирин келаётган саф-саф одамлар Ғулом отанинг ҳовлисига кириб чиқаверишди. «Тўйхонага, азахонага, ошхонаю ишхонага, автобусу трамвайга кириб-чиқишда — ўнтами-иккитами одам тўпланган жойда улуғлар — аввал, ёшлар — кейин юради. Одамгарчиликнинг таомили — шу. Лекин...» Райим чол ҳассасига иягини тираганича ўтаётган сафнинг олди, ўртаси ва охирини кузатар, турфа хил ёшдаги одамларни муқояса қилар, улар орасида олдинроқдан жой олишга интилаётганлар ҳам борлигини сезиб, ҳорғин, мийғида жилмайиб кўяр эди...

Фарҳод МУСАЖОНОВ:

Еш ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедовнинг ҳикоялари ҳақида фикр билдиришдан аввал бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Мен мазкур муаллифини мутлақо танимайман, кимлиги, ёши ва касби менга номаълум. Бунинг аҳамияти ҳам йўқ — қўлимда унинг ҳикоялари — менга шунинг ўзи кифоя.

Баъзан шундай машқлар учрайди: бир ўқиганиндаёқ муаллифи ҳеч қачон яхши асар ёзолмаслиги аён бўлади-қўяди ёки аксинча, бир ҳикоянинг ўзиёқ қаламкашнинг ўзига хос қобилияти борлигидан далолат беради.

Хуршид журналхонларга бир нечта ҳикоясини тақдим этибди. Ҳикоялар мавзуси ҳам, шакли ҳам хилма-хил. Гўё ёш адиб ижод камалагининг сержилолигини, ҳар қандай мавзуда ўзига хос тарзда қалам тебрат олишга қодирлигини кўрсатмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг биринчи ҳикоясини ўқиб чиқишим биланоқ жиддий ёзувчига дуч келганимни сездим.

Хуршиднинг ҳикоялари бошловчи қаламкашнинг машқларидан фарқ қилади. Унинг ҳикояларида фикр ва фалсафа бор. Тасвирда бўёқлар танлаш, сўз ахтариш, жумлаларга сайқал бериш, персонажлар тили устида ишлаш, хуллас, пухта бадиятга интилиш сезилади. Муаллиф зийраклик ва зукколик билан ҳаётни кузатади, инсон қалбига қулоқ туттади. Шу боисдан унинг ҳикояларида ҳис-ҳаяжон, эҳтирос бор. Бу — бадиятнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Бироқ, Хуршиднинг заиф томонлари ҳам кўзга яққол ташланиб турибди. Ўзига хосликка интиламан деб у баъзан галлиз жумлалар тузади, тилни «бойитиш» мақсадида айрим архаик сўзларни ишлатади, уларнинг келиб чиқишини, этимологиясини яхши билмасдан қўллайди.

«Қодир бобо» ҳикояси мақоланомо усулда ёзилган. Чунки унда жараён йўқ, натижа бор, холос. Адабиётнинг вазифаси — у ёки бу қаллобнинг қўлга тушиб қамалганини қайд қилиш эмас, қаҳрамоннинг шу кўйга қандай тушганини тафтиш этишдир.

Хуршиднинг менга маъқул бўлган ҳикояси — «Саф». Муаллиф унда ўқувчини ўз ҳолига қўяди, ҳадеб фалончи-яхши, писмадончи-ёмон, деб такоррлайвермайди. Битта воқеани гапириб беради, хулосани, ким қандайлигинию «қиссадан ҳисса»ни ўқувчининг ўзи чиқаради.

Ҳикоялар билан танишаркансиз, битта нарса кишини ташвишга солади. Ҳозирча унинг ҳикоялари бўёқларга унча бош эмас, фақат оқ ва қора бўёқ ишлатилган, холос. Назаримда, бу — яхши, у — ёмон дейиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Ёзувчининг вазифаси чуқурроқ тадқиқ қилиш — яъни, ўша «яхши» ўзидаги қандай камчиликларни энгиб «яхши» бўлди ёки онасидан аблаҳ бўлиб туғилмаган «ёмон» нега ва қай йўсида ўзининг одамийлик хусусиятларини йўқотиб, ёмон-отлиқча чиқди! Ёзувчи шуларни ўрганиши, таҳлил этиши, кўрсатиши лозим.

Лоқайд одамдан ҳеч қачон ёзувчи чиқмайди. У ўзи яшаган давр руҳини, ҳаётнинг барча мураккаблиklarини асарида тўла акс эттириши керак. Шунингдек, ялқов одам ҳам ҳеч қачон ёзувчи бўлолмайди. Ижодкор муттасил ишлаши, ўтириб ёзишга ўзини мажбурлай олиши лозим. Менимча, Хуршид Дўстмуҳамедов «ёзувчи бўлиш»нинг бу шартларини билади. У ёзувчилик касбининг тасодифан ёки ҳавасга танлаган деб ўйламайман ва бу сермашаққат ишда омад тилайман.

Хуршиднинг ҳикоялари ранг-баранг. Унга тенгдош аксар ҳикоянавислар ижодида мана шу хусусият етишмайди. Тор мавзучилик оқибатида қаламқаш мураккаб ҳаётини муаммоларни «четлаб» ўтади, тўрт қулочлик «макон» атрофида, эҳтимол, бир умр ўралашади.

Хуршиднинг ҳикояларидаги бизни хушнуд қилган жиҳат — улар турлича мавзуда. «Оқ либос»да ёзувчи мוזийга муносабат этади. «Қодир бобо»да эса шу кеча-кундузда, кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеа қаламга олинади. «Ойнинг охири кунини» — инсон, умр, қадр-қиммат ва муносабат ҳақида. Хуршид бу ҳикоясида турмушнинг муттасил давом этадиган уюрмасида бир кўриниб, бир кўринмай қолаётган гўзал туйғуларни тасвирлайди. «Алам», «Саф» ҳам ўзига хос.

Хуршиднинг қаҳрамон руҳий олами тадқиқ этиш доирасидаги изланишлари «Саф»да муайян самарасини берган, дейиш мумкин. «Саф» рамзий маънога эга. Хуршид, бир қарашда оддий, биров эътибор ҳам бермайдиган, ҳар биримизнинг ҳаётимизда деярли ҳар кунини содир бўладиган одатий ҳодисалар замиридан чуқур маъно излайди, аксар ҳолларда буни топишга муваффақ бўлади, ҳикояларида буни гўзал ифода этишга интиладики, бу — бизни қувонтиради.

Тўйга, маъракага қаторлашиб бораётган муйсафидларни, уларга эргашган ўрта яшару ёш-ялангларни кунда, кунора кўрамай. Лекин эътибор қилмаймиз, сафда таниш-билишимиз бўлса, саломлашамиз. Шу, холос. Хуршид эса худди шу манзарада ҳеч ким илғаман жиҳатини кўради, ўзига хос ҳаётини хулоса чиқаради. Бунинг замиридаги фикр, Райим бобо тасавури, тафаккуридаги дониш ўйлар кўнгил торларини оҳиста бўлса-да, чертиб ўтади. Журналхон бу ҳикояни бош кўтармай ўқишига ва унинг руҳига сингиб кетишига ишонсан киши.

Хуршиднинг психологик таҳлилга мойиллиги «Саф»да кўзга ташланиб туради. Афтидан, у Достоевский, Пруст сингари адиблар асарларини ҳам севиб ўқийди, маҳорат сирларини ўзлаштиришга астойдил интилади. Қаҳрамон руҳий олами талқинида шартлиликдан фойдаланишда унга Темур Пўлатовнинг таъсири сезилади.

Худди мана шу борада Хуршид муайян камчиликларга ҳам йўл қўйган. Бу, айниқса, «Оқ либос» ҳикоясида яққол кўзга ташланади. Омила она аслида вафот этган, муаллиф бир-икки ўринда бунга ишора қилади. Бироқ у — шартли равишда — ҳикоянинг охирига қадар иштирок этади, тўғрироғи, бу унинг ўзи эмас, балки, сийрати. Замон нотинч бўлса, эл ва юрт оромини йўқотса, ҳаётдан кўз юмган волидалар ҳам безовта-ланади, улар абадий тирик, адолат йўлидаги курашда ворисларига ҳамнафасдир, демоқчи бўлади ёзувчи. Фикр — яхши, лекин Омила она йўналиши ҳикояда ўзининг тиниқ ифодасини топмагандек туюлади менга. Бу мақсадни қаҳра-

мон талқинидаги шартлилик асосида юзага чиқаришга интилади экан, муаллиф уни янада аниқ, янада ишонарли, янада ҳаётини гавдалантиришга эришиши лозим эди. Ҳикояни ҳозирги ҳолида ўқиган журналхон, ҳар қолда, и-я, Омила она вафот этган эмасми, нега яна у воқеаларга аралашиб юрибди, деб ўйлаши, чалғиниши мумкин. Қолаверса, тарихий мавзуда ёзилган асар, у қайси жанрга мансублигидан қатъи назар, умумий қонуниятга бўйсунмиши лозим. Бу — қаҳрамонлар ҳаракат қилаётган замон ва маконнинг аниқлиги масаласи. «Оқ либос»да эса бу сезилмайди, яъни асарда қаламга олинган замон ва макон ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қила олмаймиз. Шу билан бирга, муҳим ижтимоий масала — талон-тарожу муҳо-рабага халқнинг муносабати ёрқин ифода этилмаган. Ҳикояда бу кўпчилиكنинг, Омила онамиз ўғлини босқинчилик юришидан қайтарсин, деган нидоси воситасидагина берилган холос.

Хуршиднинг ҳикоялари ичида «Қодир бобо» алоҳида ажралиб туради. Асар республика Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин диёримизда амалга ошири-лаётган кўламдор ўзгаришларга ҳамоҳанг. «Қодир бобо»да ҳам ёш ёзувчи психологик таҳлил йўлини тутади. Қодир бобо — собиқ раҳбар. У катта-кичик хатоларга йўл қўйган. Муаллиф уни қораламайди, аксинча, ички оламидаги пўртаналарни тасвирлашга интилади, шу тариқа, яъни изтироблар, мулоҳазалар — кечинмалар кўзгусида ўзлигини намоён этади.

Қаҳрамонни ичдан ёритиш, характернинг ботиний олами тадқиқ этиш — мураккаб санъат. Хуршиднинг бу борадаги урнишлари бесамар кетмаётир. Айни пайтда бадиий мантқиқ бузиш ҳолларига ҳам йўл қўяётганини айтиш ўринлидир. Қодир бобо кўп йиллар мобайнида раҳбарлик қилган, жиддий хатоларга йўл қўйган, лавозимидан олиб ташланган, тез орада ўз айбларига иқроор бўлади. «Энди ўйлаб кўрса [Қодир бобо — Б. Н.] — одамларнинг кўнгли, раъйи билан ҳисоблашмай қўйган экан...» Менимча, бу жараён узок, ҳа, узок кечади. Қодир бобо оғир руҳий қийноқлар сўнгигагина янглишганини тан олиши мумкин. Баайни шу жараён ҳикояда етарлича далилланмаган.

Хуршид Дўстмуҳамедов ҳикояларига хос фазилат — улар ўзига хос, тасвири тиниқ, қаҳрамонлари эса ҳаётини. «Мўйса-фиднинг пешонасидаги ажиндек иланг-биланг саф чўзилиб йўлга тушди» ёки «тўй-маъракаларда унга кенжа ўғли ош едирарди, чунки урушда ҳар иккала қўлидан ажралган эди» каби тиниқ ифодаларга бой. Айни пайтда айрим номуно-сибликлардан ҳам холи эмас.

«Емгир томчилари...» Бунда ҳам ўзига хос рамз бор, зеро, қўлингиздаги ҳикоялар Хуршид Дўстмуҳамедовнинг ижод чаманидаги илк чечаклардир. Улар адабиётимизга келажаги бор носир кириб келаётганидан далолат беради. Носиримизнинг тилаклари — эзгу, қаҳрамонлари — тирик одамлар. Унинг ҳикояларини ўқиб чиққач, ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз.

#### РЕДАКЦИЯДАН:

Жўн китоблар бўлгани каби тушунчаси тор китобхонлар ҳам йўқ эмас. Улар, танқидчиларимиздан бири куюниб ёзганидек, адабиётнинг родини, тарбиявий қимматини бир ёқлама тушунишади. Ҳамма нарсанинг «икки карра икки — тўрт» қабилида содда, лўнда ва аниқ бўлишини исташади. Айни пайтда нозиктаъб китобхонлар сафи ва уларнинг талаби кун сайин ўсиб бораётганини биз ҳар қадамда ҳис этамиз. Зеро, адабиётимиз уфқи тобора кенгаётир, у иқтидорли ёшлар ҳисобига бойиётир.

Ёшларнинг ўз оламларини яратишга интилишлари, изланишлари эътиборга молик. Уларнинг асарлари хусусида баҳс юритиш, ютуқларини қадрлаган ҳолда муайян камчиликларини кўрсатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Табиийки, битта ёки иккита ҳикояда муаллиф имкониятлари, изланишлари маҳсули, ифода усулидаги ўзига хослик тўла-тўқис намоён бўлиши қийин. Шунинг учун ҳам олиб, ёш ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедовнинг бир неча ҳикоясини эътиборингизга ҳавола этдик. Мана, Сиз улар билан, шунингдек, Фарҳод Мусажонов, Бахтиёр Назаров ҳикоялар ҳақида билдирган мулоҳазалар билан танишиб чиқ-дингиз. Хўш, бу Сизда қандай таассурот қолдирди! Ҳикояларнинг қайси бири маъқул қай бири Сизга ёқмади! Танқидчининг фикрлари асослими! Ёзувчининг-чи!

Ҳурматли журналхон, адабий мулоқотимиз давом этади, биз Сизни ҳам мунозарага чорлаймиз.





нинг ўзиёқ буни тасдиқлаб турибди. Лекин, ҳали ёш бўлганимиз билан ўзимизга яраша муаммоларимиз ҳам бор. Маълумки, институтимиз катта санъат даргоҳларидан саналади. Кейинги пайтларда шу катта даргоҳда мақом кафедрасига бўлган эътибор тобора сусайиб кетаётгандек. Бу нафақат талабаларни, балки ўқитувчиларимизни ҳам ўйлантириб қўйган. Масаланинг илдини мураккаб бўлса керак-да. Ҳатто бу кафедра яқин-орада ёпилиб қоладими, деб хавотирдамиз.

**3. БОЙХОНОВА.** Мен ўзим вокал кафедрасида шуғулланаман. Гавҳарнинг фикрларига қўшилган ҳолда ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни айтай. Менимча, мақомчи талабалар ҳам аввало ва кўпроқ вокал кафедрасида шуғулланишлари керак. Чунки, ижрочининг энг зарур қуроли овоз бўладиган бўлса, бизнинг кафедрада овозни йўлга қўйиб олишга, бошқача айтганда, уни «қўлга ўргатишга» катта эътибор берилади. Овоз яхши йўлга қўйиб олинса, «қўлга ўргатиб» олинса, уни бошқариш ҳам осонлашади. Шахсан менинг овозим шу кафедрадаги машғулотлар натижасида тўрт парда кўтарилди. Афсуски, айрим мақомчи талабалар бизнинг кафедрага унча қизиқмайди. Аммо бир нарса аниқки, институтга ўқишга келган хаваскор ашулачи агар овозини йўлга қўйиб олиш устида ишламаса, ашула айтиб юраверса, институтни ҳам хаваскорлигича битириб кетади. Қайтага, аввал ўзда мавжуд бўлган дурустгина табиий овозни ҳам йўқотиши мумкин. Ахир, ниҳолни ҳам парвариш қилиб турмасангиз, яхши ўсмайди.

**С. ХОЛМАТОВА.** Ҳақкаст рост! Вокал кафедрасида дарслар ҳам яхши олиб борилади. Ўқитувчиларнинг кўпи таникли вокалчилардир. Мақомда эса, икки-уч ўқитувчимиздан бошқалари ўзлари ашула айтишмайди. Мақомнинг қонуниятларини, усулларини билишга билишадими-ю, барибир улар мақомчи-қўшиқчи эмас-да. Кўплари созанда. Масалан, вақти келса рубобчи ҳам овоздан дарсга қираверади. Оқибатда юкнинг асосий қисми ўзимизнинг зиммамизга тушади, «самоулка»лик қилишга мажбур бўламиз.

**Г. ЯХШИБОВА.** Бунда ўзда табиий овози борлар бир бало қилиб эплаб кетади, қолганлар қолаверади. Самиданинг гапида жон бор: мақом кафедрасида ўқитувчилар масаласида озгина тахчиллик сезилади. Умуман олганда, зўр-зўр мақомчи домлалар кўп, лекин уларнинг айримлари бошқа кафедраларга ўтиб кетишган. Мақом кафедрасининг истикболсиз эканини сезиб қолишганимиз...

**МУХБИР.** «Истикболсиз» дедингиз, жуда унчалик эмасдир? Айтилган гаплардан маълум бўлдики, биринчидан, вокал кафедрасидаги машғулотлар мақомчиларга ҳам сув билан хаводек зарур. Иккинчидан, вокалдаги ўқитувчилар состави кучли. Учинчидан, мақом кафедрасида ўқишни истовчиларнинг сони кўпроқ. Тўртинчидан, афсуски, бу кафедрага эътибор масаласи чатоқ, ҳатто ёпилиб қолиши мумкин. Қизиқ парадокс: ишқибозлар ортган сайин кафедранинг истикболи шубҳа остида қолса... Бунга сизлар

норозисизлар, албатта. Ўз навбатида, мақомчиларга ҳам вокалдан машғулотлар берилиши кераклигини таъкидлаясизлар. Хулоса: шу масалани бутун бошли бир кафедра ёпмай туриб ҳал қилса бўлмайдими?

**С. ҲУЛОМОВА.** Бундай қилса ҳам бўлади. Масалан, кафедралар ўз ўрнида қолса-да, мақомчиларга вокалдан тартли соат ажратилиб, дарсга кучли ўқитувчилар жалб қилинса. Қийин эмас-ку? Эҳтимол мен ёш болалардек «ҳал қилаётгандирман» ишни, ўқитувчиларимизга бу гапларим қулгили туюлар. Бунчалик осон бўлганида, ўзимиз билардик нима қилишимизни, дейишар ҳам. Майли. Лекин мен яхшилаб ўйланса бир йўли топилишига ишонаман.

**Х. ЎРИНОВА.** Яна бир тилагимиз бор. Бизга ўзбек тилидан, адабиётдан яна қўшимча соатлар ажратилса яхши бўлар эди. Ҳозир ҳам бу фанлардан дарс бор, лекин, назаримизда, оз. Айниқса, мақомни адабиётни билмасдан, тили билмасдан, теран ўрганмадан туриб маромига етказиб қуйлаш қийин. Кутилмаган бир жойда ижрочи ашулани бузиб қўйиши ҳеч гап эмас. Дарсларда ё дарсдан ташқари пайтларда шеър, ғазалларни декламация қилишни ўрганамиз. Бунда кўпинча фақат чиройли ўқишга эътибор берамиз. Агар ўша шеър ёки ғазалнинг маъносини чақиб, ҳар бир сўзнинг вазифасини англаб ўқисак, ўйлайманки, у жуда бошқача жананглайди.

**Г. ТОЖИБОВА.** Муаммоларимизнинг барини айтаверайликми ё?... Масалан, институтимизда биронта ансамбль йўқки...

**МУХБИР.** Сабр қилинглр, ҳаммаси бўлади. Эҳтимол, бутун бошли институтнинг ўзи катта бир ансамбль, унинг ичида яна майда «ансамблч»лар тузиш шартмикан, деб ўйлашаётгандир? Хўш, гап энди ўз-ўзидан радио-телевидениега такаляпти. Бизнингча, кейинги пайтларда бу минбарларда ёшлар мақомчилигининг тарғиботига дурустгина ғамхўрлик кўрсатил-япти. Бундан қувонмасдан иложимиз йўқ. Хилма-хил кўрсатувларда янги-янги ёш ижрочиларни танияпмиз. Юкорида айтганимиздек, «Назм ва наво» кўрсатуви эндиликда ёшларнинг иштирокисиз ташкил этилма-япти. Булар ҳаммаси яхши. Лекин барибир бу соҳада ҳам кўнгулларингда гаплар бордир. Мабодо рўпараларингиздан Ибн Ҳаттоб чиқиб қолиб, тила тилагингни, деб юборса, нима дердингизлар?

**3. БОЙХОНОВА.** Мен, масалан, аввало, қўшиқни эзиб олиш масаласини қўндаланг қилиб қўяр эдим. Биз радио-телевидениенинг эътиборидан асосан мамунимиз. Шу билан бирга, айрим тилакларимиз ҳам борки, уларни айтмасак бўлмайди. Маълумки, телевизорда кўрсатувлар кўпинча аввалдан эзиб олинади. Бунда олдин студияда овоз ёзилади, кейин суратга туширилади-ётганда, режиссёр кабинасидан ўша овоз — фонограмма қўйиб турилади. Шу ёзувларнинг сифати аксари пайт одамни қониқтирмайди. Томошабинлар ҳам бу тўғрида тез-тез норози бўлтуришади. Баъзан ё ҳаддан ташқари паст ёзилади, ё жиндай шовқин аралаш... Мен фақат ўзимиз айтган қўшиқлар тўғрисида гапирма-япман, умуман...

**МУХБИР.** Шуни эслатиб яхши қилдингиз: бизнинг ҳам жиндек «тилак»ларимиз бор. Яқин беш-ўн йил илгари санъаткор телекамера қаршисида туриб ашула айтарди (тепасида осиглик турган микрофон бўлган кўриниб қоларди ҳам). Энди эса, камдан-кам қўшиқ эфирга тўппадан-тўғри кетади. Асосан фонограмма қўйиб берилади, тўғрими? Бунинг телевидениега қулайлик жиҳатлари бордир, лекин қўшиқ ўзининг айрим фазилатларини йўқотади, одамга юқиши қийинлашади. Нимага шундай? Бизнингча, фонограммдан ҳар бир қўшиқчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш керак, шекилли.

**3. БОЙХОНОВА.** Ашула айтаётганимизда бўйин томирларинг бўртиб-бўртиб (қўпол туюлса — узр), қийналиб айтсанг экан! Шу қийналиб айтаётганингни телетомошабинлар ҳам кўришса экан! Одам ўшанда маза қилади-да!

**Г. ЯХШИБОВА.** Фонограммага жуда мослашиб кетганлар ҳам бор. Лекин бизга, масалан, табиий айтиш осон. Тасаввур қилинг: суратга олиш бошланди, фонограмма қўйилди, қаршингизда телекамера, энди сиз минглаб телетомошабинларга «юрагингни очиб кўрсатишингиз» керак, сиз эса... қачон озгимни очиб, лабимни қандай қимирлатай экан, деган ташвишда жонингиз ҳалак. Бунақада ҳис-ҳаяжонни томошабинга юктириб бўладими? Эҳтимол айб ўзимиздадир, тажрибамиз ошса, фонограммага ҳам мослашиб кетармиз, лекин барибир овоз билан экрандаги қиёфа табиий уйғунлашади.

**Г. ТОЖИБОВА.** Бунда баъзан қулгили ҳоллар ҳам учраб туради: фонограмма қўғур белгиланган муддатдан ё эртароқ қўйиб юборилади, ё кечроқ. Бир сафар ҳатто экранда бошқа қўшиқчи пайдо бўлди, фонограммани эса бутунлай бошқа қўшиқчиникини қўйиб юборишди. Бу ҳол ўша ерда кимнингдир масъулиятсизлиги оқибатида рўй берган, албатта. Худди майда гапдек. Бироқ телевизиорни бирданга миллионлаб томошабин кўришини ҳисобга олсак, бир кишининг салгина масъулиятсизлиги ҳам майда гап эмаслиги маълум бўлади. Эндиликда телевидениемиз ўта замонавий анжомларга эга, демак хонанданинг ўзини ҳам, овозини ҳам бирданга юксак сифатли қилиб ёза олмайдими? Менимча, ёза олади!

**МУХБИР.** Ана, ҳарҳолда, анчагина гапларни гап-лашиб олдик. Сизларга катта раҳмат! Хўш, охири саволларга ўтсак ҳам бўлар энди. Бу ёғи баҳор ҳам оёқлаб қолди. Эрта-инди ёз қиради. Қарабсизки, абитуриентларнинг мавсуми бошланади. Сизларнинг институтларингга киришни истовчи, келгусида санъаткор бўлишни орзу қилаётган абитуриентларга қандай тилак билдирасизлар?

**ҚИЗЛАР (бир овоздан).** Аввало, санъатнинг чинакам ошиқларинигина институтимизга таклиф қиламиз — уларга бу даргоҳнинг эшиги ҳамиша очик. Қолаверса, мақомчи ёшлар яна ҳам кўпайсин, деймиз.

Сухбатни Н. Отахонов олиб борди.

Ромен  
РолланЛенин.  
Санъат  
ва кураш

**Л**енин умрининг ҳар бир дақиқаси курашларда ўтди. Унинг жамики мақсад-интилишлари гўё жангу жадал пайтида, армия кўмондонининг кузатув пунктдан туриб кўрган воқеа-ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу воқеа-ҳодисалар унинг учун жангда енгиб чиқишига хизмат қилди. Инсоният тарихи яратилган ва пролетар революцияси амалга оширилган ўша йилни ҳеч ким Ленинчалик ўзида мужассам этаолмаган. Дунёда ҳеч нарса — на шахсий манфаатлар, на дам олиш истиғи, ва на бесамар ўй суришлар уни революцион курашдан сира чалғита олмаган. Иккиланишлар, шубҳага берилишлар унга тамомила ёт эди. Унинг куч-қувват манбаи, ўзи мужассами бўлган ишнинг тантанаси ҳам ана шунда.

У бутун ақл-заковат аслаҳонасини — санъатни, адабиётни, илм-фанни... — ҳамма-ҳаммасини кураш манфаатларига қаратди.

У истехзо билан мана бундай деб ёзган эди:

«Хаёл сурмоқ керак!» Бу сўзларни ёздим-ку, кўриб кетдим. Мен ўзимни «бирлаштирувчи съезд»да ўтирган, қаршимда «Рабочее Дело»нинг редакторлари ва ходимлари ўтирган деб хаёл қилдим. Ана, ўрток Мартинов ўрнидан туриб, даҳшат билан менга мурожаат қилиб: «Рухсат беринг сиздан сўрашга, автономияли редакция партия комитетларидан рухсат олмай хаёл суришга ҳақлими?» — дейди. Унинг кетидан ўрток Кричевский туради ва (ўрток Плеханов фикрини аллақачон чуқурлаштирган ўрток Мартиновнинг фикрини файласуфона чуқурлаштириб) янада даҳшатлироқ киёфада давом этади: «Мен бундан ҳам олдинга ўтиб кетаман. Мен сўрайманки, агар марксист, Маркс назариясига қараганда, инсоният хамиша амалга ошириб бўладиган вазифаларни ўз олдига қўйишини, тактика эса партия ўсган сари ўсиб борадиган вазифаларнинг ўсиш процесси эканлигини унутмаса, у умуман хаёл суришга ҳақлими?» — дейди.

Бу даҳшатли саволлар фикримга келиши биланок эгим жимирлашиб кетди, қаерга яширинсам экан деб ўйлайман, холос. Кани, Писаревнинг орқасига яшириниб кўрай-чи.

Писарев хаёл билан ҳақиқат ўртасидаги зиддият масаласида бундай деб ёзган эди: «Зиддиятнинг зиддиятдан фарқи бор. Менинг хаёлим воқеаларнинг табиий боришидан ўзиб кетиши ҳам мумкин, ёки бутунлай бошқа томонга, воқеаларнинг табиий бориши ҳеч қачон бормайдиган томонга қараб кетиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолда хаёл ҳеч қандай зарар келтирмайди; у ҳатто меҳнаткаш кишига мадад бўла олади, унинг ғайратини кучайтира олади... Бу хил хаёллар иш кучини бузмайди ва ишдан чиқариб қўймайди. Ҳатто тамомила аксинча бўлади. Агар кишида бу хил хаёл қилиш қобилияти ҳеч бўлмай, баъзи-баъзида хаёли югуриб олдинга ўтиб кета олмаса ва ўз кўли билан эндигина ижод этилаётган ишнинг бутун манзарасини хаёлида тўла ва тўқис тасаввур қила олмаса, у ҳолда одамни санъат, фан ва тирикчилик соҳасида ғоят катта ва зерикарли ҳаракат қилишга нима мажбур этганини мен асло тушуна олмайман... Агар хаёл сурувчи одам ўз хаёлига жиддий суратда ишонса, турмушга диққат билан қараб, турмушда кўрганларини ўзининг хаёлий орзулари билан солиштирса ва умуман ўз хаёлини рўёбга чиқариш йўлида астойдил ишласа, бу ҳолда хаёл билан ҳақиқат ўртасидаги зиддият ҳеч қандай зарар келтирмайди. Хаёл билан ҳаёт ўртасида бирмунча яқинлик бўлса, у вақтда ҳамма нарса жойида бўлади».

«Афсуски, ана шу хил хаёллар бизнинг ҳаракатимизда жуда оз, — деб давом этади Ленин. — Бунда ўз хушёрликлари, «амалий ишга» «яқиндиклари» билан мактанувчи легал танқидчилар ва нолегал «думчилик» тарафдорлари кўпроқ айбдордирлар». (В. И. Ленин, ТАТ, 6-том, 197-199 б. — ред.)

Ўттиз йил муқаддам, чоризмнинг энг қора кунларида, ишчилар ҳаракатининг ибтидосида Ленин шундай орзу қилган эди. Шу тариқа унинг орзуси улуғ ишлар жараёнида амалга ошиб бораверди.

Тарихдан шундай бир арбоблар, шундай халқ йўлбошчилари маълумки, улар ўз умрини улуғ ишларга бағишлаб, иш орасида ақлни пешлайдиган турли хил эрмаклар билан машғул бўлганлар, бу нарса уларга хилватхона хизматини ўтаган. Бундай зотларнинг энг ёрқин намунаси эхтимол, Юлий Цезарь бўлгандир. У ишга бир киришиб кетса, боши билан шўнғиб кетарди. (Иш бўлганда ҳам қандай ишлар, денг!) Аммо, у ҳам инглиз давлат арбобларига ўхшаб, шанба-якшанба кунлари дам олишга эҳтиёж сезарди, шунда у гўзал фикрлар, чиройли сўзлар оламида Цицерон билан мулоқотда ором оларди. Сабаби — Рим ва Галлиянинг ҳукмдори, аслини олганда, ишқибоз эди ва умрининг



охиригача шундай ишқибоз бўлиб қолаверди, унинг учун иш-фаолиятнинг ўзи бир ўйин... ютуғи зўр бир ўйин эди, холос, аммо, ҳарҳолда бу — ўйин эди, яъни, тўғриси, хомхаёл эди.

Ленинда хомхаёлликдан асар ҳам йўқ. У ҳеч вақт хомхаёлларга берилмаган! Унга реаллик туйғуси — қудратли, доимий, ҳеч қачон кишини алдамайдиган туйғу жуда хос эди. Бундай туйғудан маҳрум кишиларни, иш-ҳаракатдан ўзини четга олиб қочадиган кишиларни учратганда у индамайгина бир жилмайиб қўйар, бу жилмайишда истехзо, киноя, лутфан ачиниш, қисман жирканиш кабиларни туйиш мумкин эди: эҳтимол, кучли одамлар ҳурматга лойиқ, аммо акли норасо кексаларга айнан шундай муомала қилишса керак.

Хатто санъатдаги орзуга ҳам у реаллик туйғуси билан қарарди. У санъатни севади, баъзи кишилар ўйлаганидек, у санъатга ҳеч ҳам бефарқ бўлмаган. У классик адибларни жуда саз билади, асарларини севиб мутлоқа қилади. У Толстойни қайта-қайта ўқийди, асарларидан лаззат олади, Толстой ватандоши, тафаккур оламидаги йўлдоши эканлиги билан фахрланади. Ленин замонавий шеърят соҳасида ўзини билимдон ҳисобламаса-да, Маяковскийни ўзига иттифоқчи деб биледи, шоирнинг камчиликларини фош этувчи сиёсий сатирасини қувватлаб, бу борада ўта сезгирлигини кўрсатади. Музыка унга нақадар зўр таъсир қиларди! Нақадар завқ-шавқ билан музыка тингларди! Бетховен «Аппассионата»си тўғрисида айтган оташин сўзларини унутиб бўлармиди! У музикани шунчалик севади, музикани шунчалик ўткир хис этардики, хатто музыкага ҳаддан ортиқ берилиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Унга санъатнинг орзу-мақсади албатта маълум эди. Аммо у ўзи учун қонун ва ҳаётдаги мақсад деб билган қурашдаги орзуси каби санъатдаги орзу ҳам қурашда қувват ва мадад манбаи бўлишини, бу орзу ўз фаолияти билан доимо чамбарчас боғлини кетишини хоҳлар эди.

Чиндан-да, санъат доимо, хатто «мен жанг майдонини ташлаб чиқиб кетдим» деганида ҳам, ўзига-ўзи «санъат — санъат учун» деб лақаб қўйиб олганида ҳам ўз замонасининг жангу жадалларида иштирок этади. Бу лақаб ғирт ёлғондир... 9 ноябрь куни, революционерларни бостириш ниятида Петроградга қилинган ҳужум арафасида Криленко броневиклар полкининг жангчилари олдида сўзга чиқиб, бундай деган: «Сизни бетараф бўлиб қолишга ундашяпти, ҳеч вақт бетарафлик нималигини билмаган юнкерлар ва зарбдор кучлар сизларни кўчаларда ўққа тутиб турган бир пайтда сизни бетараф қолишликка ундашяпти» (Жон Рид. «Дунёни титратган ўн кун» китобидан. — Ред.).

Ахир бетараф бўлиб қолиш, «майли, бундан кейин ҳам бизни отиб ўлдираверинглар, жаноблар!» дейиш билан баб-баравар эмасми? Келинг, очикчасига сўзлашайлик. «Биз сиёсатдан четда турамиз», деб эълон қилаётган буржуа адибларнинг жуда кўпчилиги амалда сиёсатдан мутлоқо четда турмайдилар, лоақал шу боисдан четда турмайдиларки, улар буржуа тузумини ағдариб ташлашга заррача эҳтиёж сезмайдилар, — аксинча, жон-жон деб имтиёзларни — моддий бўлмаса-да ҳарҳолда ўз худбинликларига хуш ёқадиган имтиёзларни, уларни тизгинда маҳкамрок тутиб туриш учун бериб қўйилган имтиёзларни — ўз қўлларини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Улар ҳарҳолда эски тузумни қўлларига қурол олиб ҳимоя қилолмайдилар ҳам, боиси — ўзлари машғул бўлган ишнинг хусусияти шундайки, уларда жасорат деган нарса етишмайди, яна бунинг устига улар доимо оппоқ бўлиб қолишни жуда-жуда хоҳлайдилар. Ўзларига ўзлари ҳисоб бермасалар-да, барибир, аслида улар котиллар тарафида турадилар. Париж Коммунасидан кейин ҳамма буни очик-ойдин билиб олди. Ўшанда Дюма-ўғил, Франсиск Саре (афсуски, буларниқидан ҳам атоқлироқ номларни бу ўринда келтирмай қўяқолайлик) кабилар жаноб Тьер ва маркиз Галиффе қувиб етган овга қараб, овозлари хириллаб қолгунча ақиллаган эдилар (Тьер ва Галиффе 1871 йилда Париж Коммунасини тор-мор этишда бошчилик қилган эдилар. — Ред.).

В. И. Ленин 1905 йилда ёзган мақолаларида айтганидек, биз синфий жамиятда яшаб турар эканмиз, маънавий турмушнинг бирорта ҳам соҳасида синфий бўлмаган нуқтаи назар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Адабиёт буни хоҳлайдими, йўқми, барибир у ижтимоий қураш манфаатлари ҳамда мақсадларига бўйсунмади; адабиёт у ёки бу синфнинг таъсиридан ҳалос бўлган бир нарса эмас, у бундай таъсирдан ҳалос бўлолмади ҳам; ҳамма нарса ўзаро қурашувчи синфларнинг ва аввало, ишонтириш ва мажбур этишининг таъсирчан ва бошқа ҳилма-хил воситаларини қўлида тутиб турган ҳукмрон синфнинг таъсиридан бўлади. Зўр иродага эга бўлишлари тўғрисида ўзлари яшаб турган

жамиятдаги ижтимоий фикрнинг қолоқ унсурларидан ва шундай фикрнинг ҳукмронлигидан ҳалос бўлган (ёхуд ўзларини ҳалос деб санаган) энг буюк адиблар, хатто шундай нодир истеъдодлар ҳам — зўр мутафаккирлар, ижодий ва танқидий фикрловчи зотлар ҳам албатта ўз замонларидаги ҳаводан нафас олиб яшайдилар ва бусиз яшай олмайдилар ҳам... Уларнинг тафаккури қанчалик ўткир бўлса, унда бир-бирига қарама-қарши оқимлар — ўтмиш билан келажакнинг гоҳ бир-бири билан қўшилиб, гоҳ бир-биридан ажралиб туриши шунчалик равшан намоён бўлади. Бундай зотлар ўз даврларининг кўзгусидирлар.

Ленин Лев Толстой ижодини худди шу нуқтаи назардан тадқиқ этди, у тўғрида ўткир мақолалар ёзди:

«Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси» (1908 йил).

«Революцияни очикдан-очик тушунмаган ва революциядан очикдан-очик четлашган буюк санъаткорнинг номини революция билан таққослаш биринчи қарашда ажиб ва сунъий бўлиб кўриниши мумкин... Лекин бизнинг революциямиз — фавқулодда мураккаб бир ҳодиса; уни бевосита амалга оширувчилар ва унда иштирок қилувчилар оммаси ўртасида содир бўлаётган воқеаларни очикдан-очик тушунмаган ва воқеаларнинг бориши улар олдида қўйган чинакам тарихий вазифалардан четлашган социал элементлар кўп... Мана шу нуқтаи назардан қараганда, Толстойнинг қарашларидаги зиддиятлар — бизнинг революция-мизда дехқонларнинг тарихий фаолияти дуч келган зиддиятли шароитнинг ҳақиқий кўзгусидир... Толстой ўзига хос йўлдан боради, чунки унинг бир бутун қилиб олинган қарашларининг жами — дехқон буржуа революциясидан иборат бўлган революциямизнинг хусусиятларини акс эттиради... Бир томондан, капиталистик эксплуатацияни шафқатсизлик билан танқид қилиш, ҳукуматнинг зўрликларини, суд ва давлат идорасининг найрангликларини фош этиш, бойликнинг ўсиши ҳамда маданиятнинг ютуқлари билан ишчилар оммаси қашшоқлигининг, ёввойилиги ва азоб-уқубатларининг ўсиши ўртасидаги зиддиятларнинг бутун илдизини очиб кўрсатиш; иккинчи томондан, зўрлик ишлатиб «ёвузликка қарши турмаслик» тўғрисида девоналарча насихатқўйлик қилиш...

Толстой тўла-тошган нафратни, яхши турмушга интилишнинг етиланглигини, ўтмишдан қутулиш истагини ва шу билан бирга орзу-хаёлларнинг хомлигини, сиёсий тарбия-сизликни, революцион бўшангликни акс эттирди. Омманинг революцион қурашининг пайдо бўлиши зарурлигига ҳам, унинг бу қурашга тайёр эмаслигига ҳам, биринчи революцион кампаниянинг энглишининг энг жиддий сабабларидан бўлган ёвузликка толстойча қарши турмасликка ҳам тарихий-иқтисодий шарт-шароит сабаб эди» (В. И. Ленин, ТАТ, 17-том, 235, 236, 240, 242-бетлар. Р. Роллан В. И. Лениннинг «Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси» асаридан олган цитаталарни тартиб-ни ўзгартириб келтирган. Ред.).

Лениннинг бу фикри муайян бир улуг санъаткорга ва муайян бир даврга оиддир, аммо уни бошқа буюк ижодкорлар ва бошқа даврлар мисолида — айниқса бизнинг Францияда революция арафаси бўлган XVIII аср каби даврлар мисолида текшириб кўриш мумкин. Сорбонна профессори Даниэль Морне яқинда ўзининг «Француз революциясининг маънавий манбалари» номли асарида худди шу ишни (албатта, бу асари билан Лениннинг фикрини тасдиқлаганини ҳаёлга ҳам келтирмаган ҳолда) бажарди. Морненинг кўрсатишича, Монтескье, Вольтер, Руссо, Дидро ва бошқа қомусчилар, худди Россияда яшаган Толстой каби келажакда қандай тузум бўлишини унчалик ҳам аниқ кўра билмаганлар, аммо шунга қарамай улар мазкур келажакнинг даракчили эдилар. Толстойга ўхшаб, улар ҳам ўзлари билмаган ҳолда, ўз замондошларининг миёсида содир бўлаётган бир-бирига зид жараённинг фақат «кўзгуси» бўлиб, улар ўзаро тўқнашиб турган турли маслақларни акс эттирар эдилар. «Шуниси эҳтимолдан жуда холи эмаски, — деб ёзади Морне, — агар бу зотлар умуман дунёга келмаганларида ҳам, барибир, жамият маънавий турмушининг йўналиши ўзгармай қолаверарди, фақат у унчалик шиддатли ва илхомбахш бўлмас эди». Улар ўз замондошларининг қарашларини турли янгли-шишлар билан ҳамда унчалик аниқ-равшан бўлмаса-да ифодалиб билдилар, холос, аммо ўзлари заковатли бўлганликлари боисдан мазкур қарашларни фўят таъсирчан шаклда, чиройли сўзлар билан ифодадиларки, бу эса ўзини «кўзгуси»га солиб қузатишга одатланган кишилар, яъни адибларнинг профессионал маҳорат деб аталмиш маҳоратига боғлиқ эди. Улар ўзларини мушоҳада қилиш орқали ўз замондошларини ҳам, мушоҳада қилдилар ва

айни вақтда XVIII аср думалаб бораётган қия текислик бўйлаб пайпаслаб боравердилар. Аммо, бу қиялик қаёққа олиб боришини пайқамас эдилар, мабодо пайқаганларида ҳам барчалари (жасур Дидродан бўлак) эҳтимол, орқага тисарилиб-югуриб кетган бўлурдилар. XVIII аср Франциясида мамлакатни революция сари етаклаб бора оладиган қудратли бир заковат соҳиби, тарихий тараққиёт муқаррар суратда яқинлашиб борган ўша энг яқин маррани олдиндан Ленин сингари равшан қўра биладиган ва шу маррага Лениндек сабот билан етиб боришга интилан заковат соҳиби бўлмаган эди. Руссо, Дидро, Вольтер каби зотларнинг, ўтишдаги барча улугъ санъаткорлар асарларининг айни қайси жиҳатлари (гарчи ўзлари буни билмасалар-да) улардан кейин ҳам яшаб қолаверди, келажакнинг мулки бўлиб қолади — ана шунини аниқ-равшан англаб олиш адабиёт тарихчиси учун марокли бир нарса бўлур эди. Ленин ўзига хос шиддатли ва очик ростгўйлиги билан энг севикли адиби тўғрисида худди шундай ишни бошлаб берди: у Лев Толстойнинг даҳоларга хос бир куч билан ўзига замондош ижтимоий тузум сохталиги ва жиноятларини фош этганлигини кўрсатди, зотан, Толстой қилган танқиднинг ўзи ўз-ўзидан революцияга даъват эди; айни чоғда худди шу танқиддан зарурий равишда келиб чиқадиган революцион ҳаракат қаршисида адиб кўрқинч ва ғазаб билан ўзини бир четга уриб, «йўқ» деб кичкирди, «шарққа хос турғунлик»дан иборат мистицизмда ўзига паноҳ топдики, бу мистицизм куёш ҳаракатини рад этиб, уни тўхтатиб қўйишга уринган эди.

Буюк қалб эгасининг бундай ноизчил воз кечиши санъаткорларнинг жуда катта кўпчилиги учун хос эканлигини пайқаш мумкин, уларнинг қалбида воқеалар гулдуриси бошқа кишилардагига қараганда кучлироқ акс садо беради; аммо мана шу санъаткорлар воқеалар таъсирида гўё заифлашиб, ҳайкалдек қотиб қоладилар, шундай воқеаларнинг бўлажак оқибатларидан даҳшатга тушадилар ва ўн ҳолатдан тўққизтасида реакция тарафига ўтиб кетадилар. Улар сакраб ўтиш керак бўлган жарликни аниқ-равшан кўрганлари ҳолда шу жарликка қарашлари биланоқ бошлари айланиб, оёқлари титраб кетади. Улар ўзларининг бузилган бекарор мувозанатларини қайта тиклаш умидида орқага, ўз даврларини олға томон елдириб бораётган

оқимдан нарироққа тисариладилар, «ахлокий тартиб», буржуа тартиботига шўнғиб кетадиларки, бу нарса уларга ўзлари хоҳламаган ҳолда беихтиёр назарлари тушган воқеа-ҳодисаларни унутиш имконини беради.


Худди мана шундай вақтларда Ленин каби зўр амалиётчилар ўз ақл-заковатлари билан юқоридаги сингари одамларнинг ақл-идрокига кескин тарзда қарши чиқадилар. Бундай ақл-заковат соҳиби ўзининг тафаккури ва фаолиятини бус-бутун қилиб жипслаштирган гоят кучли мантики билан юқоридаги каби кишиларга қарши туради. Ленин революцион партияларнинг хатто жуда кўпчилик назарийчилари ва йўлбошчиларидан шу фазилати билан фаркланадики, у фазилат — Лениннинг омма орасидаги стихияли кучлар билан доимо мулоқот қилиб туришидир. Ленин ҳаминша омма билан мулоқотда бўлган ва ҳеч бир куч омманинг ижодий кучларига нисбатан Лениндаги мустаҳкам ишонччи йўқотишга мажбур этолмаган. «Революция тартибсизликларидан чўчиб, «революциядан сўнг аҳвол тузук бир тартибга тушиб қолар», деб тахмин қилган ўртоклардан бирига жавобан истеҳзо билан «Революционер бўлишни истаган кишилар тарихда энг тузук тартиб революция тартиби эканини унутсалар, ёмон-ку» деган.

Илм кишисининг юксак мақсади стихиянинг туб моҳиятини тушуниб олмоқдан, унинг асл кучларини, унинг қонунлари ва оқимларини (ана шу асл кучларни бошқариш мақсадида) англамоқдан иборатдир. Санъатнинг энг юксак қонуни ҳам худди шундан иборат бўлсин! Гарчи кўпчилик санъаткорлар шу қонунга бўйсунишда ожизлик қилсалар-да, уларнинг энг буюклари ҳаминша беихтиёр мазкур қонунга амал қиладилар.

Леонардо ва Толстой каби буюк санъаткорлар худди шу равишда табиатнинг жонли формалари билан қўшилиб кетадилар. Ленин каби зўр амалиётчилар эса социал ҳаёт ва унинг мароми билан, ҳаётий бир шижоат билан уйғунлашиб кетадиларки, бу шижоат инсониятнинг муттасил равишда олға қараб боришини йўналтириб ва қувватлаб туради.

1934 й.

Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси



Самога йўл очган икки буюк инсон: Юрий Гагарин ва Сергей Королев.



Бегали Қосимов

# Эл суйган шоир



Татар инқилобий адабиётининг асосчиси Абдулла Тўқай.

**А**бдулла Тўқайнинг биринчи шеъри 1905 йилнинг декабрида босилиб чиққан эди. 1913 йилнинг апрелида эса у вафот этди. Вафот этганида ҳали йигирма етти ёшга ҳам тўлмаган эди. Унинг ижодий фаолияти мана шу киска умрининг етти йилчасини ташкил қилди, холос. Лекин шу етти йилда ҳам у кўп иш қила олди. Ҳақ минг мисрадан кўпроқ шеър, салмоқли проза асарлари қолдирди. Гап сонда эмас, албатта. У ўз асарлари билан янги бир адабиётни бошлаб берди. Алиаскар Камол, Фотиҳ Амирхон, Сағит Рамиев, Олимжон Иброҳимов, Шариф Камол каби қатор забардаст истеъдодлар у бошлаган ишни шараф билан давом эттирдилар. У ўз фаолияти билан халққа, Ватанга хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Бутун иқтидорини халқнинг ёруғ истиқболи йўлига бағишлади.

Абдулла Тўқай 1886 йилнинг 26 апрелида Қозон яқинидаги Қўшлович қишлоғида дунёга келди. Беш ойлигида отасидан, тўрт ёшга кирар-қирмас онасидан ажралди. Ва дарбадар етимликнинг бутун даҳшатини бошидан кечирди: Қўшлович, Сасна, Училе овулларини эшикма-эшик кезиб қикди. Қуларнинг бирида уни шахарга тушадиган аравақашга кўшиб Қозонга жўнатдилар. Аравақаш шахарнинг машҳур Пичанбозорига келиб асранди бола сақлашни хоҳлайдиган одам излаб топди ва беш ёшга ҳам тўлмаган Абдуллани қолдириб кетди. Уни тақдир Қирлай қишлоғига етаклаб келганида олти ёшда эди. Шу ерда мактаб кўрди, савод чикарди. «Рисолаи азиза», «Бадавом» сингари диний китобларни ҳам, машҳур маърифатпарвар Каюм Носирийнинг «Фавокиул жаласа»си сингари дунёвий китобларни ҳам биринчи марта шу ерда ўқиди. Ўзи айтмоқчи, «шу ерда кўзи очилди». Сўнгрок Қирлай манзаралари ва бу манзаралар билан боғлиқ ёшлик хотиралари шеърларга кўчди.

1895 йилда Абдулла Ёйиқ шахрига келади. Бу ерда поччаси Алиаскар Усмонов уйда унинг хизматкорлари қаторида кун кечирди. Мутиъулла Тухфатуллин мадрасасида ўқиди. Сўнгрок мадраса хужраларидан бирига бутунлай кўчиб ўтди. Мадраса билан бир вақтда шундоққина рўпарада жойлашган рус мактабида ҳам таълим олди. 1905 йилдан матбуот ишларига қатнаша бошлади. «Фикр» газетаси ҳамда «Ал-аср ал-жадид», «Ўқлар» журналлари билан ҳамкорлик қилди. Илк шеърлари шу ерда майдонга келди. Дастлабки шеърлариёқ адабиётга бошқача бир истеъдод кириб келаётганидан дарак берди. У, эҳтимолки, татар адабиёти тарихида биринчи мартаба оддий халқ қалбига кўл солиб кўрди. Халқнинг дарду ҳасратини, орзу-ўйларини англаб етди, у билан самимий, дил-дилдан сўзлашди. Халқнинг дилидаги дардларини халқнинг тилида ифода этди. Бошқача айтганда, чинакам халқчил шеърият намуналарини ярата бошлади. Тақдирлари қай даражададир бир-бирига ўхшаб кетадиган Шандор Петефи «Шеърият фақат ялтиллаган этикдагина кириш мумкин бўлган зодагонлар хосхонаси эмас, у шундай қасрки, пиймада ҳам, борингки, ялангоёқ ҳам кириш мумкин», деган ва ўзининг эркин, дадил фикрларини шу билан асослаган эди. Тўқайда ҳам биз поэзияга худди шундай муносабатни кўрамыз. У ҳам фақат шеър билан чекланмади. Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни кузатиб борди, таҳлил этди. Кенг омма нуктаи назаридан баҳолашга уринди. Масалан, рус-япон урушидаги мағлубият рус халқининг мағлубияти эмас, чор ҳокимиятининг мағлубияти эканини тушуниб етди ва буни ўзининг 1906 йилда ёзган «Махораба ва Давлат Думаси» деган мақоласида тушунтиришга ҳаракат қилди.

У шеърдан шеърга, мақоладан мақолага ўсиб борди. Чамаси бунда унинг биринчи татар большевик журналисти, инкилобчи адиб Хусайн Ямашев билан яқин муносабати ҳам маълум роль ўйнади. Тасодифмаски, 1912 йилда Ямашев вафот этганида Тўқай унинг хотирасига бағишлаб шеър бағишлаган ва у ҳақда:

«Хам гўзаллик, ҳамда кучни жамлаган денгиз каби,  
Ул буюк инсон эди қўл етмаган юлдуз каби»,

деб ёзган эди.

Хуллас, Тўқай 1906 йилдаёқ ўз маслагини, ўз адабий программаси ва принципларини эълон қилди. Бу программа-принципларнинг айрим нуқталари мана бу сатрларда акс этган:

Сўриб ётган текинхўрга қадалдим мисли ханжар мен,  
Буларнинг маслаги бизни талаш-ку битта қўймай.  
Етар, Абдулла, энди ёза кўрма, бунда сургун бор,

Осарлар дорга, тил тийгин бутунлай энди кўзгалмай.  
 Йўк, асло тўхтамай ёзғум, улардан мутлако кўркмай.  
 Нечундир бу юрак куйлар ажалдан зарра сесканмай.  
 Чивиндек жисму жоним майли шу йўлда ҳалок ўлса,  
 Менинг чин маслагим-йўлим бутунлай социаллардай.  
 Бу мазҳаб бебаҳо мазҳаб, кутулмоқ йўли шул йўлдир.  
 Унинг хомийлари ўлгунча боргай шунда алданмай.

Тўқай 1907 йилда Қозонга мана шундай маслак ва кайфият билан, мана шундай эътиқод билан келди. Дарҳақиқат, у 1907 йилларда шоир сифатида шаклланиб қолган эди. Ш у сабабли Қозон унинг кўзига «ҳам мунгли», «ҳам нурли» кўринди. «Эй Қозон! Дардли Қозон! Мунгли Қозон! Нурли Қозон!», деб ҳайкирган эди шоир...

Қозон манзаралари, мутаассибларнинг «куфр бурчаги», маш-хур «Пичан бозори» унинг шеърларида муҳрланиб қолди.

Тўқай Қозонда ҳам матбуот ишларига шўнгиб кетди. Уша йили Фотих Амирхон муҳаррирлигида чиққан «Ал-Ислох» газетасида ишлади. Хар икки адиб ўртасидаги беғубор кечган самимий дўстлик шу йиллари пайдо бўлган эди.

1907 йилдан Тўқай дунёқарашининг янада қатъийроқ, аниқроқ шаклга кира бошлаганини кўрамиз. У халқнинг буюк куч эканини англаб етди, халқ қалбидаги тугун дардларни, бўғзидаги армонларни тушуна олди.

«Халқ — зўр ул, кучли ул, дардли ул!  
 Мунгли ул, адиб ул, шоир ул!»

деб ёзган эди шоир бир шеърда. Бир муносабат билан ёзган «Кетмаймиз!» шеърда эса озод Россия ғоясини илгари сурди. Ўз сафдошларининг мақсадини «Энг буюк мақсад бизим — хур мамлакат, хур Россия!», деб эълон қилди.

1908 йилда Абдулла Тўқай драматург Алиаскар Камол билан ҳамкорликда «Яшин» номли сатирик журнал чиқара бошлади. Лекин бу газета ва журналлар узокқа бормаган. Гох моддий танқислик, гох цензура вазидан улар тез бекилиб қолар эди.

1910 йилда биз Абдулла Тўқайни Аҳмад Ўрманчиевнинг «Ялт-юлт» журналида кўрамиз. 1912 йилнинг декабрида «Онг» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. У Абдулла Тўқайнинг 1905 йил воқеаларига ишора қилувчи «Онг» сарлавҳали шеъри билан очилди.

«Биз бешинчи йилда бир кун кўзни очдик тонг билан,  
 Ишга даъват этди бизни кимдир эзгу ном билан»,

деб бошланар эди у шеър. Шоир унда «очик кўз» билан, «чин онг» билан яшашга чакирган эди. Шарққа донги кетган бу журнал Тўқай ишлаган сўнгги журнал бўлиб қолди.

Тўқай Қозонда олти йил қайноқ ижодий фаолиятда бўлди. Юзлаб эхтиросли шеърлар, жўшқин мақолалар яратди. Замондошлари томонидан забардаст истеъдод сифатида эътироф этилди. «Хозир шеъриятимиздаги энг шавкатли ва музаффар мавкёв мухтарам Тўқаевга мансубдир... Татар шеърят тарихида Тўқаев эгаллаган нуқтага ҳеч ким кўтарила олган эмас», деб ёзган эди даврнинг энг эътиборли адибларидан бири Олимжон Иброҳимов. Лекин номи ҳаммаёққа кетган улкан шоир ҳамон муҳтожликда яшарди. Бу ўринда шундай бир фактни эслаш жоиз. 1912 йилда Тўқай Уфага боради. Бошқирд адабиёти классиги Мажит Ғафурий унинг дарагини эшитиб шаҳарнинг барча меҳмонхоналарини ахтариб чиқади. Бирок топа олмайди. А. Тўқай «Сабоҳ» китобхонасининг зах ва қоронғи хужраларидан бирида яшиқлардан териб тикланган омонат каравотда ётиб юрган эди. Ниҳоят улар учрашдилар. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Мажит Ғафурий ҳам Абдулла Тўқайни ўзининг қишлоқ палътосини сотиб зиёфат қилган эди.

Бахтсиз кечган ёшлик, нон топса меҳрга, меҳр топса нонга зор кечган аламли кунлар шоир ижодида беиз кетмади. Унинг ғам-ғуссага тўла ёшлик хотиралари юракни ларзага соладиган сатрлар бўлиб қолди:

Кўз ёши дарё бўлиб йиғлаб адо бўлган онам,  
 Бу жаҳон оиласига нега бердинг ёт киши?!  
 Упганинган бери, онам, энг охирги марта сен,  
 Хар эшикдан қувди ўлингини муҳаббат соқчиси.  
 Утлидур буткул бу диллардан сенинг қабринг тоши,  
 Шунга томсин кўз ёшимнинг аччиғи ҳам тотлиси.



Қирлай овулида барпо этилган Абдулла Тўқай музейи.

Дарҳақиқат, у бахтга, меҳру муҳаббатга ташна эди. Шоир Фотих Амирхонга ёзган хатларидан бирида шу қадар мискинликлар ва хорликлар кечирган қалбида ёруғ туйғулар, ширин хаёллар қандай қилиб поймол бўлмай қолганига таажжуб билдирган эди.

Шундай. Унинг қалбидаги эзгу юлдузни ҳеч нарса сўндира олмади, аксинча, у янада юксакроқ, янада ёркинроқ порлади. Бамисоли тонг юлдузидек, қанчадан-қанча йўлсизларга йўл кўрсатди, адашганларни йўлга солди.

Лекин аламдийда ёшлик барибир ўз асоратини кўрсатди. Шоир сил касалига мубтало бўлди. Умрининг сўнгги кунларини кечираётган шоирнинг ғайрат ва шижоати, ёруғ кунларга бўлган чанқок талпиниши, ўлимга тик ва дадил боқиши кишини хайратга солади. Ўлимидан уч кун олдин «Онг» журнали котибаси Зайнаб Ҳасановага ёзган хати сақланиб қолган. Унда шоир журналнинг навбатдаги сониди чиқаётган шеърлари билан кизиқади. Корректурасини ўзи кўриб беражанини, «Толстой сўзлари» шеърини цензура қайчилаши эхтимолдан қаттиқ ташвишда эканини ёзди.

Абдулла Тўқай апрелнинг 15-куни вафот этди. Унинг ўлими татар маданияти тарихидаги энг оғир жудолик бўлди. Уни минглаб татар зиёлилари, бутун халқ сўнгги йўлга кузатди. Газета ва журналлар ўз саҳифаларида бу оғир жудоликни батафсил шарҳладилар. Шоир замондошлари унинг татар маданияти тарихидаги хизматларини самимий сатрларда ифода этдилар.

«Уни халқ жуда ёшлигиданок ўз шоири деб билди, у қуйлаган нарсаларнинг ўз руҳидаги нарсалар эканини ҳис этди. Ш ахсий турмушдан бебаҳра Тўқаев шеърлари билан, у шеърларнинг халқ қалбида берган акс-садоси билангина яшади», деб ёзган эди Фотих Амирхон. Сағит Рамиев эса ўз фикр-туйғуларини мана бундай изҳор этган эди: «Тўқаев ўли!» деган хабар дақиқалар ичида оламга ёйилди... Бу ҳасрат беназир бир шоирнинг ўлимидан кўнгилга ларзон солган ҳасратдир. Кўтариш бениҳоя оғир. Лекин... Тўқайжон! Сен бошлаб кетган кутлуғ ва буюк иш ҳеч қачон ўлмаёжак!»

Дарҳақиқат, Абдулла Тўқай чакмоқдек қиска, лекин чакмоқдек ёркин яшади. Аммо унинг умри чакмоқдек беиз кетмади. У катта бир адабий мактаб яратди. Татар инкилобий адабиётига асос солди.

Тўқай ижоди фақат татар адабиётидагина эмас, умуман совет Шарқи адабиётида ўзига хос бир ҳодисадир. У бир томондан, рус

ва Европа адабиётининг илғор аъналаридан бахраманд бўлди. Иккинчи жиҳатдан, рангин Шарқ шеърятининг асрий тажриба-ларидан озик олди.

У жуда ёшлигидан Пушкинга ихлос қўйди. Лермонтовга муҳаббат боғлади. Толстой даҳосидан ҳайратга тушди. Рус тили ёрдамида илғор Европа билан, Байрон ва Гейне билан, Шиллер ва Шекспир билан ошна тутинди.

«Назирсиз шоир ўлдинг, офарин, Пушкин Александр,  
Манимда дарду шавқим ҳам санинг дардинг-ла яксандур»,

деб ёзади шоир ўзининг дастлабки шеърларидан бирида. Сўнгги шеърларида эса бундай эътирофга дуч келамиз:

Ҳазрати Пушкин ва Лермонтов агар бўлса қуёш,  
Ой каби нурни алардан иктибос этган бу бош.

У ўз мақолаларида татар халқининг «Пушкинларга, граф Толстойларга, Лермонтовларга муҳтож» эканини ёзган эди. Дарҳақиқат, Тўқай шеърларида ижтимоий-гражданлик мотивларининг етакчи ўрин эгаллашида, татар адабиётшуноси Жамолдин Валидий айтганидек, унинг шоир бўлиб етишувида бу адабиётнинг хизмати катта бўлди.

Абдулла Тўқай шеърларида шарқона қуюқ ранг, нуктапардозлик ҳам тез-тез учраб туради. Шоир айниқса ишқий ғазалларида маъшуқа тавсифига кенг ўрин беради. Унинг тимсолини чизганда аънавий образлардан фойдаланади. Ўз муҳаббатидан гап очганда Фарход, Мажнунларни ўртага қўяди. Ифода ва тасвирда рангин поэтика, Шарқ адабиётига хос усуллардан кенг фойдаланиш кўзга ташланади. Шоир шеърларида лутфу танбехнинг, усули таъризнинг ажойиб намуналарини топиш мумкин. Уларнинг аксар қисми Шарқ поэзиясига хос жанрларда бўлиб, арузда ёзилган. Бу бежиз эмас, албатта, Абдулла Тўқай Шарқни, унинг маданияти ва тарихини яхши билар эди. «Калила ва Димна», «Минг бир кеча» каби обидалардаги ҳикмат ва доғишмандлик, ишқий афсона ва эртақлардаги сехрли олам унинг қалбига яқин эди. Шоир кишининг узун кечаларида танча атрофида қисилишиб ўтирганча, «Тоҳир ва Зухра» китобини мароқ билан тинглашганини хотирлайди. «Кичкина чоғларида шу китобни ўқиб йиғламасдан ўсган эркак ва аёлларимиз жуда оз», деб ёзган эди шоир бир ўринда.

Айтиш мумкинки, Тўқай XV аср ўзбек дунёвий адабиётидан, хусусан, буюк Навоидан ҳам бахраманд бўлган эди. Негаки, XIX аср татар маърифатчилик адабиёти Навоийга катта эътиқод билан қарарди. Масалан, машхур маърифатпарвар Қаюм Носирий ўз асарларида Навоийга қайта-қайта мурожаат қилгани маълум, Тўқай эса мана шу маърифатчилик адабиёти тарбиясида вояга етган.

Хуллас, асримиз бошларига келиб татар адабиёти забардаст адабиётга айланган экан, унда Тўқай ижоди ҳал қилувчи ўрин тутди.

Абдулла Тўқай фақат татарларга эмас, ўзбекларга ҳам катта мактаб вазифасини бажарди. Татар матбуоти Туркистонда кенг ёйилиб турган 10-йилларда Абдулла Тўқай шеърлари халқимиз орасида маълум ва машхур эди. Унинг Ўрта Осиё адабиётига, хусусан, ўзбек адабиётига таъсири катта бўлди. Адабиётимизда ижтимоий-гражданлик мотивларининг кучайишида, инқилобий романтиканинг пайдо бўлишида бу таъсири кузатиш қийин эмас. Унинг:

«Эрта-кеч, халқим менинг, борлик ҳаёлим сен билан!  
Соғ бўлсанг — соғ бўларман, хаста бўлсанг — хастаман!  
Халқ билан мен бахтиёрман, бошқа бахт даркор эмас,  
Бошқа йўлдан кетмагайман, менга шу йўл бўлса бас»,

каби юксак ватанпарварлик, халқпарварлик дарди билан йўғрилган мисралари деярли ҳар бир илғор ўзбек зиёлиси қалбидан чуқур жой олган эди.

Бу даврда яшаб ижод этган ўзбек шоирлари орасида Абдулла Тўқайни ўзига ғойибона устоз деб билмагани, унинг шеърятидан, дадил фикрларидан илҳом ва қувват олмагани, унга тахмис ва тазмин битмагани жуда ҳам. Ҳамзадан Шокир Сулаймонгача, Авлонийдан Мирмуҳсин Шермухамедовгача унга меҳр ва ихлос билан қарадилар. Абдулла Тўқай таъсири ўзбек шоирлари шеърятдаги гоё ва мавзуда, образ ва поэтик шаклдагина эмас, поэтик синтаксисда, тил элементларида ҳам кўринадики, бу ҳеч

кимга сир эмас. Шоир ўлими Туркистонни ҳам қайғуга солди. Матбуотда унинг адабиёт олдидagi улкан хизматлари таъкидлаб кўрсатилди. 1913—17 йилларнинг апрель ойида мунтазам суратда А. Тўқайнинг вафотига бағишланган кечалар ўтказилди. Уларда шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида докладлар тингланар, шоирларнинг Тўқай шеърларига ёзган тахмис-тазминлари ўқилар эди. Маҳаллий газета-журналлар бу кечалар ҳақида батафсил маълумот бериб борар, шоирга бағишланган энг яхши шеърлар эълон қилинар эди. У шеърлар кўпинча муаллифининг қисқача изоҳи билан босилган. Чунончи, «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 4-сонида XX аср боши ўзбек шеърятининг истеъдодли вакилларида бири шоир Тавалло бундай ёзади:

«Бултургина кўздин ғойиб ўлуб... кетган Абдулла Тўқайнинг энг назокатлик ва энг маънолик муассир шеърларидан камина ҳам қўб бахралар олгонлиғимдан ва мухтарам шоир афандининг вафотина йил тўлгон сабабли ва турмушимнинг бир неча хил ерлари шоир афандининг таржумаи ҳолига ниҳоятда ўхшаб кетганлигидан бир шеърна мувофиқ таъй ўлмас ҳам тазмин эдуб, шу «Туркистон садоси» ила ёдланиб қоламан».

Шоирнинг тазмини шундай сатрлар билан бошланарди:

Жумла фикрим кеча-кундуз сизга оид, миллатим,  
Сен саломат — ман фароғат, иллатингдур иллатим!  
Марҳум Абдулла Тўқайдек ёш чоғимда кетмасам,  
Ожизона шоиринг бўлмаққа вордир ниятим.

Мирмуҳсин Шермухамедов 1914 йилда шеър ва шоирнинг жамиятдаги ўрни, бурч ва вазифалари ҳақида баҳс очувчи принципиал мақолаларида бирида Абдулла Тўқайнинг ижодий фаолиятини халққа хизмат қилишининг ўрнатқуллик намунаси сифатида кўрсатди. Шуларни кўзда тутсақ, устоз Ғафур Ғулломнинг «Абдулла Тўқай бизнинг ҳам шоиримиз», деган сўзларида жуда катта ҳақиқат борлиги маълум бўлади.

Чиндан ҳам Абдулла Тўқай шундай бир истеъдодки, унинг таъсири ва хизмат доираси битта халқ билан чекланмайди. У — халқлар шоири. У ҳақда Луи Арагон ҳам, Сергей Есенин ҳам, Мухтор Аvezов ҳам, Берди Кербобоев ҳам, Сулаймон Рустам ҳам, Сайфи Қудаш ҳам ҳаяжон билан гапирганлар. Уни Ленин ҳам билар эди. Владимир Бахметьев доҳий ҳақидаги хотираларида бунни ёзган.

Абдулла Тўқай сиймоси бугунги китобхоннинг ҳам дил тўрида. Бу меҳру муҳаббат бадий асарларда акс этган. Масалан, у ҳақда юзлаб шеърлар, қатор поэма ва драмалар, ниҳоят, Аҳмад Файзийнинг «Абдулла Тўқай» романи ёзилган.

1966 йилда Татаристон ҳукумати адабиёт ва санъатда Тўқай номидаги мукофот таъсис этди. Унга сазовор бўлган дастлабки асар Аҳмад Файзийнинг шоирга бағишланган романи эди. Дарвоқе, бу асар Абдулла Ғулаевнинг эркин таржимасида ўзбек тилида ҳам босилиб чиқди.

Тўқайнинг «Танланган асарлар»и эса Ўзбекистонда 1961 йилда нашр қилинган. А. Мухтор тўплаб босмага тайёрлаган ушбу китобга шоирнинг энг сара асарлари киритилиб, таржимасига эътиборли қалам эгалари жалб этилган эди. Халқимиз орасида гоёта машхур бўлган бу шоирнинг бундан йигирма беш йил олдин нашр этилган китоби Тўқай шеърятига хос руҳ ва жозибани етказишга оз-кўп хизмат қилди, албатта. Лекин, айтиш керакки, ҳаёти ҳам, ижоди ҳам бетакрор бўлган бу санъаткор қаламига хос ёруғ дард билан рангин оҳангни тўлақонли беришда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳолбуки, ҳозирги таржималарнинг бирқанчаси биргина оҳанг ва ифодада эмас, бошқа кўп жиҳатларидан ҳам оригиналдан узок. Шунга кўра, бугунги талаб ва эҳтиёж Тўқай таржималарини янги боскичга кўтаришни шарт қилиб қўяди.

Бу йил улуг шоир таваллудига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан таникли татар адабиётшуноси Иброҳим Нуруллиннинг «Абдулла Тўқай» номли китоби ўзбек тилида Озод Шарафиддинов таржимасида босилиб чиқди. Шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятини қизиқарли илмий-оммавий услубда ҳикоя қилувчи бу китоб, ўйлаймизки, татар халқининг бу улуг фарзанди хизматларини яна бир бор англашга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, Абдулла Тўқай ўз шеърлари билан бугунги ўқувчига ҳам замондош. У асримизнинг буюк қурилишида — янги жамият яратишда қатнашмоқда.



«Шеър излайман бу кун Тошкент кўчаларида...»

Абдулла ОРИПОВ



# «Онаизорнинг оппоқ сочлари»

«Ешлик» журнаlining 1985 йил 9-сонида журналист Ҳабибулла Олимжоновнинг «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласи босилган эди. Мақолада айрим суд, прокуратура ходимларининг кишилар тақдирига бефарқ қараганлари оқибатида содир бўлган кунгилсизликлар, югур-югурлар, беҳуда оврагарчиликлар хусусида фикр юритилган эди.

Редакция ўша мақола муносабати билан журналхонлардан ўнлаб хатлар олди. Қизиғи шундаки, бу хатларнинг кўпчилигини мақолага шунчаки муносабатгина эмас, айни пайтда ўша хат авторларининг редакцияга шикоятчи ҳам дейиш мумкин.

Биров акасининг, бошқаси эса ўглининг ёки турмуш ўртоғининг қамалиши сабаблари, оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади. Биз бундай хатларни тегишли ташкилотларга юбордик. Уйлаймизки, уларга қониқарли жавоб берилади.

Шунингдек, «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласи муносабати билан Ўзбекистон ССР Адлия министрлигидан, Тошкент область ижроия комитети адлия бўлимидан, Тошкент область судидан, Тошкент шаҳар судидан ҳам жавоблар олинди.

Редакция мақола хусусидаги жамоатчилик фикри, унга келган расмий жавобларга ва журналхонларнинг хатларига таяниб, «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласига яқун ясашга қарор қилди. Қуйида расмий жавоблар ва яқуний мақола билан танишасиз.

## «Ешлик» журнали редакциясига

«Ешлик» журнаlining 1985 йил 9-сонида босилган «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласининг кўриб чиқилганлиги ҳақида маълум қиламиз.

«Ешлик» журналада кўрсатилган жиноий ишларни кўришда социалистик қонунчиликни бузишга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, улар қаттиқ жазоландилар.

Айни пайтда маълум қиламизки, жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтидаги социалистик қонунчиликнинг бузилиш фактлари хусусида Тошкент шаҳар ва область судлари, Тошкент область ижроия комитети адлия бўлими томонидан атрофлича жавоб берилди.

А. МАМАДКУЛОВ,  
Ўзбекистон ССР Адлия министрининг  
биринчи ўринбосари

\* \* \*

Тошкент область суди шун маълум қиладики, «Ешлик» журнаlining 1985 йил 9-сонида босилган Тошкент шаҳри ва Тошкент области судлари фаолиятида социалистик қонунчиликни бузиш ҳоллари содир бўлаётгани ҳақидаги мақола область суди аъзоларининг кенгашида муҳокама қилинди. Суд ходимларининг эътибори суд процессларини ташкил этишда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилди.

Мазкур мақолада Тошкент области судларининг фаолияти ҳақида гапирилиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 80-моддаси 2-банди билан айбланувчи А. Валиев ва бошқаларнинг иши область судининг собиқ аъзоси У. Исломов раислигида Бекобод шаҳар суди биносида кўрилиши икки кунга кечиктирилганлиги айтилади.

Тошкент область судининг ана шу кўчма сессиясида кўрилган иш юзасидан чиқарилган ҳукм Олий суд томонидан бекор қилинган, бу иш Тошкент область судининг аъзоси Т. Н. Нўъмонов раислигида қайта кўриб чиқилди. Суд чиқарган ҳукмда қонун бузилишига йўл қўйилмаган. Шу боис ҳам мазкур мақолада ишбу суд процесси хусусида ҳеч қандай танқидий гаплар йўқ. Айтиб ўтилган жиноят ишини кўришни кечиктирган Тошкент область судининг собиқ аъзоси У. Исломов соғлиги туфайли ишдан бўшаганлиги ва у ҳозир ҳеч қаерда ишламаётганлиги боис унга нисбатан ҳеч қандай чора кўриб бўлмади.

С. С. ЮСУПОВ,  
Тошкент область суди раиси  
вазифасини бажарувчи

\* \* \*

Шуни маълум қиламанки, «Ешлик» журнаlining 1985 йил 9-сонида босилган, Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг айрим судлари социалистик қонунчиликни бузишга йўл қўйгани ҳақида ҳикоя қилувчи «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласи Тошкент область ижроия комитети адлия бўлимининг кенгашида муҳокама этилди.

Бекобод район халқ судининг раиси Ё. К. Тошпўлатов баъзи жиноий ва гражданик ишларини кўришда қонунчиликни бузганлиги учун 1985 йил 27 июнда ишдан бўшатилган.

Мазкур мақола областдаги барча халқ судлари иштирокида ўтказиладиган навбатдаги шошилинч кенгашда яна муҳокама этилади.

Шу билан бирга маълум қиламизки, мақолада кўрсатилган жиноий иш дастлабки инстанция бўйича Тошкент область суди томонидан Бекобод шаҳар халқ суди биносида кўрилиши лозим эди. Область судини халқ маслаҳатчилари ва суд мажлиси секретари билан таъминлаш район ҳамда шаҳар судининг вазифасига кирмайди.

Я. С. БОЗОРБОВ,  
адлия бўлимининг бошлиғи





Ёкубжон Хўжамбердиев

# ҲАҚИҚАТНИНГ ЎТКИР КЎЗЛАРИ...

(ёки бир мақола изидан)

\* \* \*

Тошкент шаҳар суди Президиуми «Ёшлик» журналининг 1985 йил 9-сонида босилган «Оназорнинг оппоқ сочлари» мақоласини Тошкент шаҳар суди аъзолари, район суди раислари, халқ судьялари иштирокида атрофлича муҳокама қилди. Р. Валиев ва Т. Мухамедовнинг жиноий ишини кўришда қонунчилик нормалари бузилишига йўл қўйган Киров район халқ судьяси Р. Сулаймонов, Куйбишев район халқ судьяси М. Мирзуфаров шаҳар суди президиуми қарори билан огоҳлантирилди.

Р. Валиев ва К. Мухамедовларнинг жиноий иши Тошкент шаҳар Киров район халқ судьялари томонидан тўғри кўрилмаганлиги туфайли, ушбу жиноят иши икки йил мобайнида ҳам ўз ечимини топмаганлиги мақолада асосли равишда танқид қилинган. Жиноят ишининг кўрилганлигига бир йилдан ортиқ вақт ўтиб кетганлиги сабабли ҳаттога йўл қўйган Р. Сулаймонов, М. Мирзуфаров ўртоқларга нисбатан интизомий тартибда иш кўзгатишининг иложи бўлмади. Огоҳлантириш билан чегараланилди. Халқ судьялари А. Сандов, К. Тошматов, шаҳар суди аъзоси У. Абдусаломов, ҳозирги вақтда судьялик вазифасидан озод этилиб, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан улар муҳокама этилмади. Бундан ташқари, шу ишни коллегияда кўришда иштирок этган шаҳар суди аъзолари В. Юсупова, Т. Зубаревалар шаҳар суди президиумида муҳокама этилди.

К. Н. НОСИРОВ.  
Тошкент шаҳар судининг раиси

**А**ввал, расмий жавоблар хусусида.  
Расмий жавоблар... Уларнинг шакли шамойили ҳам, мавзуларию мазмунлари ҳам турли-туман. Улар қаватлардан қаватларга, бинолардан биноларга, шаҳарлардан шаҳарларгача... бориб етади. «Оназорнинг оппоқ сочлари» мақоласига келган юқоридаги расмий жавобларни кўздан кечирар эканман, хаёлимдан шу фикрлар кечди. Расмий жавобнинг вазифаси нима? Иккита ёки учта жумлада кўпчиликнинг кўнглига таскин берувчи, талабини қондирувчи фикр айтиш мумкинми? Қандай қилса, жавоб кутаётган ўқувчининг кўнгли тўлади?

Назаримда айрим расмий органларнинг юқорида босилган жавобларини шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Улар ўта расмий. Уларда мақолада кўтарилган асосий масала бир томонда қолиб, балки ўша асосий масала нотўғри хал этилганлиги оқибатида юзага келган ҳолатлар, камчиликлар хусусида гап боради.

Тўғри, расмий жавобларда «иш»га бевосита алоқадор айрим ходимларнинг ишдан кетганлиги, жазоланганлиги ҳақида айтилади. Лекин бу одамларнинг айнан шу «иш» туфайли ишдан кетган-кетмаганлиги ёки бўлмас қандай жазо олишгани ҳақида расмий жавоблар тўла тасаввур бермайди. Шундай бир савол туғилади. Агар бирон бир кишининг жинояти ишдан бўшаб кетгандан кейин маълум бўлиб қолса, ўша жиноят ёпилиб кетмайди-ку! Таъбир жоиз бўлса, жиноятчи ернинг тагидан бўлса ҳам излаб топилиб, жавобгарликка тортилади-ку! Қонуни бузиш, инсоннинг ўлимига сабаб бўлган кишиларга енгил-елпи жазо тайинлаш ёки муайян бир жиноий иш юзасидан нотўғри тергов юргизиш, ҳукмнинг адолатсиз бўлганлиги ҳақида юқори ташкилотларга арз қилганлиги учун «ўч»олиш жиноятми ёки жиноят эмасми?

«Оназорнинг оппоқ сочлари» мақоласи муносабати билан редакцияга хат йўллаган кўплаб журналхонлар худди ана шу саволларни беришмоқда. Аммо, бир одамнинг ўлимига сабабчи бўлган кишиларнинг ўзлари эса, «Оназорнинг оппоқ сочлари» мақоласи гўё тухматдан иборат, дея турли ташкилотларни аризаларга бостириб юришибди. Марҳум М. Турдибоевни калтаклашда бевосита иштирок этган шахс Т. Валиевнинг «Ёшлик» журнали редакциясига ва бошқа юқори ташкилотларга юборган аризаси худди ана шундай. Т. Валиева ўз аризасида журналист Х. Олимжоновни ҳамда ҳақиқатни тиклашда катта куч ва матонат сарфлаган адвокат Т. Салимовани жиноятчилар, дея айблади. Журналистнинг бор-йўқ «жинояти» эса мақолада айбдорларнинг жазога тортилганликларига далил сифатида Тошкент область судининг 1984 йил 26 июлдаги ҳукмини келтирилганлигида... Гап шундаки, Ўзбекистон ССР Олий судининг президиуми Т. Валиева ва унинг бошқа оила аъзолари қилган жиноятни 1985 йил 19 мартда қайта кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 17-модда ҳамда 88-модданинг «в» банди билан квалификация қилишга, айбдорларнинг жазо муддатларини камайтиришга қарор қилади. Журналист ўз мақоласида далил сифатида келтирган ҳукмини осмондан олган эмас-ку! Бу — область судининг ҳукми-бу! Бундан ташқари, журналда қайси ҳукми келтириш билан масаланинг моҳияти ўзгариб қолмайди-ку!

Энди ана шу воқеаларни бир бошдан мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бекобод район халқ суди юқоридаги жиноятни кўриб чиқиб Абдуназар Валиев ва Раҳматқул Тўхтабоевни уч арим йилдан, Тўқсулув Валиевани икки йил, Абдухалил Валиевни етти йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм чикарди.

Бу ишни иккинчи марта қайта кўрган Тошкент область халқ суди Абдуназар Валиевни саккиз йилга, Абдухалил Валиевни ўн йилга, Раҳматқул Тўхтабоевни беш йилга, Тўқсулув Валиевани етти йилга озодликдан маҳрум этди.

Ўзбекистон ССР Олий суди президиуми эса юқоридаги ҳукмларнинг барчасини бекор қилиб, Абдухалил Валиевга етти йил, Тўқсулув Валиевга беш йил, Абдуназар Валиевга олти йил, Раҳматқул Тўхтабоевга тўрт йил жазо муддати беришга қарор қилди.

Хўш, нега бундай? Нега энди битта жиноятни аниқлаш ва унга жазо муддати белгилаш бир босқичда бошқа-ю, иккинчи бир босқичда бошқача? Тўғри, совет суди одил суд! Ҳақиқат сўнги мисқолигача аниқланиши шарт. Бунинг устига ўша ҳақиқат ҳар доим ҳам юзада қалқиб турмайди. Унинг поёнига етгунча адлия ходими озмунча тер тўқади дейсизми? Баъзан ҳақиқатга элтгувчи йўл эса янглиш бўлади. Янглиш йўлдан қайтиб, ҳақиқат йўлини топгунга қадар эса қанча вақт, қанча куч-қувват, қанча

асаблар сарфланади. Юқоридаги ҳолат ана шундай объектив янглишишларнинг оқибатими ёки бу ерда бошқа сабаблар ҳам борми? Бошқа сабаблар деганда биз «иш» топширилган ҳодимнинг масъулиятсизлиги, кишилар тақдирига бепарволиги, лоқайдлиги, бир ёқламалилигини назарда тутяпмиз. Назаримизда, «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласида сўз юритилган жиноятларни аниқлашдаги англашилмовчиликлар, янглишишлар юқоридаги каби ҳодимларнинг масъулиятсизлиги, кишилар тақдирига бепарволиги, лоқайдлигидан бошқа нарса эмас.

Агар гап фақат бир Т. Валиева ҳамда унинг оиласи қилган жиноят хусусидагина бўлганда эди, гапни бу қадар чўзишнинг ўзи ноўрин бўларди, чунки масалага ҳолисона муносабатда бўлиса, юқоридаги воқеада биргина марҳум М. Турдибоев фожиасигина эмас, айти пайтада Валиевлар оиласининг (бутун бир оиланинг) фожиаси ҳам намойён бўлади. Бирови эридан, бирови хотинидан, ота-онасидан, фарзандларидан узоқ муддатга ажралишмоқда. Жумладан, Абдуназар Валиев билан унинг хотини Тўқсулв Валиеванинг битта эмас, иккита эмас, тўққизта фарзанди бор. Ҳам ота, ҳам онанинг қамоққа ҳукм этилиши ўша оила учун катта фожа. Лекин мазкур фожиани ким келтириб чиқарди? Албатта, ўша оиланинг ўзи. Тўрт бирдай одам хали ўн гулдан бир гули очилмаган йигитнинг умрига завол бўлишиди... Шундай бир вазиятда қандай йўл тутиш керак?

Кўрииб турибдики, мазкур жиноятни аниқлаш ва жазо муддатини белгилашда прокуратура ва суд ҳодимларига ҳам осон бўлмаган. Улар ҳар бир ҳолатни, ҳар бир детални ҳисобга олишлари керак бўлган. Бирининг фожиаси иккинчисидан аниқлироқ. Шу боис ҳам Т. Валиева ҳамда унинг оиласи қилган жиноят қайта-қайта кўрилиб, қайта-қайта ҳукм чиқарилганлиги воқеасини ягона ҳодиса (ёки кам учрайдиган ҳодиса) сифатида баки, кечириб мумкин бўлар эди. Лекин, афсуски, жойлардаги суд залларида, прокуратура органларида бўлсангиз, редакция почтасига келадиган хатларни кўздан кечирсангиз бундай ҳодисалар ягона эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Маълумки, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ХХI съездида ҳаётимизда юз берган бундай салбий ҳолатлар каттик фош этилди. Хусусан, ўртоқ И. Б. Усмоновнинг съезддаги ҳисобот докладыда бу соҳада шундай дейилди: «Биз социал адолат, социалистик турмуш нормалари учун курашда ҳам ишонтириш сўзидан, ҳам қонуннинг қучидан тўла-тўқис фойдаланишимиз лозим. Бирок, республикада партиявий раҳбарлик сусайгани оқибатида социалистик турмуш тарзига зид иллатларга қарши курашнинг ҳуқуқий асосига анчагина пугур этганлиги маълум бўлди. Назоратсизлик шароитида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига сиёсий жиҳатдан ғўр, ўз обрўсини тўққан, номуносиб кишилар суқилиб кириб олдилар, бу кимсалар жиноятчиларнинг ва турли-туман товламачиларнинг раъйига қараб давлат манфаатларига ва социалистик қонунчиликка хиёнат қилдилар».

Мен бу сўзларнинг фош қилувчи кучи ҳақида гапириб ўтирмаман. Улар шундай ҳам ҳаммага тушунарли.

Яқинда республика районларидан бирида бўлишимизга тўғри келди. «Тошкент — Бекобод» автобусида ёнма-ён ўтирган кўшим билан суҳбатлашиб кетдик. Суҳбатдошим — ёши эликлардан ошган киши экан. Кўзларида аллақандай ҳадик, безовталиқ бўлса-да, бу одамнинг самимийлигини сезиб олиш қийин эмас эди. Суҳбатдошим аввалига жим кетди. Бир-биримиздан «каёққа» «нима иш билан» деган одатдаги сўровларга жавоб олиб бўлгач, у киши тўсатдан шундай деб қолди:

— Мухбир экансиз, биз томонларга бир бормайсизми? Ажаб ишларнинг гувоҳи бўлардингиз...

— Бораман. Унча ҳам айтнинг, қандай ишлар бўляпти?

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай... Ҳар қачон ҳам ука, яхшини яхши деб, уни кўкларга кўтариб мактаб, унга атаб дoston битишга қараганда, ёмонни ёмонсан, ноҳакни ноҳаксан дейиш қийин бўлган, албатта. Бундай ишга ҳар ким ҳам қўл ураверман. Ҳуқуматимизга балли, текинхўрни — текинхўрсан, поражўрни — поражўрсан, кўзбўямачини — кўзбўямачисан деб, рўйроқ айтяпти. Аллақандай кингир йўллар билан мол-дунё орттирадиган шахсларга нисбатан қаттиқ чора кўриляпти. Ҳуқуматнинг бу ишдан ким манфаатдор, албатта халқ. Лекин бир нарсага доим ҳайрон бўламан. Устасифаранг кўзбўямачию сиртига сув юқтирмайдиган текинхўрлар баъзан жазодан қутулб кетаркан. Мана бир йилдики, биз ёқларда «пахта масаласи» кўриляпти. Баъзан «хўлу курук» баробар ёниб кетяпти. Мен сизга айтсам, республикада пахта етиштириш асосиз равишда кўпайтирилиб қандай аҳволга тушганимиз

ҳаммага маълум. Охирида пахта ўрнига қовочоқ топширдик. Давлат ана шу қовочоққа пул тўлади. Бундан ким зарар кўрди. Албатта ўзимиз. Кейинги икки йил мобайнида бундай ҳолга чек қўйилди. Эндиликда сонга эмас, сифатга эътибор қучайтирилмоқда. Бу яхши албатта. Лекин мени ўйлатадиган бошқа нарса. Гап шундаки, аввалги жиноятлар юзасидан бўлаётган баъзи тергов ва суд ишларида англашилмовчиликлар содир бўляпти. Шундай бир мисол. Яқинда бўлиб ўтган суд мажлисида қишлоғимиздан бир неча киши қамоққа ҳукм этилди. Ўша суддаги бир манзарани сизга айтиб бермоқчиман. Давлат қораловчиси (район прокурорининг ўринбосари) судланувчига савол беряпти.

— Сиз ўртоқ фалончиев, мана шу «приписка» учун, ифлос пахталар учун қамалиб кетишим мумкин деб ўйламадингизми? Бу ҳақда район раҳбарлари ёки органга мурожаат қилмадингизми?

— Айтганман, айтганда ҳам нақ ўзингизнинг бошлиғингизга айтганман. У киши менга дўқ қилиб «қанақа пахта бўлса ҳам оласан, вассалом» дея хонасидан ҳайдаб чиқарган...

Шу пайт залда одамлар шивир-шивир қилиб қолишди: «судда прокурорнинг ўзи йўқ экан, келмабди, одамларнинг юзига қарашга бети чидамайди-да! У сувдан курук чиқиб кетди... Ахир бу қандай гапки, «ҳар қанақа» пахтани қабул қилишга прокурорнинг ўзи мажбур этса-ю, яна шу жиноят учун ўзи жавобгар қилса...»

Автобус катта йўл бекатларидан бирида тўхтади. Суҳбатдошим мени қишлоғига таклиф қила-қила, тушиб қолди. Шунча суҳбатлашиб ҳам унинг кўзларидаги ҳадик, безовталиқ йўқолмади. Ҳозир ўша учрашувни тасаввур қилишга, суҳбатдошимнинг бўй-бастини, юз тузилишини эслашга ҳаракат қиляпман-у, лекин эслай олмаяман. Эсимда қолгани бир қўй кўзлар ва улардаги ҳадик, безовталиқ...

Лекин ҳозир гап ўша одамнинг қимлиги ва қандай одам эканлигида эмас. Гап ўша одам ҳикоя қилиб берган воқеаларнинг ҳақиқатга қай даражада яқинлигида. Бу ҳақда ўйлар эканман, қачонлардир муҳбирлик йўлларида учраган одамлар, воқеалар бир-бир кўз олдимдан ўтади. Айти йигим-терим мавсуми эди. Чўл районларидан бирига бордик. Кундузи билан далама-дала юриб, кечқурун пахта қабул пунктига кирдик. Бизни бир хонага таклиф этишди... Терапрукда басавлат бир киши чой хўлаб ўтирибди. Эшик томондаги бақалоқ киши биз хонага киришимиз ҳамон қоматига ярашмаган бир чаққонлик билан ўрнидан даст турди-да, бизни столга таклиф қилди. Стол ўртасида муштдай-муштдай устихонли қовурма ғўшт, писта-бодом, олма-анор...

Ҳамроҳимиз бизни ўтирганларга таништирди. Халиги бақалоқ киши эса бизга бу ердагиларни номма-ном таништириб, навбат тўрда ўтирган одамга келганда шундай деди:

— Уполномочиймиз, районимизнинг прокурори!

Прокурор бизга қараб бош ираб қўйди. Шу пайт хонага икки йигит кириб қолди. Уларнинг бири столга яқин қилиб, ўтирганлар билан салом-алиқ қилгандан сўнг, халиги бақалоқ кишини ташқарига чақирди. Лекин бақалоқнинг ташқарига чиқишга ҳуши келмади шекилли, э сирингдан ўргилдим, шу ерда айтавер, шахсан менинг бировдан яширадиган сирим йўқ, нима дедингиз, прокурор бобо деб, тўрда ўтирган одамга қараб илжайди.

«Прокурор бобо» бақалоқни бош ираб маъқуллади. Кейин, эртадан кечгача кетмон чопган одамдай эринчоқлик билан сўради:

— Нима гап ўзи? Ёнингдаги ким?

— Даштнинг «сдаччиги», пахтаси ўта нам, бунинг устига пўчок.

— Нима, олгинг келмаяптими?

— Олишга-ку оламан, искидқаси кўп деб, жанжал қиялпти... — Нима? Жанжал қиялпти? Ким жанжал қиялпти, — дея ҳалигина тўралардай сипо ўтирган вакил ўрнидан шитоб билан кўтарилди-да, остонада турган йигит томон юра бошлади.

— Сенми жанжал қилаётган? Мен сенга кўрсатиб қўяман, қандай жанжал кўтаришини. Бу юрган кунинг ҳолва бўлиб қолади. Тувакка ўтирасан, ҳали!

Вакилни шу дамда таниб бўлмас эди. Унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқар, халиги йигитни эртагаёқ қаматиб юбораман деб дағдаға қиларди. Бақалоққа қараб эса шундай деди:

— Бу дейман, «сдаччик»лар сизни кўрқитиб олганга ўхшайди. Искидқани кўпроқ-кўпроқ олиш керак. Эртага бориб пункта пахта кам қелиб қолса, сиз эмас, мен жавоб бераман. Биринчи навбатда «пункта ким вакил бўлган эди» деб сўрашади...

Вакилнинг дағдағасидан ўтирганларнинг ҳам дили хуфтон

бўлди. Ҳалиги йигитлар ҳам узун-қисқа бўлиб, чиқиб кетишди... Биз ҳам гашимиз келиб ўрнимиздан турдик...

Бу воқеага жуда кўп бўлди. Ростини гап ўша пайтда бундай воқеаларга кўп ҳам эътибор берилмаганди эди. Чунки, райкомнинг хонасига кирсангиз «райком бобо» хўжалик раҳбарларини қалдирғочнинг боласидай қатор ўтказиб қўйиб дағдага қилар, планини бажармасанг бўшатаман деб кўрқитар, ҳатто бўралаб сўқарди. Раиснинг хонасига кирсангиз ҳам шу аҳвол. Фақат бу ерда раислар эмас, бригадирлар ўтирарди. Гаплар, кўрқитишлар эса ўша-ўша.

Хўжалик юриштидаги бундай аҳволга одамлар кўникиб қолишган эди. Уларнинг онгига «раҳбар дегани шунақа бўладида, уради, сўқади, керак бўлганда бошингни силайди» деган ақида сингиб кетган эди.

...Автобустаги суҳбатни қайта-қайта мулоҳаза қилар эканман, ўша қачонлардир кўрганларим, эшитганларим эсга келди. Суҳбатдошининг чуқур бир армон билан айтган гаплари кўнглимга гўлгула солди. Унинг кўзларидаги ҳадиқ ва безовталик сабабларини англагандай бўлдим.

...Райхоннинг омонат кассасига ишга келганига кўп бўлгани йўқ эди. Бор-йўғи икки ойга етиб-етмай ишлади. Кунларнинг бирида контролёр аёл Райхонга қараб «бир омонатчининг эри тасодифан бахтсиз ҳодисага учраб ўлибди, пулни ўзим олиб бориб берай, кассадан ўн икки минг сўм бер» деб сўради. Райхон контролёрдан тилхат олиб, унга ўн икки минг сўм пулни санаб берди. Аёл пулни олгач, Райхонга «тушлиқдан кейин ишга келма, мен ҳам келмайман» деди. Аёл Райхоннинг бошлиғи эди. Бошлиқки, ишга чиқма дегандан сўнг у ўтирармиди. Қайтага яхши. Онаси касалманд, онасига ёрдам беради...

Ўша кунни омонат кассани ревизор босди. Кассадан дастлаб, озрок, узок текшир-текширдан кейин эса мазкур омонат кассасида бир неча йиллар мобайнида катта миқдордаги пул йўқ қилиб юборилгани маълум бўлди. Иш терговга оширилди. Контролёр аёл қамоққа олинди. Райхон очикда қолди. Терговчи ундан ҳар кунни бир нарсани қайта-қайта сўрайверди: мана шу ўзингиз ишлаган икки ой ичида ўн бешта омонатчидан пул қабул қилган экансиз. Пулларнинг ордерлари контролёр аёлнинг уйдан топилди. Бу пулларни қаерга қўйган эдингиз? Райхон ҳам бир хил жавоб беради: Баъзан кассага қўйганман. Баъзан эса почтага олиб бориб топширганман. Бундай савол-жавоб жуда кўп марта бўлиб ўтди.

Бир кунни терговчи кассир кизга «ҳар доим ўзинг келасан, бирон бир қариндошинг борми, бор бўлса уларга айт, менга учрашишин, сенга қўйилаётган модда оғир» деб айтди. Қизнинг икки акаси бўлиб улар ҳам ўқишни битириб, ишга келишганига энди бир-икки йил бўлган эди. Хуллас, қизнинг акаси терговчига рўпара бўлди. Терговчи йигитга «синглингизнинг иши оғир, бўйнига фалон минг сўм миқдорда пул қўйибди», деб айтди.

Йигит ҳайрон бўлди. Синглининг бу ерда ишлаётганига ҳали икки ой бўлгани йўқ. Бир марта юз йигирма сўм миқдорда ойлик олиб келди, уйга. Сиз айтган пулни қаёққа қўйди экан, сўрамадингларми, деди бир оз жаҳл билан. Терговчининг ҳам жазаваси тутди: киноя қилманг, давлатнинг қонуни — қонун. Сизга ўхшаганларга яхшилик қилганинг уйи куйсин. Мен яхшилик қилиб, синглингизни очикда қўйибман. Эртадан бошлаб қамоққа оламиз, деди.

Терговчининг бу гапидан йигитнинг ҳам жаҳли чиқди: яхши, қамаш керак бўлса, қаманг! Лекин синглининг шунча пулни олганига қани исбот, ким гувоҳлик беради. Ўша контролёр аёл билан учраштиринг, синглимга қанча пул берганини ёки олганини айтсин.

Терговчи ҳам бўш келмади: контролёр аёл чарчаган. У ҳозир нима деётганини ўзи ҳам билмайди... Райхоннинг бир нарсига ақли етмас эди. Қандай қилиб, ўзи қабул қилиб олган пулларнинг ордерлари контролёр аёлнинг уйига бориб қолди экан... Шунини аниқлаш учун ҳам у терговчидан контролёр билан учраштиришни кўп марта сўради. Лекин терговчи кассир қизни қамоқда ётган контролёр аёлга бирор марта бўлсин рўпара қилмади. Аксинча, ҳар кунни уни кўрқита бошлади: контролёр аёл билан ўрталарингда шунча пул йўқолган. Шунини ярмини тўласанг, қутулиб кетасан, деб ваъда берди.

Охири бўлмади. Кассир қизнинг касалманд онаси, икки акаси бировлардан қарз кўтариб уч минг сўм пул қилишди. Пулни олиб терговчига учрашдилар. Терговчи: «кассир қизнинг акаси синглисининг қамомадини қоплаш учун далилий ашё сифатида кассага пул топширди», деб протоколга ёзиб қўйди.

Ана шу далилий ашё билан кассир қиз гўё ўз айбини бўйнига «олди». Суд бўлди. Судда контролёр аёл кассир қизнинг қамомадга айби йўқлигини, нима иш қилган бўлса фақат ўзи қилганини айтди. Лекин унинг сўзи инобатга олинмади. Суд Райхонни олти йил муддат билан қамоққа ҳукм қилди. Райхон шундан сўнг Олий суд президиумига шикоят ёзди. Олий суд шикоятни кўриб чиқиб уни қамоқ жазосидан озод этди.

— Бу воқеага саккиз йил бўлди, — дейди кассир қиз, — лекин ҳамон қалаваннинг учини тополмайман. Кимга пул тўладим. Нега пул тўладим. Бунинг учун ким айбдор? Ханузгача билмайман...

Афсуски, бу эртас эмас, ҳақиқат. Биз гоҳо кўп нарсани тушунмаймиз. Кўпинча ҳақиқат биз томонда эканлигини унутамиз, арзимаган дағдагадан, қаршимиздаги одамнинг салобатидан, унвонидан эсанкираб қоламиз. Автобустаги суҳбатдошим ҳикоя қилиб берган воқеадаги пахта топширувчи ҳам, кассир қиз — Райхон ҳам ўша тушунмасликнинг қурбони бўлишди. Кўнгли қора, тақаббур, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кимсалар эса уларнинг соддалигидан, халқ таъбири билан айтганда, омилигидан фойдаланишди. Улар аввало ўзларини тушуниб етмадилар. Ўзини тушуниб етмаган одам эса ҳақиқатнинг ўткир кўзларига боқолмайди...

\* \* \*

Биз ушбу мақола билан «Онаизорнинг оппоқ сочлари» мақоласига яқун ясамоқчи эдик. Мақсадимиз журналда босилган ўша мақола минглаб журналхонларда катта қизиқиш уйғотганлигини айтиш, улардан келган хатлар асосида фақат ўша мақола хусусидагина фикр юритиш эди. Воқеаларнинг ривожини авторни бошқа бир тақдирларга рўпара қилдики, «тақдирдан» қочиб қутулиб бўлмаслиги яна бир бор маълум бўлди... Демак, инсон, унинг ахлоқи ва бу ахлоқнинг ёзилган ва ёзилмаган қонунларга қай даражада сиғиш-сиғмаслиги, ҳар икки томоннинг қомил ё ноқомиллиги ҳақидаги мунозара, изланиш, курашлар ҳали бери ниҳоясига етмайди. Баҳс давом этади.



# «ЗАМОН ВА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН»

**Ж**урналимизнинг ўтган йилги 8-сонидан бошлаб «Замон ва ижобий қаҳрамон» деган мавзуда ўқувчиларнинг сиртқи конференцияси давом этиб келаётган эди. Шундан буён республикамизнинг турли бурчақларидан юзлиб хатлар олдик. Улардан айримлари эътиборларингга ҳавола этилди ҳам. Сиртқи конференция эълон қилингандан бери анча вақт ўтганига қарамай, редакциямизга келаётган хатларнинг салмоғи камайгани йўқ. Анкетамиз саволларига берилган жавоблар ҳозирги китобхонларнинг дид-савияси ҳарҳолда ўсганидан, адиблар олдига қўяётган талаблари ҳам ошиб бораётганидан далолат бериб турибди. Бизни қувонтирган жиҳати — кўпгина журналхонларимиз ўзбек классик адабиётининг ҳаётбахш қувватидан ҳам баҳраманд эканликларини намойиш этганлар, сеvimли қаҳрамонлари қилиб аввало Фарҳоду Ширинни, Лайлию Мажнунни, Меҳинбоную Шопурни санаганлар. «Ижобий қаҳрамон деганда мен ҳазрат Навоийнинг «Хамса»сидаги Лайли билан Мажнун образларини тушунаман. Чунки уларга ҳар қандай ривкорлик, такаббурлик, фирибгарлик, шуҳратпарастлик, тамағирлик, тилғеғламалик, бахиллик, мансабпарастлик сингари салбий хислатлар бугунлай ётди», деб ёзади Ульянов районида истиқомат қилувчи журналхон Чоршан-би Навиев.

Бундан ташқари, саволларга жавоб беришда нафақат ўзбек адабиётидан, балки кўпмиллатли совет адабиёти намуналаридан ҳам мисоллар келтирилгани қувонарли ҳол. Бу нимадан далолат беради? Демак, қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматов, гуржи адиби Н. Думбадзе, қозоқ шоири Ҳ. Сулаймонов, белорус ёзувчиси В. Быков ва бошқаларнинг номи ҳамда улар яратган асарлар бугунги кунда ўзбек халқига ҳам бирдай қадри бўлиб қолган. Зотан, чинакам адабиёт шундай бир қудратли кучки, унинг муайян чегараси бўлмайди.

Диққатга сазовор яна бир фактни таъкидлаш керак. Деярли барча жавобларда адабий асарларга ижобий қаҳрамон бўлиб киришига арзийдиган одамлар орамиздан кўплаб топилгани алоҳида ўқидилган. Шу маънода Боёвут районидан ўқитувчи Мурод Ҳайлаев йўллаган хат эътиборимизни тортди. «Биз кўпчилликми, биз энгилмас кучми, — деб ёзади журналхон. — Шу ўринда, мен ҳам ижобий қаҳрамон бўла оламан, деб андишасизлик қилсам, нима дейсизлар? Биз баъзан камтарлик туйғусига ҳаддан зиёд берилиб кетамиз. Ваҳоланки, Инсон ўзининг қуличилигини, ҳақиқат ўзи тарафда эканини ҳис қилгандагина бахтли бўла олади!» Гарчи бу фикрлар кескинроқ

оҳангда айтилган бўлса ҳам, асло мақтанчоқлик эмас, аксинча, унда самимият устунроқ. Республикамиз ижтимоий ҳаётда кейинги йилларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳар бир шахсда ҳам ўзига бўлган ишонч руҳларини мустаҳкамлади, теварагига бошқача назар билан қарашга ўргатди. Бунда адабиётнинг зиммасига тушадиган юксак масъулият адибларимиз, шоирларимизни ҳам ҳаёт ҳақиқатини янада теран акс эттиришига, ижодга бутун куч-қувватларини ҳалол сарф қилишига чорлайди. Шу ўринда яна М. Ҳайлаевнинг хатидан нарча келтирамиз: «Китоблардан далола, куч-қувват оламан, шу сабабдан енгиб яшайман, — дейди у. — Яхшиликка, эзгуликка ишонаман».

Айрим журналхонларимиз «ижобий», «салбий» деган сифатларнинг ўзи билан адабиётда қаҳрамон яратиб бўлмаслиги хусусида дадил фикр билдиранлар. Пайариқлик 18 яшар колхозчи қиз Тошхол Шобўтаеванинг хати худди шу мазмунда. «Ижобий қаҳрамон, салбий қаҳрамон деган ҳаммамиз кўникиб кетган атамаларга сира тушунолмаيمان. Тўғрироғи — ақлим етмайди, — деб ёзади у. — «Ижобий», «салбий» деймиз. «Яхши», «ёмон» деймиз... Яхши, ёмон деб буюмни айтсак тўғри бўлар. Масалан: яхши тикилган кўйлак; ёмон тикилган кўйлак... Ахир, одам буюм эмас-ку?! Ҳаётда бугунлай яхши ёки бугунлай ёмон одам бўлмайди. Шундай экан, нега адабиётда ижобий ёки салбий қаҳрамон бўлиши керак?!» Бу фикрлар ижодкорларни ҳам, ўқувчиларни ҳам бирдай ўйга толдиришига, жонли мунозарага чорлашига аминмиз. Айниқса, Тошхолнинг: «Қаҳрамон ижобий бўладими, салбий бўладими, аввало одам бўлсин!», деган қатъий талаби эндиликда ўқувчиларни бадиий асарга, адабий қаҳрамонларга нисбатан бир қолига тушиб қолган, анъанавий қарашлар қониқтирмаётганидан, мактаб дарсликларидан тортиб то бевосита танқидчилик, адабиётшуносликда ҳам сифат ўзгаришларини китобхонлар «соғинганликларидан» тугилган бўлса эҳтимол.

Бирок, афсус билан тан олишимиз керакки, жонли мушоҳадаларга бой, қизгин баҳсларга чорловчи бундай хатлар бармоқ билан санарли, холос. Тўғри, ҳар кимнинг бадиий-эстетик диди ҳар хил, фикрлари ҳам ишунга яраша, лекин яхшини ёмондан, бадиий қабувват асарларни жўн, бўш «асар»лардан ўз вақтида ва асосли фарқлай билиши ҳам лозим. Бу бобда ҳали кўп камчиликлар борлиги маълум бўлиб қолди. Уйлаймизки, мактаб ислоҳоти муносабати билан ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари ҳам ҳозирги замон талаби даражасида қайта кўриб чиқилса, энг аввало, адабиёт ўқитувчилари ўз билим ва савияларини тинмай ошириб борсалар, мактабда адабиёт фанини ўқитишни кескин яхшиласалар, тез орада бу камчилик ҳам барҳам топиб кетяди.

Бизнингча, «Замон ва ижобий қаҳрамон» сиртқи конференцияни натижалари изсиз кетмайди. Шу билан сиртқи конференцияни ёпиқ деб эълон қиламиз. Лекин...

## Диққат: янги рубрика

«Замон ва ижобий қаҳрамон» сиртки конференциясига келган хатлардан маълум бўлдики, ўқувчиларнинг юрагида ёзувчи ва шоирларга айтадиган гаплари, «дард»лари йиғилиб қолибди. Шуларни ҳисобга олиб Адабий танқид бўлими «Ёзувчи — ўқувчи гурунги» деган янги рубрика очишга қарор қилди. Бу гурунгнинг афзаллиги — унда ҳамма хоҳловчилар иштирок этиши мумкин. Қайси ёзувчи ёки шоир билан суҳбат қуришни журналхонларнинг ўзлари ҳал қиладилар ва ниятларини бизга ёзиб юборадилар. Гурунг юзма-юз ёки сиртдан (хат орқали) амалга оширилади. Мавзу фақат шу ёзувчи-шоир асарлари ё фақат адабиёт ҳақида бўлиши шарт эмас, таъбга қараб, вазиятга қараб танланаверади. Бунинг учун баҳс объектини — айтмоқчи бўлган гапларингизни ўзингиз пухта билмоғингиз лозим. Демак, «Ёзувчи — ўқувчи гурунги»га марҳамат! Таклифларингизни кутамиз.

АДАБИЙ ТАНҚИД БЎЛИМИ

Бола Пақир

# Тугма



ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆ ЭЛПИҒИЧ ◆

Трамвай илкис тормоз берди. Овоз кучайтиргичдан кутилмаган эълон янгради: «Хурматли йўлдошлар! Номълум вақтгача ҳаракат тўхтатилади. Йўл берк — кетмон солидек қозиққа таъқиқловчи белгини қоқиб қунишибди. Кимлардир; йўлчиларми, газчиларми, менимча, ГРЭС ходимлари темирийўлнинг остига аллақандай ҳандақ қазишяпти. Худо хоҳласа, бу йил уйларимиз кўнгилдагидек иситилади шекилли». Йўловчилар сўкина-сўкина трамвайдан туша бошлашди.

Собирали ғичир-ғичир этказиб тишини қайраб қўйди-да, оёгинингми, кўнглинингми чигилини ёзиш учун орқа томондаги майдончага бориб, беш марта ўтириб турди. Олтинчи марта оёқларини елка кенглигида керди, қўлларини параллел чиқиқлар мисоли олдинга чўзди ва: «Бизлар параллел чиқиқлармиз. Параллел чиқиқлар кесишмайди», деган теорема ёдига тушдию қўлларини туфлиснинг юза қисмига нисбатан перпендикуляр ҳолатда сақлашни афзал кўрди. Энгашиб, тиззаларини букмай, бармоқларини туфлиснинг учига теккизди. Бармоқлари туфлиснинг учига теккан маҳали пальтосининг тугмаси чирт этиб узилдию полга тушди. Собирали қаддини ростлади ва ўртадаги тугмаси узилганини ичида қайд этиб қўйди: «Қозиқнинг учи ҳам, боши ҳам бўлма, ўртаси бўл», деган гап бекор экан-ку, — деб ўйлади ва товушининг бориचा: — «Ҳичининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди», деб бақирди. Шу бақирининг акс садоси бўм-бўш трамвай ичидан ҳам аримай туриб... иттифоқ... трамвайнинг орқа эшигидан учта қиз... Бирининг жамоли ойга ўхшаш, иккинчиси ойдек гўзал, учинчиси ойжамол... Хуллас, учта махваш, махпора. Собирали полда ётган ўртанчи тугмасига қўл чўзган кўйи қотиб қолди.

— Моҳи, ануви акам ўзини «старт» майдончасида тургандек ҳис қиляпти, шекилли, — деди Ойжамол — учинчиси.

Моҳи — биринчиси елка қисди.

— Қайдам.

Улар трамвайнинг ўртасига боришиб, бир-бирларининг пинжларига тиқилишиб туриб олишди. Қизларнинг шивир-шивири Собиралига азалдан ёқарди, бу қизлар ҳам ёқиб қолди, албатта.

Собирали жонланди — кўзлари билан кулди. Унинг кўзлари қисилиши билан қизларнинг гулгун чехраси тундлашди. Чамаси, улар, бу йигит ҳазилни тушунмас экан, баджаҳл экан, ғазабини қўзитганга ўхшаймиз, деган хаёлга боришди. Дафъатан, Собирали ҳам ҳушёр торди.

Ички монолог: «Табассумни кўзларимда акс эттириб — кўзларим билан кулиб чатоқ қилибман, жузъий камчиликка йўл қўйибман. Ҳа, мен фақат анчайин камчиликни сезмай қолибман, лекин бу аҳамиятсиз камчиликни тузатсам бўлади, чунки камина хато қилмади; эҳтиётсизлик оқибатида унча катта бўлмаган, ваҳима қилишга арзимайдиган чалкашликка йўл қўйдим, янглишдим; тўғри, янглишиш ҳам қусур ҳисобланади, аммо ким янглишмайди дейсиз, ҳатто ЭҲМ ҳам янглишади».

Собирали оғир ўй-хаёллардан қутулгач, уҳ тортганча қаддини тиклади-да, қизларга қараб жилмайди. Бели тарашадек қотиб қолибди. Майли, бел оғриғининг давоси осон...

Бирдан қизлар руҳланиб кетишди.

— Ака, тугмангизни олиб берайми? — дея илтифот қилди Ойжамол.

— Бир дақиқадаёқ қадаб қўяман, игна-ипим бор, — деди Моҳи, сумкачасини титкилаб.

— Раҳмат, қизларжон! Битта тугма сизлардан айлансин, ростини айтсам, ширин сўзларингизни эшитиш учун ҳамма тугмаларимни узиб отишга ҳам тайёрман!

— Алдаяпсиз! — деди Ойжамол.

— Қасам ичайми?

— Ҳамма тугмаларингизни узиб ташлейсизми?

— Ҳа, керак бўлса — ҳаммасини!

— Моҳи, эшитдингми?

— Эшитдим.

— Фақат, ягона ўтинчим бор, — деди Собирали тўлқинланиб, — анави, ўрталарингдаги қиз ҳам бир оғиз гапирсин!

— Гапир, Иқбол!

— Бўлсанг-чи!

— Овора бўлманглар, барибир у гапирмайди, — деди Собирали ишонч билан. — Иқбол — камгап қиз. Мен камгап қизларни яхши кўраман. Иқбол... — деди у ўзи ҳам танимайдиган бегона — сирли-сеҳрли овозда. — Ҳаёнингиз қиммат турадимиз?

Иқбол индамади.

— Иқбол, айт! — деди Ойжамол.

— Бўлсанг-чи! — дея қистади Моҳи.

Иқболдан садо чиқмади. Собиралининг нафас олиши оғирлашди, лекин сир бой бермади.

— Сиз ойдан-да гўзалсиз, Иқбол, — деди у яна ўша оҳангда.

Шу пайт трамвайнинг олдинги эшигидан... Куёш чиқди. Собиралининг кўзлари қамашди. Қизларнинг туси ўзгарди — ҳасад қилишди, чоғи.

— Мен Сизга бахтдан тахт тиламан, Иқбол! Бошингиз тошдан бўлсин! — деди Собирали ва олдинги қатордаги ўриндиқча сумкачасини кўйиб, ичидан нимадир қидираётган қиз — Куёш томон юрди.

Хайҳот, қизнинг кўзлари жиққа ёш эди!

— Рўмолчангизни йўқотиб қўйдингизми? — деди Собирали кўнгил учун.

— Ассалому алайкум.

Собирали каловланди. Дарвоқе, саломлашишни унутган экан-ку!..

— Ҳеч жаҳонда ўғил бола ўзи яхши кўрадиган қизга рўмолча совға қиладими?! — деди зардаси қайнаб.

Ниҳоят, Куёш сумкачасидан рўмолча олди-да, кўзларини артди.

— Узим тўқиганман, — деди.

— Боя айтдим-ку, «Отелло»нинг сюжети бир оз сунъийроқ, деб. Шекспирдан хатолиқ ўтган: ҳеч қачон ўғил бола, яъни бу ерда генерал Отаулло Дездемонага рўмолча совға қилмайди. Лекин қиз бола севган ёрига рўмолча ҳада этиши мумкин, албатта.

Афтидан, Куёш ҳозир бадий асар хусусида, ҳатто Шекспирнинг машҳур фожияси устида ҳам баҳслашадиган ҳолатда эмасди, ўз ғами ўзига етиб ортарди. Собирали гапни қисқа қилди:

— Сиз эса, офтобдан-да гўзалсиз!

Қиз бирдан яшнаб кетди; Собирали томон бошини хиёл эгиб жилмайди. «Қизлар мақтовни мунча яхши кўришмасан», дея ўйлай-ўйлай Собирали трамвайнинг олдинги эшигидан пастга туша бошлади.

Шунда кимдир:

— Ака, тугмангиз! — деб қақриб қолди.

Трамвайнинг орқа эшигидан тушган учта қиз — бирининг жамоли ойга ўхшаш, иккинчиси ойдек гўзал, учинчиси ойжамол, хуллас, учта маҳваш, учта маҳпора Собиралининг истиқболи сари ёпирилиб келишмоқда эди.

«Тугмам қайси бирида экан?», деб Собирали чаккасини қашлади.

Собиралининг дилдан ўтган гапни қизлар илғашдими, Ойжамол:

— Қани, ўзингиз топинг-чи, тугмангиз қайси биримизда? — деди.

Собирали бир зум ўйланиб қолди. Лекин, шу «бир зум»гина трамвайнинг олдинги ўриндиғида жиққа ҳўл рўмолчаси билан кўзёшларини артаётган кундан-да гўзал қизга кўз қирини ташлаб олиш учун кифоя қилди... У оғир-оғир хўрсиниб, кўзини чирт юмиб, ўртанчи тугмаси Иқболнинг кафтида эканини адашмай айтди.

Собирали бу сафар жузъий камчиликка йўл қўймади...

## ИЛОВА

«Собирали бу сафар жузъий камчиликка йўл қўймади», деган жумладан сўнг Муаллиф ушбу ҳангомага нуқта қўйган эди. Таассуфки, бир оз шошган экан. Тубандаги арзимас баҳона сабаб туфайли яна уч-тўрт варақ илова ёзишни маъқул топди.

У машинкада сариқ қоғозга кўчирилган «Тугма»ни қўлтиқлаган кўйи Бодомзорда нафас ростлаб ўтадиган нақлиётга чиқибди. «Босмаҳона томон кетдик», дейди у. Олой бозори бекатиغا етган маҳали кимдир унинг исмини тугиб йўқлабди: шундоқ елкаси оша қараса, трамвайнинг орқа майдончасида Собирали ишшайиб турганмиш; ёнида учта қиз — бирининг жамоли ойга ўхшаш, иккинчиси ойдек гўзал, учинчиси ойжамол, хуллас, учта маҳваш, учта маҳпора пичир-пичир қилишяётганимиш. Собирали ўзининг муаллифи билан кучоқлашиб кўришибди. Сўнг қизларга уни таништирибди: «Шатранж илмида алифни калтак дея олмасан-да, Каспаровнинг ашаддий мухлиси», дебди. Қизлар яна қиқирлашибди, албатта... Қизиғи шундаки, Собирали негадир қизларни Муаллифга таништир-

мабди. «Жўрттага индамадим, — дейди Муаллиф. — Ташаббус эркакдан бўлиши керак-да, булбулнинг ҳам хўрози сайрайди». Қизлар эса тинмай қиқирлашармиш. Муаллиф хижолат бўлиб, у ёқ-бу ёрига кўз югуртирибди. Шу пайт:

— Ботинкангизнинг боғичи бўшалиб кетибди, — дебди бир қиз.

— Оббо, шунга шунчаликми!.. Пичир-пичир қилманглар, қиқир-қиқир қулманглар, ҳа-а акаси айлансин, кундузларим яшанглар!..

Қисқаси, қақчақлаша-қақчақлаша қанча йўл юрганларини ҳам билмай қолишибди. Хайрият, Муаллиф қайси бекатда тушиши лозимлигини Собирали тусмолдан билар экан.

— Оғайни, дарвозага етинг, шекилли, — дебди у.

Муаллиф уч ҳатлаб трамвайдан тушибди. Оёғи қайрилибди ва оқсоқлана-оқсоқлана босмаҳонага етибди. Аммо, бўсағада ўтирадиган вахтёр кампир шартта унинг йўлини тўсиб:

— Ҳикоянгиз қани? — деб сўрабди.

— Воҳ, трамвайнинг орқа ўриндиғида қолибди-ку!

Муаллиф катта кўчага яшин тезлигида учиб чиқадию:

— Такси! — дея қиқиради.

— Ҳов, брат, навбатга туриг-да! — дейди куни кеча тақа мўйловини таг-туғи билан қирдириб ташлаган бир киши кўзларини олайтириб.

Муаллиф йўловчининг мўйловдан бўшаб, оппоқ оқариб қолган тепа лабига қизиқсиниб кўз ташлайди ва:

— Ака, мўйлов ошни қачон еймиз? — деб сўрайди.

— Балки, кўнгиллари шавла тусаётгандир?!

— Йўғ-э, раҳмат... Ростини айтсам, ошқозон чатоқ — инвалидман.

Ҳадеганда такси келавермайди, такси келса ҳам навбат келмайди. Кечикади. Охири ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтади. Борса, Фарҳод юзлари салқиброқ қолган битта жувон билан «Илҳом» ижодий клубининг курашчан қаҳрамонлик масаласига бағишланган махсус кўрсатувини томоша қилиб ўтирган бўлади.

— Ана, Ҳизрни йўқласак бўлар экан-ку, баҳонада Алининг қиличини тилаб олардик! — деб юборади Фарҳод.

— «БТ» сиз бўласизми? — деб сўрайди жувон.

— «БТ» эмас, Б. П.— Бола Пақир.

— Мен эсам, булғор тамакисимикан, деб ўйлабман. Айбга буюрмайсиз-да!

— Айб ўзимда, имзо чекишинг ҳеч ҳавосини ололмадим...

— Мен сизнинг ҳикоянгизни топиб олдим. Мана.

— Яхшиямки, уй адресимни ёзган эканман. Раҳмат, апа!.. Неччи-пул суюнчи берай?

— Суюнчи керак эмас, эримнинг бели бақувват. Лекин битта мулоҳазам бор эди.

— Ҳўш-ҳўш...

— Ҳикоянгизни ўқидим. Менга ёқди-ю... Шу ёзувчи халқига ҳайронман: овоза бўлиб шунча гапни ўйлаб чиқариб ёзишадиди, бир жойда таққа тўхтаб нуқта қўйишади. Уқиган одам охири нима бўлдийкан деб жони ҳалак қолаверади. Шу, яна бир-икки бет ёзиб қўйсангиз сиздан нима кетади?

— Шу холосми?

— Шу холос. Илтимос, давоминиям ёзинг, ука!

— Ҳўп, ёзганим бўлсин! — дейди Муаллиф ва...

## ДАВОМИ

Собирали кечқурун тоғасига хат ёзди: зудлик билан Тошкентга учиб келишини, янғасига бир тандир жиззали патар ёптириб олишни илтимос қилди. Лекин воқеаларнинг кейинги равнақи Собиралининг иродасига бўйсунмай қўйди; ўртанчи тугма аллақачон узилган — фишт қолипдан кўчган эди-да.

Жума куни Собиралининг тоғаси оталиғидаги бир гуруҳ совчи пойтахтнинг жанубий аэропортига оҳиста қўнишди...

Оқшом чоғи ойдан-да гўзал қиз хонадонининг кўнғироғи жиринглади.

«Иқбол, қара-чи, кўнғироқ бировни чорляпти», деган овоз эшитилди ичкаридан. Дам ўтмай остонада... («Иқболнинг баланд экан, жиян!» дейди тоғаси ярим кечаси ширакайф бўлиб қайтган.)

Собирали бўлса, совчиларнинг қайтишини пойлай-пойлай Юсуфнинг икки кишилик каравотида ўхлаб қолди. Ижарага олинган телевизорни ўчириш ҳам паққоз эсидан чиқиб кетди. Чарчаган экан боёқиш... Совчилар ётоқхонага ярим кечада лапар айтишганча кириб келишди. Телеэкранда «Телевизорни ўчиришни унутманг!» деган ёзув гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай

турарди. Кимдир Собиралининг устига сув сепаб юборди.  
— Суюнчини чўз, куёв! — деди тоғаси кафтларини бир-бирига ишқалаб.

Сапчиб ўрнидан туриб кетган Собирали дафъатан ҳеч балога тушунмади. Уйқуси очилгач, ўзининг каравотига ўтирди-да, ёстиғининг жилдига қўлини тиқиб, хийла пуччайиб қолган ҳамёнини чиқарди ва тоғасига ўн сўм суюнчи пули узатди.

Тўй тезлашиб кетди: чиллаки узум пишган пайтда бир гала ёш-яланг «Акамиз Собирали билан дугонамиз Иқболхонларнинг бахт ва висол оқшомига» тўпланишди — базм бўлди. Дастурхонга спиртли ичимлик тортилмаган бўлса-да, белидан пастини ўйнатадиган раққоса қиз бўйдоқ йигитларни роса бақиртирди...

Кўп ўтмай ойдан-да гўзал келинчак эгизак туғиб, тилларда дoston бўлиб кетди. Ажабланарлиси шундаки, Ҳасан-Ҳусанлар тетапоя бўлган чоғларда эр-хотин ўртасида гап қочди.

— Мени ойдан-да гўзалсан, деб эркалайсиз, холос. Чамамда, кундан-да гўзал дейдиганингиз ҳам борга ўхшайди, — деди Иқбол бир куни тумтайиб.

Собирали ҳеч қачон хотинига ёлғон гапирмаган эди, бу сафар ҳам ростини айтди:

— Сен гумонсираётган кундан-да гўзал жувон — етолмаган армоним менинг.

Ярим ҳазил, ярим чин тарзида айтилган шу гапдан кейин чинакам қиёмат-қойим бошланди.

Собиралининг сўнги сўзи:

— «Эскичасига айтганда, уч талоқ қўйдим! Янгичасига айтсам, энди мен сиз билан яшашни истамайман, хоним!»

Уша кечаси эр-хотин уйнинг икки бурчагига ўтириб олиб ЗАГСга ариза ёзишди. Гаплари бир жойдан чиқсин учун: «Характеримиз тўғри келмади», деб битишди. Шунга қарамай, ЗАГСда уларнинг аризалари қабул қилинмади: «Ўртада иккита бола бор экан, судга мурожаат этинглар, суд ажрим қилсин», дейишди.

Суд аризани қабул қилди.

— Эртага келинглар, — деди кўзойнагини ўйнаб ўтирган судья.

Эртаси куни боришди. Арзчилар олти ойлик муҳлат берилганини тушунишди.

— Таомил шунақа, — деди судья.

Муҳлат тугагач, уч ойлик қисқа муҳлатча берилди.

— Яна ўйлаб кўринглар, — деди кўзойнагини ўйнаб ўтирган судья.

Мушук болалади — уч ой ўтди.

— Уч ойлик муҳлат сизларга камлик қилди, шекилли, — деди судья ва олти ойлик улгуржи муҳлат белгилади.

Жаҳон шахмат тожи учун Карпов — Каспаров ўртасидаги мусобақа қирқ саккиз партиядан сўнг ФИДЕ президентининг қарори билан бекор қилинди — олти ойлик жанги жадаллар натижасиз тугади.

— Бафуржа ўйлаб кўринглар, — деди кўзойнагини ўйнаб ўтирган судья ва уч ойлик қисқа муҳлат белгилади.

Тарғил мушук яна болалади — уч ой ўтди.

— Аттанг, бу уч ойлик муҳлат ҳам бафуржа ўйлаб кўриш учун камлик қилибди-да! — деди судья кўзойнагини ўйнаганча ва яна олти ойлик кўтара муҳлат белгилади.

Олти ойлик кўтара муҳлат поёнига етгач, уч ойлик қисқа муҳлат белгиланди.

Тарғил мушукнинг тўнғич болалари болалади.

Уч ойлик қисқа муҳлат соб бўлгач, олти ойлик муқобил муҳлат белгиланди.

Тарғил мушук «чевара» кўрди.

Судья кўзойнагини ўйнаб ўтирган экан.

— Уч ойдан кейин келинглар, таомил шунақа, — деди у. Уч ойдан сўнг:

— Олти ойдан кейин келинглар, — деди.

Собирали билан Иқбол энди остона ҳатлаб ташқарига чиқишган ҳам эдики, судья уларни чақириб қолди.

— Узларинг ўқимишли ёшларга ўхшайсизлар... Шундоқ бўлгач, бундан кейин мен жағимни оғритиб ўтирмайин-да, ўзларинг билиб гоҳ олти ойдан, гоҳ уч ойдан кейин келаверинглар, хўпми?! — деди.

— Хўп, — дейишди улар жўр овоз бўлишиб.



Рустам Эргашев  
Бойўғлининг миш-мишларига  
жониворларнинг жавоблари

АЙИҚ

Деди: «Асалфуруш барзанги —  
Уни яхши танийсиз.  
Қимматбаҳо нўстинни  
Қардан топган, дейсиз...»

Деди: «Болари омон бўлсин,  
Ҳеч тинмайди азамат...  
Асал керакми сизга,  
Тозаси бор, марҳамат!»

ТУЛКИ

Деди: «Тулкойнинг мўйнаси —  
Жазманларнинг совғаси».

Деди: «Паррандалар ичиди  
Сифатлисидир — товуқ.  
Аввал қиласан шўрва,  
Кейин эса парёстиқ».

ҲОЗ

Деди: «Иссиқ ўлкалар томон  
Тез-тез учиб туради.  
Қайси маблаг эвазига  
Ялло қилиб юради?...»

Деди: «Бу ердан оламан  
Бир халта ул-бул.  
У ёқда бўлади  
Бир кўтарим пул».

БЎРИ

Деди: «Қизил китоб»га кириб  
Тартибли бўлиб қолди  
Ва қўйларининг устидан  
Хўжайин бўлиб олди».

Деди: «Семиз қўйни ушласанг,  
Бошига бир муштласанг,  
Сўнгра ёғу гўшт билан  
Мазза қилиб қишласанг».

## БАҚА

Деди: «Анча зўру овози,  
Лек босмайди тарози».

Деди: «Кеча роса сайрадим,  
Шолипоyani тўлдириб.  
Бир тўп чигирткаларни  
Ким ўзарда қолдириб».

## ИТ

Деди: «Ўзи-ку бир қоровул  
Юришлари баковул».

Деди: «Баъзида ҳуриб туриш —  
Содиқлик белгисидир.  
Келажақда албатта  
Суяклар келгусидир».

## ТОШБАҚА

Деди: «Нимадир бор албатта  
Нимқосанинг тагида».

Деди: «Учиб юрганларни ҳам  
Ерга шарт босиб қўйсанг,  
Елкасига оғирроқ  
Бирор тош осиб қўйсанг!»

## ТЎНГИЗ

Деди: «Эртаю кеч овлоқда,  
Ғимирланар ботқоқда».

Деди: «Ҳайвонлар бунча қолақ,  
Савиясиз маҳлуқлар.  
Бир четда қолиб ботқоқ,  
Ут-ўланни тортқилар.  
Келинг, дўстим, биз ёққа,  
Тўйдираман томоққа».

## ЭШАК

Деди: «Жуда ҳам ишчан хардир,  
Тинмай меҳнат қиладир».

Деди: «Тойга жуда ҳайронман;  
Нега бунча бўзлайди,  
Устига минганларни  
Йиқитмоқни кўзлайди!»

Давоми бор

# ТОМОШАБОФ

## Бальзак адашди

Франция ёзувчиси Оноре Бальзак кишининг дастхатига қараб унинг характери ни билиш мумкин деб ҳисобларди. Бир куни нотаниш аёл унга қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган бир хат бериб, илтимос қилди:

— Жаноб Бальзак, мана бу хатга қараб, ёзган кишининг характери ва келажағини айтиб берсангиз. Бунинг икки ёшли бола ёзган.

— Кечирасиз, сиз шу боланинг онаси эмасмисиз!

— Йўқ, йўқ, нималар деяпсиз, — эътироз билдирди аёл.

— Яхши, — деди Бальзак, — энди мен сизга ҳаммасини очик айта оламан.

Бунинг ёзган бола ялқов, ўзбошимча ва ҳаётда катта муваффақиятларга эриша олмайди.

Аёл кулиб юборди. Бальзак ажабланиб сўради:

— Нега куляпсиз, хоним!

— Нега энди кулмайин, — деди аёл, — ахир сиз бутунлай тескарисини айтяпсиз. Бу хатни ўн икки ёшлигингизда ўзингиз менга ёзган эдингиз-ку.

## Тиниш белгилари кифоя

Бир ёш шоир ўз шеърларини атоқли немис адиби Теодор Фонтанега жўнатар экан, шундай деб ёзди:

— Жаноб Фонтане, мен ўз шеърларимда нуқта ва вергулларни атайлаб ишлатмадим, чунки менимча, улар бутунлай ортиқча. Агар сиз уларни ишлатиш лозим деб топсангиз, марҳамат, хоҳлаган жойга қўйишингиз мумкин.

Фонтане шеърларни авторга қайтариб жўнатар экан, шундай илова қилди:

— Ёш дўстим, илтимос, келгуси сафар редакцияга фақат нуқта ва вергулларни жўнатсангиз. Шеърларни эса ўзимиз бир амаллармиз.

## Дюманинг шажараси

Бир чет эллик киши Александр Дюманинг авлод-аждоди билан қизиқиб қолди.

— Жаноб Дюма, айтинг-чи, сиз чиндан ҳам мулатмисиз!

— Ҳа, бу тўғри, — деди Дюма яширмасдан.

— Отангиз ким бўлган!

— Ким бўларди, мулат бўлган-да.

— Бувангиз-чи! — сўради чет эллик.

— Бувам негр бўлган, — деди ёзувчи.

— Бувангизнинг отаси ким бўлган!

— Маймун бўлган, — деди жаҳли чиқиб Дюма, — ҳа, ҳа, чиндан ҳам маймун бўлган. Менинг шажарам сизнинг шажарангиз тамом бўлган жойдан бошланади.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси

Муқованинг биринчи ва тўртинчи саҳифаларида Е. Березиковнинг «Уч аргумоқ» асари. Учинчи саҳифада А. Дадабоевнинг Алишер Навоий лирикасига ишлаган мини-атюраси.